[1] От инноваций к внедрению. Электронное здравоохранение в Европейском регионе ВОЗ. © Всемирная организация здравоохранения, 2016 г.

А.Р.Инятов – Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети
«Иқтисодиёт» кафедраси доценти,
С.К.Бабаназарова – Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети
Иқтисодиёт мутахассислиги 2-босқич магистри

ИҚТИСОДИЁТГА ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ АҲАМИЯТЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада ҳозирги пайтда тезкорлик билан ривожланаётган рақамли иқтисодиёт соҳаси ва унинг инфратузилмаси тавсифланган бўлиб, унда рақамли иқтисодиётнинг асоси бўлган муаммолар билан боғлиқ масалалар, рақамли иқтисодиётга ўтиш механизми ҳақида бир қанча маълумотлар берилган.

Таянч иборалар: рақамли иқтисодиёт, бошқариш, инновацион, тизим, интернет, ахборот, электрон тармоқлар.

Аннотация: В этой статье описывается цифровой экономики который быстро развивающийся сектор и его инфраструктура, дано некоторое представление о проблемах цифровой экономики, и механизма перехода к цифровой экономике.

Ключевые слова: цифровая экономика, управление, инновации, система, интернет, информация, электронные сети.

Abstract: This article describes the digital economy, which is a rapidly developing sector and its infrastructure, gives some idea of the problems of the digital economy, and the mechanism of transition to the digital economy.

Keywords: digital economy, management, innovation, system, Internet, information, electronic networks.

Ҳозирги даврда рақамли иқтисодиёт ва у билан боғлиқ бўлган бир қанча самарадор технологиялар ҳаётимизга шиддат билан кириб келмоқда. Ҳудди шунинг учун ҳам давлат ва жамият тараққиётини янада жадаллаштириш мақсадида республикамиз раҳбарияти бир қанча муҳим қарорларни қабул қилди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам мамлакатимизда рақамли иқтисоднинг ривожланиши бўйича тўхталиб «Иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида Янгиланишини кўзда тутадиган “Рақамли иқтисодиёт миллий концепцияси”ни ишлаб чиқишимиз керак»-деб таъкидлаб кўрсатган эди.

Ундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349 сонли “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонини ижро этиш борасида, шунингдек, республикамизда рақамли иқтисодиётни давлат бошқарув тизимида замонавий ахборот технологияларни жадал ривожлантириш бўйича шароитлар яратиш, шунигдек, ахборот ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2018 йил 31 августда рақамли иқтисодиётнинг мақсад ва вазифаларини белгилаб берадиган “Ўзбекистон Республикасида рақамли

иқтисодиётни жорий қилиш ва янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарор қабул қилди, ҳамда ЎзР Президентининг 2018 йил 3 августтаги “Ўзбекистон Ресбубликасида рақамли иқтисодни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832 сонли қарорларини ҳам шу тадбирлар жумласига киритиш мумкин.

Ушбу қарор бўйича қуйидагилар рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш бўйича энг муҳим вазифалар деб кўрсатилган:

- инвестиция ва тадбиркорликни диверсификация қилиш учун криптоактивлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни, жумладан, майининг, смарт контракт, консалтинг, эмиссия, айирбошлаш, сақлаш, тақсимлаш, бошқариш, суғурталаш, крауд-фундинг (жамоавий молиялаштириш), шунингдек, блокчейн технологияларни жорий этиш ва ривожлантириш;

- блокчейн технологияларни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш соҳасида амалий иш кўникмаларига эга бўлган малакали кадркарни тайёрлаш;

- рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш учун инновацион ғоялар, технологиялар ва ишланмаларни жорий этиш соҳасида давлат органлари ва тадбиркорлик субъектларининг яқин ҳамкорлигини таъминлаш;

- криптоактивлар бўйича фаолият ва блокчейн технологиялари соҳасида ҳалқаро ва ҳорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш ва ишлаб чиқариш соҳасида фаолият кўрсатадиган юқори малакали ҳорижлик мутаҳассисларни жалб қилиш;

- ҳориж тажрибасини ҳисобга олган ҳолда блокчейн технологияларини жорий этиш учун ҳуқуқий база яратиш .

2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида «Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз» деб таъкидлаб ўтган эди.

Давлатнинг рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлини танлаганлиги ахборот технологиялари соҳасида ва умуман, электрон ҳужжатлар айланмаси соҳасида янги йўналишлар очиб беради. “Рақамли технологиялар” томон бурилишга бутун жаҳон интернет тармоғи ва сифатли алоқанинг ривожланиши сабабчи бўлди.

Фан-техника тараққиёти ва иқтисодий ривожланиш таъсири остида бозор иқтисодиёти қоидаларида, бизнес юритиш қоидаларида, анъанавий иқтисодий қоидалар ва қонуниятларнинг янгича намоён бўлишида жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда. Масалан, электрон тармоқлар, компютерлар ва дастурий маҳсулотлар, рақамли технологиялар, электрон маҳсулот ва ҳизматлар пайдо бўлиши ва ривожланиши янги иқтисодиётда қуйидаги тушунчалар мазмуни, нисбати ва аҳамиятини тубдан ўзгартиради: моддий (буюм ҳолидаги) ва номоддий (буюм ҳолида бўлмаган), жуғрофий масофа, замон ва макон, истеъмол қиймати (фойдалилик) ва қиймат, сифат ва сон, рақобат ва истеъмолчиларнинг афзал кўриши (афзаллик),

воситачилик ва логистика, инсон капитал ва бизнес ахлоқи, битимлар ва самарадорликни баҳолаш, харидорлар ва сотувчилар хулқ-атвори, истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчиларнинг янги муносабатлари, маркетинг технологиялари ва сотув.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш соҳасидаги, шу жумладан, “блокчейн” технологияларини жорий этиш билан боғлиқ лойиҳаларни давлат-хусусий шериклик шартларида амалга ошириш учун инвесторларнинг маблағларини жалб этиш ва бирлаштириш асосий вазифаларидан бири ҳисобланган давлат муассасаси шаклидаги “Рақамли ишонч” рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилган.

Иқтисодий жараёнлар глобаллашуви жаҳон электрон тармоғининг шаклланиши билан боғлиқ иқтисодиётнинг турли соҳалари интеграцияси кучайиши туфайли замонавий иқтисодиётнинг ривожланиши асосий тенденция ва тамойилларига айланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилги 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникация соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5349 сонли Фармони;
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилги 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832 сонли Қарори;
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24-январь, Lex.uz;
4. С.С. Гулямов, Р.Ҳ. Аюпов, О.М. Абдуллаев, Г.Р. Балтабаева. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2019, 447 бет.

М.Х. Ахунова– Фарғона политехника институти “Иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Аннотация: мақолада рақамли иқтисодиётнинг имкониятлари, истиқболлари ва уларни белгиловчи омиллар кўрсатилган. Шунингдек, рақамли иқтисодиётнинг афзалликлари ва уни ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, “блокчейн” технологиялари, электрон тижорат, ахборот-коммуникация технологиялари.

Аннотация: в статье рассматриваются особенности, перспективы и влияющие факторы на цифровую экономику. Изучены вопросы развития цифровой экономики.

Ключевые слова: цифровая экономика, блокчейн технологии, электронная торговля, информационно-коммуникационные технологии.

Abstract: This article analyzes features, prospects influencing on a digital economy

Key words: digital economy, “block-chain” technologies, electronic trade, information technologies.

Мамлакатимизда ҳозирги вақтда деярли ҳар куни улкан янгилик ва ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бу, ўз навбатида тараққиётимиз суръатлари нақадар тезлашиб, уларнинг натижадорлиги ортиб бораётганлигини кўрсатади. Энг муҳими, бундай кенг кўламли ислоҳот ва янгиланишлар аниқ мақсадга – мамлакатимиз ривожини янги босқичга олиб чиқиш, халқимиз фаровонлигини оширишга қаратилгани бежиз эмас.

Замонавий технологиялар бир жойда тўхтаб турмайди. У мунтазам такомиллашгани сайин, табиийки, соҳанинг қонунчилик асослари ҳам мустаҳкамланиб бораверади. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, шунингдек, давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, инвестиция муҳитини яхшилаш, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш мақсадида 2018 йил 3 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Шу билан бирга, 2030 йилга қадар “Рақамли Ўзбекистон” концепциясини ишлаб чиқиш юзасидан ҳам чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

Рақамли иқтисодиёт, бу — алоҳида фаолият тури эмас. Бу, аслида, ишбилармонлик, саноат объектлари, хизматлар деганидир. “Рақамли” атамаси мазкур соҳаларнинг барчаси ахборот технологияларидан фаол фойдаланишни англатади. Агар оддий иқтисодиётда моддий буюмлар асосий ресурс ҳисобланса, рақамли иқтисодиётда бу қайта ишланадиган ҳамда узатиладиган ахборот, маълумотлар бўлади. Уларнинг таҳлилидан сўнг тўғри бошқариш бўйича ечим ишлаб чиқилади. Баъзида у интернет иқтисодиёти, янги иқтисодиёт ёки веб-иқтисодиёт деган терминлар билан ҳам ифодаланади. Аслида, ҳаммамиз аллақачон рақамли иқтисодиёт ичидамиз, унинг қулайликларидан фойдаланамиз. Масалан, ойликларимиз пластик карталарга тушади, электрон тўлов орқали коммунал хизматлар, телефон, интернет ва бошқа маҳсулот ва хизматларга тўлов қиламиз, электрон тарзда солиқ декларацияси топширамиз, картадан картага пул узатамиз, уйга таом буюртма қиламиз ва ҳоказо.

1995 йилда америкалик дастурчи Николас Негропонте “рақамли иқтисодиёт” терминини амалиётга киритди. Ҳозирда бу истилоҳни бутун дунёдаги сиёсатчилар, иқтисодчилар, журналистлар, тадбиркорлар –

деярли барча қўлламоқда. 2016 йилда Бутунжаҳон банки дунёдаги рақамли иқтисодиётнинг аҳволи ҳақида илк марта маъруза эълон қилди.

Рақамли иқтисодиётнинг оддий иқтисодиётдан фарқи шундаки, товар эгасига пулни электрон тўлов тизими орқали тўлаш ва товарни етказиб бериш хизмати орқали олишдир.

“Рақамли иқтисодиёт” атамаси миллий қонунчилигимизда қўлланилиб келинаётганлигига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Бироқ дунё тенденцияси шуни кўрсатаяптики, барча ривожланган давлатлар уни шакллантиришга аллақачон киришган. Ўзбекистон ҳам мазкур жараёндан четда қолмаслиги керак. Зеро, биз глобаллашув, дунё ҳамжамияти билан интеграцияга киришиш ҳақида гапирарканмиз, бу борада ўзгарган (трансформация қилинган, янгиланган) иқтисодиёт равнақи муҳим саналади. Яратилган махсус бошқарма иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарига автоматлаштирилган тизимларни жорий этиш билан шуғулланади. Бу йирик саноат объектлари иш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришда ўсиш, фаолият шаффофлигини таъминлаш, маҳсулот таннархини камайтириш имконини беради. Агар глобал нуқтаи назардан қаралса, бугун башарият жаҳон иқтисодиёти тармоқлари, инсонлар ҳаёти, турмуш асослари ўзгариши билан боғлиқ қизиқ даврни бошдан кечирмоқда. Бу барча технология, компьютерлар интернет орқали бир-бири билан боғланиб бораётгани ила изоҳланади. Маълумотларга қараганда, бугунги кунда қарийб беш миллиард қурилма бутунжаҳон “ўргимчак тўри”га уланган. Яқин беш йил ичида уларнинг сони йигирма миллиардга етиши кутилаётир. Айни пайтда сунъий ақл ва когнитив интеллектуал тизимлар жадал тараққий топаяпти. Бунинг натижасида яқин келажакда айрим касблар ўз долзарблигини йўқотади ҳамда вақти келиб, йўқ бўлиб ҳам кетади. Мисол учун, “IoT” автоматлаштирилган тизими аллақачон синовдан ўтказилаяпти. Пировардида роботлар автомобиль ҳайдовчилари, учувчилар ва ҳатто, ҳуқуқшуносларнинг ҳам ўрнини эгаллаши мумкин.

Келгусида механик ҳамда жисмоний меҳнат ўрнини робототехника эгаллаши кун сайин ойдинлашиб бораяпти. Шунинг учун стратегия ишлаб чиқиш, рақамли кўникмаларни оммавий шакллантиришни таъминлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири саналади. Ёшлар янги касблар, турли технологиялардан фойдаланиш, компьютерлар, интернет, катта миқдордаги рақамли маълумотларга ишлов беришга тайёр туриши керак. Яъни қандайдир жараёнлар автоматлаштирилар экан, одамларни бошқа, янада долзарб интеллектуал касбларга йўналтириш лозим.

Рақамли иқтисодиёт – бу янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари яратиш ва уларни кундалик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга кўчириш бўлиб, қуйидаги қулайликларга эга:

- тўловлар учун харажатлар камаяди (масалан, банкка бориш учун йўлкира ва бошқа ресурслар тежалади).

- товарлар ва хизматлар ҳақида кўпроқ ва тезроқ маълумот олинади.

- рақамли дунёдаги товар ва хизматларнинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятлари катта.

- истеъмолчи фикрини тез олиш ҳисобига товар ва хизматлар жадал такомиллаштирилади.

- тезроқ, сифатлироқ, қулайроқ.

Рақамли иқтисодиёт инсонларнинг турмуш даражасини сезиларли даражада оширади, бу унинг асосий фойдасидир.

Рақамли иқтисодиёт коррупция ва "қора иқтисодиёт"нинг асосий кушандасидир. Чунки, рақамлар ҳамма нарсани муҳрлайди, хотирада сақлайди, керак пайтда маълумотларни тез тақдим этади. Бундай шароитда бирон маълумотни яшириш, яширин битимлар тузиш, у ёки бу фаолият ҳақида тўлиқ ахборот бермасликнинг иложи йўқ, компьютер ҳаммасини намоён қилиб қўяди. Маълумотлар кўплиги ва тизимлилиги ёлғон ва қинғир ишларга йўл бермайди, чунки тизимни алдаш имконсиз. Натижада "ифлос пулларни" ювиш, маблағларни ўғирлаш, самарасиз ва мақсадсиз сарфлаш, ошириб ё яшириб кўрсатиш имкони қолмайди. Бу эса иқтисодиётга легал маблағлар оқимини оширади, солиқлар ўз вақтида ва тўғри тўланади, бюджет тақсимоти очиқ бўлади, ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағлар ўғирланмайди.

Давлатнинг рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлини танлаганлиги ахборот технологиялари соҳасида ва умуман, электрон ҳужжатлар айланмаси соҳасида янги йўналишлар очиб беради. "Рақамли технологиялар" томон бурилишга бутун жаҳон интернет тармоғи ва сифатли алоқанинг ривожланиши сабабчи бўлди. Зеро, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига қилган Мурожаатномасида "2020 йил – Илм- маърифат ва рақамли иқтисодиёт йили" деб эълон қилинганлиги эътироф этилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон шароитида рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг қонуниятлари, тенденциялари ва имкониятларини, хусусан, ахборот технологияларининг иқтисодиётнинг турли соҳаларига кириб бориш даражаларини ўрганиш ва илмий жиҳатдан асослаб бериш ниҳоятда долзарб аҳамият касб этади. Шундай экан, рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари сифатида қуйидаги вазифаларни эътироф этишимиз мумкин:

– инвестицион ва тадбиркорлик фаолиятининг турли шаклларини диверсификация қилиш учун криптоактивлар айланмаси соҳасида янги блоклар яратиш

- блокчейн" технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш;

- рақамли транзакцияларни автоматик тартибда амалга ошириш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар битилган электрон шартномалар тузиш

- жамоавий молиялаштириш

- криптовалюталар ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш

- бу борада ҳуқуқий базани яратиш

Хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда рақамли иқтисодиётни жорий қилиш ва такомиллаштириш масалалари ҳар бир ривожланиб бораётган давлатнинг устувор ва муҳим вазифасига айланиб бормоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бекмуродов Т.Ф. Исследования по компьютерной технике и информатике в Узбекистане: история и перспективы.|Сб. научных трудов НПО “Кибернетика” АН Руз - Ташкент,2004.-с.78-84
2. С.С. Гулямов, Р.Ҳ. Аюпов, О.М. Абдуллаев, Г.Р. Балтабаева. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2019 й.
3. Э.А.Муминова. Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда “блокчейн” технологияларининг ўрни ва аҳамияти. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2019 йил
4. Э.А.Муминова. Корпоратив молиявий режалаштиришни ташкил этишда блокчейн технологияси. Монография
5. https://my.gov.uz/uz/service/301

Sh.K.Yuldashev – SamDU dotsenti, i.f.n.
D.R.Hayitov – SamDU magistranti

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAKLLANISH SHAROYITIDA INNOVATSION RIVOJLANISH MUAMMOLARI

Annotatsiya: mamlakatni halqaro maydondagi raqobatbardoshligi va xalq farovonligini oshirishda innovatsion va raqamli iqtisodiyot asosiy omillardan biriga aylanib bormoqda. Dunyo iqtisodiyotining globalashuvi va zamonaviy texnologiyalarni rivojlanishi sharoitida O‘zbekiston iqtisodiyotini rivojlanishi raqamli iqtisodiyotning tez o‘sishsiz tasavvur qilib bo‘lmaydi. Bunga erishish uchun zamonaviy aloqa vositalaridan, internet aloqa, mobil internet aloqa imkoniyatlaridan barcha tarmoqlarda keng foydalanish, iqtisodiyotni tez suratlarda chuqur modernizatsiya qilish uchun imkon yaratadi. Ammo har qanday yuksak darajada rivojlangan texnologiyani ham boshqarish uchun,uning imkoniyatlaridan to‘la foydalana oladigan mutaxasislar zarur bo‘ladi.

Kalit so‘zlar: innovatsiya, innovatsion iqtisodiyot, raqmli iqtisodiyot, raqamli texnologiyalar, axborot texnologiyalar, aloqa vositalari, internet aloqa.

Аннотация. Инновационная и цифровая экономика становятся одним из ключевых факторов повышения конкурентоспособности и благосостояния страны на международной арене. Экономическое развитие Узбекистана в условиях глобализации мировой экономики и технологического развития сложно представить без стремительного роста цифровой экономики. Для достижения этого, необходимо широкое использование во всех отраслях современных средств связи, интернет и мобильной интернет связи, что создаёт условия для углубленной модернизации экономики высокими темпами. Однако,

для управления различными высокоразвитыми технологиями, для полного использования их возможностей, необходимы квалифицированные специалисты.

Ключевые слова: инновации, инновационная экономика, цифровая экономика, цифровые технологии, информационные технологии, средства коммуникаций, интернет связь.

Abstract: An innovative and digital economy is becoming one of the key factors in improving the country's competitiveness and well-being in the international arena. The economic development of Uzbekistan in the context of globalization of the world economy and technological development is difficult to imagine without the rapid growth of the digital economy. To achieve this, widespread use in all sectors of modern means of communication, the Internet and mobile Internet communications is necessary, which creates the conditions for in-depth modernization of the economy at a fast pace. However, to manage various highly developed technologies, to fully utilize their capabilities, qualified specialists are needed.

Keywords: innovation, innovative economy, digital economy, digital technology, information technology, communications, Internet connection.

Kirish

Atoqli shved iqtisodchisi, Nobel mukofoti sohibi Gunnar Myurdal o‘zining 1968 yil chop etilgan «Osiyo fojeasi» kitobida rivojlanayotgan mamlakatlat iqtisodiyotini chuqur tahlil qilgan.Uning ko‘rsatib berishicha, kam rivojlangan mamlakatlar iqtisodiy o‘sish qiyinchiliklari, ko‘pchilik Garb mutaxasislari aytganlaridek , kapital etishmasligida emas, yuqori malakali mutaxasislar etishmasligi deb ko‘rsatib o‘tadi.

Iqtisodiy munosabatlarning rivojlanishlanish, tovarlar ishlab chiqarish va xizmatlar ko‘satish sohasida zamonaviy axborot texnologiyalari rolining oshib borishi, butun dunyoda davlatlar va ishlab chiqaruvchilar o‘rtasida raqobatning rivojlanishiga olib keldi. Innovatsoin va raqamli iqtisodiyotning shakllanishi iqtisodiy rivojlangan davlatlarda ustivor yo‘nalishga aylanib bormoqda.

Ko‘pchilik rivojlangan davlatlarda raqamli iqtisodiyot va jamiyat milliy strategik dasturi qabul qilingan.Masalan Germaniyani raqamli rivojlantirish strategiyasi(Digital Strategy 2025) va boshqa Evropa Ittifoqi davlatlari(Digital Agenda for Europe).

Innovatsiya hayotga tadbiq etilgan va tijoratda qimmatga ega bo‘lgan g‘oya bo‘lib,u yangi talablarni yarata oladi,mavjud talablarni samaraliroq ravishda qondiradi va sarf-xarajatlar hamda amaliyotga tadbiqi natijalarining optimal nisbatida iqtisodiy,informatsion,ekologik,ijtimoiy yoki boshqacha turda samara keltiradi. Innovatsion iqtisodiyotni jadal rivojlantirish uchun O‘zbekiston Respulikasi Prezidentining 2017-yil 29 noyabrdagi “O‘zbekiston Respulikasi Innovatsion rivojlanish vazirligini tashkil etish” to‘g‘risidagi qarori qabul qilingan, hamda 2018-yil 13 dekabr «O‘zbekiston Respublikasi davlat boshqaruviga raqamli iqtisodiyot, electron hukumat hamda axborot tizimlarini joriy etish bo‘yicha qo‘shimcha chora – tadbirlar to‘g‘risida»gi farmoni qabul qilingan.

Asosiy qism. Innovatsion va raqamli iqtisodiyot mamlakatning rivojlanganligini,raqobatbardoshligi va axoli hayoti farovonligini ko‘rsatuvchi

asosiy omilga aylanib bormoqda. Albatta tabiy boyliklar,geografik joylashuv, tabiy iqlim sharoitlar va boshqa omillar ham jahon bozoridagi raqobatbardoshlikda ustunlik beradi.Innovatsion va raqamli iqtisodiyot sharoyitida kim birinchi bo‘lib ilmiy bilimga asoslangan innovatsiya va axborot – telekommunikatsiya yangiliklarini hayotga tadbiq etsa o‘sha mamlakat rabobatbardoshlikda jahon bozorida o‘z pozitsiyasini yaxshilab oladi. O‘zbekiston Respulikasida ham innovatsion va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish borasida davlatimiz tomonidan bir qator ishlar amalga oshirilmoqda.

O‘zbekistonda innovatsion va raqamli iqtisodiyotni shakllantirish muammolari quidagilardan iborat.Raqamli iqtisodiyotni va elektron hukumatni shakllanganligi mamlakatni rivojlanganligining asosiy ko‘rsatkichlaridan biri hisoblanadi.Bunga erishish uchun zamonaviy aloqa vositalaridan,internet aloqa, mobil internet aloqa imkoniyatlaridan barcha tarmoqlarda keng foydalanish muhum xisoblanadi. Ammo har qanday yuksak darajada rivojlangan texnologiyani ham boshqarish uchun,uning imkoniyatlaridan to‘la foydalana oladigan mutaxasislar zarur bo‘ladi.

Mamlakatimizda Kadrlar muamosini hal qilish uchun innovatsion va raqamli iqrisodiyot mutaxasisligi bo‘yich oliy o‘quv yurtlarida mutaxasislar tayyorlash yo‘lga qo‘yilmoqda.Universitetlarda innovatsion va raqamli iqtisodiyot fanlari darslik sifatida kiritilmoqda,darsliklar chop etilmoqda. Shu bilan birga chet eldagi etakchi mutaxasislar va ilmiy texnik tashkilotlar bilan hamkorlikni yo‘lga qo‘yish kerak.Barcha sohalarda hodimlarga chet tilarini va axborot kommunikatsiya texnologiyalaridan samarali foydalana olishni o‘rgatishimiz kerak.Bu borada qator ijobiy ishlar amalga oshirilmoqda,jumladan Samarqand Davlat Universitetida 2019-2020 o‘quv yili uchin magistratura yo‘nalishida «raqamli iqtisodiyot» mutaxasisligi bo‘yicha talabalar qabul qilish yulga qo‘yildi.

Ammo bu respublikadagi barcha aholi qatlamini innovatsion va raqamli iqtisodiyot to‘g‘risidagi bilim va ko‘nikmalairini shakllantirishda yetarli emas, buning uchun biznis treninglar va onlayn darslar shaklida qisqa muddatli kurslar tashkil etilishi muhim hisoblanadi.Ayniqsa ish bilan band aholi qatlami, ishlab chiqarishdan ajralmagan holda bilim olish imkoniyatiga ega bo‘lishardi.

Yana bir muhim muammo raqamli iqtisodiyot va electron hukumat xizmatlarining barcha imkoniyatlaridan to‘la foydalana olish uchun aholi barcha qatlamlari , yurtimizga tashrif buyurayotgan turistlar , yuridik shaxslar, jismoniy shaxslar, umuman jamiyatning barcha a’zolari sifatli va arzon internet aloqa, mobil internet aloqa xizmatlaridan foydalana olish imkoniga ega bo‘lishlari kerak.Respublikaning tog‘li, cho‘l va markazdan uzoq hududlarida ayniqsa mobil internet aloqa xizmatidan foydalanish ayniqsa ko‘p imkoniyatlar eshigini ochadi.Ma’lumotni izlash, uzatish va qabul qilishda internet aloqa tezligi muhum axamiyatga ega hisoblanadi. Ayniqsa internet savdolar yoki birja savdolari , video konferens aloqa va onlayn muloqatlar vaqtida bu ko‘rsatkich muhim ahamiyatga ega. Chunki zamonaviy jamiyatda kim birinchi

innovatsion yangiliklarni amaliyotga joriy etsa,axborot- kommunikatsiya texnologiyalari va ishlab chiqarish texnikalari modernizasiyasini amalga oshirsa,ustunlik u tomonida boʻladi.

Xulosa

Mamlakatimizni jahon bozoridagi raqobatbardoshligini oshirishda va aholi farovonligini taʻminlashda innovatsion va raqamli iqtisodiyot,zamonaviy axborot texnologiyalar juda koʻplab imkoniyat eshiklarini ochadi,ayniqsa aloqa xizmatlaridan samarali foydalanish koʻplab muammolarni echimi boʻlishi mumkin. Birinchi oʻrinda yuksak darajada rivojlangan texnologilarni toʻliq boshqaradigan yuqori malakali mutaxassislar zarur boʻladi. Innovatsiya va raqamli iqtisodiyotning milliy daromaddagi ulushini oshirish,mamlakatimizni halqaro reytinlarda raqobatbardoshligini oshiradi,eng asosiysi aholimiz turmush tarzi va farovonligi oshadi.

Foydalanilgan adabiyotlar roʻyhati.

1.Oʻzbekiston Respulikasi Prezidenti Sh.Mirziyoevning «Oʻzbekiston Respulikasida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish chora tadbirlari toʻgʻrisida » PQ – 3832- son 03.07.2018 qarori.

2.Oʻzbekiston Respulikasi Prezidenti Sh.Mirziyoevning «Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish maqsadida raqamli infratuzilmani yanada modernisatsiya qilish chora tadbirlari toʻgʻrisida » PQ – 4022- son 21.11.2018 qarori.

3. Oʻzbekiston Respulikasi Prezidenti Sh.Mirziyoevning 2017-yil 29 noyabrdagi “Oʻzbekiston Respulikasi Innovatsion rivojlanish vazirligini tashkil etish toʻgʻrisida”gi PF-5264-son qarori.

4. Oʻzbekiston Respulikasi Prezidenti Sh.Mirziyoevning « Oʻzbekiston Respulikasi davlat boshqaruviga raqamli iqtisodiyot, elektron hukumat hamda axborot tizimlarini joriy etish boʻyicha qoʻshimcha chora tadbirlar toʻgʻrisida » farmoni.

5.Oliy Iqtisodiyot Maktabi – Milliy tadqiqot Universiteti
Dokladi, Jahon banki ishtirokida –Moskva -2019 yil 9-12 aprel.

6. « Iqtisodiy ta’limotlar tarixi » Asatullayev X, Djumonov D, Allaberganova Z, Xusanova D. Toshkent -2014.

7.Ayupov.R.X, Boltaboeva.G.R « Oʻzbekistonda innovatsion iqtisodiyotni shakllantirish muammolari» Toshkent-2013

8.https://lex.uz

Г.Т.Самиева – д.ф.э.н. (PhD), и.о.доцент кафедры социально-экономических и гуманитарных дисциплин Высшего военного авиационного училища Республики Узбекистан

ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ПРОДУКЦИИ В ДЕХКАНСКИХ ХОЗЯЙСТВАХ И ЛИЧНЫХ ПОДСОБНЫХ ХОЗЯЙСТВ АКТУАЛЬНОЕ РЕШЕНИЕ В УСЛОВИЯХ ИННОВАЦИОННОЙ ЭКОНОМИКИ

Аннотация: В данной статье рассматривается один из важных вопросов – развитие дехканских хозяйств в аграрном секторе, с помощью диверсификации в продовольственной сфере, как на сегодняшний день считается инновационным решением.

Ключевые слова: дехканские хозяйства и землевладельцы, диверсификация, зарубежный эксперимент, развитие аграрного сектора, инновационное решение.

Аннотация: Ушбу мақолада муҳим масалалардан бири бўлган - аграр секторда деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқаришни диверсификациялаш орқали ривожлантириш бугунги куннинг инновацион ечими сифатида баён этилган.

Калит сўзлар: деҳқон хўжаликлари ва ер эгалари, диверсификация, хориж тажрибаси, аграр сектор ривожи, инновацион ечим.

Annotation: This article discusses one of the important issues – the development of dekhkan farms in the agricultural sector, by diversification the product, which today is considered an innovative solution.

Keywords: dekhkan farms and landowners, diversification, foreign experiment, agricultural development, innovative solution.

Резкие изменения глобального климата, рост числа населения и повышение спроса на сельскохозяйственную продукцию привели к необходимости последовательных реформ в продовольственной области. В результате потепления климата и загрязнения окружающей среды Всемирная организация здравоохранения (ВОЗ) заявила, что необходимо увеличить потребление фруктов и овощей ежедневно до 400-500 грамм, но, к сожалению, этот стандарт составляет около 150-200 грамм во всем мире. Согласно рекомендации ммеждународных диетологов, по крайней мере 50 % человеческой пищи должны составлять фрукты и овощи[1].

Одним из важных вопросов является разработка продовольственных стратегий, направленных на увеличение мировых масштабов производства и защиту потребительского рынка. Так как, «…на сегодня в мире насчитывается более 840 миллионов человек, один из каждых девяти, и не более 30 процентов населения планеты страдают от проблемы недоедания[2]». Таким образом, проблема продовольственной безопасности обостряется из-за ослабления разрыва между возможностями сельскохозяйственного производства для удовлетворения стандартов здоровья человека на душу населения.

В связи с высокой долей дехканских хозяйств в поддержании стабильности поставок продовольствия в нашей стране проводятся масштабные реформы для развития этих предприятий. Однако «существует ряд проблем и недостатков в надежной защите прав и законных интересов дехканских хозяйств и землевладельцев, внедрении рыночных механизмов в систему, устойчивом развитии сельскохозяйственного производства и эффективном использовании земли...»[3]. Поэтому приоритет был отдан «углублению структурных

[1] Саидова Д.Н., Рустамова И.Б., Турсунов Ш.А. Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. – Т.: «ЎзР Фанлар академияси Асосий кутубхонаси» нашриёти, 2016 й., 257 б., 89-б.

[2] www.fao.org

[3] Указ Президента Республики Узбекистан от 9 октября 2017 года №5199 «О мерах по коренному совершенствованию системы эффективного использования сельскохозяйственных посевных площадей,

реформ и последовательному развитию сельскохозяйственного производства, дальнейшему укреплению продовольственной безопасности страны, расширению производства экологически чистых продуктов, значительному увеличению экспортного потенциала аграрного сектора»[14]. Реализация этих задач свидетельствует о необходимости развития сельскохозяйственного производства в дехканских хозяйствах.

Исходя из точки зрения, что дехканские хозяйства являются частью домашнего хозяйства и на их основе существует категория семья, по нашему мнению целесообразно изложить следующее определение: «Дехканское хозяйство является семейным хозяйством, специализирующимся на производстве сельскохозяйственной продукции, благодаря которому обеспечивается совместная работа членов семьи и удовлетворяется спрос населения на сельскохозяйственную продукцию».

В настоящее время многие проблемы по перспективному развитию дехканских хозяйств, ждут своего решения. Одним из таких решений является диверсификация производства дехканских хозяйств. «Диверсификация» (лат, «diversificatio» – изменение, типология) – это расширение ассортимента выпускаемой продукции для достижения экономической эффективности и предотвращения банкротства в соответствии с рыночным спросом[5]. Термин диверсификация в зарубежной экономической литературе появилась в 50-60-х годах XX века. Впервые М.Горт[6], профессор Принстонского университета, изучал разнообразие в американской промышленности и проблемы, с которыми столкнулись.

По нашему мнению целесообразно изложить определение следующим образом: «Диверсификация продукции – это тактика развития рынка в перспективе, она является инновационным способом предоставления продукции потребителям. Поэтому служит для предоставления широкого спектра товаров и услуг для рынка». А также, мы изучили зарубежные эксперименты по развитию дехканских хозяйств и считаем, что целесообразно внедрить следующие передовые практики в экономику республики:

- обеспечить высокие закупочные цены на некоторые низкодоходные сельскохозяйственные продукты, производимые дехканскими хозяйствами, для поддержки внутреннего рынка (опыт Германии, Израиля, США);

- экономические стимулы для фермеров, которые эффективно используют сельскохозяйственные земли, улучшают свой мелиоративный статус и используют альтернативные источники энергии (Германия, США, Израиль);

защите прав и законных интересов землевладельцев приусадебных участков и фермерских, дехканских хозяйств».

[1] Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947«О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

[5] http://ru.m.wikipedia.org

[6] Gort M. Diversification and integration in American industry. Prinston, Prinston University Press, 1962.

- сохранение сельскохозяйственных традиций, основанных на сельскохозяйственной специализации страны (опыт Германии, Израиля);

- улучшение отношений сотрудничества, основанных на принципах коллективного сотрудничества и позволяющих дехканским хозяйствам выступать в качестве членов нескольких ассоциаций и кооперативов (опыт Германии и Израиля);

Использованная литература:

1.Саидова Д.Н., Рустамова И.Б., Турсунов Ш.А. Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. – Т.: «ЎзР Фанлар академияси Асосий кутубхонаси» нашриёти, 2016 й., 257 б., 89-б.

2. www.fao.org

3. Указ Президента Республики Узбекистан от 9 октября 2017 года №5199 «О мерах по коренному совершенствованию системы эффективного использования сельскохозяйственных посевных площадей, защите прав и законных интересов землевладельцев приусадебных участков и фермерских, дехканских хозяйств».

4. Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947«О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

5. http://ru.m.wikipedia.org.

6. Gort M. Diversification and integration in American industry. Prinston, Prinston University Press, 1962.

Ю.П.Урунбаева – СамИСИ и.ф.ф.д. (PhD)

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЗАМОН ТАЛАБИ

Аннотация: ҳозирги кунда юртимизда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун кўплаб ишлар олиб борилмоқда.Ушбу мақола оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун берилган кенг имкониятлар ва бу берилган имкониятлардан унумли фойдаланиш тўғрисида**.**

Калит сўзлар: иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, турмуш даражаси, саноат, ишлаб чиқариш**.**

Аннотация: в настоящее время в нашей стране проводится большая работа по развитию семейного бизнесаюДанная стстья о более широких возможностях для развития семейного бизнеса и о том как максимально исползовать ваши возможности.

Ключевие слова: экономика, сельское хозяйство, уровень жизни ,промышленность, производство.

Abstract: currently,a lot of work is being done in our country to develop family business.This article is about opportunities for family business development and how to make the most of it.

Key words: economy,agriculture,living standart,industry,production.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида оилавий тадбиркорлик иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларига кенг кириб бормоқда. Уларнинг улуши қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва чакана савдода асосий ўринларни эгалламоқда. Саноат ишлаб чиқаришида эса бошқа тармоқлардагига нисбатан пастроқ. Чунки соноатда асосий ишлаб чиқарувчилар йирик бизнес субъектларидир, уларнинг салмоқли қисми давлат буюртмаси асосида фаолият олиб боради. Йирик ишлаб чиқарувчилар оғир соноатда, яъни ёқилғи-энергетика, металлургия, машинасозлик ва бошқа соҳаларда мужассамланган. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳозирги босқичи учун оилавий тадбиркорликнинг устуворлиги турмушнинг ўзи томонидан тақозо этилмоқда ва тубдан халкнинг ўзоқ муддатли манфаатларига мос келади. Ўзбекистан Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш керак эканлигини алоҳида таъкидлаган: “Ўзбекистон учун ўзи танлаб олган йўл ижтимоий соҳага йўналтирилган, Республиканинг манфаатларига, шарт-шароитлари ва хусусиятларига энг кўп даражада мос келадиган бозор иқтисодиётини шакллантиришга каратилгандир”. Амалда бу Республикада ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётни яратишдаги катта ва машаққатли жараённинг бошланиши эди.

Бугун ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти - барча давлат идоралари ва таркиблари ҳамда аҳоли ўртасидаги янги муносабатларнинг фаол шаклланиб бораётган, амалда қўлланилаётган тизимидир. Чунки ижтимоий йўналтирилган бозор ғоясини амалда тадбиқ этиш биринчи галда ушбу муаммони ечишнинг методологик ва назарий асосларини яратишни, шунингдек, аниқ, равон, илмий жиҳатдан асосланган йўлларини белгилаб олишни тақозо этади.

Ижтимоий соҳага йўналтирилган бозор муносабатларини шакллантириш иқтисодиётда туб таркибий ўзгаришлар, айрим тармоқ ва соҳаларнинг жадал суръатлар билан ривожланиши, демак, уларнинг ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришда ва умуман, мамлакат ижтимоий - иқтисодий ҳаётида ролининг тобора ошиб бориши, айни пайтда, бошқа бир тармоқ ва соҳаларнинг эса, аксинча, жамият ҳаётидаги мавқеининг пасайиб бориши билан тавсифланади.

Тадбиркорлик субъектларини ягона солиқ тўлови кўринишидаги соддалаштирилган солиққа тортиш тизими жорий этилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантирадиган қўшимча омил бўлди, ушбу солиқнинг жами ставкаси ялпи тушумнинг 2005 йилдаги 15,2 фоиздан 2018 йилда 7 фоизга туширилди бу эса ўз навбатида аҳоли бандлигига ижобий таъсир этади.

Методологик нуқтаи назардан оилавий тадбиркорликнинг иккита муҳим томони мавжуд. Биринчидан, аҳолини ҳар томонлама ва самарали ижтимоий химоялаш, унинг тўқ ва фаровон турмуш кечириши учун барча шарт - шароитларни яратиб беради. Бу жиҳатдан оилавий тадбиркорлик

ижтимоий соҳага йўналтирилган, жамиятдаги кишиларнинг кундалик ҳаётидаги серқирра социал жумбоқларни ечишга мойил бўлади. Иккинчидан, оилавий тадбиркорлик иқтисодиётнинг бош масалаларига, яъни қанча маҳсулот, қандай қилиб ва ким учун ишлаб чиқариш лозимлиги тўғрисидаги саволларга тўлароқ ва аниқроқ жавоб бера олади ва шу асосда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни интенсив йўл билан амалга оширилишини таъминлайди. Бу жиҳатдан оилавий тадбиркорлик ҳозирга қадар бизга маълум барча иқтисодий тизимлардан фарқли улароқ мамлакатда ишлаб чиқариладиган ялпи ички маҳсулот ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларни, умуман, иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришга сафарбар этилган нодир ва чекланган ресурсларнинг ҳар бир улчамига кўпроқ ва айни пайтда, сифатлироқ маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси фикримизнинг ёркин далилидир. Бу мамлакатларда оилавий тадбиркорлик иқтисодиётнинг асосини ташкил этиб, бутун иқтисодиётнинг муваффақиятли ривожланишига (ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш, иш жойлари яратиб, меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш, бандлик даражасини ошириш, уларнинг реал даромадларини кўпайтириш ва турмуш фаровонлигини яхшилашда микромолиялаш, бошқа бир қатор ижтимоий ва иқтисодий масалаларни ҳал қилиш) бевосита таъсир кўрсатмоқда.

Энг қизиғи шундаки, кучли, бақувват, иродали, уддабурон, ишни кўзини биладиган, тадбиркор кишиларга ишлаб чиқариш соҳасидаги кенг имкониятлар, уларнинг иқтисодиётда фаол иштирок этиши учун яратилган шарт-шароит ва қўлайликлар эвазига эришилган иқтисодий ўсиш, ишлаб чиқаришдан олинган самаранинг талайгина қисми аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш, кишиларнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш, жамиятнинг ночор ва мухтож қатламларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш учун сарфланади. Модомики шундай экан, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида бозор имкониятларидан аҳолининг фақатгина ишга яроқли ёки иқтисодиётда фаол иштирок этаётган қатламлари эмас, унинг қолган гуруҳлари ҳам манфаатдор. Оилавий тадбиркорликнинг мукаммаллиги, унинг барча ижтимоий иқтисодий формациялардан устунлиги ҳам айнан ана шунда.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг туб мақсад вазифаларини иқтисодий - ўсиш суръатларини жадаллаштиришни таъминламасдан эришиб бўлмайди. Иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштириш, ноёб ва нодир, чекланган ресурслардан унумли фойдаланиш, тежамкорлик бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётнинг туб моҳиятидан келиб чиқади ва унда амал қиладиган бозор механизмлари билан таъминланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мухаммедов М. ва бошқалар “Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари”- С.: Зарафшон 2017.-299 б.

2.Мухаммедов М.М., Ю.П.Урунбаева Аҳоли турмуш даражасини шакллантириш омиллари ва ошириш истиқболлари. Рисола. «Зарафшан», 2010.-131 б.
3. Урунбаева Ю. П. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва аҳоли турмуш даражаси: ўзаро боғлиқлиги ва ривожланиш истиқболлари. Монография.Тошкент.: «ФАН», 2013.- 156 б
4. Урунбаева Ю.П. Пути повышения уровня жизни населения //«Вестник Регионального развития» научный журнал. – Караганда: 2017. – № 2(16).- С. 97-100.

Ф.А. Ишонкулова – старший преподаватель СамИЭС

ПРОБЛЕМЫ ПОТРЕБЛЕНИЯ УСЛУГ В УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация: в этой статье исследованы проблемы потребления услуг, сервисной деятельности и его объективные тенденции.

Ключевые слова: экономика, сервис, особенность, покупатель, сервисная деятельность.

Аннотация: Ушбу мақолада хизмат истеъмолининг муаммолари, сервис фаолияти ва унинг обьектив ўзгаришлари устида тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: иқтисодиёт, хизмат кўрсатиш, муҳим жиҳатлари, харидор, хизмат кўрсатиш фаолияти.

Annotation: The problems of service consumption , the service activity and its objective trends were investigated in this article.

Key Words: economy, service, feature, customer, service activity. .

Развитие в Узбекистане потребления услуг в странах с высокоразвитой промышленностью является одним из самых значительных явлений экономической жизни второй половины XX - начала XXI веков. Сфера услуг занимает доминирующее положение в экономике развитых и развивающихся стран, включая страны с экономикой переходного типа, подобно Узбекистану. В наших городах появились крупные торговые, гостиничные, развлекательные и другие центры, которые аккумулируют нечто большее, чем сумма товаров. Проявляется это в том, что все они представляют собой отдельные автономные и даже в некотором роде самостоятельные центры единой системы обслуживания.

Цель существования такой системы - удовлетворение спроса человека посредством услуг, форма ее должна меняться в соответствии с диверсификацией спроса, с особенностями рынка, конкуренции и т. д. Это требования самой жизни, которые предприятия сервисной деятельности не могут не учитывать. Меняется сервисная деятельность и обновляется спектр сервисных услуг.

Современный сервис переживает определенные проблемы. Прежде всего следует отметить такое явление, как

псевдокультурализация торговли и вместе с ней товаров и услуг. «Помогает» этому реклама, с помощью которой товары и услуги превращаются в почти лишенную целесообразности субстанцию. Покупатель должен не просто купить, а приобщиться к части гигантского целого. К сожалению, рядом с шикарной витриной мы можем увидеть разбитый тротуар и кучу бытового мусора, но этот феномен называется мозаикой социальных пространств. Если шикарные витрины соотнести с цивилизацией общества, а кучу мусора рядом - с антицивилизацией, то в целом можно говорить о наступлении эпохи постмодернизма.

Сегодня представление о рациональном выборе не работает. Скорее, нужно говорить о том, как человек поддается соблазну. Ключевой деятельностью нового, но уже "неэкономического" человека становится потребление.

В этой связи можно говорить о сервисной деятельности и сервисе в целом как явлении эпохи потребления. Человек потребляющий обязан испытывать удовольствие и сам становится предприятием по получению удовольствия, хочет быть молодым, соблазнительным, комплиментарным, находящимся в состоянии эйфории. У отдельного человека множатся связи, а общество готовит человеку обширную "ловушку", расставляя сети сервисных услуг. Таким образом, человека провоцируют, эксплуатируют всевозможные его удовольствия. В результате такого рода сервисной деятельности стандартная потребительская корзина больше не котируется, а сам человек все глубже внедряется в систему постсовременного сервиса, который представляет собой набор потребительских практик.

Система сервиса сегодня представляет собой огромное число не испробованных практик. Разнообразие настолько велико и так переплетается, что в нем трудно различать вещи, символы, знаки и социальные связи. Люди все больше живут в соответствии с ритмом объектов. Классическое правило жизни, что люди творят обстоятельства в такой же мере, в какой обстоятельства творят самих людей, - не работает. Социальные обстоятельства поглощают человека, а новые центры сервиса объединяют все возможные уровни потребления.

Бесконечное умножение объектов, товаров и услуг создает впечатление всеобщего благоденствия общества. В этом и состоит «мутация экологии вида человека". Образуются новые сервисные центры вплоть до футуристических, виртуальных и т. д. Строятся мегаполисы с их коммуникативной и профессиональной активностью и вечным праздником рекламы. В этих новых социальных пространствах царит молодость. Само потребление стало способом активного поведения, которое носит характер коллективный и добровольно-принудительный.

В современном обществе потребление выступает как социальный институт и обеспечивается через расширяющуюся систему сервиса. Этот новый специфический тип социализации связан с возникновением новых производительных сил.

Таким образом, мы наблюдаем интересную взаимосвязь. Система сервиса потакает потребностям человека, с одной стороны, а с другой - развивающиеся потребности становятся производительной силой.

Постмодернистским обществом разработано множество практик вовлечения человека в систему потребления. Одной из них является система кредита. Она выступает как дисциплинарный процесс, который грабит сбережения и регулирует спрос. Эти социальные процессы - естественное изобретение, возникшее и трансформировавшееся через институты сервиса.

Возрастающее значение сервисного обслуживания покупателей обусловлено следующими устойчивыми объективными тенденциями:

- усложнением промышленных изделий и вследствие этого появлением дополнительных требований к квалификации кадров эксплуатационников, к качеству проведения ремонтных и обслуживающих работ;
- быстрым моральным старением производственного аппарата, вызванным ускорением научно-технического прогресса, которое приводит к необходимости выполнения принудительной модернизации;
- повышением требований к качеству промышленных изделий вследствие изменения ситуации в отношениях между потребителем и производителем;
- истощением источников естественных ресурсов и возрастанием роли вторичных ресурсов.

Производители должны осознавать, что вопрос о продаже решается не однократным актом покупки их товара, а созданием предпосылок покупки этой продукции и в будущем.

Появляющиеся на рынке сервисные службы и специалисты по сервису являются основным источником маркетинговой информации, необходимой для создания идей новых товаров и модификации уже производимых.

Доминирование в потреблении услуг естественным путем меняет и само понятие сервиса, но прежде чем говорить о современных его принципах, хотелось бы определиться с самим понятием.

Чаще всего определение сервиса связывают с деятельностью как работой по оказанию услуг, т. е. по удовлетворению чьих-либо потребностей, в то время как сервисная деятельность – это целенаправленное (адресное) удовлетворение потребностей человека посредством услуг.

"Сервис - это система обеспечения, позволяющая покупателю (потребителю) выбрать для себя оптимальный вариант приобретения и потребления технически сложного изделия, а также экономически выгодно эксплуатировать его в течение разумно обусловленного срока, диктуемого интересами потребителя".

Социальная система все больше нуждается в людях не как в трудящихся, а прежде всего как в потребителях. Поскольку в этой функции человек незаменим, общество постмодернизма стремится развивать систему сервисного обслуживания населения настолько широко, насколько может уловить импульсы человеческих потребностей.

Такое определение сервиса в большей степени отражает сервисную деятельность, например приобретение товара, а потому располагает рядом общепринятых норм, соблюдение которых предостерегает от ошибок.

Использованная литература:

1.Послание президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева Олий Мажлису 24 январ декабря 2020 год.
2.Послание президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева Олий Мажлису 28 декабря 2018 год.
3.Сервисная деятельность/С.Н. Коробкова, В.И. Кравченко, С.В. Орлов, И.П. Павлова/Под ред. В.К. Романович. - СПб.: Питер, 2016. 156с.

S.K.Boyjigitov – SamISI, Marketing kafedrasi assistenti
X.S.Amonilloyeva – SamISI, MR-319 guruh talabasi

UMUMIY OVQATLANISH KORXONALARIDA TIJORAT FAOLIYATINI JADALLASHTIRISH

Annotatsiya: Mazkur maqolada umumiy ovqatlanish korxonalarida tijorat ishlarini takomillashtirish, qolaversa, ushbu korxonalarning faoliyatida tijorat vosita-larining qo‘llanilishini ko‘rishimiz mumkin. Bundan tashqari, xodim va iste’-molchilarni rag‘batlantirish orqali korxona foydasini oshirish mumkinligi aks etgan.

Kalit so‘zlar: tijorat, umumiy ovqatlashi, menyu, assortiment.

Аннотация: В этой статье мы увидим улучшение торговли в предприятиях общественного питания, а также применение коммерческих средств в деятельности этих предприятий. Это также демонстрирует, как можно повысить рентабельность предприятия, поощряя сотрудников и потребителей.

Ключевые слова: реклама, общественное питание, меню, ассортимент.

Annotation: In this article we will see the improvement of commercial operations in public catering businesses, as well as the application of commercial means in the activities of these businesses. It also demonstrates how enterprise profitability can be maximized by encouraging employees and consumers.

Keywords: commercial, public catering, menu, assortment.

Zamonaviy bozor munosabatlari sharoitida tijorat korxonalari yuqori foyda olishlari uchun faqat tovar ishlab chiqarish va sotishning o‘zi etarli emas.

Chunki bugungi kunda iste'molchilarga servis xizmatlar ko'rsatishning ahamiyati ortib bormoqda. Iste'molchilarning doimo o'sib boruvchi ehtiyojlari sotuvchi va xaridor o'rtasida interaktiv munosabatlarni ob'ektiv zaruriyatga olib keladi. Xizmat ko'rsatish sohasida umumiy ovqatlanish tarmoqlarining o'rni beqiyos. Sababi barcha bugungi kunda umumiy ovqatlanish tarmoqlariga tashrif buyurishadi. Ulardagi assortimentlardan ishte'mol qilishida, xo'randa sifatida shakllanib borishadi. Shu o'rinda umumiy ovqatlanish korxonalari tushunchalarini ko'rib chiqish maqsadga muvofiqdir.

Umumiy ovqatlanish [1] - xalq xo'jaligining ilmiy gigiyenik talablar asosida taomlar tayyorlab sotadigan va iste'molchilarga xizmat ko'rsatadigan sohasi. Umumiy ovqatlanish sohasiga yarim fabrikat oziq-ovqat mahsulotlari tayyorlaydigan fabrikalar, oshxonalar, restoranlar, choyxonalar, qahvaxonalar, bufetlar, yemakxonalar, gazakxonalar va boshqalar kiradi. Ularning ayrimlari iste'molchilarga ish va o'qish joylarida xizmat ko'rsatadi. Ko'pincha ularda iste'molchilarga imtiyozli (ovqat tayyorlash va xizmat ko'rsatish xarajatlarining bir qismini korxona yoki o'quv yurti o'z zimmasiga oladi) xizmat ko'rsatiladi.

O'zbekiston mustaqillikka erishganidan keyin iqtisodiy islohotlarni amalga oshirish jarayonida umumiy ovqatlanish tarmog'ida xususiylashtirish jarayoni tezlashdi. Korxonalar mulkchilik shakllarini uzgartirib, aksiyadorlik, mas'uliyati cheklangan jamiyatlarga, xususiy korxona, firma va boshqa mulkchilik shakllariga o'tkazildi. Shahar va tuman markazlari, guzarlar, yirik qishloqlarda ko'plab xususiy restoran, kafe, oshxona, dehqon bozorlarida milliy taom rastalari faoliyat ko'rsata boshladi. O'zbekistonda 877,3 ming o'ringa ega bo'lgan 17,5 ming umumiy ovqatlanish korxonalari mavjud. Bularning 0,6 mingtasi davlat, 16,9 mingtasi nodavlat korxonalaridir. Har bir ovqatlanadigan o'ringa 35 kishi, har bir korxonaning xizmat ko'rsatish imkoniyatiga 1428 kishi to'g'ri keladi. Mutahasislarning fikriga ko'ra oziq ovqatning taxminan 83% uyda , 17% foizi ovqatlanish korxonalarida pishiriladi. Agar bu ko'rsatkichlarga e'tibor beradigan bolsak korxonalarda taqdim etilayotgan xizmatlarning xilma-xilligi, xizmatlar sohasini rivojlanganligini ko'rishimiz mumkin.

Umumiy ovqatlanish korxonalari orasida restoran, kafe, barlar asosiy o'rinni egallaydi. Chunki hozirga kelib ularda yostiqsimon qulay va yumshoq stullar, uzoqroq o'tirib, dam olishlishlari uchun musiqa, o'yinga tushish uchun zallar va ochiq joylarda shart sharoitlar ko'rsatilmoqda. O'rnatilgan jihozlar va dizayn shakli yoqimli konfort va illiq muhit yaratmoqda. Ularda ovkatlanish bilan birga madaniy dam olish, yubiley, oilaviy, to'y tantanalari va boshqa marosimlar ham o'tkaziladi.

Mehmonxonalarda, aeroport, vokzallari, avtobuslar stansiyalari, poyezdlar va teploxodlarda joylashgan umumiy ovqatlanish shoxobchalari yo'lovchilarga, turistlarga xizmat ko'rsatadi. Umumiy ovqatlanish korxonalarida ishlab chiqarish jarayonida yangi mahsulot yaratiladi. Shaxsiy iste'mol xususiyatlari va qo'shimch qiymatga ega mahsulotlar sotuvga chiqariladi.

[1] https://uz.wikipedia.org/wiki/Umumiy_ovqatlanish

Umumiy ovqatlanish korxonalari ishlab chiqarilgan mahsulotlarni qiymat sifatida sotish funksiyasini bajaradi.

Mahsulotlar assortimentiga koʻra, umumiy ovqatlanish korxonalari universal va ixtisoslashtirilganlarga boʻlinadi. Universal korxonalar koʻplab xom ashyolardan turli xil idishlar ishlab chiqaradilar. Ixtisoslashgan korxonalar ma'lum turdagi xom ashyodan mahsulot ishlab chiqaradilar va sotadilar, kafe-sut, kafe-qandolatchilik; baliq oshxonalari, restoranlar; bir hil mahsulotlar - restoran, milliy taomlari bilan kafe, ovqatlanish oshxonalari ishlab chiqarishni amalga oshirish. Yuqori ixtisoslashgan korxonalar tor assortimentdagi mahsulotlar - barbekyu, cheburek va boshqalarni ishlab chiqaradi.

Mijozlarga xizmat koʻrsatish sifatini yaxshilash, ularning ehtiyojini qondirish va tashrifini koʻpaytirish uchun xodimlarga ikkita ragʻbatlantirish variantlari qoʻllanilishini taklif etamiz: 1.Moliyaviy; 2.Nomoddiy

Tijorat korxonalarida xodimlarning ishtiyoqini oshirishning moliyaviy imkoniyatlarini hisobga olgan holda, yuqori sifatli yoki yetarli darajada sifatli ish uchun ularni mukofotlash kerak. Misol uchun, ularning ish haqini oshirish, bir yilda bir marta qoʻshimcha mukofotlash, sogʻligini tiklash uchun da, olishga joʻnatish kabilar orqali ragʻbatlantish mumkin. Bunday ragʻbatlantishir yoʻllari orqali korxonaning oladigan foydasini ancha samarali va koʻp boʻlishini taʼminlash mumkin. Chunki xodimlar oladigan ish haqi ularni qoniqtiradi va ular bundanda yaxshiroq ishlab koʻproq foyda olishni xohlaydilar. Korxonaning foydasi qanchalik yuqori boʻlsa xodimlarga beriladigan ish haqi ham shuncha yuqori boʻlishini barcha biladi. Shunga asoslangan holda bu ragʻbatlantirish usuli ancha muvofaqiyatlarga olib keladi.

Tijorat ishlarini jadallashtirishda umumiy ovqatlanish korxonalarida xodimlarni ragʻbatlantirishning ikkinchi usuli bu nommodiy ragʻbatlantirish hisoblanadi. Xodimlarni nomoddiy ragʻbatlantirishning quyidagi variantlarini koʻrib chiqish kerak:

- xodimlarning shaxsiy rivojlanish imkoniyatlarini kengaytirish ca ularning malakasini oshirishga yordam berish;
- ragʻbatlantiruvchi tadbirlar va aksiyalar global (butun jamoa uchun) va shaxsiylashtirilgan (aniq xodimlar uchun);
- jamoa tuzish boʻyicha qoʻshma tadbirlar, shuningdek ofitsantlar uchun oʻquv tadbirlari.
- xodimlarning oʻquv malakasini oshirishning bir necha yoʻlari mavjud. Bularni birma bir izohlari bilan korib chiqamiz.

Oʻzbekiston hududida yaʼni barcha shaharlarida ishchilarning malakasini oshruvchi mahsus korxonalar va tashkilotlar faoliyat olib boradi. Shu maʼlumotga asoslangan holda umumiy ovqatlanish korxonalarida ishlovchi barcha xodimlarni yiliga bir marta yoki undan ham koʻproq vaqt oraligʻida malakasi oshirib borish mumkin boʻladi.

Oʻzbekiston hududida ham xorijiy mamlakatlar taomlarini tayyorlaydigan umumiy ovqatlanish korxonalari mavjud. Bu turdagi korxonalar chet davlat korxonalari bilan hamkorlik aloqalrini yoʻlga qoʻyib, yo boʻlmasa shartnoma

asosida o‘z xodimlarini chet davlatlarga yuborishi va malakasini oshirish imkoniyatlari mavjud. Chet davlatda ishlovchi xodimlarning tajribasi va bu ish faoliyati bilan anchadan beri va muntazam ishlashi hisobiga ularning malakasi yuqori. Shuni inobatga olgan holda o‘zimizda faoliyat olib boruvchi korxonalar bu turdagi xizmatlardan foydalanishini taklif etamiz.

Xulosa qilib aytganda, umumiy ovqatlanish korxonalarida tijorat amallarini bajarish, taomlarni reklama qilish, sifatli menyu tayyorlash, malakali kadrlar salohiyatini oshirish qolaversa raqobat muhitini yaratish bugungi dolzarb mavzulardan biri hisoblanadi.

Б.А.Раджабов – Тошкент давлат иқтисодиёт университет Иктисодиёт таълим йўналиши 3 курс ЕК-02-гуруҳ талабаси

ИНТЕРНЕТ ДЎКОНЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚУЛАЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ОРҚАЛИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЙМАТИНИ ЯРАТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация: мақолада интернет дўконлардан фойдаланиш қулайлигини таъминлаш орқали истеъмол қийматини яратишнинг ўзига хос жиҳатлари баён этилган. Электрон тижоратда истеъмол қийматини яратишнинг асосий омиллари таснифланган. Интернет дўконларда маркетинг тадқиқотларини ўтказишда эътибор қаратилиши лозим бўлган омиллар тизимлаштирилган.

Калит сўзлар: Интернет дўкон, истеъмолчи, истеъмол қиймати, маркетинг, маркетинг тадқиқотлари, электрон тижорат, веб-сайт.

Аннотация: в статье освещаются некоторые функции, которые создают потребительскую ценность благодаря удобству использования интернет-магазинов. Ключевые факторы, которые создают потребительскую ценность в электронной коммерции, классифицированы. Факты, которые следует учитывать при проведении маркетинговых исследований в интернет-магазинах, систематизированы.

Ключевые слова: интернет-магазин, потребитель, потребительская ценность, маркетинг, маркетинговые исследования, электронная коммерция, сайт.

Annotation: The article highlights some of the features that create consumer value through the convenience of using online stores. The key factors that create consumer value in e-commerce are categorized. Facts that should be taken into account when conducting marketing research in online stores are systematized.

Keywords: Internet shop, consumer, consumer value, marketing, marketing research, e-commerce, website.

Истеъмол қиймати – товар ёки хизматнинг муайян ҳаётий эҳтиёжни қондириш қобилиятидир. Истеъмол қиймати - маркетинг назариясида ўрганиладиган энг муҳим катогориялардан ҳисобланади ва у истеъмолчиларнинг товарни сифатидан қониқишини, товарнинг фойдалилигини англаши каби тушунчалар билан белгиланади.

Маркетингнинг замонавий назарияларида истеъмол қийматини аниқлаш муаммоси истеъмолчиларнинг хулқ-атвор ўзгаришлари даражалари ва нарх, сифат, нуфуз, ижтимоий ҳимояланиш ва бошқа бир қатор омилларни аҳамият касб этиши билан мураккаблашиб боради. Бундан ташқари, қиймат нафақат маълум бир маҳсулотда, балки хизмат кўрсатиш жараёнида (сотишдан олдинги ва кейинги) ҳам шаклланади.[1] Демак, интернет-дўконлар веб-сайттларида кўрсатиладиган ҳизматлар ҳам товарларнинг истеъмол қийматини оширишда асосий роль ўйнайди. Шунга асосланган ҳолда, интернет дўконларнинг асосий мақсади истеъмолчиларга товарларни минимал нархда ва қулай шароитларда сотиб олиш хизматини тақдим этиш орқали нафақат товарларнинг балки, интернет дўконнинг (веб-сайт) ҳам истеъмол қийматини оширишни назарда тутади.

Интернет дўконнинг истеъмол қиймати - унинг савдо хизматини тақдим этишдан иборат бўлган ёки савдо-сотиқни ташкил этиш ва амалга оширишдан иборат жараёндир. Умуман олганда, интернет дўконларда истеъмол қиймати яратилиши назарда тутилганда уни қиймат яратувчи товар сифатида қабул қилиш мумкинлигини кўрсатади.

Интернет дўконлар одатда истеъмолчиларга товарларни таништириш, уни сотиб олиш, нарх белгилаш, ассортиментни шакллантириш ва х.к. жараёнларда муҳим рол ўйнайди.

Интернет-дўкондан фойдаланиш қулайлигини (usability) оширишнинг асосий ёндашуви ва аҳамиятли томони шундаки - дўконнинг интерфейс хусусиятлари мақсадли комбинацияси, алоқаларнинг ҳам шаҳсий, ҳам оммавийлиги, интерфаол алоқаларда истеъмолчиларнинг вақт йўқотишларини минималлаштиришни назарда тутувчи маркетинг ёндашувидир. Электрон тижоратда истеъмол қийматини яратишнинг энг аниқ элементларини 1-жадвалда ифодалаш мумкин.

1-жадвал

Электрон тижоратда истеъмол қийматини яратиш элементлари[2]

Электрон тижоратда истеъмол қийматини яратиш йўналишлари	**Электрон тижоратда истеъмол қийматини яратиш элементлари**
Интернет сайт	1.1. Сайтдан фойдаланиш 1.2. Сайт таркиби 1.3. Ахборот архитектураси 1.4. Сайтни илгари суриш 1.5. Сайтнинг ўзаро боғланганлиги
Нарх механизмлари	2.1. Нархлар даражаси ва нарх сиёсати 2.2. Чегирмалар тизими ва нарх ўзгаришлари 2.3. Нархларнинг шаффофлиги 2.4. Нархларнинг барқарорлиги

[1] Юлдашева О.У. Современные модели потребительской ценности // Современные методы и технологии эффективного рыночного управления: сборник науч. трудов / под ред. Я. Я. Клементовичуса, И. А. Аренкова. СПб.: Изд-во СПбГЭУ, 2014. – 135 с.

[2] Муаллиф ишланмаси.

	2.5. Рақобатчилар билан таққослаш қобилияти
Ассортимент сиёсати	3.1. Ассортиментнинг кенглиги 3.2. Ассортиментни янгиланиб бориш тезлиги
Фойдаланиш бўйича қўлланмалар	4.1. Маслаҳат бериш имконияти 4.2. Маслаҳат усуллари 4.3. Маслаҳат бериш малакаси 4.4. Ақлли тизимлар ва сунъий интеллектнинг мавжудлиги
Хавфсизлик даражаси	5.1. Ахборотнинг мавжудлиги ва ишончлилиги 5.2. Савдонинг ишончлилиги 5.3. Шартномаларнинг махфийлиги ва хавфсизлиги
Такрорий савдоларни рағбатлантириш тизими	6.1. Савдо воситаларини такрорлаш қулайлиги 6.2. Қайта алоқа қилиш имкониятлари ва алоқа интенсивлиги
Хизмат кўрсатиш	7.1. Буюртма беришни расмийлаштирилиши 7.2. Етказиб бериш тизими ва уни ташкил қилиниши 7.3. Тўловни ташкил этиш тизими 7.4. Сотишдан кейинги хизмат даражаси

Веб-сайтда 1-жадвалда белгилаб берилган асосий хусусиятларининг мавжудлиги таъминланиши орқали истеъмолчиларда бир вақтнинг ўзида икки йўналиш орқали қиймат яратиш жараёнларини амалга ошириш мойиллиги юзага келади.

Биринчидан, маҳсулот сифатида онлайн-дўконнинг савдо хизматининг қиймати ўсиб боради, бу истеъмолчиларнинг интерфаол интерфейс билан қулай ва самарали ўзаро алоқаларини яратишда намоён бўлади.

Иккинчидан, истеъмолчиларда харидларни амалга ошириш жараёнида қабул қилинадиган хавф билан ифодаланадиган харажатлари камаяди.

Интернет дўконларда истеъмолчилар билан ишлаш бўйича маркетинг тадқиқотларида асосий эътибор айнан сайтларни ишлаш қулайлиги ва сайт хизматларидан мижознинг қониқиши аниқлашга асосланиб, қуйидагилар тадқиқотларнинг асосий йўналиши сифатида қаралади: исеъмолчиларнинг содиқлиги, такрорий харидларни амалга ошириш ҳолати, интернет дўконнинг ишончлиги, ахборотар олиш кўлами, сайтда бўлиш вақти, харидларни амалга ошириш жараёнларида истеъмолчилар хатти-харакатлари ва х.к.

Келтириб ўтилган тадқиқот йўналишлари истеъмолчининг хулқ-атвори ва қониқишига турли омиллар таъсирини аниқлаш ва уларни моделлаштириш имкониятларини яратади. Истеъмол қийматини шакллантиришда сайтларнинг ишлатиш қулайлиги бўйича тавсия этилган омиллар истеъмолчиларнинг хулқ-атвори ва сайтга муносабатларига таъсир этувчи муҳим ўзгарувчиларни аниқлаш бўйича аниқ хулосалар чиқариш имконини беради.

Хулоса қилганда интернет дўконлардан фойдаланиш қулайлиги тушунчаси виртуал бозордаги маркетинг билан боғлиқ кўпгина тадқиқотларда ҳисобга олиш зарур бўлган асосий омилдир. Шунинг учун

интернет дўконлар фаолияти ва рақобатбардошлигини айнан истеъмолчиларнинг сайтдан фойдаланиш қулайлигини билан боғликдир.

Интернет савдони бўйича бизнесни ташкил этишда веб-сайт сифатининг асосий таркибий қисми хисобланган фойдаланиш қулайлиги, навигация, дизайн, вазифаларни бажариш қулайлиги кабиларни хисобга олиш мақсадга мувофикдир.

Интернет дўконлардан истеъмолчиларнинг фойдаланишидаги энг асосий хусусият - бу интерфаол ўзаро таъсирни амалга ошириш орқали истеъмолчининг еҳтиёжларини самарали қондириш қобилиятини акс эттирувчи эламентларни сайт интерфейсида жойлаштирилишини назарда тутиш лозим.

Тавсия этилган истеъмолчиларнинг сайтдан фойдаланиш қобилияти концепциялари замонавий маркетингда ўрганилиши лозим бўлган асосий йўналишлар сифатида белгиланиши мақсадга мувофиқ.

З.У. Мухаммадиев – СамИСИ ўқитувчиси

КОРХОНАЛАРДА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ТАСНИФЛАШ ВА БАҲОЛАШ МЕТОДЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада корхоналарда модернизациялаш кўрсаткичларини таснифлаш ва баҳолаш методларини такомиллаштириш йўллари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: модернизациялаш, модернизациялашга талаб (эҳтиёж), миқдор кўрсаткичлар, сифат кўрсаткичлар.

Аннотация: В данной статье исследованы пути совершенствования классификации и методов оценки показателей модернизации на предприятиях

Ключевые слова: модернизация, спрос (потребность) в модернизации, количественные показатели, качественные показатели.

Annotation: This article describes the researches in ways of improving classification and methods of assessing modernization indicators in enterprises.

Key words: modernization, demand (request) in modernization, quantative indicators, qualitative indicators.

Барча иқтисодий фанлар, чунончи бухгалтерия ҳисоби, аудит ва таҳлил фанлари олдида турган энг долзарб масалалардан бири бўлиб Харакатлар Стратегиясида[1] муҳим устувор вазифа сифатида белгиланган корхоналарни модернизациялашни миқдор ва сифат жиҳатдан ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини, шунингдек ушбу кўрсаткичларни таснифлаш, баҳолаш ва аниқлашнинг илмий асосланган тартибларини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Хўш, ҳозирги пайтда кенг кўламда амалга оширилаётган

[1] «Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида". Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган

корхоналарни модернизациялашни қандай кўрсаткичлар орқали ифодалаш мақсадга мувофиқ? Модернизациялашни ифодаловчи кўрсаткичларни режалаштириш, ҳисоб, аудит, таҳлил, бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадларида қандай мезонларга кўра гуруҳлаш лозим? Ушбу кўрсаткичларни қандай баҳолаш ва аниқлаш тўғрироқ ҳисобланади?

Ушбу муҳим саволларга жавоб топиш мақсадида олиб борган изланишларимиз шуни кўрсатдики, корхоналарни модернизациялашни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими шу пайтгача тўлиқ шакллантирилмаган, ушбу кўрсаткичларни таснифлаш, баҳолаш ва аниқлаш тартиблари бўйича олимлар ўртасида яхлит тўхтамга келинмаган. Шунингдек, корхоналарни модернизациялашни ифодаловчи кўрсаткичларни режалаштириш, ҳисоб, аудит, таҳлил, бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадларида тизимлаш, уларни таснифлаш, таркибини белгилаш, баҳолаш ва аниқлаш масалалари етарлича тадқиқ этилмаган, улар бўйича айрим олимлар томонидан илгари сурилган қарашлар ва ёндашувлар турли мунозарали жиҳатлардан холи эмас.

Ушбу фикрларимиз тасдиғи сифатида қуйида корхоналарни модернизациялашни миқдор ва сифат жиҳатдан ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини, шунингдек ушбу кўрсаткичларни таснифлаш, баҳолаш ва аниқлаш масалалари бўйича айрим муаллифлар қарашлари ва ёндашувларига қисқача тўхталамиз.

Айрим олимлар модернизациялашни ифодаловчи кўрсаткичлар сифатида яхлит корхонани, шунингдек алоҳида жараёнларни, техник жиҳозларни модернизациялаш даражаларини акс эттирувчи кўрсаткичларни олади. Чунончи, проф. М.Қ.Пардаев [1] томонидан корхоналарда модернизациялашни баҳолаш ва таҳлил қилишда 5 та кўрсаткичларни (корхонада модернизациялаш даражаси, ишлаб чиқариш воситаларини модернизация қилиш даражаси, технологик жараёнларни модернизация қилиш даражаси,иқтисодиётни бошқариш усулларини модернизация қилиш даражаси, ходимлар малакасини модернизациялаш даражаси) қўллаш ва уларни аниқлаш йўллари тавсия этилган.

Айрим олимлар [2] корхоналарни модернизациялашни ифодаловчи кўрсаткичлар сифатида бевосита ходимларнинг меҳнат қуроллари билан таъминланганлик, фонд сиғими, асосий воситаларнинг эскириш, яроқлилик ва янгилаш коэффициентлари, янги технологик линияларни жорий этилганлик даражаларини эътироф этадилар.

Бошқа бир гуруҳ олимлар[3] модернизациялашни корхоналар фаолияти

[1]Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Модернизация, диверсификация ва инновация-иқтисодий ўсишнинг муҳим омиллари. – Т.Наврўз, 2014.- 25-26-бетлар

[2] Крылов Э.И. Анализ эффективности инвестиционной, инновационной, финансовой и хозяйственной деятельности предприятия. В 2-х ч. Учебное пособие. – М.: СПб.: Изд-во СПб ГУЭФ, 2005.- ч.1, 256 с, ч.2,153 с.

[3] Максютов А.А. Экономика предприятия. - М.: Альфа-Пресс, 2005. - 528 с.; Быковская Е., Быковский В., Шипилова Ю. Современные проблемы стратегического развития предприятия. Учебное пособие. Русайнс,2017. – 170 с.

самарадорлигини оширишнинг муҳим омиллигига таянган ҳолда ушбу жараённи ифодаловчи кўрсаткичлар сафига фонд қайтими, фонд рентабеллиги, фондлар самарадорлиги, маҳсулот бирлиги таннархи каби кўрсаткичларни киритадилар.

М.В. Штепа ўз тадқиқотларида[1] саноат корхоналарини модернизацион ривожланиш даражасини яхлит модернизацион ривожланиш коэффициенти орқали баҳолашни, шунингдек ушбу интеграл кўрсаткични қуйидаги 9 та хусусий кўрсаткичлар асосида ҳисоблашни тавсия этган. Булар: (1) ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффициенти; (2) жиҳозларнинг ўртача ёшини белгиланган нормативга мослик коэффициенти; (3) асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришда ишловчи ходимларини меҳнат қуроллари билан таъминланганлигини нормативларга мослик коэффициенти; (4) корхонанинг янгиликларга интилувчанлик коэффициенти; (5) корхонанинг янгиликларга кўникиш коэфффициенти; (6) корхонани бозор талабларига мослик коэффициенти; (7) корхонани бозор талабларига кўникиш коэффициенти; (8) корхонани техник ривожлантириш коэффициенти; (9) корхонани техник жиҳозлаш коэффициенти.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси ва республика иқтисодиёт вазирлиги томонидан тасдиқланган «Иқтисодиёт ва корхоналарни техник модернизациялаш ва диверсификациялаш даражаларини баҳолаш бўйича методик тавсиялар»да[2] корхоналарнинг техник модернизациялаш даражаси қуйидаги 7 та кўрсаткич орқали баҳоланиши белгиланган. Ушбу кўрсаткичларнинг моҳияти, баҳоланиши ва ҳисоб-қилиш тартиблари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвалда келтирилган кўрсаткичлар тизими ҳам корхоналарда амалга оширилаётган модернизациялашни тўлиқ ифода этмайди, бинобарин унда келтирилган барча кўрсаткичлар корхоналарни техник модернизациялаш даражасини ифодаловчи кўрсаткич сифатида эътироф этилсада, бу етарлича асосланмаган. Чунончи, 6,7-тартиб рақамида келтирилган ишлаб чиқаришнинг материал сиғими ва ишлаб чиқаришнинг электрэнергия сиғими кўрсаткичларини технологик модернизациялаш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар сафига киритилишини,фикримизча, тўлиқ тўғри деб бўлмайди.

Бизнингча, корхоналарда модернизациялашни ифодаловчи кўрсаткичларни тизимлаш негизига “мақсад-жараён-натижа” занжирида шаклланадиган кўрсаткичларни олиш мақсадга мувофиқ. Ушбу занжирга

[1] Штепа М.В.Модернизация предприятий в условиях конкуренции и ограниченности финансовых ресурсов (на материалах машиностроительных и газотранспортных предприятий Ставропольского края)». Автореф.дис.на соис.канд.экон.наук, М, 2013

[2] Методические рекомендации по оценке уровня технической модернизации и диверсификации отраслей экономики и предприятий. Утверждены совместным письмом Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике № 04-8 от 14.09.2010 г и Министерство экономики Республики Узбекистан. № 2-1-7/49 от 22.09.2010 г.

1-жадвал

Корхоналарни техник модернизациялаш даражасини баҳолаш кўрсаткичлари

№	Кўрсаткич номи	Ҳисоб-китоб формуласи
1	Машина ва жиҳозларнинг янгиланиш коэффициенти (Кобн)	Кобн= Снов/ Ск Снов – ҳисобот йилида ишга туширилган янги машина ва жиҳозларнинг қиймати; Ск - машина ва жиҳозларнинг ҳисобот даври охиридаги қиймати
2	Машина ва жиҳозларнинг эскириш коэффициенти (Кизн)	Кизн= Си/ Сп, Си – машина ва жиҳозларнинг ҳисобот даври охиридаги эскириши суммаси; Сп – машина ва жиҳозларнинг ҳисобот даври охиридаги бошланғич қиймати
3	Фонд қайтими коэффициенти (Кфо)	Кфо= ВП/С С – асосий ишлаб чиқариш фондларининг йиллик ўртача бошланғич қиймати; ВП – ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқий нархлардаги ҳажми
4	Ишлаб чиқилганлигига 3 йилдан кўп бўлмаган янги машина ва жиҳозларнинг улуши (Кно)	Кно= Снов/ Ск Снов - Ишлаб чиқилганлигига 3 йилдан кўп бўлмаган янги машина ва жиҳозларнинг қиймати; Ск – машина ва жиҳозларнинг ҳисобот даври охиридаги бошланғич қиймати
5	Меҳнат унумдорлиги (Пт)	Пт = ВП/ Ч ВП- ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таққослама нархлардаги ҳажми; Ч – асосий фаолият ходимларининг сони
6	Ишлаб чиқаришнинг материал сиғими(Мввп)	Мввп = ПП /ДС (яхлит иқтисодиёт учун); Мввп = Зм /ВП (йирик корхоналар, бирлашмалар ва тармоқлар бўйича баҳолаш учун); ДС – қўшилган қиймать; ПП – оралиқ истеъмол; Зм – харид хом ашё ва материалларга сарфлар; ВП - ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқий нархлардаги ҳажми
7	Ишлаб чиқаришнинг электр энергия сиғими (Эввп)	Эввп= ПНЭ/ВВП (яхлит иқтисодиёт учун); Эввп = Птэр/ВП (йирик корхоналар, бирлашмалар ва тармоқлар бўйича баҳолаш учун); ПНЭ – нефт эквивалентида энергоресурлар истеъмоли; Птэр – ёқилғи ва электр энергия сарфи; ВП - ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқий нархлардаги ҳажми

асосан, бизнингча, корхоналарни модернизациялашни ифодаловчи кўрсаткичлар, мос равишда, модернизациялашга бўлган заруратни ёки талабни (эҳтиёжни), модернизациялашни ҳақиқатда амалга оширилганлигини ва модернизациялаш натижалари, яъни унинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлардан иборат бўлиши лозим.

Айнан ушбу талабдан чиқиб, биз корхоналарни модернизациялашни ифодаловчи кўрсаткичларни қуйидаги 3 та гуруҳга ажратишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз (1-расмга қаранг).



1-расм. Корхоналарни модернизациялашни ифодаловчи кўрсаткичлар гуруҳлари

Қуйида биринчи гуруҳга кирувчи кўрсаткичлар моҳиятига қисқача тўхталамиз. Бизнингча, ушбу гуруҳга корхонанинг ҳисобот даври якунлари бўйича келгуси йил ёки йиллар учун бизнес режада модернизациялашга бўлган заруратни ёки талабни (эҳтиёжни) акс эттирувчи кўрсаткичлар киритилиши лозим. Фикримизча, ушбу гуруҳ таркибига қуйидаги миқдор ва сифат кўрсаткичлар киритиш ҳамда уларни қуйидагича ҳисоб-китоб қилиш мақсадга мувофиқдир (2- жадвалга қаранг).

Корхоналарни модернизациялашга бўлган заруратни ёки талабни (эҳтиёжни) ифодаловчи миқдор ва сифат кўрсаткичларнинг биз томонимиздан тавсия этилаётган ҳар бири ўз ўрни ва аҳамиятига эга. Чунончи, 1-кўрсаткич, яъни ўтган ҳисобот йил охирига асосий воситалар ва номоддий активларнинг эскириш коэффициенти (Эдк) қанчалик 1 га яқин бўлса, шунчалик корхонада модернизациялашга катта зарурат мавжуд ҳисобланади, аксинча, ушбу коэффициент қанчалик кичик миқдорни ташкил этса, бу корхонада модернизациялашга катта зарурат мавжуд эмаслигини билдиради.

2-жадвалда келтирилган 2,3,4,5-кўрсаткичлар ва уларни ҳисоб-китоб қилиш йўллари илк бор биз томонимиздан тавсия этилмоқда. Ушбу кўрсаткичлар бошқа олимлар томонидан модернизациялашга бўлган зарурат ёки талаб (эҳтиёж)ни ифодаловчи кўрсаткичлар сифатида эътироф этилмаган. Чунончи, жадвалдаги 2-кўрсаткич, яъни ўтган ҳисобот йил

2-жадвал

Корхоналарни модернизациялашга бўлган заруратни ёки талабни (эҳтиёжни) ифодаловчи миқдор ва сифат кўрсаткичлар ҳамда уларни ҳисоб-китоб қилиш тартиблари[1]

Т/р	Кўрсаткичлар	Кўрсаткичларни аниқлаш йўллари
1	Ўтган ҳисобот йил охирига асосий воситалар ва номоддий активларнинг эскириш коэффициенти (Эдк)	**АВжэ НАжэ** **Эдкав = ---------; Эдкна = ----------** **АВбқ НАбқ** **бу ерда: АВжэ**- асосий воситаларнинг жамланган эскириш; **НАжэ**- номоддий активларнинг жамланган эскириши, **АВбқ** – асосий воситаларнинг бошланғич қиймати; **НАбқ**- номоддий активларнинг бошланғич қиймати
2	Ўтган ҳисобот йил охирига тугалланмаган капитал инвестициялар суммаси (Скийо)	**Скийо = Скийб+Яки-ҲЧки** **бу ерда:Скийб**- ўтган ҳисобот йил бошига тугалланмаган капитал инвестициялар суммаси; **Яки**- ўтган ҳисобот йилида қилинган янги капитал инвестициялар; **ҲЧки** – ўтган ҳисобот йилида асосий воситалар қийматига ҳисобдан чиқариган капитал инвестициялар
3	Ўтган ҳисобот йил охирига тугалланмаган капитал инвестициялар улуши коэффициенти (ТКИк)	**ТКИк = Скийо / (Скийб+Яки)**
4	Ҳисобот йили бошига асосий воситалар ва номоддий активларни модернизациялашга бўлган талаб (эҳтиёж) даражаси (Ммд)	**Ммдав = (1 – Эдкав)*Якав;** **Ммдна = (1- Эдкна)*Якна** **бу ерда: Якав**- асосий воситаларни янгилашнинг режа коэффициенти; **Якна**- номоддий активларни янгилашнинг режа коэффициенти;
5	Ҳисобот йили бошига асосий воситалар ва номоддий активларни модернизациялашга зарур бўлган капитал инвестицияларга талаб (эҳтиёж) суммаси (Мски)	**Мскиав = АВбқ*Ммдав;** **Мскина = НАбқ*Ммдна**

охирига тугалланмаган капитал инвестициялар суммаси (Скийо) келгуси йилда биринчи навбатда тугатилиши лозим бўлган модернизациялаш ишларини акс эттиради. Ушбу кўрсаткични ўтган ҳисобот йил бошига тугалланмаган капитал инвестициялар суммасига ўтган ҳисобот йилида қилинган янги капитал инвестицияларни қўшиш ва ўтган ҳисобот йилида

[1] Муаллиф ишланмаси

асосий воситалар қийматига ҳисобдан чиқариган капитал инвестицияларни айириш йўли билан топиш тавсия этилади.

2-жадвалдаги 3-кўрсаткич, яъни ўтган ҳисобот йил охирига тугалланмаган капитал инвестициялар улуши коэффициенти (ТКИк)ни ўтган ҳисобот йил охирига тугалланмаган капитал инвестициялар суммасини ўтган ҳисобот йил бошига тугалланмаган капитал инвестициялар суммаси ҳамда ўтган ҳисобот йилида қилинган янги капитал инвестициялар йиғиндисига бўлиш йўли билан топиш тавсия этилади. Бу кўрсаткич ҳисобот йили бошига бошланган модернизациялашга капитал инвестицияларнинг неча фоизи тугалланмасдан қолганлигини ифодалайди.

2-жадвалдаги 4-кўрсаткич, яъни ҳисобот йили бошига асосий воситалар ва номоддий активларни модернизациялашга бўлган талаб (эҳтиёж) даражаси (Ммд)ни асосий воситалар ва номоддий активларнинг яроқлик даражаси (коэффициентини) уларни янгилашнинг режа коэффициентига кўпайтириш орқали топиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ушбу иккита кўрсаткичнинг кўпайтмасидан ҳосил бўлган интеграл кўрсаткич корхона бўйича асосий воситалар ва номоддий активларни модернизациялашга бўлган талаб даражасини ифода этади. Мисол учун, асосий воситаларнинг яроқлиллик даражаси 0,40 ёки 40 %. Асосий воситаларни янгилаш режаси 0,20 ёки 20 %десак, у ҳолда асосий воситаларни модернизациялашга бўлган жами зарурат (талаб ёки эҳтиёж) 0,08 (0,40*0,20)ни ёки 8 %ни ташкил этади.

2-жадвалдаги 5-кўрсаткич, яъни ҳисобот йили бошига асосий воситалар ва номоддий активларни модернизациялашга зарур бўлган капитал инвестицияларга талаб (эҳтиёж) суммаси асосий воситалар ва номоддий активларнинг бошланғич қийматини ушбу активларни модернизациялашга бўлган талаб (эҳтиёж) даражаси (Ммд)га кўпайтириш орқали топилади. Агар, асосий воситаларнинг йил бошига бошланғич қиймати 1600 млн. сўм дейдиган бўлсак, у ҳолда активларни модернизациялашга зарур бўлган капитал инвестицияларга талаб (эҳтиёж) суммаси 128 млн.сўмни ташкил қилади (1600*0,08).

Фикримизча, юқоридаги таклифларимиз корхоналарни модернизациялашга бўлган заруратни ёки талабни (эҳтиёжни) ифодаловчи миқдор ва сифат кўрсаткичларни баҳолашга, улар учун зарур бўлган маблағларни излаб топиш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилишга икон беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. «Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947- сонли фармони билан тасдиқланган
2. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Модернизация, диверсификация ва инновация-иқтисодий ўсишнинг муҳим омиллари. – Т.Наврўз, 2014.- 25-26-бетлар
3. Шеремет А.Д. Анализ и диагностика финансово-хозяйственной деятельности предприятия. Учебник. М.: НИЦ ИНФРА-М, 2019. -460 с.

4. Крылов Э.И. Анализ эффективности инвестиционной, инновационной, финансовой и хозяйственной деятельности предприятия. В 2-х ч. Учебное пособие. – М.: СПб.: Изд-во СПб ГУЭФ, 2005.- ч.1, 256 с, ч.2,153 с.
5. Максютов А.А. Экономика предприятия. - М.: Альфа-Пресс, 2005. - 528 с.
6. Баскакова О., Мачабели М.Экономика организации. Учебник. –М.: Дашков и К,2019. – 500 с.
7. Быковская Е., Быковский В., Шипилова Ю. Современные проблемы стратегического развития предприятия. Учебное пособие. М: Русайнс,2017. – 170 с.
8. Штепа М.В.Модернизация предприятий в условиях конкуренции и ограниченности финансовых ресурсов (на материалах машиностроительных и газотранспортных предприятий Ставропольского края)». Автореф.дис.на соис.канд.экон.наук, М, 2013
9. Методические рекомендации по оценке уровня технической модернизации и диверсификации отраслей экономики и предприятий. Утверждены совместным письмом Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике № 04-8 от 14.09.2010 г и Министерство экономики Республики Узбекистан. № 2-1-7/49 от 22.09.2010 г.

Н.Х.Рузибаева – СамИСИ, “Банк иши” кафедраси катта ўқитувчиси
Д.С.Джураева – Каттақўрғон иқтисодиёт коллежи ўқитувчиси
К.Ғ. Мухаммадиев– СамИСИ, “Банк иши” кафедраси ассистенти

ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИДА РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация: рақамлаштириш жамиятнинг барча соҳалари, шу жумладан, илм-фан тараққиётининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Мақолада илм тармоғини мукаммаллик марказлари асосида яратилиши керак бўлган платформавий ечимлардан фойдаланган ҳолда рақамли иқтисодиётнинг тўлақонли сегментига айлантириш муҳокама қилинади. Шунингдек, илмий инфратузилма хизматларини бошқаришнинг рақамли тизимига ва қўшма илмий тараққиётларни ташкил этиш ва ўтказиш учун ягона рақамли платформага катта эътибор қаратилмоқда.

Калит сўзлар: рақамли технологиялар, блокчейн, краудфандинг, инновация, токенлар, микроинвестор, рақамли платформа.

Аннотация. Цифровизация становится неотъемлемым элементом развития всех сфер жизни общества, в том числе и науке. В статье обсуждаются вопросы трансформации научной отрасли в полноценный сегмент цифровой экономики с использованием платформенных решений которые должны создаваться на базе центров превосходства. Так же, значительное внимание уделяется цифровой системе управления сервисами научной инфраструктуры и единой цифровой платформе для организации и проведения совместных научных исследований.

Ключевые слова: цифровые технологии, блокчейн, краудфандинг, инновации, токены, микроинвестор, цифровая платформа.

Abstract. Digitalization is becoming an integral element in the development of all spheres of society, including science. The article discusses the transformation of the scientific industry into a full-fledged segment of the digital economy using platform solutions that should be created on the basis of centers of excellence. Also, considerable attention is paid to the digital system for managing the services of the scientific infrastructure and a single digital platform for organizing and conducting joint scientific research.

Key words: digital technologies, blockchain, crowdfunding, innovation, tokens, micro-investor, digital platform.

Рақамлаштириш жамият ҳаётининг барча соҳалари, шу жумладан, таълим тизимини ривожлантиришнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Рақамли технологияларни жорий этиш амалиёти нафақат ўқув жараёнини жиҳозлашдаги инновацияларга, балки тадқиқот соҳаларини модернизация қилишга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Рақамлаштириш фанни янада очиқ қилади, тадқиқотчиларни янги рақамли воситалар ёрдамида очиқ фойдаланиш амалиётлари ва ҳамкорликни мослаштиришга ундайди. Илмий тадқиқотлар учун рақамли платформаларни шакллантириш тажриба ўтказиш, маълумот тўплаш ва қайта ишлаш ҳамда илғор илмий инфратузилмани масофадан туриб таъминлаш учун вақт ва моддий харажатларни сезиларли даражада камайтириши мумкин бўлдади. Шунингдек, инклюзив инновациялар ва очиқ инновацион экотизимлар ҳам фаол ривожланмоқда. Буларни эътиборга олган ҳолда рақамли технологиялар таъсири остида илмий тадқиқотларни ташкил этиш, фанда бандлик шакллари, интеллектуал фаолият натижаларини ҳимоя қилиш ва тижоратлаш механизмлари ва усулларини тубдан ўзгартириш муғимдир. Илмий тадқиқот жараёнида тўпланган маълумотлар ҳажмининг жадал ўсиши янги технологиялар ва маълумотларни тўплаш, ишлов бериш ва сақлаш усулларини ишлаб чиқишни талаб қилади. Илмий ва технологик соҳаларда (патентга лаёқатлилик, муаллифлик ҳуқуқи, дастурий маҳсулотларга бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш, саноат намуналари, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш режимлари нуқтаи-назаридан) илғор илмий ва технологик соҳаларда интеллектуал фаолият натижаларини ҳисобга олиш, ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва тижоратлаштириш, уларни маҳкамлаш ва муомалага киритиш учун самарали воситалар (блокчейн технологияси ва бошқалар) жорий этилмоқда.



1 – расм. Замонавий дунёда фан, таълим ва саноатнинг ўзаро алоқалари[1]

[1] Капица С.П. Очерк теории роста человечества демографическая революция и информационное общество. Spkurdyumov. [Электронный ресурс]. URL: http:// spkurdyumov.ru/biology/ocherk-teorii-rosta-

С.П. Капица фаннинг ролини ва қандай қилиб мамлакат иқтисодиётининг инновацион ривожланишининг энг муҳим омили бўлиши мумкинлигини ва жараёнини таҳлил қилиб, фундаментал ва амалий фаннинг иқтисодиёт билан ўзаро боғлиқлиги нуқтаи назаридан вақтинчалик аспектда тақдим этди[1] (1 – расм). Фундаментал илм нуқтаи назаридан, криптовалюта бўйича 20 йиллик тадқиқотлар, криптография соҳасидаги 40 йиллик тадқиқотлар компьютер фанлари ва криптология соҳасида катта ютуқларни таъминлади (хусусан, икки баравар кўп харажатлар муаммосини ҳал қилиш). Амалий илмлар нуқтаи назаридан, 10 йиллик цикл инновация яратилганидан бошлаб бу модел С.П. Капица, криптовалюта протоколи ва биринчи дастурий таъминот версиялари етукликка эришганлигини кўрсатади.

Агар илгари блокчейн дунёсида тангалар бўлса, унда ICO рақамли тангаларнинг янги турини – токенларнинг пайдо бўлишини тахмин қилади. Бу янги турдаги пулларни дастлабки жойлаштириш учун заҳиралар бўлиб хизмат қиладиган валюталардир. Агар компанияни банкдан кредит олиш учун етарлича молиявий тарихига эга бўлмаса, у микроинвестор маблағларини жалб қилиш учун краудфандинг платформасига ўтиши мумкин бўлади. Сармоядорлар учун бу катта таваккал қиладиган инвестициялардир, аммо улар юқори даромад келтириши мумкин.

Рақамли технологиялар фанда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган қарорларни қабул қилишда жамият нуқтаи-назарини яхшироқ ҳисобга олиш, маълумотларни тўплаш ва тадқиқот саволларини қўйиш жараёнларига аҳолини жалб қилиш имконини беради. Жанубий Кореяда ҳукумат ҳомийлик қиладиган тадқиқот дастури бошланганда фуқаролар биринчи навбатда келажакдаги тадқиқотлар учун саволлар ва муаммоларни таклиф қиладилар ва кейин олимлар оммавий сўровга жавобан тегишли таклифларни ишлаб чиқишади[2].

Юқори сифатли ва тизимли билим корхоналарни рақамлаштириш учун зарурий асосидир, чунки маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш вақт ва кучнинг 20% дан камини, қолган 80% бизнес таҳлиллари ва маълумотларни тайёрлаш (рақамлаштириш) ташкил этади. Демак, бу жараёнга кириб боришда энг аввало янги ахборот – коммуникация технологияларидан фойдаланишда рақамли таълим тизимини янада ривожлантиришнинг дастлабки шарти бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодиёт тармоғи сифатида фан ҳам "рақамли" бўлиши керак[3]. Кенг кўламли тадқиқот муаммоларини ҳал қилиш, "мега-фан" синфидаги лойиҳалар билан ишлаш илмий жамоатчилик, давлат ва бизнеснинг ўзаро алоқаси учун рақамли платформа воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга ошири-

---

chelovechestva-kapica (дата обращения: 01.07.2019).

[1] Капица С.П. Субъективные заметки об инновации. Spkurdyumov. [Электронный ресурс]. URL: http://spkurdyumov.ru/future/subektivnye-zametki-ob-innovacii (дата обращения: 01.07.2019).

[2] https://www.hse.ru/data/2019/04/12/.pdf

[3] Зацаринный А.А., Горшенин А.К., Волович К.И., Кондрашев В.А. Основные направления развития информационных технологий в условиях вызовов цифровой экономики // Цифровая обработка сигналов, 2018. № 1. С. 3–7.

лиши керак. Жаҳон амалиётида технологик ва инновацион етакчиликка эришишнинг энг самарали вазифаси илғор тадқиқот соҳаларида мукаммаллик[1] марказларини яратиш ва ривожлантириш орқали амалга оширилади. Илмий инфратузилма нуқтаи назаридан Ўзбекистоннинг илмий-техникавий ривожланиш стратегияси манфаатларига кўра кенг кўламли вазифаларни муваффақиятли ва самарали ҳал этишга фақат фан, таълим ва замонавий технологияларнинг интеллектуал ресурсларини ўзаро бирлаштириш учун рақамли платформаларни ривожлантириш орқали эришиш мумкин.

Илмий тадқиқотлар, ишланмалар ва ўқув жараёнини қўллаб-қувватлаш ва технологик жиҳатдан таъминлаш учун мураккаб ва ноёб илмий жиҳозларни бошқариш хизмати асосий элемент бўлиши керак. Унинг доирасида ягона рақамли платформа доирасида иштирокчилар ўртасидаги ҳисоб-китобларни бошқариш воситаларини ўз ичига олган жамоавий илмий инфратузилма хизматларини тақдим этиш учун бошқарув платформаси жорий этилиши керак. Бу маълумотларни қайта ишлаш марказлари, коллектив фойдаланиш марказлари, ноёб илмий воситалар, рақамли тўпламлар ва маълумотлар банки доирасида замонавий моддий-техник тадқиқотлар базасидан самарали фойдаланишни таъминлайди.

Келгусида ягона рақамли платформа доирасида кўплаб маҳаллий хизматлар (илмий, ўқув, таҳлилий, ҳисоблаш, ахборот, маъмурий) ички ва халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилиши мумкин, шу билан бирга умумий платформага интеграция бошқарув хизматларининг асосий воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши керак. Бундай рақамли платформани жойлаштириш энг замонавий гибрид юқори самарали ҳисоблаш ечимларига, шу жумладан геотақсимланган ечимларга асосланган бўлиши керак.

Масофадан фойдаланиш, шу жумладан хорижий олимлар билан биргаликда тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш учун ягона рақамли платформа жуда муҳимдир. Жаҳон илмий ҳамжамияти илмий тадқиқотлар олиб бориш учун янги парадигмага ўтмоқда, муҳим илмий натижаларга фақат муҳим стратегик ресурслардан бири мақомини олган маълумотларнинг муайян мавзу соҳаларида тўпланган улкан массивларни таҳлил қилиш асосида эришиш мумкин. Бу кўпинча бир тадқиқот гуруҳига жамланиши мумкин бўлмаган кенг миқёсли тадқиқот ваколатларини талаб қилади. Рақамли трансформация илмий фаолият жараёни таркибидаги сифат жиҳатидан ўзгаришни ўз ичига олади, натижада унинг барча иштирокчиларининг (талабалар, тадқиқотчилар, ўқитувчилар, иш берувчилар) эҳтиёжларини қондиришга олиб келади ва институт ёки университетни дунё рейтингида муносиб ўринни таъминлайди. Ўзбекистон жаҳоннинг замонавий таълим қудрати сифатида ривожланиши учун фан, иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришда рақамли технологияларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиши лозим.

[1] Заиченко С.А. Центры превосходства в системе современной научной политики // Форсайт, 2008. Т. 2. № 1. С. 42–50

II ШЎЪБА. “МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИГА ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ВА УЛАРНИ РАҚАМЛИ ВА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ”

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.,
А.Қ.Ғаппаров – СамИСИ ўқитувчиси

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация: мақолада Самарқанд вилоятида экотуризмни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қараб чиқилган. Бунда экологик туризмни ривожлантиришнинг аҳамияти, уни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар, вилоятда экотуристик объектлар ва улардан самарали фойдаланиш концепцияси ёритилган.

Калит сўзлар: агротуризм, спелеотуризм, экологик тоза ҳудуд, анъанавий уй, миллий уй, экологик уй, рекреацион ҳудуд, туроператорлар.

Аннотация: в статье рассматриваются основные тенденции развития экотуризма в Самаркандской области. В ней освещается важность развития экотуризма, регулирующие его нормативные документы, объекты экотуризма в области и концепцияих эффективного использования.

Ключевые слова: Агротуризм, спелеотуризм, экологический чистая территория, традиционный дом, экологический дом, национальный дом, рекреационная территория, туроператоры

The article discusses the main trends in the development of ecotourism in the Samarkand region. It highlights the importance of the development of ecotourism, its regulatory documents, the objects of ecotourism in the region and the concept of their effective use.

Keywords: Agritourism, speleoturizm, ecologically clean territory, traditional house, ecological house, national house, rest zone, tour operators

Умуман туризмни, унинг таркибий қисми бўлган экологик туризмни ривожлантиришга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Бу бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури” 102 банди, бевосита ушбу масалага бағишланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Ж.Раматов томонидан имзоланган 24.11.2017 йилдаги 21/1-2890-сонли

“Самарқанд вилоятининг Қўшработ туманини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги баёни ҳам айнан мазкур масалани ривожлантиришга қаратилган. Булардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14-15 апрел, 28-29 август, 2 сентябр ҳамда 9-10 ноябр, 2018 йилнинг 17-18 март кунлари Самарқанд вилоятига амалга оширилган ташрифлари ва Пастдарғом туманида кенгайтирилган тартибда ўтказилган мажлис баёнларида ҳам экологик туризмни ривожлантириш масалаларига тегишли тарзда аҳамият берилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 июндаги 450-сонли “2017-2019 йилларда Самарқанд шаҳри ва Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида ҳам экологик туризмни ҳудудлар имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилган. Зеро замонимиз шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги кунда ҳамма жойда жонланиш, янгиланиш, ижод, ҳаракат, рақобат, интилиш бўлмаса, дунё миқёсида мамлакатнинг ҳам, мамлакатимиз миқёсида ҳудудларнинг ҳам рақобатбардошлигини таъминлаш мушкул.

Бугунги кунда ҳудудларни мутаносиб ривожлантириш вазифаси қўйилган. Бир ҳудуд гуллаб-яшнаб турсаю, иккинчиси қарабо бўлиб қолиши ҳам яхши эмас. Чунки ҳамма ҳудуд, у ерда яшавчи ҳамма инсонлар ўзимизники, ҳаммаси фаровон ва бахтли яшашга ҳақли. Бу вазифаларни амалга оширишда, мавжуд имкониятлардан тўғри фойдаланишда Ўзбекистон учун экологик ва агротуризмни ривожлантиришга катта аҳамият бериш лозим. Чунки қишлоқларимизнинг ҳаммасида саноатни ёки хизматларнинг унга мос бўлмаган турларини ривожлантириш мураккаб. Шу туфайли, мамлакатимиздаги мавжуд ресурслардан унумли фойдаланган ҳолда қишлоқ жойларда экотуризмни кенг ривожлантириш имкониятларидан самарали фойдаланиш лозим.

Самарқанд вилоятида туризм хизматларини кенгайтириш, яъни диверсификация қилишда экотуризм билан бирга агротуризмни, этник туризмни, қишлоқ туризмини ҳамда спелеотуризмни ривожлантиришни йўлга қўйиш лозим бўлади. Бунинг учун етарли даражада туристик ресурсларимиз мавжуд. Шу йўл билан қишлоқ ҳудудларга сайёҳларни кенг жалб қилиш имконияти яратилади. Бунинг учун Самарқанд вилоятининг барча туманларида экотуризмни ривожлантириш учун тегишли имкониятлар мавжуд. Фақат уларга тегишли тарзда эътибор қаратиш ва мавжудларидан самарали фойдаланиш лозим.

Тадқиқотларимиз кўрсатмоқдаки, вилоятимизга ташриф буюраётган меҳмонлар, шунингдек Самарқанд аҳолиси айни сайёҳлик мавсумида ҳамда дам олиш кунлари табиат қўйнида дам олиш истагини билдиришмоқда. Аммо қишлоқларимизда ушбу йўналишда сифатли хизмат кўрсатадиган инфратузилма етарлик эмас. Шу туфайли ушбу янги соҳага маҳаллий тадбиркорлар билан бирга хорижий тадбиркорларни ҳам жалб филиш мақсадга мувофиқ.

Буларни инобатга олиб Самарқанд вилоятида экологик туризмни ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилган. Ушбу концепцияда бир қатор вазифалар қўйилган. Жумладан:

“экологик тоза ҳудудларда уй меҳмонхоналарини барпо қилиш;

меҳмонларни кутиб олиш, жойлаштириш ва кузатиш билан боғлиқ жараёнларда муомала маданиятини шакллантириш;

сайёҳларга ва оилавий дам олувчиларга маиший хизмат кўрсатиш масканларини барпо этиш,

санитария-гигиена ишларини яхшилаш, миллий ҳаммом, соғломлаштириш масканлари барпо этиш;

чумилиш ҳавзалари, оқар сувлар мавжуд бўлмаган жойларда сув таъминоти муаммоларини ҳал этиш;

анъанавий уй, ҳовли, кўча, гузарлар ландшафтини яхшилаш;

юзага чиқмаган тарихий-археологик, этнографик, географик, миллий, маданий қадриятларимизни излаб топиш ва юзага чиқариш” [1]. Ушбу вазифаларнинг бажарилиши сайёҳларга мазмунли дам олишлари учун тегишли шарт-шароитлар яратиш имкониятини пайдо қилади.

Самарқанд вилоятининг экотуристик салоҳияти мазкур соҳани ривожлантириш учун етарли. Буни вилоятимизда мавжуд экотуристик ресурсларнинг мавжудлигида ҳам кўриш мумкин. Буларга қуйидагилар киради:

Жомбой туманида Галакапа қишлоғи ва сўлим табиати, Зарафшон давлат қўриқхонаси ҳудуди, Зарафшон дарёсининг туман чегарасидан ўтадиган қисми айнан экологик туризмни ривоэлантириш учун қулай масканлар ҳисобланади.

Самарқанд туманида ҳам бетакрор Оҳалик ва Миронқул қишлоқлари ҳам сўлим табиати билан ажралиб туради. Аммо шу жойларда ҳам сифатли хизмат кўрсатадиган инфратузилма шаклланмаган. Бунга ҳам катта эътибор қаратиш лозим бўлади.

Туризм соҳасида геоахборот технологиялардан кенг фойдаланиш зарурдир. Шундай технологиялардан бири Situational Awareness [Situational Awareness – the perception of elements in the environment within a volume of time and space, the comprehension of their meaning, and the projection of their status in the near future] саналади. Ахборот технологиялар ичида янги методлардан бири сифатида кўзга ташланмоқда. Situational Awareness дастлаб давлат, харбий, махсус ишларида қўлланилган бўлиб, кенг масштабда янги маҳсулотлар ва хизматлар пайдо бўлишига ва содда интерфейсга эгалиги, ахборотнинг очиқлиги билан янги имкониятлар тақдим этади. Situational Awareness (SA) тушунчаси кўпинча инглизча адабиётларда учрайди ва замонавий бошқарув соҳаларида кенг фойдаланилади [1]. Situational Awareness – воқеава ходисаларни ўрганиш, регуляр харакатланувчи операцияларни бажариш вақтида аниқлик даражасини ошириш, Пентагонда харбий харакатларни режалаштиришда бу техноло-

гиялардан кенг фойдаланилади. Туризм ва рекреацияда методологик асос сифатида ахборотнинг янги кўринишларидан, яъни географик маҳсулотлардан (карталар, геоахборот технологиялар) фойдаланилади.

Situational Awareness – ахборотларни тўлиқлигини ва ранг-баранглигини таъминлайди. Бу дастур орқали бериладиган ахборотлардан максимам даражада фойдаланиш, харажатларни минималлаштириш имкониятини тақдим этади. Ахборотларни реализация қилиш, махсулотларни тизимлаштириш, маҳсулот хизматларни характерли белгиларини оширишга хизмат қилади [2].

Бу дастурни амалга ошириш учун қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим бўлади:

- ахборотларни геомарказий координаталарини аниқлаш, картографик проекцияларни белгилаш имконини беради;
- Туристик-рекреацион объектлардан максимал даражада фойдаланиш учун дистанцион зондлаштириш, 3D-моделларни ишлаб чиқилади;
- Туристик-рекреацион объектларни динамик ривожланиш даражасини таъминланади;
- Ахборотлардан фойдаланишда янгича ёндашув сифатида рақамли карталарни қоғоз вариантида ва геоахборот технологияларни эса виртуал соҳаларда янгича кўринишлардаги ривожланиши тушунилади [3].

Situational Awareness эса аниқ технологик янгиликлар асосланган вазифалар ва мақсадларни амалга оширилади. Бунда туристик-рекреацион объектлар фаоллиги, ривожланиш жараёнларининг даражаси, туристик-рекреацио белгиларни ўзига хослиги ва бетакрор белгиларга боғлиқ ҳолда ривожланиши ташкил этилади.

Юқори даражадаги дифференсациялашув эса туризм ва рекреацион фаолиятнинг активлиги таъминлайди. Туризм ва рекреациянинг характерли мақсадли объектларни сифатида тарихий, маданий, халқ ижоди ва хунармандчилиги ёдгорликлари саналади. Шу билан бирга атроф-муҳитнинг характерли белгилари ва ўзига хосликга асосланади.

Шунингдек, туризм ва рекреацион хизматларни самарали ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи бир қатор муаммоларни санаб ўтиш зарур:

- доимий ва вақтинчалик локализацилаштириш орқали туризм ва рекреация мақсадларини амалга оширилади;
- туризм ва рекреацияда горизонтал коммуникациянинг паст даражаси билан характерланади;
- вертикал ахборот алоқаларини ташкил этишда турист ва операторлик хизматларини ҳисобга олинади.

Бу муаммоларни бартараф этишда туристик-рекреацион салоҳиятдан самарали фойдаланишни оширишдан иборат. Муаммоларни кетма-кетликда жойлаштириш орқали туризм ва рекреацион фаолиятдан самарали фойдаланишга эришилади [4]. Situational Awareness бугунки

кунда туризм ва рекреацияда бошланғич босқичда фойдаланилмоқда.

Унинг самарадорлигини ошириш учун бир неча йўналишларни ажратиш мумкин:

- виртуал моделлаштириш орқали туристик-рекреацион объектлар фаолиятини меъёрлаштириш;
- виртуал моделларда антропоген босимни аниқлаш, уни тартибга солиш;
- маҳаллий туризм ривожлантиришдаги фаолият кўрсатувчи объектлар ва базалар маълумотлари ўрганиш орқали туристик қизиқишни ошириш.

Situational Awareness орқали 3D моделларини тайёрлаш мумкин бўлади, ҳамда архитектура, археология, зиёрат, тоғ ва сув-пляж йўналишларини аниқ манзилли модел кўринишларини ишлаб чиқиш имкониятлари мавжуд. Шу билан бирга туризм ва рекреация объектларини мажмуали тарзда ўрганиш билан бирга уларни 3D ва 4D моделларини тайёрлаш, шаҳар ва қишлоқларни рақамли моделларини тайёрлашда қўл келади. Бундай мураккаб моделлар тайёрлаш орқали шаҳар ва қишлоқлардаги инфраструктурани ривожлантириш, рақамли тизимларни кенг қўллаш билан “ақлли шаҳарлар” тизимини яратилади. Бундай шаҳарларда барча фаолият соҳалари фақат электрон-онлайн шаклда юритилади. Шаҳарларни рақамли моделларида туристик-рекреацион фаолиятига қараб ихтисослаштириш талаб этилади. Туристик-рекреацион хизмат кўрсатишига қараб тарихий-маданий, тоғ, сув-пляж, даволаш-соғломлаштириш, зиёрат каби йўналишларга ихтисослаштирилади. Булар эса шаҳарларни асосий ташқи туристик-рекреацион ландшафтини белгилаб беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Endsley M.R., Garland D.J. Situation awareness: analysis and measurement, Lawrence Erlbaum Associates, 2000, ISBN 0805821341, 9780805821345
2. Наставление сухопутных войск США Army Field Manual 1-02, Doi, http://www.army.mil/ armyBTKC/focus/sa/about.htm
3. Ерёмченко Е.Н. Неогеография: особенности и возможности. Материалы конференции «Неогеография XXI-2008» IX Международного Форума «Высокие технологии XXI века, Москва, 22-25 апреля 2008 год,170 с.
4. Кибальников С.В., Кружалин В.И. Туризм 2.0 и развитие регионов России. Труды III Международной научно-практической конференции «Туризм и рекреация: фундаментальные и прикладные исследования», Москва, Географический факультет МГУ, 24-25 апреля 2008 год, 89 – 91 с.
5.Тўхлиев И.С, Амриддинова Р.С, Абдухамидов С.А, Аблоқулов А.А. Туризмда геоахборот тизимлари. Ўқув қўлланма. Самарқанд 2018 йил, 3-б.

Атабек Алымов – Қорақалпоқ давлат университети «Иқтисодиёт» кафедраси доценти,
Шерзод Исмаилов– Қорақалпоқ давлат университети Иқтисодиёт мутахассислиги 2-курс магистри

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТУРИСТИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ИННОВАЦИОН-ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация: мақолада Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатиш, хусусан, туризм соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган амалий ишлар ҳамда ажратилаётган инвестициялар бўйича тадқиқотлар олиб броилган. Шунингдек, туризм соҳасида инновацион-инвестицион фаолликни ошириш йўналишлари келтирилган.

Калит сўзлар: туризм, инновацион-инвестицион фаоллик, турист, инвестиция.

Аннотация: в статье исследуется текущая работа в Республике Каракалпакстан в сфере услуг, в частности, по развитию туризма и инвестиций. Представлены направления повышения инновационной и инвестиционной активности в сфере туризма.

Ключевые слова: туризм, инновационная и инвестиционная деятельность, туризм, инвестиции.

Annotation: The article studies the ongoing work in the Republic of Karakalpakstan in the service sector, in particular, on the development of tourism and investment. The directions of increase of innovation and investment activity in the tourism sector are presented.

Keywords: tourism, innovation and investment activity, tourism, investment.

Қорақалпоғистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш, республикага хорижий ва маҳаллий туристларни янада кўпроқ жалб қилиш, туризм соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифати ва кўламини янада ошириш, соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш, туристлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида туристик хизматлар соҳасида инновацион-инвестицион фаолликни ошириш бўйича амалга оширган тадқиқотларимиз давомида ўтказган таҳлилларимизни ўнга яқин йўналишлар бўйича амалга оширдик.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикасида ҳудудий бошқармаси ҳамда бошқа идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда туризм соҳасида олиб борилган ишлар натижасида 2019 йил давомида минтақада жами 5 та жойлаштириш воситалари фойдаланишга топширилишига эришилди.

Бунинг натижасида ҳозирги кунда республикада фаолият юритаётган жами жойлаштириш воситалари сони жами 56 тани ташкил қилмоқда.

2019 йилда минтақада жами 3 та янги туроператорлар фаолиятлари йўлга қўйилиб, фаолият юритаётган жами туристик ташкилотлари сони

жами 15 тани ташкил қилди.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида замонавий туристик синфга мансуб жами 15 та автотранспорт воситалари мавжуд.

Кейинги йилларда республикамизда ташриф буюраётган хорижий ва маҳаллий туристлар сони ва географияси ҳам кенгайиб бормоқда. Жумладан, 2019 йил давомида жами 21689 нафар хорижий туристлар ташриф буюриб ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 42 % ошишига эришилди. (1-расм)



1-расм. 2016-2019 йилларда Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрган хорижий туристлар сони

Таҳлилларимизга кўра, агар маҳаллий туристларимизнинг Қорақалпоғистон Республикасига ташрифларининг асосий мақсадлари ва мотивлари зиёрат, маданий-тарихий ва тарихий туризм бўлса, Европа қитъасидан ташриф буюрадиган Буюк ипак йўлини ўрганиш, археологик туризм, Осиё ва Шарқий Осиё мамлакатларидан келадиган туристлар зиёрат, тарихий, экотуризм, МДҲ давлатлари туристлари маданий-маърифий, гастрономик, экологик туризм йўналишида, Америка ва Африка қитъаларидан эса маданий-маърифий, экологик, зиёрат туризми бўйича ташриф буюришлари аниқланди.

Кейинги йилларда Қорақалпоғистон Республикасида ҳалқаро алоқаларни мустаҳкамлаш, минтақага хориждан ташриф буюраётган туристлар сонини янада ошириш ва республиканинг туризм соҳасига чет эл инвестицияларини янада кенг жалб қилиш мақсадида туризм соҳаси вакиллари дунёнинг бир қанча хорижий мамлакатларига ўзларининг хизмат сафарлари билан ташриф буюрдилар. Жумладан, 2018 йил Қозоғистон, Хитой, Жанубий Корея, Бельгия, Германия Туркманистон Республикаларига туризм соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш ва ушбу йўналишда инвестицияларни жалб қилиш, 8-12 октябрь кунлари Россия Федерациясининг Москва шаҳри, ҳамда Волгоград ва Астрахан областларига Россия Федерациясидан кўпроқ туристларни минтақага таклиф қилиш ва туристик инфраструктураларга россиялик инвесторларни жалб қилиш мақсадида хизмат сафарлари амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 февраль куни

“Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3514-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида 10 мингдан ошиқ туристларни Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган “Султон Увайс бобо”, “Миздакхон” зиёратгоҳлари, “Савицкий” музейи ҳамда “Аёз қалъа”, “Ёнбош қалъа”, “Тупроқ қалъа” каби туристик ҳудудларга саёҳатлари ташкил қилиш графиги Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишилган бўлиб, жорий йилнинг 12 ойлиги ҳолатида ўзида 11,3 мингдан ортиқ Хоразм вилояти аҳолисини саёҳатлари ташкил қилинди.

Замонавий туризм инфратузилмасини барпо этиш, туристларга янада қулайликлар яратиш ва туристларни туризм объектларига осон етиб олишларини таъминлаш мақсадида мутасадди идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда туристлар кўп ташриф буюрадиган ҳудудларда ва автомагистрал йўллар бўйида ўзбек ва инглиз тилларида ахборот берувчи йўл кўрсаткич белгилари ўрнатиладиган ва мавжуд йўл кўрсаткичлари янгиланадиган ҳудудлар рўйхати шакллантирилиб, ушбу рўйхатга асосан туристлар кўп ҳаракатланадиган ҳудудларда йўл ахборот белгилари ҳамда туризм объектларига олиб борувчи йўл кўрсаткич белгилари ўрнатилди.

2019-2020 йилларда республикада туризм соҳасини янада ривожлантириш, кўрсатилаётган хизмат сифати ва кўламини кенгайтириш, ташриф буюраётган туристларнинг қолиш муддатларини узайтириш ва уларнинг вақтини сермазмун ўтказиш, мавжуд инфратузилмани яхшилаш мақсадида республикадаги масъул идора ташкилотлар билан ҳамкорликда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Тадқиқотларимизга кўра, кейинги йилларда республикамиз ҳукумати томонидан кўпчилик соҳаларни либераллаштириш, хусусан қўшни давлатлар билан яқин қўшничилик муносабатларининг ўрнатилишига қаратилган одилона ташқи сиёсат ҳамда таълим соҳасидаги улкан ислоҳотлар туфайли республикамизда мавжуд 2 та олий ўқув юртлари (Қорақалпоқ давлат университети, Нукус давлат педагогика институти) га хорижлик талабаларнинг оқими ошиб бормоқда.

Ўйлаймизки, юқорида келтирилган ислоҳотларни амалга ошириш шубҳасиз минтақанинг туристик салоҳиятини ва соҳа инвестицион фаоллигини янада ошишига олиб келади.

Туристик хизматлар соҳасида инвестицион фаолликни ошириш стратегияси қўйилган мақсадларга эришиш учун хусусий ва давлат инвестицияларини ўзаро уйғунлигини ва мувофиқлаштирилишини назарда тутади. Ҳудуднинг туристик хизматлар соҳасида инвестицион фаолликни оширишнинг инновацион йўналтирилган стратегияси қуйидаги йўналишдаги вазифаларни ҳал қилиши лозим деб ҳисоблаймиз:

- қулай инвестицион иқлимни шакллантириш орқали ҳудудий туристик зоналарнинг жозибадорлигини, инвестицион фаоллигини ошириш;
- туристик хизматлар соҳасида инновацион лойиҳалар банкини шакллан-тириш, ҳудудий туристик хизматлар мажмуасининг инвестицион

имижини шакллантириш ва ошириб бориш;

• туризм соҳасида инвестицион стратегияни босқичма-босқич амалга ошириш учун инвестиция манбаларини шакллантириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Олланазаров Б.Д. Туристик хизматлар соҳасида инвестицион фаолликни ошириш стратегияси ва устувор йўналишлари. Иқтисодиёт фалари бўйича PhD ... диссертацияси. Самарқанд. 2019. -Б.60-68
2. Boltabayev M.R., Tuxliyev I.S., Safarov B.Sh., Abduxamidov S.A. Turizm: nazariya va amaliyot. –T.: «Fan va texnologiya», 2018. – Б.6.
3. Эргашев И.И. Хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион-инвестицион жараёнларни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш. (PhD) фалсафа доктори.дисс.автореф Самарқанд, 2018.
4. Алымов А.К. Қорақалпоғистон Республикасида экологик туризмни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва истиқболлари. (Ph.D) фалсафа доктори.дисс.автореф. Самарқанд, 2018.

А.Т.Мирзаев – Фарғона политехника институти катта ўқитувчи, PhD

ТУРИСТИК-РЕКРЕАЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Аннотация: мақолада туристик-рекреация фаолиятини бронлаш тизимини қўллаш асосида рақамли иқтисодиёт афзалликларидан фойдаланиш йўналишлари ва унинг айрим хусусиятлари ўрганилган

Калит сўзлар: туристик-рекреация фаолияти, туристик-рекреация объекти, бошқарув, бронлаш тизими, глобал резерв, интернет сервер.

Аннотация: в статье рассматриваются преимущества цифровой экономики с использованием систем бронирования путешествий.

Ключевые слова: туристско-рекреационная деятельность, туристско-рекреационный объект, управление, система бронирования, глобальный резерв, интернет-сервер.

Abstract: This article discusses the benefits of a digital economy using travel booking systems.

Keywords: tourist and recreational activities, tourist and recreational facilities, management, booking system, global reserve, Internet server.

Ҳозирги даврда рақамли иқтисодиёт ва у билан боғлиқ бўлган бир қанча самарадор технологиялар ҳаётимизга шиддат билан кириб келмоқда. Ҳудди шунинг учун ҳам давлат ва жамият тараққиётини янада жадаллаштириш мақсадида республикамиз раҳбарияти бир қанча муҳим қарорларни қабул қилди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси президенти 2018 йил 28 декабрдаги 2019 йил учун энг муҳим устивор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам мамлакатимизда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши бўйича қуйидагиларни айтиб ўтди: “Иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида

Янгиланишини кўзда тутадиган “Рақамли иқтисодиёт миллий концепцияси”ни ишлаб чиқишимиз керак. Шу асосда “Рақамли Ўзбекистон-2030” дастурини ҳаётга тадбиқ этишимиз зарур. Рақамли иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоизга ўстириш, коррупцияни кескин камайтириш имконини беради. Нуфузли ҳалқаро ташкилотлар ўтказган таҳлиллар ҳам буни тасдиқламоқда[1].

Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча тармоқ ва соҳаларини рақамли иқтисодиётга ўтказиш асосида ривожланишнинг юқори даражасига кўтарилиши юқоридаги фикрлардан ҳам хулоса қилиш мумкин. Жумладан, шиддат билан ривожланиб бораётган туризм хизматлар бозорини, айниқса, мижозларнинг талаби ортиб бораётган рекреация хизматлари ва унинг бошқарув фаолиятини электрон кўринишга ўтиши соҳа ривожини янада тезлаштиради. Биз таклиф бераётган рекреация фаолиятида мижозлар томонидан бронлаш тизими қўлланилса, мавжуд қувватлардан максимал фойдаланиш имконияти кенгаяди ва шу билан боғлиқ равишда объектларнинг молиявий барқарорлиги ҳам юксалиб боради. Албатта, бронлаш тизимини муомалага киритиш рекреация муассасаси томонидан маълум миқдорда қўшимча харажатлар ҳисобига жорий этилади, бироқ ушбу харажатлар кўлам самараси ҳисобига олинадиган фойда орқали қопланиб кетади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда мавжуд рекреация муассасаларида рақамли иқтисодиёт кўриниши ҳисобланган бронлаш тизими мавжуд эмас. Биз келгусида рекреация фаолиятини бошқариш жараёнида брон тизимини киритиш лозимлигини таклиф қиламиз. Айтиш мумкинки, бу тизим ҳозирда мамлакатимиз туризм хизматлари соҳасидаги аксарият хизмат кўрсатиш соҳалари (меҳмонхона, ресторан, турагентликлар, туроператорлик хизматлари, авиакассалар, темир йўл кассалари ва бошқалар)да самарали қўлланиб келинмоқда. Бронлаш тизими жорий этилган ҳолатда рекреация объектида ўрин (жой)ни бронлаш ҳақида сўров (Reservation) турли каналлар (электрон почта, факс, телефон, телекс) қабул қилиниши мумкин. Сўров қабул қилинганда мижоз ҳақида қуйидаги маълумотлар қайд этилади:

- фамилияси, шахслар сони, яшаш манзили;
- қандай жой ва қанча муддатга кераклиги;
- жой ҳақини тўлаш кафолати ва ҳақни ким тўлаши;
- мижознинг алоҳида ҳохиш-истаклари (номерда гуллар, аллергик ҳолатларни олдини олиш учун парсиз ёстиқ ва ш.к.)[2].

Санаторийда бўш ўринлар бўлган тақдирда, мижозга тасдиқнома (confirmation) юборилади. Ушбу тасдиқномада хонага жойлашиш санаси, номер тури, номерда яшаш кунлари сони, буюртма рақами кўрсатилади. Агар сўровда номерда яшаш кунларининг сони ҳақида маълумот бўлмаса,

[1] Ўзбекистон Республикаси Прзедентининг ПҚ-3832 03.07.2018 даги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
[2] М.Т.Алиева. Меҳмонхона менежменти. Дарслик. –Т.: 2010. 140-бет.

номер бир кунга бронлаштирилади. Агар мижознинг кечроқ келиши ҳақида белги (late arrival) бўлмаса, мижоз соат 18 гача етиб келиши лозим.

Қайта бронлаш (overbooking), яъни бир номерга икки мижоз даъвогар бўлиши энг кўнгилсиз муаммодир. Гап шундаки, статистик маълумотларга кўра, номерни бронлаштирган мижозларнинг тахминан 10 %и брондан воз кечади, яна 5 % и белгиланган куни етиб келмайди.

Қайта бронлашнинг кўп учрайдиган яна бир сабаби ноқулай об-ҳаводир. Бунда эски мижозлар рекреация объектини тарк эта олмайди, янги мижозлар эса аллақачон етиб келган бўлади. Бу ҳолда ўз обрўсини қадрлайдиган муассаса мижозни ўз ҳисобидан шундай ёки ундан ҳам юқори тоифадаги меҳмонхонага юбориши, айни вақтда таърифлардаги тафовутни қоплаши лозим.

Бунга тескари вазият юзага келиши, яъни айни бир мижоз номерни турли агентликлар орқали бронлаши, натижада унинг учун бир эмас, бир нечта номер бронлаштирилиши ҳам мумкин. Бронлаш хизмати бундай "қўш бронлаш" ҳолларини диққат билан кузатиб бориши ва имкон қадар тартибга солиши лозим.

Гуруҳ бўлиб бронлаш (10 дан ортиқ жойни бронлаш) якка тартибда бронлашдан, энг аввало, шу билан фарқ қиладики, бронлаш хизматининг менежери музокаралар ўтказиш ва шартнома тузиш учун ваколатли ёки воситачи шахс билан махсус учрашиши мумкин[1].

Бу тизимлар хизматидан фойдаланишнинг ўзига яраша ижобий ҳамда салбий томонлари мавжуд. Глобал резерв тизимидан фойдаланишнинг ижобий томонлари муайян хизматлардан фойдаланиш учун маълумотлар базаси билан танишувчи мижозлар ушбу хизматларни таклиф этувчи тўғрисидаги тўлиқ маълумотга эга бўлади. Глобал резерв тизимидан фойдаланишнинг салбий томони корхонанинг ўз GDS терминаллари билан боғлиқ бўлиб, у орқали тўловни амалга ошириш учун меҳмонхона резервлаш тизимлари билан шартномалар тузиши, алоқа тармоқларини ўтказиши, керакли асбоб-ускуналарни ўрнатиши, ходимларга уларда ишлашни ўргатиши ва бошқа кўплаб шунга ўхшаш ишларни амалга ошириши лозим.

1. Интернет-серверлар ёрдамида резервлаш тизими орқали. Интернет-серверлар ёрдамида резервлаш тизимининг устун томонлари - Интернет тармоғининг имкониятлари GDS билангина чегараланиб қолмаган.

Интернетдан фойдаланишда эришиладиган асосий устунлик қамраб олинадиган мижозлар доирасининг кенглиги (ер юзи аҳолисининг 100 млн.дан кўпроғи) ва устама харажатларининг GDS га қараганда арзонроқ эканлигидадир.

Рекреация фаолиятидан фойдаланиш даражасини ошириш, реал талабни шакллантириш ва унинг ҳажмини ошириш рекреация хизматлари кўрсатувчи корхоналар томонидан мавжуд максимал қувватни тўлиқ ишга тушириш ҳамда шу асосда кўрсатиладиган хизматлардан олинадиган даромадларни оширишга

[1] Алиева М.Т. Меҳмонхона менежменти. Дарслик. –Т.: 2010. 141-бет.

йўналтирилган ташкилий-бошқарув тадбирларини амалга оширилишига боғлиқ.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, яқин истиқболда туристик-рекреация корхоналари фаолиятини самарали бошқаришда рақамли иқтисодиётга ўтиш асосида мавжуд туристик-рекреация объектларидан фойдаланиш даражасини максималлаштириш орқали уларга туристларнинг ташрифлар таклифи ортиб боради. Бунинг натажасида ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқаришда (ЯҲМ) ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти ортиб боришига ўз таъсирини кўрсатади, ҳудудларда аҳолининг иш билан бандлик даражаси ортади ва аҳолининг турмуш фаровонлиги янада яхшиланади.

U.E.Boynazarov – SamISI mustaqil tadqiqotchisi

O‘ZBEKISTONDA MEHMONXONALAR RIVOJLANISHIGA BO‘LGAN TALAB

Annotatsiya: Maqola hozirgi kunda mamlakatimizda mehmonhonalarga bo‘lgan ehtiyojga bag‘ishlangan.

Аннотация: В этой статье рассматриваются потребности отелей в нашей стране.

Abstract: This article deals with the needs of hotels in our country.

Kalit so‘zlar: mehmonxona, talab, viza, xizmat, turist.

Ключевые слова: гостиница, спрос, виза, сервис, турист.

Keywords: hotel, demand, visa, service, tourist.

Hozirgi kunda mamlakatimizda turizmni milliy iqtisodiyotni diversifikatsiya qilish, hududlarni jadal rivojlantirish, yangi ish o‘rinlarini yaratish, aholining daromadlari va turmush darajasini oshirish, mamlakatning investitsiyaviy jozibadorligini oshirishni ta’minlovchi strategik tarmoqlardan biri sifatida rivojlantirish bo‘yicha kompleks chora-tadbirlar bosqichma-bosqich amalga oshirilmoqda.

Mamlakatimizda viza rejimining liberallashtirilishi, chet el fuqarolarini ro‘yxatga olish tartibining soddalashtirilishi, turizm tarmog‘ini rivojlantirish uchun imtiyoz va preferensiyalar berilishi milliy turizm salohiyatini ichki va tashqi bozorlarda samarali targ‘ib qilish imkonini berdi. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 5-yanvardagi “Turizm sohasini jadal rivojlantirish chora-tadbirlari” [1] to‘g‘risidagi farmonida 2019-yil 1-fevraldan boshlab 45 ta mamlakat fuqarolari uchun 30 kun muddatga vizasiz rejim joriy qilinishi natijasida mamlakatimizga tashrif buyuruvchi turistlar sonini oldingi yillarga nisbatan keskin ortishiga sabab bo‘lmoqda. Bu esa o‘z navbatida mehmonxonalarga bo‘lgan talabning ortishiga sabab bo‘ladi.

Turistlarning ehtiyojlari va talablarini inobatga olgan holda, mamla-

[1] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 5-yanvardagi PF-5611-son

katning barcha hududlarida turizm infratuzilmasi va yondosh infratuzilmani rivojlantirish, xususan:

talabni inobatga olgan holda, yangi joylashtirish vositalarini qurish va mavjudlarni rekonstruksiya qilish bilan bir qatorda yondosh infratuzilmani (umumiy ovqatlanish obyektlari, transport-logistika tuzilmalari, koʻngilochar maskanlar industriyasi, madaniy va sport muassasalari, turistik namoyish obyektlari va boshqalarni) rivojlantirishga qaratilgan turizm industriyasini rivojlantirish boʻyicha kompleks chora-tadbirlarni ishlab chiqish;

mehmonxonalar va boshqa turizm infratuzilmasi obyektlarini qurishga oid loyihalarni amalga oshirish mexanizmini soddalashtirish, tadbirkorlarga oʻz xizmatlarining sifatini oshirish uchun qoʻshimcha shart-sharoitlar yaratish, shuningdek, jahonga mashhur mehmonxona biznesi brendlarini Oʻzbekistonga jalb qilishni ragʻbatlantirish;

joylashtirish vositalarini bosqichma-bosqich rivojlantirish, yirik, oʻrta, kichik mehmonxonalar va xostellarni qurishni ragʻbatlantirish hamda mavjud mehmonxonalarni rekonstruksiya va modernizatsiya qilishga alohida e'tibor qaratish kabilarni amalga oshirish zarurdur.

Turistlarning asosiy ehtiyojlarini qondiruvchi mehmonxonalarni sifat jihatdan yaxshilash kerakligini davr taqozo qilmoqda. Hozirda respublikamizdagi mavjud mehmonxonalarning aksariyati qayta ta'mirdan chiqarilib, zamonaviy boshqaruv tizimlari joriy qilindi. Zamon talablari darajasida ya'ni 3-4-5 yulduzli mehmonxonalar mahalliy va xorijiy turistlarga sifatli xizmat koʻrsatib kelmoqda. Bu esa davlat budjetiga valyuta tushumini oshirmoqda va shu bilan birga aholining ish bilan ta'minlanishiga imkon yaratmoqda. Respublikamizdagi asosiy turistik shaharlar Toshkent, Samarqand, Buxoro, Xorazm shaharlari boʻlib bu yerlarda koʻp mehmonxonalar mavjud va oʻz oʻrnida mamlakatimizni barcha hududlarida davlat dasturi asosida koʻplab mehmonxonalar qoʻrilmoqda.

Bu borada mamlakatimiz prezidentining parlamentga murojaatnomasida ham joriy yilda yurtimizga keladigan turistlar sonini 7,5 milionga yetkazish koʻzda toʻtilganligi va yangi zamonaviy mehmonxonalarni qurishga davlat byudjetuidan 200 milion soʻm subsidiya ajratishilishi bu sohaga boʻlgan talabning muhimligidan dalolatdur.

Mehmonxonaga keluvchi turistlarga koʻrsatiladigan xizmatlar sifatini oshirish, ularga turli xil qulayliklarni yaratib berish hamda ularning Oʻzbekistonda oʻtkazgan vaqtlari qiziqarli va maroqli boʻlishini koʻzda tutgan holda, ular uchun turli xil madaniy dam olish tadbirlari, sayoxatlarni uyushtirish va koʻpgina shu kabi maqsadlarda tadbirlar oʻtkazilmoqda. Bunday mehmonxonalardan biri "Hilton" mehmonxonasi boʻlib, u bir qancha tashkilotlar bilan shartnomalar tuzgan. "Hilton" mehmonxonasi bilan shartnoma tuzgan tashkilotlardan biri Oʻzbekiston Respublikasi Tashqi iqtisodiy aloqalar Milliy Banki boʻlib, mehmonxonada uning valyuta almashtirish punkti ochilgan. Bu punkt turistlar mehmonxonadagi turli xil xizmatlar uchun toʻlovni milliy valyutada amalga oshirilishlarini koʻzda tutgan holda, ularga xorijiy valyutani

so‘mga aylantirib berish vazifasini bajaradi. Mehmonlarning madaniy hordiq chiqarishlari, tarixiy obidalar, qadimiy yodgorliklarni hamda boshqa turli xil turistik va rekreatsion yo‘nalishlar bo‘ylab sayohatga chiqishlarini ko‘zda tutgan holda bir qator turistik va sayoxat tashkilotlari bilan shartnoma tuzilgan. “Hilton” mehmonxonasi respublikamizdagi xalqaro andozalarga muvofiq keluvchi mehmonxonalar qatoridan o‘rin olgan. Mehmonxona o‘zining zamonaviy dizayni, shinam muhiti hamda o‘rtacha narxlari bilan e’tiborni tortadi. Samarqanddagi "Registon plaza" mehmonxonasi ham yirik mehmonxonalar qatoridan o‘rin olgan. Ushbu mehmonxonalarda barcha xonalar o‘ta shinam jihozlangan bo‘lib, ularda iliqlik va mehmondo‘stlik muhiti hukmron. Barcha xonalar individual konditsioner, kamida 2 ta to‘g‘ridan – to‘g‘ri telefon, 12 dastur bo‘yicha ishlovchi sputnik televideniyesi, balkon va marmar hammomni o‘z ichiga oladi. Lyuks xonalar alohida-alohida hammomlarga ega bo‘lib, bu yerda maxsus jakkuzi - vannalar mavjud. Bundan tashqari u yerda shinam dam olish xonasi, rasmiy uchrashuvlar va ovqatlanish xonalari mavjud.

Hozirgi paytda respublikamizda turizmning asosiy tarmoqlaridan biri bo‘lgan mehmonxonalar sonini ko‘paytirish va rivojlantirish muhim omillardan biri hisoblanadi. Mamlakatimizda mehmonxonalar soni kamligi, mavjudlarining esa ko‘pchiligida xizmat ko‘rsatish darajasi yaxshi yo‘lga qo‘yilmaganligi va jahon andozalariga to‘g‘ri kelmasligini guvohi bo‘lamiz. Shuning uchun mehmonxonalar sonini ko‘paytirish, mehmonxonalarimizdagi qulayliklar va xizmatlar sifatini oshirishimiz muhimdir.

M.X.Xamitov – SamISI mustaqil izlanuvchisi

MEHMONXONA XO‘JALIGI IQTISODIYOTINI RIVOJLANTIRISHGA TA’SIR ETUVCHI OMILLAR

Annotatsiya: ushbu maqolada turizm xizmatlari tarkibida mehmonxona xo‘jaligining o‘rni, O‘zbekistonda mehmonxona xo‘jaligini rivojlantirish bo‘yicha olib borilayotgan islohotlar hamda mehmonxona xo‘jaligi iqtisodiyotiga ta’sir etuvchi omillar yoritilgan.

Kalit so‘zlar: mehmonxona xo‘jaligi iqtisodiyoti, iqtisodiy omillar, ijtimoiy omillar, moddiy xizmatlar, ijtimoiy-madaniy xizmatlar, xizmatlar sifati, iqtisodiy ko‘rsatkichlar, ichki omillar.

Аннотация: в этой статье описывается роль гостиничного бизнеса в сфере туристических услуг, реформы проводимые в сфере развития гостиничного бизнеса в Узбекистане и факторы, влияющие на экономику отелей.

Ключевые слова: гостиничная экономика, экономические факторы, социальные факторы, материальные услуги, социокультурные услуги, качество услуг, экономические показатели, внутренние факторы.

Abstract: This article describes the role of the hotel business in the field of tourism services, the reforms carried out in the development of the hotel business in Uzbekistan and the factors affecting the economy of hotels.

Keywords: hotel economy, economic factors, social factors, material services, sociocultural services, quality of services, economic indicators, internal factors.

Mehmonxona xo‘jaligini turizm taraqqiyoti omilaridan biri va turistik mahsulotni ishlab chiqarish rejasi uchun ilk asos sifatida qaraladi. Mehmonxona xo‘jaligi mintaqada investitsion siyosatning ustuvor yo‘nalishlarini rejalashtirishda turistik mahsulot ishlab chiqarish uchun asos hisoblanib, mintaqada turizm rivojining o‘ziga xosligini belgilaydi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016 yil 2 dekabrdagi PF-4861-sonli «O‘zbekiston Respublikasining turizm sohasini jadal rivojlantirishni ta’minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi Farmoni, 2017 yil 16 avgustdagi PQ-3217-sonli «2018-2019 yillarda turizm sohasini rivojlantirish bo‘yicha birinchi navbatdagi chora-tadbirlar to‘g‘risida»gi Qarori, 2018 yil 3 fevraldagi PF-5326-sonli «O‘zbekiston Respublikasi turizm salohiyatini rivojlantirish uchun qulay sharoitlar yaratish bo‘yicha qo‘shimcha tashkiliy chora-tadbirlar to‘g‘risida»gi Farmoni hamda sohaga tegishli boshqa me’yoriy-huquqiy hujjatlarda belgilangan vazifalarni amalga oshirish, turizm sohasini jadal rivojlantirish uchun qulay iqtisodiy, ma’muriy va huquqiy muhitni yaratgan holda, eng samarali tartibni joriy etish, hududlarning iqtisodiy salohiyati va daromadlari bazasini kengaytirish, yangi ish o‘rinlari yaratish, yurtimizga keladigan turistlar oqimini ko‘paytirish, shuningdek, milliy turizm mahsulotlarini jahon bozorida faol va majmuali ravishda ilgari surishga qaratilgan.

Mehmonxona xo‘jaligi iqtisodiyotiga, avvalo, iqtisodiy omillar (iqtisodiyotning umumiy ahvoli, aholi jon boshiga o‘rtacha daromad, ishsizlik darajasi, mahalliy valyutaning ayirboshlash kursi, soliqqa tortish darajasi, kreditlarga bank foizlari va boshqalar) ta’sir ko‘rsatadi. Shu bilan birga tarmoqning rivojlanishida ijtimoiy-iqtisodiy omillar ham katta rol uynaydi: daromad darajasiga ko‘ra aholining tabaqalanishi, ma’lumot darajasi, turmush tarzi, yoshga oid tuzilma, shahar bilan qishloqdagi aholining o‘zaro nisbati (shahar aholisi harakatchanroq), jinoyatchilik darajasi, turizmning rivojlanganligi va hokazo.

Shuningdek, tarmoqning holati bevosita qonunchilikka bog‘liq ekanligi ham tabiiy hol (soliqqa va mehnatga oid qonunchilik, litsenziyalash qoidalari, sanitar-gigiyenik talablar, yong‘in xavfsizligi qoidalari, ist’molchilarning huquqlari to‘g‘risidagi qonunlar va boshqalar).

Turizm tarmog‘ini rivojlantirish, shu jumladan bugungi kun standartlari va talablariga javob beradigan zamonaviy mehmonxonalar va shu kabi joylashtirish vositalarini qurish bo‘yicha investitsiya loyihalarini amalga oshirishni jadallash-tirish, respublikada mehmonxona xo‘jaligini rivojlantirishga to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilish maqsadida, shuningdek, O‘zbekiston Respub-likasi Prezidentining «O‘zbekiston Respublikasida turizmni jadal rivojlan-tirishga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida» 2019 yil 5 yanvardagi PF-5611-son Farmoniga muvofiq tadbirkorlarga katta imtiyozlar berildi.[1]

[1] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining «O‘zbekiston Respublikasida turizmni jadal rivojlantirishga oid

O‘zbekiston milliy mehmonxona xo‘jaligining rivojiga, ayniqsa, hozirgi kunda uning xalqaro mehmonxona biznesiga qo‘shilish munosabati bilan katta ahamiyat berilmoqda, chunki bu xo‘jalik mahalliy aholining ish bilan bandligini ta’minlashda muhim rol o‘ynaydi, milliy iqtisodiyotning boshqa tarmoqlariga ijobiy ta’sir ko‘rsatadi. Qator mamlakatlarda mehmonxona biznesi davlat byudjetiga valyuta kelib tushishining muhim manbai hisoblanadi. Boz ustiga, alohida olingan bir mamlakatda uning faolligi xalqaro investitsion kapitalga yo‘l ochib, jahon iqtisodiyotiga chuqur kirib borishiga ko‘maklashadi. Shu tarzda, mehmonxona biznesi uning tuzilmaviy qayta qurilishini quvvatlab, innovatsion milliy iqtisodiyotga o‘tishda muhim rol o‘ynashi mumkin va bu hozirgi vaqtda O‘zbekiston uchun o‘ta ahamiyatlidir, chunki unda, ulkan rekreatsion imkoniyatlar hamda xorijiy sayyohlar oqimining o‘sishiga qaramasdan mehmonxona xo‘jaligi xalqaro standartlardan ancha orqada.

Mehmonxona taqdim etayotgan xizmatlar ko‘p jihatdan mehmonxonaning muntazam daromadi va binobarin, mehmonxona ishini kengaytirish imkoniyatlari bilan belgilanadi. Moddiy xizmatlar – bu xizmatlar iste’molchisining moddiy-maishiy ehtiyojlarini qondirish bo‘yicha xizmatlardir. Moddiy xizmatlar mahsulotlarining iste’molchilik xususiyatlarining o‘zgarishini yoki fuqarolar buyurtmasiga binoan yangi mahsulotlar tayyorlanishini hamda yuklar va odamlar tashishni, iste’mol uchun sharoit yaratilishini ta’minlaydi. Xususan, moddiy xizmatlarga mahsulotlarni tayyorlash va ta’mirlash bilan bog‘liq maishiy xizmatlar, uy-joy kommunal xizmatlar, umumiy ovqatlanish xizmatlari, transport xizmatlari va boshqalar hisoblanishi mumkin.

Ijtimoiy-madaniy xizmatlar bu ma’naviy, aqliy ehtiyojlarni qondirish va iste’molchining me’yoriy hayotiy faoliyatini qullab-quvvatlash bo‘yicha xizmatlar. Ijtimoiy-madaniy xizmatlar shaxs salomatligini quvvatlash va tiklash, uning jismoniy va ma’naviy rivojini, kasbiy mahorati oshishini ta’minlaydi. Tibbiy xizmatlar, madaniyat, turizm, ta’lim va boshqa sohalardagi xizmatlarni ijtimoiy-madaniy xizmatlar qatoriga kiritish mumkin. Xizmat tovardan o‘zining ushlab his qilib bo‘lmasligi, uni saqlab bo‘lmaslik, oldindan yig‘ib qo‘ya olmaslik hamda shu xizmatni ko‘rsatayotganga yuqori darajada bog‘liqlik bilan farq qiladi.

Sifat masalasi mehmonxona xizmatlarining ishlab chiqarilishi va iste’molida eng muhim rol o‘ynaydi.

Umumiqtisodiy va demografik omillardan tashqari mehmonxonalar iqtisodiyotiga bir qator o‘ziga xos omillar ham o‘z ta’sirini ko‘rsatadi. Bugungi kunda eng salmoqli ta’sir qiladigan omil terrorizm hisoblanadi. Misr va Malayziyada terrorchilar tomonidan sayyohlarni o‘qqa tutish (otib tashlash) yoki Nyu-Yorkdagi osmono‘par binoalarning vayron etilishi singari yirik terrorchilik harakatlari shunday kimsalar xurujiga uchragan mintaqada mehmonxonalar bandligining darhol pasayib ketishini keltirib chiqaradi.

Mamlakatdagi iqtisodiy inqiroz, tabiiyki, xorijiy investitsiyalarga chek

---

qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida» 2019 yil 5 yanvardagi PF-5611-son Farmoni

qo‘yadi vashu mamlakatga tovarlar eksportini kamaytiradi va bu mehmonxonalardagi tadbirkor-sayyohlar sonining tushib ketishini olib keladi. Kurort mintaqalarda mehmonxonalar bandligiga hordiqchiqarishning tez o‘zgaruvchan moddasi, viza olish qiyinligi, transport kompaniyalari ish sharoitlari ta’sir qiladi. Masalan, yuqori darajada shovqinlik Rossiyada ishlab chiqarilgan samolyotlarning Yevropa ustidan parvozlariga ta’qiq rossiyalik sayyohlarning Yevropa kurortlaridan Turkiya va Misr kurortlariga qisman qayta taqsimlanishga olib keladi.

Mehmonxonalarning iqtisodiy ko‘rsatkichlariga ichki omillar ham ta’sir o‘tkazadi: boshqaruv va nazoratning qabul qilingan tizimi (ayniqsa, harajatlarning nazorati tizimi), taqdim etilayotgan xizmatlar darajasihamda mehnat munosabatlari. Shu bois mehmonxona ma’muriyati doimiy ravishda xodimlar mehnat sharoitini yaxshilashga, ishchi kuchi oqimini qiskartirishga, mehnat jamoasidagi umumiy muhitni ham yaxshilashga e’tibor berishi zarur.

Mehmonxonalarning iqtisodiy ko‘rsatkichlariga tariflarning noto‘g‘ri tanlangan tizimi ham ta’sir qilish mumkin. Jahonda quyidagi mehmonxona tariflarining asosiy tizimlaridan foydalaniladi.

1. Tarifga faqat yashash to‘lovi (Room only)kiruvchi Yevropacha plan.
2. Tarifga istiqomat va nonushta (Room and breakfast) to‘lovi kiradigan kontinental plan. Bunda tarifga kiritiluvchi nonushta uch turda bo‘lishi mumkin:

- ✓ Kontinental (sharbat, qahva yoki choy, bulochka, jem);
- ✓ Inglizcha (vetchinali quymoq qo‘shiladi);
- ✓ Shved stoli (qishloq, kolbasa mahsulotlari, non mahsulotlari, mevalar, murabbolar, asal, sharbatlar, qahva, choy – o‘z-o‘ziga xizmat uslubida taqdim etiladi). Bu tarif hozirda keng tarqalgan.

Yarim pansion (Half board, demipension, modified American plan). Tarifga yashash, nonushta, tushlik va kechki ovqat kiradi. Ma’rifiy maqsadlarda sayohat qiluvchi turistlar hamda tadbirkorlarga xizmat ko‘rsatuvchi mehmonxonalarda va ayrim kurortli mehmonxonalarda shu tarif qo‘llaniladi. Bunday mehmonxonalar mijozlari kunni shahar bo‘ylab ekskursiyada o‘tkazadilar, o‘sha yerda tushlik qilib, kechki ovqatga mehmonxonaga qaytadilar. Kurort mehmonxonalari mijozlariga kelsak, ko‘pchilik o‘z mehmonxonasida tushlikni ma’qul ko‘rib, kechki ovqatni har xil restoran va kafelarda qilishadi.

To‘liq pansion (en pension, American plan). Tarifga istiqomat va uch (yoki to‘rt) martalik ovqatlanish kiritilgan. Kurort mehmonxonalari, ayniqsa umumiy ovqatlanish tarmoqlari yetarlicha rivojlanmagan mintaqalarda , shu tarif qo‘llaniladi.

«Hammasi ichida» («All included»). Tarif o‘z ichiga yashash, ko‘p martalik ovqatlanish (boz ustiga mijozning tanlovi bo‘yicha bir necha restoranlarlan birida), barcha (yoki aksariyat) ko‘ngilochar tadbirlar, bardagi ichimliklar (odatda importlari bundan istisno) kabilarni oladi. Begonalardan yaxshi muhofozalangan, odatda mijozlarga ularning shu mehmonxonaga mansub ekanligini tasdiqlovchi qandaydir belgilar beriladigan, masalan qo‘liga yechilmaydigan

bilaguzuk (moslama) taqiladigan kurort mehmonxonalarida qo‘llaniladi.

To‘lovning boshqa sxemalari ham mavjud, misol uchun «Bittaning narxida ikkita» (Two for one), bunda mijoz mehmoniga bepul joy taqdim etiladi, ammo ovqatlanish bo‘ladi, yoki «Bolalar uchun bepul» (Children-free) tarifi, agar xonada ikkita ota-ona bilan birga turishsa, bolalar bepul yashaydi. Biroq bunday ta’riflardan nisbatan kam hollarda qo‘llaniladi. Tarif e’lon qilinganida narx tarifga nimalar qo‘shilganligining batafsil izohi bilan berilishi zarur. Tarifga soliq kiritilgan (kiritilmaganligini, albatta tushuntirib berish lozim, negaki, to‘lov paytida tarifdan tashqari yana 20% soliqni ham to‘lashi kerakligini bilsa, mijoz norozi bo‘lishi mumkin.

Yuqorida sanab o‘tilgan omillardan istalganining ta’siri, avvalo mehmonxona bandligining koeffitsiyentida (occupancy rate) seziladi. Bu mehmonxonaning daromad keltirilishini belgilovchi, mehmonxona ishining eng muhim ko‘rsatkichlari hisoblanadi.

О.К.Хуррамов – Бухоро давлат университети, Сервис соҳаси иқтисодиёти кафедраси катта ўқитувчиси

РАҚАМЛИ ТУРИЗМ ВА УНИНГ ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТДАГИ АҲАМИЯТИ

Аннотация: мақолада бугунги кунимиз учун долзарб саналган инновацион иқтисодиётда рақамли туризмнинг аҳамияти баён этилган.

Калит сўзлар: рақамли туризм, илғор ахборот технологиялари, телекоммуникацион тизимлар, рақамли иқтисодиёт, инновация

Аннотация: В статье подчеркивается важность цифрового туризма в инновационной экономике, которая актуальна в наши дни.

Ключевые слова: цифровой туризм, современные информационные технологии, телекоммуникационные системы, цифровая экономика

Abstract: The article emphasizes the importance of digital tourism in an innovative economy that is relevant to our day.

Keywords: digital tourism, advanced information technology, telecommunications systems, digital economy, innovation

Бугунги кунда Ўзбекистон шароитида рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг қонуниятлари, тенденциялари ва имкониятларини, хусусан, ахборот технологияларининг иқтисодиётнинг турли соҳаларига кириб бориш даражаларини илмий асосда ўрганиш ниҳоятда долзарб аҳамият касб этади.

Ватанимиз тараққиёти ва истиқболи, мамлакатимизда кенг кўламда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти миллий иқтисодиётимизга янги инновацияларни жорий қилишга бевосита боғлиқдир. Шу сабабли рақамли иқтисодиётни такомиллаштириш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва ҳуқуқий асосларини илмий-амалий

жиҳатдан тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Халқаро майдонда туризм жаҳон иқтисодиётининг энг даромадли соҳаларидан бири ҳисобланади. Туризмнинг муваффақиятли ривожланиши иқтисодий фаолиятнинг транспорт, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, меҳмонхона ва ресторан хизматлари, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш каби муҳим йўналишларига ижобий таъсир кўрсатади. Туризм хизмат кўрсатишнинг этакчи соҳасидир ва мижозларга хизмат кўрсатишнинг замонавий инновацион шакллари ва технологияларини талаб қилади.

Шу сабабли туризм саноатини яратиш мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш йўналишларидан бири ҳисобланади. Республикамиз Марказий Осиёнинг энг йирик туристик масканларидан бири сифатида иқтисодиётнинг мазкур тармоғини рақамлаштиришда катта потенциалга эга ҳисобланади.

Ҳозирги босқичда глобал туризм индустриясининг ривожланиш тенденцияларидан бири Интернет технологияларининг ривожланиши, бошқача айтганда, туризмнинг замонавий ривожланиши рақамли иқтисодиётда кечмоқда. Яъни рақамлаштириш жараёни жуда кўплаб соҳалар каби туризм индустриясини ҳам четлаб ўтмади. Меҳмондўстлик индустриясида туристик маҳсулотларга хизмат кўрсатишни ташкил этиш жараёнларидаги энг ёрқин намоёнлардан бири рақамли туризм деб номланган мутлақо инновацион йўналишни жорий этилиши бўлди.

Потенциал сайёҳлар томонидан веб-ресурслардан кенг фойдаланиш рақамли туризм пайдо бўлишига, мижозларга саёҳат йўналишини ва туризм соҳасидаги қарорларни қабул қилишга ёрдам берадиган тавсияларни ишлаб чиқиш учун интеллектуал веб-сервисларнинг ривожланишига олиб келди.

Аввало, рақамли туризм деганда туризм фаолиятини илғор ахборот технологиялари ва телекоммуникацион тизимлар орқали амалга оширишга айтилади. Рақамли туризм саёҳатчиларга саёҳатдан олдин, саёҳат давомида ва ундан кейин тақдим этиладиган электрон хизматлар мажмусаидир.

Ҳозирги кунда анъанавий сайёҳлик саноатини рақамли туризм индустриясига «алмаштириш» тенденцияси намоён бўлмоқда. Рақамли туризм нафақат пулни, балки асабни ва қимматли вақтингизни тежашнинг ажойиб усулидир.

Рақамли туризм қуйидаги хизматларни ўз ичига олган электрон хизматларни ўз ичига олади:

- ахборот хизматлари (масалан, манзиллар, туристик йўналишлар ёки меҳмонхоналар тўғрисида маълумот бериш, Google Maps, TripAdvisor va Vikipediya);

- алоқа хизматлари (масалан, мижоз билан муҳокама ёки электрон почта хабарини юбориш);

- тўлов ёки транзакциялар бўйича хизматлар (масалан, бронлаш, электрон тўловлар тўғрисидаги маълумотлар).

- электрон маркетинг хизматлари (масалан, қидирув тизимлари,

баннерли реклама, мобил иловалар, QR код, ижтимоий медиа ва ҳ.к.)

Рақамли асрда кўпчилик сайёҳлар ва сайёҳлик фирмалар веб-сайтларига ташриф буюришади, уларда барча керакли маълумотларни, шу жумладан уйдан чиқмасдан 360 даражали ва панорамик кўринишда мумкин бўлган жойларни томоша қилишади.

Рақамли туризм хизматлари саёҳатчига маршрутни режалаштиришда ёрдам бериш учун керакли турар жойни топиш бўйича маслаҳат бериши мумкин. Бундан ташқари, улар ўз мобил телефонларига мобил илова қўлланма сифатида ўрнатиш имкониятига эга бўлишади.

Рақамли туризм янги тушунча эмас ва аллақачон кўплаб одамларнинг онлайн фаолиятига кирган. Шунингдек, улар TripAdvisor, Orbitz ва Expedia каби сайтлардаги тавсиялар ва шарҳларни кўриб чиқадилар. TripIt ва Kayak каби баъзи саёҳатларни бошқариш сайтлари орқали бошқа сайтлардаги хизматлар нархларини таққослаш ва Google Flights, Priceline.com, Booking.com ва Hotels.com каби туристик порталлардан авиа рейс ва меҳмонхоналарни брон қилиш имконини беради.

Саёҳат қилишни яхши кўрадиган одамлар ўзларининг фотосуратларини бошқариш учун Picasa, iPhoto, Flicker ва Facebookдан фойдаланишни аллақачон яхши билишади.

Шундай қилиб, рақамли туризм технологияга асосланган қидирувлар асосида саёҳат тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлиги ва хилма-хиллиги, айнан бир дестинация ҳақида ундан фойдаланганларнинг фикр-мулоҳазалари, фото сурат ва видео роликлари ўша манзилни танлаш ёки танламасликка қарор қабул қилишга, режалаштиришга ҳамда уни амалга оширишга ёрдам беради.

Туризмдаги рақамлаштириш сайёҳлик бизнесини нафақат замонамизнинг воқеларига мослашувчан, балки ривожланаётган "рақамли дунё"да янада рақобатбардош қилишга мажбур қилади. Меҳмондўстлик саноатини рақамлаштириш нафақат биз мижозларга жуда катта қулайликлар, манфаатлар беради ва ўз навбатида туристик компанияларнинг эгаларига эса янада юқори даромад олишлари имконини берувчи вазиятларни таъминлашга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Хуррамов О.К. Электрон туризм имкониятлари ва уларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари. «Халқаро туризм индустрияси замонавий жиҳатлари ва Ўзбекистонда туризм ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари» мавзуидаги халқаро туризм конференцияси. Тошкент Сингапур институти. 2014 йил 15-16 октябр. Б.35-39
2. Хуррамов О.К., Тохиров Ж.Р. Ижтимоий медиа маркетинг-замонавий электрон маркетингнинг самарали воситаси. “Biznes-Экперт” журнали, 1-сон, 2016 йил. Б.72-78
3. Хуррамов О. Особенности использования маркетинговых инструментов в социальных медиа //Alatoo Academic Studies. – 2016. – №. 2. – С. 236-249.
4. Khurramov O.K., Fayzieva S.A., Saidova F.K. The aspect and influence of use the global internet in tourism // Достижения науки и образования. – 2019. – №. 13 (54).
5. Khurramov O.K. Prospects of digital tourism development// Economics. – 2020. – №. 1(44).

Д.А. Бекчанов – студент Ташкентский финансовый институт, направление «Финансы», бакалавриат, 2-курс

ОСОБЕННОСТИ ПРЕДОСТАВЛЕНИЯ ТУРИСТИЧЕСКИХ УСЛУГ НАСЕЛЕНИЮ СТРАНЫ И СТРАТЕГИЧЕСКИЕ НАПРАВЛЕНИЯ ИХ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ В УСЛОВИЯХ ИННОВАЦИОННОЙ И ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

Annotatsiya: Mamlakatda ziyorat turizmini rivojlantirich uchun aholini mukaddas joylar tugrisida xabardor gilich zarurligi isbotlangan va nogironlar uchun jamoat turizmini rivojlantirich xususiyatlari va muammolari yoritilgan.

Kalit sozlar: Ozbekiston, turizm, aholiga sayyohlik xizmatlari, ularning xususiyatlari, mamlakat turizmida IKT, ziyorat turizmi, nogironligi bor odamlarning turizmi, takomillachtirich yollari.

Аннотация: Доказывается необходимость информирования населения страны о святых местах для развития поломнического туризма внутри страны, также об особенностях и проблемах развития общественного туризма для лиц с ограниченными возможностями (лица с инвалидностью).

Ключевые слова: Узбекистан, туризм, туристические услуги населению, их особенности, ИКТ в туризме страны, паломнический туризм, туризм людей с инвалидностью, пути совершенствования.

Abstract: The necessity of informing the country's population about holy places for the development of pilgrim tourism in the country, as well as about the features and problems of the development of public tourism for people with disabilities (persons with disabilities), is proved.

Keywords: Uzbekistan, tourism, tourist services to the population, their features, ICT in the country's tourism, pilgrimage tourism, tourism of people with disabilities, ways to improve.

В туристической сфере Узбекистана уже вовсю происходят серьезные позитивные изменения.

В стране последовательно реализуются комплексные меры, направленные на развитие туризма как одной из стратегических отраслей национальной экономики, превращение его в мощный инструмент устойчивого развития, структурных преобразований и диверсификации экономики.

Проводится активная работа по увеличению вклада туризма в создаваемом валовом внутреннем продукте, доходах местных бюджетов, обеспечению занятости, повышению уровня и качества жизни населения.

В 2018 г. были приняты три основополагающих решения Главы государства в сфере туризма (один Указ и два Постановления), по которым было предусмотрено осуществление 147 мер, направленных на развитие внутреннего туризма, въездного туризма, а также на развитие туристского потенциала страны.

Постановлением Президента Республики Узбекистан от 07.02.2018 г. № ПП-3514 «О мерах по обеспечению ускоренного развития внутреннего

туризма» впервые была утверждена Программа развития внутреннего туризма «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!». В рамках данной Программы осуществлены ряд мер, направленных на развитие внутреннего туризма.

Для системной организации путешествий по Узбекистану различных категорий общества Союзом молодежи Узбекистана, Комитетом женщин Узбекистан, Советом Федерации профсоюзных организаций Узбекистана, Общественным благотворительным фондом «Махалля», Фондом «Нуроний» по социальной поддержке ветеранов Узбекистана и Советом Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятами областей и города Ташкента были утверждены и осуществлены планы организации путешествий молодежи, пожилых людей, рабочих коллективов и жителей махаллей.

При Комитете женщин образовано ООО «Нафистравел», при фонде «Нуроний»-ООО «Нуронийсайех». Также, на телеканалах «Дуне бўйлаб», «Ўзбекистон 24» и других постоянно транслируются телепередачи в рубриках «Ҳудудларга мегатур», «Зиёрат туризми», «Экотуризм истиқболлари», «Телесаёҳат». Начиная с 2018 года внедрен порядок длительных выходных на праздничные дни, учреждены праздничные скидки на железнодорожные и авиарейсы и на другие виды услуг.

Указом Президента РУз от 05.01.2019 г. № УП-5611 «О дополнительных мерах по ускорению развития туризма в Республике Узбекистан» утверждена Концепция развития сферы туризма в РУз в период до 2025 года. Концепций предусмотрена наряду с развитием туристической отрасли в целом, также развитие внутреннего туризма, обеспечивающего стимулирование активности субъектов туристской деятельности, ориентированных на удовлетворение потребностей в туристских услугах внутри республики.

Внутренний туризм способствует переходу отрасли на круглогодичное обслуживание туристов, он не связан с большими вложениями и рисками, присущими для работы с иностранными туристами, а также способствует культурному обогащение граждан, их рекреации и оздоровлению.

Развитие внутреннего туризма возможно при осуществлении комплекса мер и эффективном взаимодействии субъектов туристской отрасли, а также поддержке государства, развитии транспортной, информационной и культурной инфраструктуры туристской отрасли и активном продвижении информации о туристских объектах.

Информация - жизненная основа туризма. Своевременная и точная информация, относящаяся к потребностям пользователей, - ключ к удовлетворению туристского требования. Поэтому обеспечивать информационную основу - это один из самых эффективных способов облегчить продвижение услуг в туризме.

В целях реализации постановления Президента Республики Узбекистан «О мерах по ускоренному развитию электронной коммерции» №3724 от 14 мая 2018 г. Государственным комитетом Республики Узбекистан по

развитию туризма совместно с Министерством по развитию информационных технологий и коммуникаций была разработана международная информационная система Silkroad.uz. Она позволяет оперативно оформлять гостям бронь, ускоряет процесс заселения, делает оплату услуг быстрой и комфортной как для гостей, так и для персонала гостиницы.

Одной из крупных разработок для путешественников стал проект Uzbekistan Pass, включающий в себя различные туристические сервисы.

Uzbekistan Pass – это первый и пока единственный национальный продукт, предоставляющий широкий спектр туристических услуг по Узбекистану.

Для продвинутых путешественников, привыкших получать информацию одним кликом, также создано инновационное решение. Проект Verum-QR – это информационная база всех туристических объектов и экспонатов в текстовом и аудиоформатах. Информация о них доступна на 12 языках с применением технологии QR-кода. Это приложение функционирует в Самарканде, Бухаре и Хиве.

Стратегическое использование новых информационных технологий в туристической индустрии - одно из самых важных аспектов развития как всего туризма, так и внутреннего туризма страны.

Развитие внутреннего туризма в современных условиях также связан с множеством факторов: изменяющаяся демография, образ жизни, праздники и графики работы.

Президент Ш.М.Мирзиёев предлагал развивать поломнический туризм. По инициативе Президента 21-23 февраля 2019 года в Бухаре прошел первый Международный форум по зиёрат-туризму (паломнический туризм), где подписали Бухарскую декларацию о признании Узбекистана в качестве одного из центров зиёрат-туризма.

Мы прекрасно знаем, что среди населения старшего возроста мусулманских стран развита поломнический туризм. Это относится также к нашему народу. К примеру, Вам скажу, моя бабушка со своими сверстниками-подружками несколько раз нанимали автобус и ездили по святым местам Узбекистана – по городам Бухара, Самарканд, Ташкенская область (Занги ота) и Туркестанскую область республики Казахстан. Бабушка также ездила в Хаж – Макку. Почему я про бабушку говорю? Так, в мачите Хазрати Имам (Хастимам) в г.Ташкенте хранится один из четырёх рукописной оригиналов КАРАН ОСМАНА. Сам Коран Османа является первоисточником священной книги в переплете, написанной на шкуре оленя в середине VII века. Всего таких Коранов было написано шесть, но до наших дней дошли лишь четыре экземпляра, и лучше всего сохранившийся экземпляр находится в мачите Хазрати Имам.

Как то, я у бабушки спросил, была ли она в мачите Хастимам и видела ли этот КАРАН. К большому моему удивлению бабушка сказала, что она первый раз слышит, что у нас в Ташкенте хранится первый рукописный

КАРАН. Населения нашей страны не полностью информирован о святых местах страны.

Особенностью проблем оказания туристических услуг населению страны по поломническому туризму в современном инновационном технологическом информировании о святых местах страны через смарт-туризм является то, что информация через ИКТ не доходят до нужных слоев населения, т.к. поломнический туризм осуществляет люди приклонного возроста, которые не пользуются разными компьютерными технологиями.

В соответствии с Планом мероприятий по реализации Концепции развития сферы туризма в Республике Узбекистан на 2019-2025 годы, утвержденной Указом Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2018 года № УП-5611, а также в соответствии с постановлением «О мерах по обеспечению ускоренного развития внутреннего туризма» № ПП-3514 определены задачи развития общественного туризма для лиц с ограниченными возможностями (лица с инвалидностью).

Государственный комитет по развитию туризма вместе с Обществом инвалидов разрабатывал социальный проект “Путешествие для всех”, направленный на развитие социального туризма.

В рамках проекта, в целях привлечения общественных благотворительных средств открыт номер счета ГУП “Центр обслуживания туристов " при Госкомтуризма. Поступившие на счет благотворительные средства будут распределены: 50% - на организацию поездок лиц с инвалидностью; 25% - на адаптацию объектов инфраструктуры туризма на местах для лиц с ограниченными возможностями; 25% - на социальную поддержку лиц с инвалидностью (предпринимательская деятельность, инвалидные коляски и другое специальное оборудование).

Проект призван создать все необходимые условия для передвижения людей с инвалидностью в будущем. Однако в данный момент в регионах нет соответствующих условий для этой категории лиц в туристической инфраструктуре, нет необходимого персонала для обслуживания данной категории туристов.

Исходя из выщеизложенных, предлагаю следующие:

1. Одновременно с национальными телеканалами, также необходимо во всех радио каналах Узбекистана (особенно в телерадиоканале “Махалля”) периодически транслировать документальные фильмы (радиофильмы), репортажи, беседы с людьми о святых местах страны, т.к. большое количество населения слушает радио (особенно люди приклонного возроста, которые осуществляет поломнический туризм).
2. Главными задачами для развития общественного туризма для лиц с ограниченными возможностями (лица с инвалидностью) являются: содействие созданию на местах соответствующих условий

проживания для лиц с инвалидностью и обеспечению необходимым обслуживающим персоналом этой категории лиц в туристической инфраструктуре.

Литература:

1. Постановление Президента Республики Узбекистан от 07.02.2018 г. № ПП-3514 «О мерах по обеспечению ускоренного развития внутреннего туризма».
2. Указ Президента РУз от 05.01.2019 г. № УП-5611 «О дополнительных мерах по ускорению развития туризма в Республике Узбекистан».
3. Смарт-технологии в туризме. Автор Баходир Сусаров, нач.Управ. внедрения инноваций и смарт-туризма Гос.Ком. РУз по развитию туризма. 24.03.2018. (https://ictnews.uz/24/03/2018/tourism-2/)

С.Х.Махмудов – СамТИ «Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар» кафедрасининг катта ўқитувчиси

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДАГИ БАЪЗИ ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ТУРИСТИК ОБЪЕКТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация: ушбу мақолада тарихий-маданий туристик объектларнинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари динамикаси таҳлил этилган.

Калит сўзлар: туризм, даромад, молия, иш ҳақи, меҳнат унумдорлиги

Аннотация:В данной статье анализируется динамика финансово-экономических показателей объектов историко-культурного туризма.

Ключевые слова: туризм, доход, эффективность, финансы, заработная плата, производительность труда

Annotation:This article analyzes the dynamics of financial and economic indicators of objects of historical and cultural tourism.

Key words: tourism, income, efficiency, finance, wages, labor productivity

Жаҳон мамлакатлари қаторида Ўзбекистон ҳам ўзининг узоқ ва бой тарихига эга. Қадим замонлардаёқ Турон замин деб эътироф этилган она Ватанимиз турли тарихий ёзма ва археологик манбаларга кўра Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Миср, Рим каби қадимий ва буюк мамлакатлар қаторида муносиб ўринни эгаллаган. Қўхна, маданий ва маънавий ёдгорликларга бой тарихи, қадимий меъморий ҳамда тасвирий санъати жаҳон туристларини ўзига жалб этиб келгани ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, Самарқанддаги Гўр Амир ва Бибихоним мақбаралари, Улуғбек расадхонаси, Регистон ансамбли жаҳон ҳамжамияти эътиборидаги тарихий-маданий туризмнинг асосий объектлари ҳисобланади. Кўплаб кишилар ушбу тарихий ёдгорликларни зиёрат қилиш истагида бўлишади. Шу боис вилоятдаги тарихий-маданий ёдгорликлардан, ҳатто уларга туташ ҳудудлар имкониятларидан ҳам фойдаланиб қўшимча даромад топиш йўлларини излаш бугунги куннинг энг муҳим ва долзарб вазифаси ҳисобланади.

Англия, Франция, Италия, Ҳиндистон, Туркия каби давлатлар тарихий - маданий объектлардан юқори даражада фойдаланаётган

мамлакатлар тоифасига киради. Буни ушбу мамлакатларда ташриф буюраётган сайёхлар сонига қараб, ЯИМ таркибида туризмнинг улушига қараб ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларлар таркибида кўриш мумкин. Шу мақсадда Самарқанд вилоятидаги тарихий-маданий объектлардан мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожланиши йўлида қандай фойдаланаётганимизни билиш учун уларнинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил этилди (1-жадвал).

1-жадвал

Гўр Амир мақбарасининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили[1]

Моиявий иқтисодий кўрсаткичлар	йил				2018 йилнинг 2015 йилга нисбатан ўз-гариши (+;-)
	2015	2016	2017	2018	
Майдони, метр кв	2500	2500	2500	2500	X
Даромади, минг сўм	466272	584838	977382	1915457	+1449185
Шулардан:					
Хорижий сайёҳлардан тушган тушум, минг сўм	276372	413838	752982	1420757	+1144385
Маҳаллий сайёҳлардан тушган тушум, минг сўм	189900	171000	224400	494700	+304800
Мажмуадан фойдаланиш (клиплар, суръатлар ва бошқалар) минг сўм	2433	2985	3710	4660	+22227
Мажмуада ишловчи ходимлар сони, киши	15	14	15	17	+2
Мажмуага кириш нархи маҳаллий сайёхлар учун сўм	1000	1000	1000	1000	X
Мажмуага кириш нархи хорижий сайёхлар учун сўм	20000	22000	22000	25000	+5000
Хорижий сайёҳлар ташрифи, минг, киши	13,8	18,8	34.2	56.8	+43,0
Маҳаллий сайёҳлар ташрифи, минг, киши	189,9	171,0	224.4	494.7	+304,8

Гўр Амир мақбараси Самарқанд шаҳрини 2500 квадрат метр майдонини эгаллаган. Даромади асосан хорижий ва маҳаллий сайёҳларнинг ташрифидан тушган тушум ташкил этади (1-жадвал). 2018 йилда Гўр Амир мақбарасининг умумий даромади 1915457,0 минг сўмни ташкил этган бўлиб, 2015 йилдаги даромади билан таққослаганда 1449185,0 минг сўмга кўпайган ёки 4,1 мартага ошган. 2015 йилда Гўр Амир мақбарасига ташриф буюрган хорижий сайёхлардан тушган тушум жами даромадининг 59,2 фоизини ташил этган бўлса, 2018 йилга келиб эса ушбу кўрсаткич 74,2 фоизга етди.

Ушбу маълумотлар сўнги йилларда, туризм соҳаси мамлакатимизда 2015 йилга қараганда жадал ривожланганлигини англатади. Ҳатто,

[1] Самарқанд вилояти Маданият бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

мамлакатимизга айнан тарихий-маданий ёдгорликларни зиёрат қилувчи хорижий сайёхлар сони ҳам йилдан-йилга ошяпти. 1-жадвал маълумотларида кўрсатилишича, 2017 йилда Гўр Амир мақбарасига 34,2 минг нафар хорижий сайёхлар зиёрат қилиш учун ташриф буюрган бўлса, 2018 йилда эса уларнинг сони қарийб 57,0 минг кишига етди. Демак, 2018 йилнинг ўзидаёқ ташриф буюрган хорижий сайёхларнинг сони 2017 йилга қараганда 23,0 минг нафарга ошган. Республикамизда тарихий-маданий ёдгорликларга хорижий ва маҳаллий сайёхларнинг ташрифига қараб ушбу туризм турини ривожланаётганлигини англаш мумкин.

Тарихий-маданий ёдгорликларга маҳаллий сайёҳларнинг ташрифига қараб мамлакатимизда ички туризмни ҳам ривожланаётганлигини билса бўлади. 2015 йилда Гўр Амир мақбарасига зиёрат қилиш учун 189,9 минг нафар маҳаллий сайёхлар ташриф буюрган бўлса, 2018 йилга келиб уларнинг сони 304,8 минг нафардан ошиб, қарийб 500,0 минг кишини ташкил этган. Маҳаллий сайёҳлардан тушган тушум жами даромадининг 25,8 фоизини ташкил этди. Худди шундай таҳлилни Бибихоним мақбараси бўйича ҳам кўриб чиқамиз.

2-жадвал

Бибихоним мақбарасининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили[1]

Моиявий иқтисодий кўрсаткичлар	йил				2018 йилнинг 2015 йилга нисбатан ўзгариши (+;-)
	2015	2016	2017	2018	
Майдони, метр кв	3000	3000	3000	3000	
Даромади.минг сўм	416272	517276	842637	1507514	+1091242
Шулардан:					
Хорижий сайёҳлардан тушган тушум, минг сўм	303372	373276	685837	1147614	+844242
Маҳаллий сайёҳлардан тушган тушум, минг сўм	112900	144000	156800	359900	+247000
Мажмуадан фойдаланиш (клиплар, суръатлар ва бошқалар) минг сўм	2382	2469	2832	2804	+422,0
Мажмуада ишловчи ходимлар сони, киши	9	9	9	12	+3
Мажмуага кириш нархи маҳаллий сайёхлар учун сўм	1000	1000	1000	1000	X
Мажмуага кириш нархи хорижий сайёхлар учун сўм	20000	22000	22000	25000	+5000
Хорижий сайёҳлар ташрифи, минг, киши	15,1	16,9	31.1	45.9	+30,8
Маҳаллий сайёҳлар ташрифи, минг, киши	112,9	144,0	156.8	359.9	+247,0

Бибихоним мақбараси ҳам Самарқанд шаҳрининг 3000 квадрат метр

[1] Самарқанд вилояти Маданият бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

майдонини эгаллаган. Унинг асосий даромади ҳам хорижий ва маҳаллий сайёҳларнинг ташрифидан тушган тушум ташкил этади. 2018 йилда унинг жами даромади 1507514,0 минг сўмни ташкил этиб, 2017 йилдаги даромадиги қараганда 178,9 фоизга ошган. 2015 йилдаги жами даромад билан таққослаганда эса 2018 йилда у 3,6 мартага кўпайган. 2018 йилда Бибихоним мақбарасига хорижий сайёҳлардан тушган тушум жами даромаднинг 76,1 фоизини ташкил этган. 2015 йилда ҳам хорижий сайёҳлардан тушган тушум тахлили жами даромаднинг 72,8 фоизни ташкил этганини кўрсатди. Демак, бундан шундай хулосага келиш мумкинки, 2015 йилда ҳам Бибихоним мақбарасининг асосий даромади хорижий сайёҳлар ташрифидан тушган тушум ташкил этган. 2018 йилда Бибихоним мақбарасига ташриф буюрган хорижий сайёҳларнинг сони 2015 йилда ташриф буюрган хорижий сайёҳлар сонига қараганда 3,0 мартага ошиб, қарийб 31,0 минг кишига кўпайган. Бизнинг назаримизда, Бибихоним мақбарасига ташриф буюрган хорижий сайёхлар сони кам. Гарчанд улар 2018 йилда 2015 йилга қараганда қарийб 31,0 минг кишига кўпайган бўлса-да, Гўр Амир мақбарасига ташриф буюрган хорижий сайёхлар сони билан таққослаганда 12,2 минг кишига кам. 2-жадвал маълумотлари Бибихоним мақбарасига маҳаллий сайёҳларнинг ташрифи йилдан-йилга ошиб бораётганлигини кўрсатяпти. Масалан, 2015 йилда Бибихоним мақбарасига 112,9 нафар маҳаллий сайёҳлар зиёрат қилиш учун ташриф буюрган бўлса, 2018 йилга келиб маҳаллий сайёҳлар сони 247,0 минг кишига кўпайиб, қарийб 360,0 минг кишига етди. Аммо, Гўри Амир мақбарасига ташриф буюраётган маҳаллий сайёҳлар сонига нисбатан 135,0 минг кишига кам. Демак, республикамиз турфирмалари томонидан хорижий ва маҳаллий сайёҳларга тақдим этадиган турпакетлар таркибида тарихий-маданий объектларнинг барчаси ўрин олмаганлигидан далолат беради. Ваҳоланки, тарихий-маданий ёдгорлик объектлари жумладан Гўр Амир, Бибихоним мақбаралари оралиғидаги масофа унча узоқ эмас. Бироқ, Гўр Амир Бибихоним мақбараларига ташриф буюраётган хорижий ва маҳаллий сайёҳлар сони бўйича фарқ жуда катта. Шу сабабли ҳам Бибихоним мақбарасидаги даромад Гўр Амир мақбараси даромадидан 407943,0 минг сўмга кам. Одатда узоқ масофани ўтаб, аъло даражада хордиқ чиқариш истагида бўлганлар, бир-бирларига жуда яқин масофадаги тарихий-маданий объектларга ташриф буюрмасдан қолмайди.

Умуман олганда Гўр Амир, Бибихоним мақбаралари мамлакат равнақи йўлида фойдаланиш самарадорлиги йилдан-йилга ошган. Лекин бизнинг назаримизда, ушбу тарихий-маданий ёдгорликлардан янада самаралироқ фойдаланиш имконияти бор. Чунки, республикамизда туризмнинг тарихий-маданий тури асосий ҳисобланади. Ўзбекистонга ташриф буюраётган сайёҳларнинг деярли барчаси мамлакатимиз тарихи ва маданиятини яхшироқ ўрганиш мақсадида ташриф буюради. Шунинг учун эришган натижаларимизга махлиё бўлмасдан улардан янада кўпроқ даромад топиш йўлларини топишимиз зарур.

III ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ МУАММОЛАРИ”

Ҳ.Н.Мусаев – и.ф.д., СамИСИ профессори,
Д.А. Нематова – СамИСИ магистранти

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲИСОБИНИ ЯХШИЛАШ ВА САМАРАЛИЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: мақолада асосий воситаларнинг мазмуни ва уларни бухгалтерия ҳисобида юритилиши очиб берилган. Шу билан бирга, асосий воситалардан самарали фойдаланишга эътибор берилган.

Калит сўзлар: асосий воситалар, рақобат, модернизация, бухгалтерия ҳисоби, асосий воситаларнинг самарадорлиги.

Аннотация: в статье раскрывается сущность основных средств, методика их учёта. Большое значение придается эффективному использованию основных средств.

Ключевые слова: основные средства, модернизация, бухгалтерский учёт, эффективность основных средств.

Abstract: The article describes the accounting of basic tools and their accounting in accounting. At the same time, great importance is attached to the effective use of basic tools.

Key words: Accounting, basic tools, competition, modernization.

Бугунги кунда иқтисодиётимизни ривожланишига катта эътибор берилмоқда. Республикамизнинг келажакдаги равнақини иқтисодиётнинг барча реал секторлари моддий-техника базасини тубдан яхшиламасдан таъминлаб бўлмайди. Айнан шу мақсадда миллий иқтисодиётни модернизациялаш, ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш, илғор техника ва технологияларни харид қилиш энг устувор вазифалар сифатида белгиланган. Ушбу вазифалар ҳар бир корхонада асосий воситаларга катта эътибор қаратишни, мос равишда улар ҳисобини яхши йўлга қўйишни тақозо этади. Шу қаторда тадбиркорларга катта имтиёзлар эшиги очилди. қатор тармоқларда чуқур таркибий ислоҳотлар бошланди. Саноатнинг 12 та етакчи тармоғида модернизациялаш ва рақобатдошликни кучайтириш дастурлари жадал амалга оширилмоқда. Натижада ўтган йили иқтисодий ўсиш 5,6 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 6,6 фоизга, экспорт – 28 фоизга кўпайди. Олтин-валюта захираларимиз 2019 йил давомида 2,2 миллиард долларга ортиб, 28,6 миллиард долларга етди[1]. Бундай кўрсатгичларга эришиш учун эса

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2020

тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга катта эътибор берилганлигидандир. Хозирги кунда тадбиркорлар ўзларининг иш фаолиятини ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот хажмини оширишларига қаратилган катта ишларни амалга оширмоқдалар.

Асосий воситалар-корхона томонидан узоқ муддат давомида хўжалик фаолиятини юритишда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш мақсадида фойдаланишга қаратилган моддий активлардир. Асосий воситалар ҳар қандай корхонанинг, ҳар қандай фаолиятнинг моддий-техника базасини ташкил қилади. Аниқроғи асосий воситалар, бинолар, иншоотлар, машина ва ускуналар, хизмат муддати бир йилдан кўп бўлган бошқа меҳнат воситалари ҳисобланади. Объектни асосий воситалар таркибига киритиш учун у мустақил равишда фойдаланиш имкониятига эга бўлган бўлиши керак.

Тадқиқот объекти ҳисобланган «Самарқанддонмаҳсулотлари» аксиядорлик жамияти (АЖ)да асосий воситалар модернизация жараёнига катта эътибор берилмоқда. Ушбу корхона 2018 йил 170,0 млн асосий восита кирим қилган бўлса, 2019 йилда эса 280,0 млн асосий восита кирим қилган. Бу эса асосий воситаларнинг киримини 2019 йил 2018 йилга қараганда 64,7 фоизга ошганини кўрсатади (1-расм).



1-расм. "Самарқанддонмаҳсулотлари" АЖ да асосий воситалар кирими

Бундай ижобий ўзгаришларни бошқа корхоналар мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу эса тармоқ корхоналарининг ривожланаётганини кўрсатади. Рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси беш йилдаги энг устувор вазифалардан бири бўлади. Айнан шунинг учун, корхоналарга кўплаб ҳисоблаш техникаларининг киримини йилдан йилга ортаётганини

кўришимиз мумкин. Бу эса ушбу корхоналарнинг иш фаолиятини янада яхшилайди ва ахборотларнинг ишончлилигини таъминлайди.

Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, балки ортиқча харажатларни камайтиради ҳамда корхонадаги ноқонуний ишларга барҳам беради. Барқарор иқтисодий ўсишнинг энг муҳим гарови – рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, улар учун янги халқаро бозорлар топиш ва экспортни кўпайтириш, транзит салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш ҳисобланади. Бунинг учун эса маҳсулот иш, хизматлар ҳажми ошиши керак. Очиқ бозор маҳсулот сифатини ошириш, таннархини пасайтириш, янги технологиялар олиб келишни, бозор ислоҳотларини жадал ривожлантиришни тақозо қилади. Эндиликда, корхоналар жаҳон ишлаб чиқариш тизимига, дунё бозори талабларига ва иқтисодий интеграция жараёнларига ҳамоҳанг бўлиши лозим. Рақамли иқтисодиёт шароитида ҳар бир корхона асосий воситалардан самарали фойдаланиши, бўш ётган биноларни фойдали мақсадларда ишлатиши ёки ижарага бериши зарур. Йиллар давомида эскирган асосий воситаларни замонавий талабларга жавоб берадиган асосий воситаларга алмаштириш, келажакда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархини пасайиши ҳамда уларнинг сифатини оширишга, келгусида корхонанинг олаётган фойдасини ошишига олиб келади. Бунинг учун асосий воситалар ҳисоби ва назоратини доимий равишда такомиллаштириб бориш керак.

Тадкикот натижаларига асосан асосий воситалар ҳисобини яхшилаш, уларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган қуйидаги таклифларни берамиз:

- корхоналардаги асосий воситалар таркибини доимий равишда янгилаб бориш, яъни модернизация жараёнини амалга ошириш;
- асосий воситаларни тўғри баҳолаш, уларнинг эскиришини халқаро тамойиллар асосида ҳисоблаш керак. Корхонадаги ҳар бир асосий восита ҳақиқий (бозор) нархида ҳисобга олиши ва ҳисоботда кўрсатиш;
- асосий воситаларни ҳисобга олишда инновацион усуллардан кенг фойдаланиш, ҳисоб ва ҳисобот мазмунини рақамли иқтисодиёт талабларига мослаштириш;
- бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини халқаро стандартлар талаблари бўйича юритиш. Бунинг учун босқичма-босқич молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)га ўтиш;
- корхонада вақтинча фойдаланилмаётган асосий воситаларни ижарага бериш ёки уларни сотиш;
- асосий воситалар самарадорлиги кўрсаткичларини таҳлил қилиб бориш ва асосий қарорлар қабул қилиш.

О.М.Пардаева –Самарқанд ветернария медицинаси институти ўқитувчиси

ОИЛА ХЎЖАЛИКЛАРИ ДАРОМАДЛАРИ ЎЗГАРИШИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР ВА УЛАРНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: мақолада оила хўжаликлари даромадлари ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар ва уларни аниқлаш йўллари қараб чиқилган. Унда оила хўжаликларида оилавий тадбиркорликдан олинадиган даромадлар ўзгаришига таъсир қилувчи тўртта омилнинг таъсирини ҳисоблаш йўллари Самарқанд вилоятида тадқиқ қилинган оила хўжаликларида мисолида кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: оила хўжалиги, даромад, омил, натижа кўрсаткичи, улуш

Аннотация: В статье рассматривается структура доходов домохозяйств и способы их анализа. Он основан на том факте, что источники доход домохозяйства состоит из 10 видов, разделенных по четырем группам по экономическому содержанию. Проведен анализ видов доходов на душу населения в обследованных домохозяйствах Самаркандской области и изменения их структуры в 2016-2018 гг.

Ключевые слова: домохозяйства, доход, фактор, результативный показатель, доля

Abstract: The article considers the structure of household incomes and methods of their analysis. It is based on the fact that household income sources consist of 10 types, and divided into four groups according to economic content. An analysis of the types of per capita incomes in the surveyed households of the Samarkand region and changes in their structure in 2016-2018 was carried out.

Keywords: household, income, factor, result, share

Натижа кўрсатичи сифатида оила хўжаликларида ўртача бир кишига тўғри келадиган даромадлар ҳажми олинди. Чунки оилаларнинг сони, уларнинг таркиби турли бўлганлиги бошқа кўрсаткичда ифодалш учун бироз мураккаблик туғдиради. Чунки оила аъзоларининг сони, уларда аксарият қисми ишлайдиганлар ва ишламайдиганларнинг сони ҳам турлича. Турли оилалар оладиган даромадлари ҳам ҳар хил бўлганлиги туфайли, битта оилага тўғри келадиган даромадни олиш тўғри хулоса қилиш имконини бермайди. Буларни инобатга олиб, ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган даромадларни олишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Тадқиқ қилинган оилалардан имкони борича бир-бирига яқин кўрсаткичларга эга оилалар танлаб олинди. Бунда оилалар сони билан бирга барча даромад турлари ҳам инобатга олинди. Натижада қуйидаги ҳисоб-китоблар шакллантирилди (1-жадвал).

Оилавий тадбиркорликда тадбиркорликдан олинган даромадларнинг умумий даромадлардаги улушини муҳим аҳамиятга эга. Чунки, оилада тадбиркорликдан олинган даромадлар қанча кўпайса, оилавий фаровонлик шунча ошиб боради. Бунинг ижтимоий жиҳати шундаки, оиладаги ишсизлар иш билан таъминланган бўлиб, кимгадир ёлланиб ишламасдан ўзлари-ўзларини иш билан банд қилиб, оилага даромад келтирган бўлади. Оилавий даромадларни ўрганишда оилавий тадбиркорликдан олинган

1-жадвал

Тадқиқ қилинган оила хўжаликларида ўртача бир кишига тўғри келадиган даромадларининг турлари ва уларнинг 2018-2016 йилларда таркибий тузулишидаги ўзгаришлари[1]

Т/р	Оила хўжалиги даромадларининг турлари	2016 йил		2018 йил		Фарқи (+,-)		Ўсиш суръати, %
		Суммаси,минг сўм	Улуши, %	Суммаси,минг сўм	Улуши, %	Суммаси,минг сўм	Улуши, %	
1.	Оилавий тадбиркорликдан олинган даромад (Тд)	3714,1	27,6	3767,8	23,6	+53,7	-4,0	101,4
2.	Мулкни ишлатишдан олинган даромад (Мд)	349,9	2,6	335,4	2,1	-14,5	-0,5	95,8
3.	Иш ҳақидан олинган даромад (Иҳ)	5665,3	42,1	7471,6	46,8	+1806,3	4,7	131,8
4.	Ўзини ўзи иш билан таъминлаб ўзи топган даромад (Ўд)	982,3	7,3	1293,1	8,1	+310,8	0,8	131,6
5.	Оила хўжалигининг умумий даромадлари, минг сўм	13456,7	100,0	15965,1	100,0	+2508,4	х	118,6
6.	Тадбиркорлик даромадларининг мулкни ишлатишдан олинган даромадларни қоплаш даражаси (Тдми), коэфф. (1к/2к)	10,615	Х	11,234	Х	+0,619	Х	105,8
7.	Мулкни ишлатиш-дан олинадиган даромадларнинг иш ҳақидан олинади-ган даромадларни қоплаш даражаси (Тмиҳ), коэфф. (2к/3к)	0,062	Х	0,045	Х	-0,017	Х	72,6
8.	Иш ҳақидан олинган даромадларнинг ўзини ўзи иш билан таъминлашдан олинган даромадлардаги ҳиссаси (Иҳўз), коэфф. (3к/4к)	5,767	Х	5,778	Х	+0,011	Х	100,2
9.	Ўзини ўзи иш билан таъминлашдан олинган даромадларнинг умумий даромадлардаги улуши (Ўзуд), (4к/5к* 100)	7,30	Х	8,10	Х	+0,80	Х	111,0

[1]Мазкур жадвал социологик сўровлар натижасида 2016 ва 2018 йил натижалари бўйича тузилди. Социлогик сўровга асосан педагогик ходимлар оилалари жалб қилинган.

10.	Оилавий тадбир-корликдан олинган даромадларнинг умумий даромад-лардаги улуши, % (1к/5к*100)	**27,71**	X	23,66	X	-4,05	X	85,4

даромадларнинг умумий даромадлардаги улушинини аниқлаш лозим бўлади. Бунинг учун қуйидаги анъанавий формуладан фойдаланилади:

$$\text{Тдул} = \frac{\text{Тд}}{\text{Уд}};$$

Бунда: Тдул – оилавий тадбиркорликдан олинган даромадларнинг оиланинг умумий даромадларидаги улуши;

Тд – оилавий тадбиркорликдан олинган даромадлар миқдори, млн. сўм.

Уд – оиланинг умумий даромадлари суммаси, млн. сўм.

Бугунги кунда оилавий тадбиркорликдан олинадиган даромадларнинг умумий даромадлардаги улушини оширишга эришиш мақсадга мувофиқ. Шу туфайли мазкур кўрсаткичга таъсир этувчи омилларни аниқлаш лозим бўлади. Тадқиқотларимиз натижасида, оилавий тадбиркорликдан олинган даромадлар оиланинг бошқа даромадлари билан ўзаро боғлиқлиги аниқланди. Буларнинг боғлиқлиги қуйидаги формулада келтирилган:

$$\text{Тдул} = \frac{\text{Тд}}{\text{Ми}} * \frac{\text{Ми}}{\text{Иҳ}} * \frac{\text{Иҳ}}{\text{Ўз}} * \frac{\text{Ўз}}{\text{Уд}};$$

Бунда: Ми – мулкни ишлатишдан олинган даромадлар суммаси, млн. сўм.

Иҳ – оила аъзоларининг иш ҳақидан олган даромадлари, млн. сўм.

Ўз – ўзини ўзи иш билан таъминлашдан олинган даромадлар суммаси, млн.сўм.

Ушбу боғлиқлик натижасида қуйидаги омиллар аниқланади. Буларга:

– тадбиркорлик даромадларининг мулкни ишлатишдан олинган даромадларни қоплаш даражаси (Тдми);

– мулкни ишлатишдан олинадиган даромадларнинг иш ҳақидан олинадиган даромадларни қоплаш коэффициенти (Тмиҳ);

– иш ҳақидан олинган даромадларнинг ўзини ўзи иш билан таъминлашдан олинган даромадлардаги ҳиссаси (Иҳўз);

– ўзини ўзи иш билан таъминлашдан олинган даромадларнинг умумий даромадлардаги улуши (Ўзуд).

Ушбу омилларнинг ўзаро боғлиқлигини ифодалаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\text{Тдул} = \text{Тдми} * \text{Миих} * \text{Иҳўз} * \text{Ўзуд};$$

Бунда: Тдул – оилавий тадбиркорликдан олинган даромадларнинг

оиланинг умумий даромадларидаги улуши.

Ушбу формулага аниқ маълумотларни қўллаб оилавий тадбиркорлик-дан олинган даромадларнинг оиланинг умумий даромадларидаги улушига таъсирини аниқлаш мумкин бўлади. Бунинг учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (2-жадвал).

2-жадвал

Тадқиқ қилинган оилаларда оилавий тадбиркорликдан олинган даромадларнинг оиланинг умумий даромадларидаги улушига таъсир қилувчи омилларнинг 2018-2016 йиллардаги ҳисоб-китоби

Т/р	Кўрсаткичлар ва омиллар	2016 йил	2018 йил	Фарқи (+,-)	1-омил билан қайта ҳисоб-ланган	2-омил билан қайта ҳисоб-ланган	3-омил билан қайта ҳисоб-ланган
1.	Тадбиркорлик даро-мадларининг мулк-ни ишлатишдан олинган даромад-ларни қоплаш дара-жаси (Тдми), коэфф.	10,615	11,234	+0,619	11,234	11,234	11,234
2.	Мулкни ишлатиш-дан олинадиган даро-мадларнинг иш ҳақи-дан олинадиган даро-мадларни қоплаш коэфф.(Тмиҳ)	0,062	0,045	-0,017	0,062	0,045	0,045
3.	Иш ҳақидан олинган даромадларнинг ўзи-ни ўзи иш билан таъ-минлашдан олинган даромадлардаги улуши (Иҳўз), %	5,767	5,778	+0,011	5,767	5,767	5,778
4.	Ўзини ўзи иш билан таъминлашдан олин-ган даромадларнинг умумий даромадлар-даги улуши (Ўзуд), %.	7,30	8,10	+0,80	7,30	7,30	7,30
5.	Оилавий тадбиркор-ликдан олинган да-ромадларнинг уму-мий даромадларда-ги улуши, % (1к/5к*100)	**27,71**	**23,66**	**-4,05**	**29,32**	**21,28**	**21,32**

Мазкур жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, оилавий тадбиркорликдан олинган даромадларнинг умумий даромадлардаги

улуши, 2018 йилда 2016 йилга нисбатан 4,05 %га камайган. Ушбу ўзгаришга тадқиқотимиз бўйича тўртта омил таъсир қилган.

1. Тадбиркорлик даромадларининг мулкни ишлатишдан олинган даромадларни қоплаш даражасининг 0,619 коэффициентга кўпайиши натижа кўрсаткичини 1,61 %га оширган:

29,32 – 27,71 = +1,61 %

2. Мулкни ишлатишдан олинадиган даромадларнинг иш ҳақидан олинадиган даромадларни қоплаш даражаси шу таҳлил қилинаётган даврда 0,017 коэффициентига камайган. Ушбу омилнинг таъсири натижасида оилавий тадбиркорликдан олинган даромадларнинг умумий даромадлардаги улушини 8,04 %га камайтирган.

21,28 -29,32 = - 8,04 %

3. Учинчи омилнинг, яъни иш ҳақидан олинган даромадларнинг ўзини ўзи иш билан таъминлашдан олинган даромадлардаги улушининг 0,011 %га ошганлиги оилавий тадбиркорликдан олинган даромадларнинг умумий даромадлардаги улушини 0,04 %га оширган.

21,32 – 21,28 = + 0,04 %

4. Ўзини ўзи иш билан таъминлашдан олинган даромадларнинг умумий даромадлардаги улушининг 0,80 %га ошганлиги натижа кўрсаткичини шу таҳлил қилинаётган даврда 2,34 %га оширган.

23,66 – 21,32 = +2,34 %

Жами омиллар таъсири оилавий тадбиркорликдан олинган даромадларнинг умумий даромадлардаги улушининг умумий фарқига тенг бўлиши лозим. Бизнинг ҳисоб-китоб бўйича мазкур кўрсаткич 4,05 %ни ташкил қилади.

1,61 – 8,04 + 0,04 + 2,34 = -4,05 %

Таҳлиллар кўрсатдики, натижа кўрсаткичи 2018 йилда 2016 йилга нисбатан 4,05 %га камайганлигига учта омил ижобий таъсир қилган. Аммо мулкни ишлатишдан олинадиган даромадларнинг иш ҳақидан олинадиган даромадларни қоплаш даражаси шу таҳлил қилинаётган даврда 0,017 коэффициентига камайганлиги натижа кўрсаткичини 8,04 %га камайишига сабаб бўлган. Агарда ушбу омил ҳеч бўлмаганда 2016 йил даражасида қолганда эди, оилавий тадбиркорликдан олинган даромадларнинг умумий даромадлардаги улуши 2018 йилда 23,66 % эмас, балки 31,70 %га (23,66+8,04) тенг бўлар эди. У ҳолда натижа кўрсаткичи 2018 йилда 2016 йилга нисбатан 85,4 % эмас (23,66*100/27,71), балки 114,4 %га (31,7*100/27,71) ошган бўлар эди.

Ушбу таҳлилдан хулоса шундайки, келгуси йилда мулкни ишлатишдан олинадиган даромадларнинг иш ҳақидан олинадиган даромадларни қоплашлаш даражасининг камайишига йўл қўймаслик чораларини кўриш лозим бўлади. Қолган омилларнинг шундай даражасини сақлаган ҳолда ушбу натижага эришиш ички имкониятлар ҳисобидан натижа кўрсаткичининг ўсишига эришиш имконини беради.

Ш.Ш.Яриев – Тошкент шаҳар Давлат молиявий назорати бошқармаси бошлиғи, Тошкент Молия институти мустақил изланувчиси

ДАВЛАТ СЕКТОРИДА АУДИТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА ЎТИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: мақолада Ўзбекистон Республикасида аудитни ташкил қилиш ва ривожланиши босқичлари, давлат секторида аудитни ташкил этишнинг хусисиятлари ва аудитни халқаро стандартларни амалиётда қўллашнинг назарий масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: аудит, давлаи секторида аудит, аудитнинг стандартлари, БҲМС, МҲХС, АХС.

Аннотация: В статье рассматриваются этапы организации и развития аудита в Республике Узбекистан, особенности организации аудита в государственном секторе и теоретические вопросы применения международного аудита на практике.

Ключевые слова: аудит, аудит в государственном секторе, стандарты аудита, МСБУ, МСФО, МСА.

Abstract: The article discusses the stages of organizing and developing an audit in the Republic of Uzbekistan, the features of organizing an audit in the public sector and the theoretical issues of applying international audit in practice.

Keywords: audit, public sector audit, audit standards, IAS, IFRS, ISA.

Давлат секторида ички ва ташқи аудитни ташкил этишнинг янгича ёндашувларини шакллантириш ҳамда замонавий техналогиялари ва услубларини жорий қилиш, молия-банк ахбороти савияси ҳамда сифатини ошириш, халқаро стандартларга, етакчи халқаро рейтинг ташкилотлари талабларига мослаштириш, ундан кенг кўламда фойдаланишни таъминлаш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Давлат секторида аудит моҳияти ва унга берилган таърифларнинг баъзиларини келтириб ўтамиз.

Т. М. Рогуленко, С. В. Пономаревой, А. В. Бодяколарнинг фикрича: Давлат секторида аудит- бу барча манфаатдор томонларга иқтисодий ҳодисалар тўғрисида мустақил ва объектив маълумотларни тақдим этишдан иборат бўлган фаолиятдир. Бу иқтисодий ривожланиш жараёнларига самарали таъсир кўрсатишга қодир бўлган иқтисодиётни ривожлантиришнинг универсал воситасидир.[1]

Давлат секторида аудитни ташкил қилиш ва ўтказишда қандай вазифалар туради? Асосий вазифа бу бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишдир. Н.А.Казакованинг эътироф этишича, давлат секторида аудитнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: бюджет маблағларини тақсимланишининг объективлигини ўрганиш; бюджет

[1] Аудит внешнеэкономической деятельности: учебник и практикум для бакалавриата и магистратуры / Т. М. Рогуленко [и др.]; под общ. ред. Т. М. Рогуленко, С. В. Пономаревой, А. В. Бодяко. — М.: Издательство Юрайт, 2019. — 117 с.

маблағларидан фойдаланишнинг натижавийлигини текшириш; бюджет маблағларидан мақсадли ва тўғри фойдаланишни аудиторлик текширувидан ўтказиш; маблағлардан мақсадли фойдаланиш бўйича бошқарув стратегиясини ишлаб чиқиш; тегишли органларга текшириш натижаси бўйича ахборот ва ҳисоботлар тайёрлаб бериш.[1]

А.К.Ибрагимов ва Б.Б.Сугирбаевлар бюджет ташкилотларида аудитни қуйидагича эътироф этишган: "Ички аудит – объектив фаолият бўлиб, ички назоратни самарали амалга оширишга йўналтирилган, тузилаётган ҳисоботларни ва бюджет ташкилоти фаолияти самарасини ҳамда самарадорликни ошириш бўйича тавсиялар тақдим қилишга йўналтирилган"[2].

С. Меҳмонов эса бюджет ташкилотларида ички аудитга қуйидагича таъриф берган: " Ички аудит – ташкилот томонидан сметаларни тузиш ҳамда ижросини амалга оширишни қонунчилик ҳужжатларига риоя қилинишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш йўли билан назорат қилиш, молиявий ҳисобот маълумотларини ишончлилигини таъминлаш, бюджет – смета интизомига риоя қилиш, маблағларни мақсадли ва оқилона сарфланишга йўналтирилган фаолиятдир"[3]. Иқтисодчилар ва амалиётчилар давлат секторида аудитга таъриф бериш ҳамда уни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб боришмоқда.

Республикамизда аудиторлик фаолиятни ривожлантиришда муҳим бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-3946-сонли қарори қабул қилинди. Унда аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, шу жумладан халқаро стандартлар асосида ташкил этиш вазифаси қўйилди. Қарорда мамлакатимизда мавжуд "аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари умумэътироф этилган халқаро аудит стандартларига тўлиқ мос эмас, бу эса хорижий инвесторларда маҳаллий корхоналар молиявий ҳисоботларининг ҳаққонийлигини тушуниш кўникмасининг шаклланишини таъминламаяпти" мазмундаги камчилик борлиги кўрсатиб ўтилган. Аудитнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, шу жумладан, халқаро стандартлар асосида, аудиторлик хизматлари сифатини оширишга ва ишбилармонлар ҳамжамиятининг аудиторлик ташкилотлари иши натижаларига ишончини қўллаб-қувватлашга қаратилган аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи назорат қилишнинг таъсирчан тизимини шакллантириш;

аудиторлик ташкилотларининг халқаро аудиторлик тармоқларига

---

[1] *Аудит: учебник для СПО / Н. А. Казакова [и др.]; под общ. ред. Н. А. Казаковой.— М. Издательство Юрайт, 2019. — 409 с.*

[2] Ибрагимов А.К.,Сугирбоева Б.Б. Бюджет назорати ва аудити.Ўқув қўлланма. infoCOM.Uz.МЧЖ.Т.:2010.

[3] Меҳмонов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш.и.ф.д.(DSc) дисс.Тошкент,2018.55-бет.

жалб этилганлик даражасини ошириш, шу жумладан, аудиторлик ташкилотларини, аудиторларни аудитнинг халқаро стандартларини қўллаш масалаларида фаол услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни ташкил этиш.[1]

Мамлакатимиз иқтисодиётини жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашувига кириб бориши, хориж инвестицияларини тўғридан-тўғри жалб қилиниши, махсус иқтисодий зоналарни ташкил этилиши молиявий ҳисоботлар ва аудитнинг халқаро стандартларига ўтиш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) (International Standards on Auditing (ISA)) бу- аудиторлик фаолиятни амалга оширишда қўлланадиган халқаро профессионал стандартлардир. Аудитнинг халқаро стандартлари **(**ISA)нинг асосий мақсади профессоналлик даражаси жаҳон даражасидан паст бўлган мамалакатларда аудиторлик хизматини ривожлантиришга ҳисса қўшиш ва ягона ёндашувларни шакллантиришдан иборатдир.

Иқтисодиётнинг давлат сектори аудити - бу маълумот ёки мавжуд шароитнинг белгиланган мезонларга мувофиқлиги тўғрисидаги далилларни холис равишда олиш ва баҳолашга имкон берадиган тизимли жараён.Ўзининг функционал йўналишига кўра, иқтисодиётнинг давлат сектори аудити қонун чиқарувчи ва назорат қилувчи органларга, мансабдор шахсларга ва кенг жамоатчиликка маълумот беради, шунингдек давлат сиёсати, дастурлари ва бошқа хатти-ҳаракатларни бошқариш ва амалга оширишни мустақил ва объектив баҳолайди. Шу сабабли, давлат сектори аудиторларига аудиторлик вазифаларини ҳал қилишнинг энг илғор ва мақбул йўналишларини ўз вақтида аниқлаш ва уларни такомиллаштиришни рағбатлантиришга имкон берадиган махсус стандартлар тизими керак.

Ҳозирги вақтда аудитни ривожлантириш йўналишлари, унинг ривожланишини тартибга солиш усулларини танлаш, аудиторлик фаолиятининг роли ва асосий вазифаларини баҳолаш, аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлик субектларини бошқариш ўртасидаги муносабатлар глобал аудиторлик жамиятининг диққат марказида бўлиб, барча мамлакатларда қизғин муҳокама қилинмоқда. Жаҳон ҳамжамияти, ҳар қандай давлат учун таклиф этилаётган стандартлар тизимининг марказида, иқтисодиётнинг давлат сектори субъектлари учун аудит стандартларининг ягона тизимини яратишда халқаро стандартлар ва кўрсатмалардан (ИССАИ ва ИНТОСАИ ГОВ) фойдаланишни тавсия қилади.

Умуман олганда, ИССАИ халқаро стандартлари тизими тўртта даражани ўзичига олади.

1-даражали стандартлари аудитнинг асосий принципларини ўз ичига олади.

2-даражали стандартлар (ИССАИ 10 - 99) ташкилий нуқтаи назардан (мустақиллик, шаффофлик ва жавобгарлик, ахлоқий меъёрлар ва сифат

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-3946-сонли қарори.

назорати) САИларнинг тўғри ишлаши ва касбий фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитларни яратади ва САИнинг барча аудитларига қўлланилади.

3 ва 4 даражадаги стандартлар индивидуал аудит ўтказиш тартибини белгилайди ва иқтисодиётнинг давлат сектори субектларини самарали ва мустақил текшириш учун асос бўлган умумий қабул қилинган профессионал принципларни ўз ичига олади.

Халқаро аудит стандартлари (ИСА) аудитнинг умумий тамойилларини ва ҳар қандай хўжалик юритувчи субектлар учун аудиторлик билан боғлиқ хизматларни кўрсатишни тартибга солади ва натижада улар давлат сектори субектларининг аудитида қўлланилади.

Иқтисодиётнинг давлат сектори субектларини аудиторлик текширувини ўтказишда аудитор ушбу субъектлар фаолиятига ва у олган топшириққа бевосита таъсир кўрсатадиган ҳар қандай қонунчилик ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларини ҳисобга олиши керак

Иқтисодиётнинг давлат сектори субъектларини аудитини ўтказиш вазифаси, қоида тариқасида, тижорат (хусусий) секторнинг хўжалик субъектларини текширишдан кўра аниқроқ ва шу билан бирга текширилаётган жиҳатларнинг кенгроқ доирасини қамраб олади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Жаҳон банки ҳамкорлигида ташкил этилган Давлат молиясини бошқариш бўйича халқаро ҳамкорлик таълим дастури (PEMPAL) доирасида давлат секторида аудитни ташкил этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Давлат секторида аудитни ташкил қилиш ва ўтказиш буйича таклифлар:

-аудитни сифатли ўтказиш учун давлат сектори ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни МҲХС асосида такомиллаштириш;

- давлат секторида ички молиявий назорат ва ички молиявий аудит тизимларини ривожлантириш;

- ички давлат молиявий назоратини ташкил этишни такомиллаштириш;

-замонавий ахборот технологиялари ва халқаро эътироф этилган молиявий назорат стандартларини жорий қилиш орқали қонунчиликда содир этилган хато ва камчиликларни олдини олиш.

Юқорида келтирилган илмий-назарий тавсияларни амалиётга жорий қилиниши мамлакатимизда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштириш, давлат секторида аудитни такомиллаштиришига хизмат қилиши билан бирга бюджет маблағларидан самарали фойдаланишга олиб келади.

З.Б. Эшпулатова – RED DRIDGE SCHOOLда ўқитувчиси

ДАРОМАДЛАР ҲИСОБИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада даромадлар ҳисобининг долзарб масалалари очиб берилган. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан келиб чиқадиган вазифалар белгиланган. Даромадларни бешта босқичда ҳисобга олиш тартибига ўтиш зарурлиги асосланган.

Калит сўзлар: даромадлар, шартномалар бўйича тушумлар, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, даромадлар ҳисобининг бешта босқичи, фойда ва зарарлар

Аннотация: В этой статье раскрывается актуальные вопросы учета доходов. Определены основные задачи исходя из требований нормативно-правовых документов. Обоснованы необходимость учета доходов по пяти стадии.

Ключевые слова: доходы, выручка по контрактам, международные стандарты финансовой отчетности, прибыль и убыток.

Abstract: This article reveals topical issues of revenue accounting. The main tasks are determined based on the requirements of regulatory documents. The necessity of accounting for income in five stages is justified.

Keywords: income, revenue from contracts, international financial reporting standards, profit and loss.

2018 йил 1 январдан амалга киритилган 15-сон МҲХС “Шартномалар бўйича тушумлар” стандарти тушумларни тан олиш, баҳолаш ва ҳисоботдарда акс эттиришнинг янги тартибини жорий этишни кўзда тутади. Шу боис, ушбу стандарт талабларига мувофиқ ҳисоб-китобларни ташкил этиш, молиявий ҳисоботларда даромадлар ва фойда тўғрисида шаффоф ахборотларни акс эттириш, халқаро инвесторларга уларга тушунарли бўлган воситаларда, яъни энг синалган ва самарали усул ҳамда услублар, тан олиш ва баҳолаш мезонлари, халқаро қоида ва принциплардан фойдаланган ҳолда компаниянинг даромадлари, фойдаси ва унинг тақсимоти ҳамда фойдадаги улуши тўғрисидаги ишончли, уйғун ва таққосланувчи молиявий ахборотларни тақдим этиш методологиясини жорий этиш барча мамлакатлар, айниқса МҲХСларни биринчи марта қўллаётган мамлакатлар учун ўта долзарб масаладир.

Ўзбекистон Республикасини ииновацион ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги, 2015 йил 24 апрелда ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124 “Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сонли “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида соҳада илғор тажрибаларни жорий этиш, МҲХСларига мувофиқ молиявий ҳисоботни тузиш, ҳисоботнинг шаффофлигини таъминлаш, уни нашр

эттириш, халқаро аудит стандартлари асосида аудитдан ўтказиш вазифалари юклатилган. Ушбу вазифаларни бажаришда даромадлар ҳисобини такомиллаштириш, уни халқаро стандартлар даражасига олиб чиқиш ўта муҳим роль ўйнайди.

Соҳага доир олимларнинг ишларида даромад ва фойдани тан олиш, баҳолаш, аниқлаш ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттиришнинг назарий ҳамда услубий масалалари тадқиқ этилган. А.З.Авлокулов [1] илмий ишларида молиявий натижалар кўрсаткичлари бўйича ахборот қамровини кенгайтиришда прагматик концепцияни қўллаш таклиф этилган ҳамда ҳисобот назоратининг уч босқичли алгоритими ишлаб чиқилган. У.Тўлаев[2] томонидан молиявий натижаларни шакллантиришнинг назарий, меъёрий ва услубий жиҳатларини такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган, С.Н.Ташназаров [3] томонидан молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг халқаро стандартларга мувофиқ келадиган шакли таклиф этилган. М.Ж.Темирханова[4] илмий мақоласида туризм корхоналарида хизмат кўрсатишдан олинган даромади, фойда категориясининг функциялари ҳамда корхонанинг фойдаси, тушумлари ва активларни ўсиши ўртасидаги нисбатни таҳлил қилган. Н.Алимова [5] томонидан мехмонхоналарда кўрсатилаётган хизматлардан олинаётган даромадларни ҳисобга оладиган счетлар тизимини такомиллаштириш масалалари, Р.Ҳасанова [6] молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиққан. Муаллифларнинг тадқиқотлари муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга бўлсада, лекин ушбу ишларда даромадлар ва фойда ҳисобини халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш, даромадлар (фойда)ни тан олиш, баҳолаш, фойда ва зараралар тўғрисидаги ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш масалалари етарли даражада тадқиқ этилмаган. Шу боис, даромадлар ҳисобига оид илғор тажрибаларни ўрганиш долзарб ҳисобланади.

Тушумни тан олиш модели беш босқичдан иборат[7]:

1-босқич. Харидорлар билан шартномаларни идентификация қилиш.

---

[1] А.З.Авлокулов. Молиявий натижалар ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Т.: ТМИ, 2019 й. 71-б.

[2] У.Тўлаев. Молиявий натижаларни шакллантиришнинг назарий, меъёрий ва услубий жиҳатларини такомиллаштириш. http://www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/15623--moliyaviy-natijalarni-shakllantirishning-nazariy-myoriy-va-uslubiy-jihatlarini-takomillashtirish

[3] С.Н. Ташназаров. Молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш. Монография. - Publisher SIA OmniScriptum Publishing. GlobeEdit Publishing house. 2018. 280 p. ISBN-13:978-613-8-24050-1

[4] М.Ж.Темирханова. Туризм корхоналарида молиявий натижаларни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш. http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/10_Temirkhanova.pdf

[5] Н.Алимова. Замонавий мехмонхоналарда кўрсатилаётган хизматлардан олинаётган даромадлар ҳисобининг муаммолари. http://www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/67029-zamonaviy-mhmonxonalarda-kursatilayotgan-xizmatlardan-olinayotgan-daromadlar-hisobining-dolzarb-muammolari

[6] Р.Ҳасанова. Замонавий корпоратив бошқарув тизимида молиявий натижалар ва уларни тақсимлашнинг ҳисоби. http://www.biznes-daily.uz/uz/birjaexpert/49680-zamonaviy-korporativ-boshqaruv-tizimida-moliyaviy-natijalar-va-ularni-tahsimlashning-hisobi

[7] ©2016 PricewaterhouseCoopers. Все права защищены. Этот материал подготовлен Академией PwC для экзаменов ДипИФР в 2016 году. 0710-б.

2-босқич. Шартнома бўйича бажарилишга оид мажбуриятни идентификация қилиш.

3-босқич. Операция нархини аниқлаш.

4-босқич. Операция нархини шартнома бўйича бажарилишга оид мажбуриятлар ўртасида тақсимлаш;

5-босқич. Компания бажарилишга оид мажбуриятни бажарса тушумни тан олиш.

Ушбу ҳолатдан кўриниб турибдики, бизнинг амалиётимизда ҳам шартномалар бўйича тушумларни тан олиш методологиясини жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунинг учун эса шартномаларни идентификация қилишнинг янги тартибига ўтиш керак. Шартнома бўйича юзага келадиган активларни ҳамда шартномалар бўйича бажарилишларга оид мажбуриятларни тан олиш, идентификациялаш тартибини жорий қилиш керак.

Музаффар Набиев – ТДИУ мустақил тадқиқотчи

АВТОСАНОАТДА ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ

Аннотация: ушбу мақолада автосаноат корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари мазмуни ва таснифи масалалари ёритилган. Унда ишлаб чиқариш харажатларига таъриф келтирилган. Бевосита ва билвосита ишлаб чиқариш харажатларига тавсиф берилган.

Калитли сўзлар: ишлаб чиқариш харажатлари, тайёр маҳсулотлар таннархи, бевосита харажатлар, билвосита харажатлар, автосаноат корхоналари.

Аннотация: в этой статье освещается вопросы сущности и классификации производственных затрат предприятий автопромышленности. В ней дается определения на затраты на производства. Приводится характеристика на прямых и косвенных затрат на производства.

Ключевые слово: затраты на производства, себестоимость готовой продукции, прямые затраты, косвенные затраты, автопромышленное предприятие.

Abstract: This article discusses the essence and classification of production costs of automobile enterprises. It defines the costs of production. The characteristic of direct and indirect costs of production.

Keyword: production costs, cost of finished products, direct costs, indirect costs, automobile manufacturing enterprise.

Бугунги кунда автомобиль ишлаб чиқариш саноати Ўзбекистон иқтисодиётида муҳим роль ўйнамоқда. Мутақиллик йилларида ташкил этилган “Ўзавтосаноат” Акциядорлик Жамияти (АЖ) иқтисодиётимизнинг яратувчанлик салоҳиятини намоён қилмоқда. “Ҳозирги пайтда компания таркибига 85 та корхона киради ва 200 дан ортиқ хорижий корхоналар билан алоқалар ўрнатилган. “Ўзавтосаноат” АЖ 25 мингдан ортиқ иш ўринларини таклиф этган. Тармоққа Корея республикаси, Италия,

Германия, АҚШ, Япония ва бошқа давлатлардан хорижий инвестициялар жалб қилинган. 15 дан ортиқ мамлакатга экспортни амалга оширади” [1]

Ишлаб чиқариш харажатларини оптималлаштириш ва шу асосда таннархни камайтириш учун ушбу тушунчани илмий жиҳатдан асослаш, ишлаб чиқариш харажатларининг таркибини таҳлил қилиш, бу борада илғор тажрибаларни жорий этиш, тайёр маҳсулот таннархини аниқлашнинг замонавий тизимларини қўллаш, тайёр маҳсулотларни адолатли (ҳаққоний) баҳолаш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Ишлаб чиқариш харажатлар бу маҳсулот ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш ва бошқа ишлаб чиқариш мақсадлари учун сарфланган материал, меҳнат ва бошқа умумишлаб чиқариш ресурслари қийматининг пулдаги ифодасидир.

Бизнинг фикримизча, ишлаб чиқариш харажатлари маҳсулот (иш ва хизматлар) таннархни ташкил этади. Маҳсулот таннархи эса, маҳсулот-ларни ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган харажатлар мажмуасидир.

“Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида” Низомга мувофиқ мувофиқ барча харажатлар қуйидагиларга гуруҳланади:

“ а) бевосита ва билвосита моддий харажатлар;

б) бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари;

в) бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан, ишлаб чиқариш хусусиятларига эга бўлган устама харажатлар;

....Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатлар уларнинг иқтисодий мазмунига кўра қуйидаги элементлар билан гуруҳларга ажратилади:

- ишлаб чиқариш моддий харажатлар (қайтариладиган чиқитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);
- ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;
- ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар;
- асосий фондлар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси;
- ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар” [2].

Бизнинг фикримизча, Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомда келтирилган ушбу таснифлашда бевосита ва билвосита моддий, меҳнат ва устама харажатлар бир гуруҳга киритилган. Бизга маълумки, устама харажатлар бу билвосита ҳисобланади. Шунинг учун унинг таркибига бошқа бевосита харажатларни критиб бўлмайди. Шу боис, билвоста моддий ва билвосита меҳнат харажатларини устама харажатлар таркибига киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Тадқиқотчи Г.Нутфуллаев ишлаб чиқариш харажатларини қуйидагича таснифлайди. “Маҳсулотларнинг (ишнинг, хизматнинг) ишлаб чиқариш

таннархига уни бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатлар киритилади. Уларга қуйидагилар тегишли:

- Бевосита моддий харажатлар;
- Бевосита меҳнат харажатлари
- Ишлаб чиқариш хусусиятига эга билвосита устама харажатлар" [3].

Ушбу келтирилган таснифлашга қўшиламиз. Унда келтирилган фикрлар ишлаб чиқариш харажатларини таснифлаш қоидаларига мувофиқ келади, деб ўйлаймиз. Лекин, билвосита устама харажатларининг хусусиятлари етарли даражада очиб берилмаган.

Маҳсулот таннархини шакллантиришда ишлаб чиқариш харажатларни бевосита ва билвосита харажатларга таснифлаш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Бевосита (тўғридан-тўғри) харажатлар – бу аниқ таннарх объектига (автомобиль) иқтисодий моҳиятига кўра тўғридан-тўғри олиб бориш мумкин бўлган харажатлардир. Масалан, автомобиль ишлаб чиқаришда автомашинанинг кузови, матори ва бошқа эҳтиёт қисмлари, ҳамда шу турдаги автомобилни ишлаб чиқариш билан машғул бўлган ишлаб чиқариш ишчиларининг меҳнат ҳақи харажатлари бевосита харажатлардир. Ушбу харажатларни қайси автомобилни ишлаб чиқаришда сарфланганлигига қараб тўғридан-тўғри маҳсулот таннархиги идентификациялаш мумкин. Айрим адабиётларда тўғри харажатлар ҳам тавсифланган.

Билвосита харажатлар (тўғридан тўғри бўлмаган) харажатлар – бу аниқ таннарх объектига иқтисодий моҳиятига кўра тўғридан–тўғри олиб бориш мумкин бўлмаган, даставвал жамғариладиган (аккумляцияланадиган), сўнгра автомобиль таннархига маълум асосланган мезонлари асосида тақсимланадиган харажатларга айтилади. Масалан, автомобиль ишлаб чиқариш сифатини назорат қилиш бўйича инспекторнинг меҳнат хақи харажатларини битта автомобилнинг таннархига олиб бориб бўлмайди, чунки у ходимнинг меҳнати бир нечта турдаги автомобилларнинг сифатини назорат қилишга боғлиқ ҳисобланади. Шунинг учун, унинг меҳнат ҳақини ҳар бир автомобил турларининг сифатини назорат қилишда сарфлаган меҳнат соатларига мутонасиб равишда тақсимлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шу боис, автосаноат корхоналари ҳисоб сиёсатида ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча харажат моддаларини қуйидаги учта гуруҳга таллуқлигини аниқлаб чиқиш керак бўлади:

А) Бевосита (тўғридан-тўғри) материал харажатлари

Б) Бевосита (тўғридан-тўғри) меҳнат ҳақи харажатлари

С) Билвосита ишлаб чиқариш харажатлари (Устама ишлаб чиқариш харажатлари)

Ушбу таснифлаш тайёр маҳсулотлар таннархини тўғри аниқлаш, 2-сон БҲХС "Заҳиралар" халқаро стандарти талабаларини тўғри қўллаш, тайёр маҳсулотлар таннархи тўғрисида ҳаққоний, ишончли ва уйғун ахборотларнинг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзавтосаноат расмий сайти. О компании. https://uzavtosanoat.uz/o-kompanii.html
2. Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида" Низом. https://lex.uz/docs/264422
3. Ғ.Нутфуллаев. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи таҳлили https://www.slideshare.net/GayratNutfulloyev/ss-82455615

Д.А.Бекчанов – Ташкентский финансовый институт, направление «Финансы», бакалаврият, 2-курс.

Р.Г.Тошматова – старший преподаватель Ташкентский финансовый институт Кафедра "Государственные финансы",

ПРОБЛЕМЫ БУХГАЛТЕРСКОГО УЧЕТА, ЭКОНОМИЧЕСКОГО АНАЛИЗА И АУДИТА В СФЕРЕ УСЛУГ В УСЛОВИЯХ ИННАВАЦИОННОЙ И ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

Annotatsiya: maqolada zamonaviy IK texnologiyalardan foydalangan holda mehmonxona sanoatining muhandistlik-tehnik va yardamchi ishchilariga goshimcha xismatlarning operatsion hisobini joriy etich zarurligi aniglangan.

Kalit sozlar: Ragamli igtisodiyot, innovatsiyalar, xizmat turlari, xizmat korsatich sohasidagi ragamli texnologiyalar, mexmonxona sanoati, buxgalteriya xususiyatlari.

Аннотация: в статье определяется необходимость введения оперативного учета дополнительных услуг в работе инженерно-технических и вспомогательных работников гостиничного хозяйства применяя современные ИК технологии.

Ключевые слова: Цифровая экономика, инновация, виды услуг, цифровые технологии в сфере услуг, гостиничное хозяйство, особенности учета.

Abstract: The article determines the need for the introduction of operational accounting of additional services in the work of engineering and technical and auxiliary workers in the hotel industry using modern infrared technologies.

Keywords: Digital economy, innovation, types of services, digital technologies in the service sector, hotel industry, accounting features.

К приоритетным направлениям развития мировой экономики относится переход к цифровым технологиям, основным ресурсом которой является информация.

Цифровая экономика представляет собой комплексную систему совершенствования управления экономическими отношениями с использованием современных информационных технологий. Информационная система организации, включающая фактические учетные, плановые, аналитические данные и операции по их получению, обеспечивает потребности двух уровней экономики.

Одной из важнейших частей системы бухгалтерского учёта выступает информационная составляющая двух подсистем – финансового и

управленческого учёта. Для реализации цели гармонизация учета, анализа и аудита считаем необходимым решить задачу разработки единой учетной концепции. Одним из признаков цифровой экономики является увеличение объемов виртуальных операций.

Можно выделить три принципа, на которых должно строиться развитие учетной сферы в условиях цифровой экономики: обеспечение информационной безопасности; непрерывное взаимодействие учетной сферы с другими областями экономики; визуализация знаний. Эти три принципа образуют приоритетные направления дальнейшего исследования развития учетной сферы в условиях цифровой экономики.

Приступая к экономическому анализу и проведению аудита финансовой отчетности организаций, осуществляющих свою деятельность в сфере услуг, финансовый аналитик или аудитор должен учесть отличительные особенности данной отрасли. Возможно выделение предприятий, оказывающих материальные и нематериальные услуги. Эта группировка основана на признание таких подсекторов экономики, как материальное и нематериальное производство.

К производству материальных услуг можно отнести транспортные услуги, услуги жилищно-бытового обслуживания, бытового обслуживания населения и т. п. Этот вид услуг направлен на определенные материальные объекты, изменение их положений и качественных характеристик, то есть потребительских свойств.

Производство нематериальных услуг предусматривает широкий спектр, включающий в себя образовательную деятельность, деятельность в сфере здравоохранения, социального обслуживания, охраны и прочее. К данному направлению услуг можно отнести и проведение аудиторских проверок, а также оказание аудиторских услуг.

В последнее время все большее распространение получили различные управленческие услуги. Например, консалтинговая деятельность, предусматривающая широкий спектр консультационно-информационных услуг.

Заслуживает внимание группировка услуг по следующим их типам: производственные, распределительные, профессиональные, потребительские и общественные.

К производственным услугам можно отнести услуги лизинга, инжиниринг, ремонт различного оборудования, обслуживание техники и тому подобное. К распределительным услугам можно отнести услуги транспорта и связи.

Профессиональные услуги - это услуги в сфере финансов, страхования, консалтинга, аудита и прочих схожих направлений.

К потребительским услугам можно отнести не только традиционные виды бытового обслуживания населения - парикмахерские услуги, ателье, химчистки одежды, но и клининговые услуги (услуги по уборке квартир), а также услуги ландшафтного дизайнера и многое другое.

К общественным услугам относят образовательные услуги, деятельность средств массовой информации, а также в сфере культуры.

Один из видов услуг является гостиничное хозяйство. Гостиница или хостел являются имущественными комплексами, предназначенными для оказания услуг населению по временному проживанию. Ведение деятельности осуществляется юридическим лицом. Гостиничный бизнес имеет особенности ведения учета и реализации услуг.

Неотделимой частью оказания услуги являются материальная база и персонал гостиницы. Имеет ограниченные временные рамки, т.е. услуга не может накапливаться в течение определенного периода. В учете гостиниц отсутствует незавершенное производство, а полученные доходы и произведенные расходы определяются по итогам месяца. Зависит от влияния социально-экономических факторов. Имеет сезонный характер спроса. Гостиницы – места временного проживания, предоставленные за определенную плату.

Таким образом, предприятия предоставляют дополнительные услуги согласно установленного компанией перечня. В соответствии с используемой классификацией предприятий гостиничного бизнеса они классифицируются на следующие виды: Гостиницами признаются предприятия временного проживания с количеством номеров не менее 10.

Хостелы – бюджетные формы с отсутствием отдельных номеров проживания и платой, взимаемой за койко-место. Бытовые удобства включены в цену и предоставляются в местах общего пользования.

Основным критерием оценки является классификация по мировым стандартам, оценивающим уровень услуг в зависимости от степени комфортности. Вне зависимости от звездности предприятия гостиничного бизнеса осуществляют ведение учета и документооборот по стандартным правилам. Основанием для предоставления услуги является договор, заключенный между предприятием гостиничного бизнеса и получателем – лицом либо организацией. В документах на оплату, акте производится ссылка на договор. Документ должен содержать обязательные реквизиты обеих сторон.

Основные обязательные положения договора дополняются пунктами на усмотрение предприятия гостиницы. В документе отражаются права и обязанности сторон, порядок покрытия материального ущерба, рассмотрения спорных вопросов и прочие пункты. Договор должен быть подписан сторонами. При отсутствии печати у представителя юридического лица к договору прилагается доверенность. Розничному потребителю предприятие может выдать иной документ, подтверждающий заключение договора на оказание услуги. Документ должен содержать обязательные реквизиты, аналогичные содержанию пунктов договора. Далее стоит остановиться на получении потребителем услуг предприятия гостиничного бизнеса других документов подтверждающих предоставления им соответствующих требуемых ему услуг. Итак, административный персонал выписывает счет на имя постояльца, где детально расписаны виды и количество оказанных услуг.

При этом работникам бухгалтерии необходимо осуществить впоследствии сверку оправдательных документов с данным перечнем. Например, многие гостиницы предоставляют услуги по химчистке и стирке

одежды. Соответственно необходимо осуществить сверку даты и количества услуг по химчистке и стирке одежды постояльца с нарядом на выполнение индивидуальных заказов за даты, указанные в счете постояльца на оплату. Также необходимо особенно внимательно осу-ществить проверку наличия в счете услуг по посещению бассейна, тренажерного зала и косметических и физио-процедур в подразделениях гостиницы. Не стоит забывать. Что многие гостиницы для привлечения клиентов делают посещение данных подразделений бесплатными для постояльцев, а иные наоборот предоставляют большую часть услуг за плату, а часть (как правило, в ограниченных временных сроках и объемах). И порой при осуществлении встречных проверок и внешних аудиторских проверок выявляются случаи неправомерного взимания с клиентов оплаты за оказываемые услуги предприятиями гостиничного бизнеса, которые уже включены в стоимость проживания или предоставляются бесплатно. Эти ошибки приводят к искажениям в ходе осуществления оценки финансовых результатов основного вида деятельности данного вида предприятий. Таким образом, мы можем сделать вывод, что на предприятиях гости-ничного типа должны быть созданы процедуры внутреннего контроля, которые смогут обеспечить достоверный и своевременный докумен-тальный учет предоставленных услуг клиентам данных организаций.

Гостиницы на своем балансе содержат рестораны, бары, сауны, автостоянки и т.д., также могут сдать помещений в аренду: для офисов, для услуг гостям (магазин сувениров, салон красоты, банкомат), поэтому в такой ситуации гостиничный комплекс может столкнуться с различными системами налогообложения.

Специфика учета в гостинице в первую очередь заключается в том, что большая часть бухгалтерской информации рождается и частично обрабатывается инженерно-техническими и вспомогательными службами гостиницы. Такие службы обязаны вести оперативный учет, данные которого должны своевременно передаваться в бухгалтерию, окончательно там группироваться и обрабатываться. От оперативности и достоверности такого учета зависит правильность и своевременность отражения хозяйственных операций в бухгалтерском учете гостиницы и, соответственно, правильность исчисления и уплаты налогов.

Исходя из вищеизложенных, предлагаю применять ИКТ в работе инженерно-технических и вспомогательных работников службы гостиницы.

Использованная литература:

1.Феоктистов И. А. Гостиничный бизнес. Особенности бухгалтерского учета и налогообложения; ГроссМедиа, РОСБУХ - Москва, 2014. - 224 с.

2.Шегурова В.П., Засимова А.В. «Аудит иннавационной деятельности Журнал «Экономика и бизнес, 2018. Гармонизация учета, аудита и анализа в условиях цифровой экономики. Журнал Экономика и бизнес, 2018.

3.Боголюбов Б.С. Финансовый менеджмент по туризму и гостиничному хозяйству. Уч. пособие. Москва, Юрайт, 2019.

IV ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ”

А.К. Ибрагимов – Ўзбекистон Республикаси Банк молия академияси профессори, и.ф.д.
Б.М.Ҳамидов – Ўзбекистон Республикаси Банк молия академияси тингловчи

ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОТИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФОЙДАСИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: мақола тижорат банкларининг фойдасининг инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида ошириш усулларига бағишланган.

Калит сўзлар: инновация, рақамли иқтисодиёт, рақамли банк, банк-мижоз, смс-банкинг, мобил-банкинг.

Аннотация: статья посвящена методы повышения прибыли коммерческих банков в услувиях инновационной и цифровой экономики.

Ключевые слова:Инновация, цифровой экономика, цифровой банк, банк-клиент, смс банкинг, мобил-банкинг.

Abstract: This article is about the ways of incearising commercial bank’s profits in an innovative and dijital economy.

Keywords: Innovative, dijital economy, dijital bank, bank-customer, massenge-banking, mobile-banking.

Маълумки, 2017−2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясидаги 5 та устувор йўналишидан бири бўлган яъни иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, хорижий сармояларни фаол жалб этиш каби фаолиятлар назарда тутилган/1/.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг **2020 йил 24 январ куни Парламентга йўллаган Мурожаатномасида** таъкидлаб ўтилганидек республикамиздаги барча тижорат банклари охирги 25 йилда хеч қандай янги банк хизматлари жорий этилмаганлиги, халиям республикамиздаги аксарият тижорат банклари эски тизим бўйича ишлаётганлигини танқид қилиб ўтдилар/2/.

Тижорат банкларининг фойдасини оқилона тарзда ошириб боришни таъминлаш уларнинг молиявий барқарорлигини оширишнинг зарурий шартларидан яна бири ҳисобланади. Шунингдек, банк фойдасини оқилона тарзда тақсимлаш, фойда ва зарарларини ҳисобга олиш тартибини такомиллаштириш банклар фаолияти самарадорлигини оширишнинг

долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Тижорат банкларининг фаолиятини молиялаштириш манбаи бўлиб, уларнинг жорий молиявий йил мобайнида оладиган фойдаси ҳисобланади уларнинг балансида йил давомида олинадиган фойдаси ўсиб борувчи якун тарзида ҳисобга олинади. Агар даромадлар харажатлардан ортиқ бўлса, юзага келган натижа жорий йилнинг соф фойдаси ҳисобланади, агар харажатлар даромадлардан ортиқ бўлса, ҳосил бўлган сумма жорий йилнинг зарари сифатида баҳоланади.

Фойда деганда, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фаолиятларидан келган пул тушуми тушунилади. Тижорат банклари бошқа тижорат корхоналари сингари асосий ва қўшимча фаолиятдан, шунингдек, бошқалар категориясига кирувчи тасодифий фойдалар олиши мумкин. Фойда манбаларини барқарор ва нобарқарорга ажратиш мумкин. Мижозларга ҳар хил хизматлар кўрсатиш даромаднинг барқарор манбаси ҳисобланади. Банклар оладиган фойдаси, унинг харажатларини қоплаши ва фойда яратиши керак. Банк фойдасининг бир қисми потенциал рискларни қоплаш учун ташкил этиладиган заҳирага йўналтирилади. Банк ўз зарарларини қоплаши учун фойда ҳажмининг етарлилигини таъминлаши эмас, балки тушумининг бир хилдалигини таъминлаши керак/3/.

Рақамли банк - бу интернет-банкинг, мобил банкинг, смс банкинг орқали банк хизматларини тақдим этишга йўналтирилган қадамдир. Банклар ва мижозлар учун устунлик янада қулай ва тез банк хизматларини тақдим этади. Анъанавий рақамли банк тизимига ўтиш босқичма-босқич бўлиб, рақамлаштириш хизматларининг даражасида "ҳа" ва "йўқ" деб таснифлаш орқали таққослаш керак. Бу жараён ва веб-хизматларни автоматлаштиришнинг юқори даражасини ўз ичига олади ва банклар маҳсулотларини тақдим этиш ва битимларни тақдим қилиш учун ўзаро фаолият хизмат кўрсатиш тизимига имкон берувчи АПИларни ўз ичига олиши мумкин/4/.

Банклар учун рақамли банк нимани англатади?

Сўнги 3 йилда йилда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, банкларнинг 47 фоизи рақамли банклар орқали мижозлар муносабатларини яхшилаш учун потентциални кўришади, 44% бу эса рақобатбардош устунликка эришиш учун восита, 32% янги мижозларни сотиб олиш учун канал деб ҳисоблайди. Фақат 16% харажатларни тежаш мумкинлигини таъкидлади.

Шунингдек, АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” тизимида ҳам мижозларга ва сифатли банк хизматларини кўрсатиш мақсадида рақамли банк хизматларини яъни “банк-клиент”, “смс-банкинг”, “мобил-банкинг”, “комбейжинг карта” хамда “visa exchange” ва “visa classic” бўйича банк хизматлари жорий этган. АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан олинаётган банк даромадларида айнан ушбу рақамли банк хизматларидан олинаётган банк даромадлари салмоғи йилдан йилга ошиб бормоқда.(1-жадвал)

1-жадвал

Инновацион банк хизмат турлари[1]

БАНК-КЛЕНТ			МОБИЛ-БАНКИНГ			СМС-БАНКИНГ			КОМБЕЙЖИНГ КАРТА			ВИЗА КАРТА		
год	клиент	доход	год	клиент	доход	год	клиент	доход	год	клиент	доход	год	клиент	доход
2017	6683	2 682,50	2017	2091	559,50	2017	2009	806,40	2019	3936	196,80	2017	4961	124,00
2018	8159	3 275,00	20218	3362	899,60	2017	2952	1 182,20				2018	7749	193,70
2019	10086	4 048,50	2019	4295	1 228,80	2019	4141	1 662,20				2019	9061	226,50

Рақамли банкинг афзалликлари:

Иш самарадорлиги. Рақамли платформалар нафақат истеъмолчилар билан ўзаро муносабатларни яхшилаш, балки ўз эҳтиёжларини тезроқ таъминлаш, шунингдек, ички вазифаларни янада самарали қилиш имконини беради. Ўн йиллар давомида банклар истеъмол бозорида рақамли технологияларнинг етакчи ўринни эгаллаб турган бўлишигақарамасдан, улар ўрта қатлам дастурининг афзалликларидан тўлиқ фойдаланишмайди.

Харажатларни тежаш. Банклар учун сарф-харажатларни қисқартириш учун калитлардан бири автоматлаштирилган иловалар бўлиб, улар қўлда ишлайдиган ортиқча ишчи кучини ўзгартиради. МКинсей & Компаний маълумотларига кўра, анъанавий банк ишлови қиммат, секин ва инсоний хатоларга дуч келмоқда. Рақамли платформалар келгусида янада яхши маълумотларнинг синергиясига ва бозор ўзгаришларига тезроқ жавоб беришига боғлиқ харажатларни камайтириши мумкин.

Юқори аниқлик. Қоғозни қайта ишлашга таянадиган анъанавий банклар 40% гача бўлган хато даражасига эга бўлиши мумкин, бу эса ўзгаришни талаб қилади. Филиал ва БЭК офис ходимлари ўртасида IT интегратсиясининг йўқлиги билан биргаликда бу муаммолар бизнеснинг самарадорлигини пасайтиради. Текширув жараёнини соддалаштириш орқали IT-ечимларни бизнес дастурий таъминот ёрдамида амалга ошириш осонроқ бўлади, бу эса бухгалтерия ҳисобини янада аниқроқ қилиш имконини беради. Молиявий аниқлик банклар учун ҳукумат қарорларига мувофиқ жуда муҳимдир.

Рақобатбардошликни ошириш. Рақамли ечимлар банкларни кенгроқ бозорларга чиқишга ва юқори технологияли истеъмолчилар билан яқинроқ муносабатлар ўрнатишга имкон берувчи маркетинг рўйхатларини

[1] Муаллиф ишланмаси

бошқаришга ёрдам беради. Рақамли платформалари мижозлар тарихини кузатиши ва электрон почтага ва онлайн мулоқотнинг бошқа шаклларига тезкор кириш имконини беради. Ишончлилик ва қониқишни оширадиган мижозлар мукофот дастурларини амалга оширишда самарали.

Хавфсизликни ошириш. Барча йирик ёки кичик корхоналар обрўсига путур етказиши мумкин бўлган кўплаб кибер таҳдидларга дуч келмоқда. Шу сабабли хукумат хар қандай кибер таҳдидларга қарши курашиш учун ахборот хавфсизлигини ошириш зарурлиги устувор вазифалардан бири эканлиги белгилаб олинди.

Хулоса қилиб айтганда хозирги глобаллашув жараёнида, ривожланиш учун юқори технологиялардан фойдаланиш талаб этиладиган бир вақтда IT технологияларни банкларга жорий этиш орқали барқарор рақобатбардош фаолиятга эришилади. Рақамли банк тизими жорий этилиши хам банк мижозларига қулайликлар яратади ва шу орқали банкга бўлган ишонч ошади, бу ўз навбатида банк мижозлари ошиши ва банк даромадлилиги ошишига сабаб бўлади. Рақамли банкларнинг сезиларли рақобатбардош устунликка эга бўлиши муҳим нуқта - бу янада ишончли IT архитектурасининг ривожланиши, дастурий ечимларни автоматлаштирилган қўлланмаси, бэк-офис тартиб ўрнини, банклар инсон хатосини камайтириш ва жараённи тезлаштириши мумкин. Бу парадигмани олга силжиши кичик операцион хажмларга олиб келиши ва раҳбарларга инсон аралашуви талаб қилувчи вазифаларни такомиллаштиришда фикрни жамлашга имкон беради.

Автоматлаштириш, муқаррар технологиялар билан банд бўлиш, қоғоз зарурлигини пасайтиради. Ишлашни тезлаштирадиган дастурий таъминотдан фойдаланиш даражаси 70% гача, банклар мижозларга хизматни яхшилашлари мумкин, чунки улар муаммоларни тезроқ ҳал қила олади. Банкларнинг барча операцион даражаларда рақамли ечимларни киритиш қарори уларнинг молиявий барқарорлигига сезиларли таъсир кўрсатади. Гарчи барча банклар тез орада IT инфратузилмасига ёки архитектурасига ўзгартириш кирита олмасаларда, рақобатбардош банклар бўлишни истаган банклар автоматлаштиришга ўтишлари мумкин, буни 6 ой давомида " мумкин

Фойдаланилган адабиётлар.

1. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев 2020 йил 24 январ куни Парламентга йўллаган мурожаатномаси: Zed News.
3. Стародубцева. Е. Б. Банковские операции: Учебное пособие. – М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2006. – 128 с.
4. Шарма, Гаурав. «Что такое цифровое банковское дело» . VentureSkies . Получено 9 мая 2017 года.

Х.С.Пардаев – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тингловчиси

НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА 2017-2019 ЙИЛЛАР ДАВОМИДА БАНК ХИЗМАТЛАРИ ОММАБОПЛИГИНИ ОШИРИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР

Аннотация: мақолада Навоий вилоятидаги тижорат банклари томонидан кўрсатиладиган банк хизматларининг оммабоплигини ошириш борасида 2017-2019 йилларда амалга оширилган ишлар, мавжуд муоммалар ва уларнинг юзага келиш сабаблари таҳлил этиб ўтилган. Шунингдек, мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган муаллифлик ёндашуви берилган.

Калит сўзлар: тижорат банклари, электрон тўловлар, чакана амалиётлар кассаси, универсал кассалар, халқаро пул ўтказмалари, банк хизматлари.

Аннотация: в статье анализируется текущая деятельность, проблемы и причины их возникновения в 2017-2019 гг. для повышения доступности банковских услуг, предоставляемых коммерческими банками в Навоийской области. Существует также авторский подход к решению существующих проблем.

Ключевые слова: коммерческие банки, электронные платежи, розничные операции, универсальные кассы, международные денежные переводы, банковские услуги

Abstract: The article analyzes current activities, problems and the reasons for their occurrence in 2017-2019 to increase the availability of banking services provided by commercial banks in the Navoi region. There is also an author's approach to solving existing problems.

Keywords: commercial banks, electronic payments, retail transactions, universal cash desks, international money transfers, banking services

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожланти-ришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 3-устувор йўналиши иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришга қаратилган бўлиб, бунда банк тизимини ислоҳ қилиш бўйича бир қатор вазифалар белгилаб берилган.

2018 йилга келиб амалга оширилаётган ислоҳатлар шуни кўрсатдики банк тизимида хизматлар кўрсатишнинг турлари кенгайтирилди, хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли учун молиявий очиқлик оширилди ва унинг бозор механизмалари жорий қилинди. Шу билан бирга жисмоний шахс ва якка тартибдаги тадбиркорларга чет эл валютасини сотиб олишда бир қатор қулайликлар яратиб берилди.

Шунга қарамай, банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, айниқса, ҳудудларда риоя этиш ҳамда молиявий очиқликни кенгайтириш, шунингдек, хизмат кўрсатиш маданияти ва банк тизимига бўлган ишончни янада оширишда бир қатор муаммо ва камчиликлар кузатилган.

Ушбу вазифаларни ижросини таъминлаш ҳамда мавжуд камчилик ва

муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш мақсадида қабул қилинган норматив ҳужжатларидан бири бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 март куни «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3620 сонли қарори ҳисобланади. Мазкур қарор билан банк хизматлари оммабоплигининг оширилишини ва банк хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди.

Мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб Навоий вилоятида 2018-2019 йиллар давомида банк тизимини ислоҳ қилиш ва банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Ушбу амалга оширилган ишларнинг энг муҳимларидан бири бу тижорат банкларида чакана банк хизматларини кўрсатиш соҳасини қайта ташкил этиш ва янада ривожлантириш, мижозлар билан ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйишнинг замонавий ёндашувларини жорий қилиш ҳамда мижозларнинг нақд пул ва чет эл валютасига бўлган талабларини биринчи талабидаёқ қондириш ҳисобланади.

Бугунги кунда Навоий вилоятидаги тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган сифатли, тезкор, асосийси ҳалол меҳнат натижасида, банк тизимига ишонч билдирган мижозлар сони сезиларли даражада ошиб бормоқда.

Аҳолига сифатли банк хизматларни кўрсатишни янада ошириш ва мижозларга қулайлик яратиш мақсадида 2019 йил охирига келиб барча тижорат банк биноларида чакана амалиёт кассалари(универсал кассалар) ташкил қилишга эришилди. 2020 йил 1 январ ҳолатига келиб банк биноларида ташкил қилинган чакана амалиёт кассалар сони 41 тани ташкил қилиб, банк биносидан ташқарида ташкил қилинган универсал ва махсус кассалар 43 тани ташкил қилмоқда. Ушбу универсал кассаларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бир вақтнинг ўзида жисмоний шахсларга кўрсатиладиган банк хизматларининг барчаси ушбу кассалар орқали амалга оширилади. Жумладан, жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ва омонатларни қайтариш, валюта сотиб олиш ва сотиш, нақд шаклдаги ва пластик карталардан ҳар қандай тўловларни қабул қилиш, халқаро пул ўтказмалари орқали операцияларни амалга ошириш ва бошқалар.

Тижорат банкларида мижозлардан нақд пул тушумларини қабул қилиш ва омонатлар жалб қилишда хизмат сифати ва қулайликларнинг ошганлиги натижасида 2019 йилда ўтган йилга нисбатан ўсиш суратлари кузатилди.

Вилоятда жами пул тушумлари ҳажми 2019 йилда ўтган йилга нисбатан

1 трлн. 962 млрд.сўмга (45 фоиз) ошиб **6 трлн.304 млрд.сўмни**, шундан савдо тушумлари **392 млрд.сўмга** (17 фоиз) кўпайиб **2 трлн. 750 млрд.сўмни** ташкил этди.

2019 йил давомида тижорат банкларнинг чакана амалиёт кассалари орқали жами **552,0** млрд.сўм омонат қабул қилиб олинган бўлиб, бу кўрсаткич
2018 йилга нисбатан **158,3** млрд.сўмга (40 фоиз) ошган.

Банк хизматлари оммабоплигини ошириш йўлида амалга оширилган ислоҳатлардан яна бири бу валюта соҳасида амалга оширилган қулайликлар ғисобланади. Вилоятда **40 та** валюта айирбошлаш шахобчалари ҳамда 30 та конверсион операциялар бўлимлари орқали 2019 йилда аҳолидан жами **75,9 млн.**АҚШ доллари (2018 йилда **58,6**) сотиб олинди, жисмоний шахсларга валюта айирбошлаш шохобчалари орқали жами **32,6 млн.**АҚШ доллари (2018 йилда **9,9**) миқдорида чет эл валютаси сотилди.

Халқаро пул ўтказмалари бўйича жисмоний шахслар номига келиб тушган пул маблағлари миқдори 90,7 млн. АҚШ долларини (2018 йилда 82,9), хорижий давлатларга жўнатилган пул ўтказмалари миқдори 23,7 млн. АҚШ долларини (2018 йилда 25,7) ташкил этди. Резидентларнинг конверсион карталаридан сотилган чет эл валютаси миқдори 13,8 млн АҚШ долларини (2018 йилда 4,6) ташкил этади.

Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида тўлов терминаллари, банкоматлар тармоғини кенг жорий қилиш ва жойларда банк хизмат кўрсатиш марказларини кўпайтиришга алоҳида эътибор берилган.

2020 йил 1 январ ҳолатига вилоят бўйича вилоят бўйича жами **169 та** банкоматлар, **24 та** 24/7-шаклидаги шохобчалар ва **130 та** инфокиоскалар ўрнатилган бўлиб, аҳолининг сифатли банк хизматларига ва нақд пулга бўлган талабини қондириб келмоқда.

Вилоятда 2018-2019 йиллар давомида тижорат банклари томонидан мижозларга кўрсатилаётган сифатли банк хизматлари ва яратилаётган қулайликларга қарамай, амалга оширилиши керак бўлган бир қатор муаммолар мавжуд. Жумладан:

1. Ахолининг масофадан туриб кўрсатиладиган онлайн банк хизматларидан фойдаланиш бўйича саводхонлигининг пастлиги туфайли банк филиаллари ёки чакана амалиёт кассаларида навбатларнинг кўпайиб кетиши ва иш ҳажмининг ошиб кетиши банк хизматлар сифатига салбий тасир кўрсатади.
2. Вилоят марказидан олисда жойлашган банк филиали кассаларида ва чакана амалиёт кассалари етарли жихозлар билан таъминланмаганлиги сабабли қўл меҳнатининг кўплиги.
3. Ҳудудда банк хизматларининг кўрсатиш марказларининг камлиги. Аксарият туманларда 1 ёки 2 та тижорат банкларнинг филиаллари мавжуд бўлиб, яққол монополлиги сабабли мижозларни жалб қилиш учун банк хизматлар сифатини ошириш ва хизматлар ҳақини пасайтиришга ҳожат қолмайди. Шу сабабли банкоматлардан пул олиш ёки валюта айирбошлаш шохобчалари ёки халқаро пул ўтказмалари бўйича кўрсатиладиган банк хизматларида навбат ошиб кетишига сабаб бўлади. Шу сабабли, туманда филиали мавжуд бўлмаган

банкларнинг банк хизматларини кўрсатиш марказларини кўпайтириш банкларни рақобатга киришишига олиб келади ва мижозларга кўрсатиладиган хизматлар сифати ошади. Ҳозирда вилоят бўйича жами 7 та банк хизматларини кўрсатиш марказлари ташкил қилинган бўлиб, 2020 йилда янада кўпайтириш мақсад қилиб олинган;

4. Банк хизматларининг оммабоплиги ва банклар томонидан кўрсатилаётган хизматларга салбий таъсир кўрсатадиган ташқи омиллардан бири бу олис туман ва қишлоқларда алоқа воситаларининг йўқлиги(сифатсизлиги) ва маҳаллий ҳокимликлар томонидан банк ходимларининг фаолиятига оид бўлмаган ишларга жалб қилинишидир.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки 2017-2019 йилларда банк хизматларини оммабоплигини ошириш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилди. Лекин банк хизматларини кўрсатишда инновацион ва рақамли иқтисодиётни жалб қилинишига салбий таъсир кўрсатадиган соҳага оид бўлган ва оид бўлмаган омиллар мавжуд. Инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида сифатли банк хизматини кўрсатишни ривожлаантириш учун банклар ўртасида рақобатни шакллантириш зарур ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг кўламли трансформация дастури амалга оширилиши ҳақида айтиб ўтдилар. Давлат улушига эга бўлган банкларни босқичма-босқич стратегик инвесторларга сотилиши банк хизматларида рақобатни кучайтиришга ва хизматлар сифатини оширилишига олиб келади.

Иноввацион ва рақамли иқтисодиётни банк хизматларида жорий қилиш Республиканинг ҳар бир ҳудудида сифатли алоқа хизматлар кўрсатилишини талаб қилади. 2020 йилга “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”, деб ном берилиши алоқа хизматларини сифатини оширишга туртки бўлди.

А.Ҳ.Бердиев-ҚарМИИ “Иқтисодиёт” кафедраси доценти
Я.Х.Бозоров-ҚарМИИ магистранти

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИЯЛАР ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

Аннотация: мақолада республикамизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва замонавий хизмат турларини қўллаб-қувватлаш ва уларни йўлга қўйиш, соҳада инновацияларни жорий этиш ва уларни молиялаштириш учун инвестицияларни аҳамияти тўғрисида маълумотлар келтирилган ва таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: хизмат кўрсатиш, инвестиция, инновация, рақобат, янги хизмат турлари, инфратузилма, ижтимоий-иқтисодий жараён.

Аннотация. в статье приводятся и анализируется сведения о роли инвестиций в развитии сферы услуг в стране и поддержании и внедрении современных услуг, внедрении инноваций в отрасли и их финансировании.
Ключевые слова: сервис, инвестиция, инновация, конкуренция, новые виды услуг, инфраструктура, социально-экономический процесс.
Abstract. The article provides and analyzes information on the role of investments in the development of the service sector in the country and the maintenance and implementation of modern services, the introduction of innovations in the sector and their financing.
Keywords: service, investment, innovation, competition, new types of services, infrastructure, socio-economic process.

Иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва самарали бандлигини таъминлашда хизматлар соҳасининг ҳар томонлама ривожланиши муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги кунда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий ўсишни таъминлаш учун хизматлар соҳасини жадал ривожлантиришни энг муҳим вазифалардан бири сифатида қўйишмоқда.

Хизматлар соҳаси аҳолининг барча қатламларини қамраб олади ва жамиятда содир бўлаётган деярли барча ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсир кўрсатади, бу эса мазкур масаланинг қанчалик муҳим ва аҳамиятли эканлигини кўрсатиб беради.

Республикамизда мустақиллик йилларида, иқтисодиётни диверсификациялаш ва таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, мамлакат аҳолисининг бандлигини, даромадларини ва турмуш сифатини оширишнинг муҳим йўналишлари ва омилларидан бири сифатида хизматлар соҳаси ва сервисни жадал ривожлантириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди. Бундан ташқари, иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашда мазкур соҳа муҳим ўринни эгалламоқда.

Бугунги кунда замонавий иқтисодиётнинг ривожланиши кўп жиҳатдан мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини белгилайдиган хизмат кўрсатиш соҳасининг миллий иқтисодиёдаги муҳим таркибий қисми сифатида аҳамияти билан белгиланади. Шу билан бирга, бозор муносабатлари шароитида хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳуқуқий тузилмаларининг тадбиркорлик фаолияти натижалари, танланган инвестиция сиёсати билан белгиланади, бу эса стратегик ва тактик инвестицион қарорларнинг мустаҳкамлигини ошириш асосида ушбу соҳадаги тадбиркорлик субектларининг фаолиятини яратишни талаб қилади.

Хизмат кўрсатиш соҳаси, хусусан унинг тармоқлари: таълим ва маданият, соғлиқни сақлаш, уй-жой коммунал хўжалиги нафақат аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини шакллантиради, балки мамлакатда ишлаб чиқарилаётган товарларнинг асосий истеъмолчиси сифатида ҳам иқтисодиётга муҳим таъсир кўрсатади. Ҳатто чуқур иқтисодий инқироз

шароитида ҳам жамиятдаги аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини таъминлашда хизмат қилади.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ўзига хос хусусияти шундаки, унинг самарадорлигини ошириш учун кўпгина омиллар таъсирининг ҳудудий хусусияти хизматларнинг талаб ва таклифини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади. Ушбу соҳадаги муассасаларнинг аксарияти маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштирилади. Бундан ташқари, коммунал мулк корхоналарининг устувор аҳамияти муайян ҳудудлар мисолида хизмат кўрсатиш соҳасининг самарадорлигини ошириш муаммоларини таҳлил қилишни талаб қилади.

Сўнгги йилларда республикамизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва замонавий хизмат турларини қўллаб-қувватлаш ва уларни йўлга қўйиш, соҳада инновацияларни жорий этиш ва уларни молиялаштиришга жудда катта эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2016-2020 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида» ги қарори Ўзбекистоннинг хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналиш ва вазифаларини, шу жумладан:

- хизматларни ривожлантириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотни кўпайтириш, унинг иқтисодиётдаги улушини 48,7 фоизга етказиш;
- 2020 йилга келиб, қишлоқ жойларида хизматларнинг 1,8 баробар ўсиши;
- сервис соҳасида жадал ривожланиш учун шарт-шароитларни яратиш, муҳандислик, коммуникация, автомобиль ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, тармоқларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳисобига таркибий ўзгаришларни амалга ошириш;
- рақобат муҳитини шакллантириш, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга кўмаклашиш;
- турли хил инновацион хизматларни, янги алоқа объектларини кенгайтириш;
- аҳолининг телекоммуникация тармоғига техник имкониятларини таъминлаш, уларнинг асосида юқори сифатли хизматлар кўрсатиш, рақамли телефон алоқа ва телевидение тизимларига ўтишни таъминлаш, республика иқтисодиётида алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг улушини 2020 йилгача 2,5 фоизга ошириш;
- замонавий электрон тўлов технологияларини жорий этиш билан молиявий хизматларни ривожлантириш;
- юқори технологияли тиббий хизматларни янада ривожлантириш[1] борасида ишларни амалга ошириш белгилаб олинган.

Хизматлар соҳасини ривожлантириш натижасида янги хизмат турларининг вужудга келиши ва янги иш ўринларини очилишига олиб

[1] 1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралдаги 55-сонли “2016-2020 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида” ги қарори.

келади. Шунинг учун бу соҳани ривожлантиришга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Бу борада Президентимизнинг Олий Мажлис палаталарига навбатдаги Мурожаатномаларида ҳам тўхталиб ўтилди. Жумладан, “Иқтисодий юксалишни таъминлаш учун барча қулайликларга эга бўлган замонавий инфратузилма барпо этиш ниҳоятда зарур.

Биз кейинги 3 йилда йўл қурилишига 9,8 триллион сўм, сув тармоқларига 4,6 триллион сўм, электр тармоқларига 18,2 триллион сўм, табиий газ таъминотига 1,2 триллион сўм маблағ ажратдик.

Бу рақамлар–ушбу тармоқлар учун сўнгги 10-15 йилда сарфланган маблағлардан бир неча баробар кўпдир.

Лекин, шунга қарамасдан, замонавий инфратузилма яратиш, мавжуд тизимни модернизация қилиш учун бундан бир неча ўн баробар кўп маблағ талаб этилади.

Қанчалик қийин бўлмасин, биз ҳар йили Инвестиция дастури доирасида катта маблағ ажратиб, бу йўналишдаги ишларни албатта жадал давом эттирамиз”[1] деб таъкидлаганлар.

Шундай экан хизмат кўрсатиш соҳаси муассасаларининг инвестиция сиёсатини шакллантириш механизмини такомиллаштириш жараёнида иқтисодий ва ташкилий чора-тадбирлар, таркибий, бошқарув ва ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар даврида қайта ташкил этилаётган бозор иқтисодиёти субъектларининг мустақиллиги ва самарадорлигини, шунингдек маҳаллий, минтақавий фаолликни оширишдан иборат.

Шу муносабат билан, хизмат кўрсатиш соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектнинг инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш жараёнини ташкилий ва ахборот билан таъминлашни ташкил этиш ва такомил-лаштириш бўйича, мақсадли таъсирлар ва турли хил чора-тадбирлар асосида фаолиятини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш мақсадида асосий капиталга инвестициялар ҳажми кескин ошиб, иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестициялар соҳалар бўйича 27,1 фоиз қайта ишлаш саноати, 6,0 фоиз ташиш ва сақлаш соҳасига, 10,8 фоиз электр ва газ билан таъминлаш соҳасига, 3,1 фоиз улгуржи ва чакана савдо соҳасига, 2,8 фоиз қурилиш соҳасига, 8,0 фоиз қишлоқ хўжалиги соҳасига, 1,7 фоиз ахборот ва алоқа соҳасига, 2,6 фоиз соғлиқни сақлаш соҳасига, 2,6 фоиз таълим соҳасига, 2,2 фоиз сув билан таъминлаш ва канализация соҳасига, 1,1 фоиз касбий, илмий ва техник фаолиятга, 10,2 фоиз турар-жой қурилиши соҳасига, 11,7 фоиз тоғ-кон саноати тармоғига, 10,1 фоиз эса бошқалар соҳаларга ўзлаштирилган.

2019 йил январь-декабрь ойларида 14483,5 минг кв.м турар жойлар фойдаланишга топширилган бўлиб, 2018 йилга нисбатан 119,9 фоизни

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарига навбатдаги Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь

ташкил этди, шундан, 11802,7 минг кв.м ёки жами ишга туширилган турар жойларнинг 81,5 фоизи якка тартибда қурилган турар жойлар, 1372,3 минг кв.м ёки жами ишга туширилган турар жойларнинг 9,5 фоизи намунавий лойиҳалар асосида қурилган турар жойлар ҳамда қолган 1308,5 минг кв.м ёки жами ишга туширилган турар жойларнинг 9,0 фоизи бошқа юридик шахслар томонидан қурилган турар жойларни ташкил этди.

Фойдаланишга топширилган турар-жойлар учун жами 18692,3 млрд. сўм йўналтирилган бўлиб, шундан, Республика бюджети ҳисобидан 182,7 млрд. сўм, корхона ва ташкилотлар ўз маблағлари 56,2 млрд. сўм, аҳоли маблағлари 10688,2 млрд. сўм ҳамда молиялаштиришнинг бошқа манбалари ҳисобидан 7765,2 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилди.

Республика бўйича 4285,5 км сув тармоғи, 78,6 км газ тармоғи ва 11408 ўқувчи ўрнига мўлжалланган мактаблар ишга туширилди.

Сув тармоғи қурилиши бўйича 2457,9 млрд сўм, газ тармоғИ қурилиши бўйича 4,6 млрд. сўм, мактаблар қурилиши бўйича 1306,7 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилди.

Мактабгача таълим муассасалари қурилиши бўйича жами 1996,2 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилиб, 53580 ўринли муассасалар ишга туширилди.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, республикамизда истиқболда давлат даражасида олиб борилаётган таркибий сиёсатнинг асосий мақсади хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришдаги мавжуд чекловларни камайтириш ва кейинчалик йўқ қилишдир. Шу билан бирга, уларнинг маҳсулотлари ҳам ички, ҳам жаҳон бозорида рақобатдош бўлиши керак. Шу муносабат билан, якка тартибдаги тадбиркорлик субъектларининг тармоқлари ва фаолият соҳаларининг рақобатбардош потенциалини ошириш зарур.

- хизмат кўрсатиш соҳасида инвестиция жараёнларини давлат томонидан тартибга солишда ҳуқуқий базани яратиш ва корхоналар ва хизмат кўрсатувчи муассасаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнида иқтисодий бозор субъектларининг ва инвестиция фаолияти иштирокчилари манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий нормалар бажарилишини назорат қилиш.
- хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик субектлари учун бозор механизми ва иш шароитларини такомиллаштириш;
- аҳолига хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг самарали инновацион ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни шакллантириш, бу рақобатбардош устунликларни таъминлайди ва тармоқлараро рақобатни ривожлантиришга ёрдам беради;
- хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардош ривожланиши мезонларини ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирларни шакллантириш;
- хизмат кўрсатиш соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш усулларини унинг ижтимоий йўналишини ва иқтисодиётнинг ушбу

секторига инвестиция киритишда юқори ижтимоий самарадорликка эга молиявий ресурсларга эришиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш;
- миллий иқтисодиётнинг таркибий қисмини ҳисобга олган ҳолда хўжалик юритувчи субектларнинг сотиш бозорларини кенгайтириш учун давлат даражасида рағбатлантириш ва ёрдам бериш;
- давлат миқёсида корхоналарда инновацион технологиялар хизматларини жорий этишга, ушбу таркибий қисмда инновацион ва инвестиция жараёнларини ривожлантиришга кўмаклашиш;
- инвеститцион фаолиятни ривожлантириш жараёнида барча бошқарув функцияларини босқичма-босқич амалга ошириш жараёнида давлат томонидан тартибга солиш воситаларини такомиллаштириш;
- хизмат кўрсатиш субъектлари томонидан талаб қилинадиган рақобатбардошлик даражасига эришишга ёрдам берадиган амалдаги иқтисодий шароитларга мос келадиган норматив ҳуқуқий нормаларни яратиш;

Бу эса ўз навбатида хизматлар соҳасидаги инвестицион фаолликнинг ошиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга имкон беради ва миллий иқтисодиётнинг ушбу таркибий қисми бўлган корхоналарнинг рақобатбардош салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Содиқ Боймуротов – Давлат солиқ қўмитаси Малака ошириш маркази катта ўқитувчиси

МАМЛАКАТ ИЖТИМОИЙ ФАОЛИЯТИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШДА МОЛ-МУЛК ВА ЕР СОЛИҚЛАРИ УНДИРИШДА РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация: мақолада Ўзбекистонда ер майдонлари ва мол-мулклардан самарали фойдаланишни солиқлар воситасида тартибга солиш, уларни ҳисобга олиш, ҳисобини юритиш ва кадстр нархларда баҳолашнинг замонавий тартибларини жорий этишнинг хусисиятлари ва солиқ назоратининг амалиётда қўллашнинг назарий масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: мол-мулкнинг бозор баҳоси, кадарстр қиймати, кўчмас мулк, солиқ солинадиган қиймат, ваколатли давлат органи, интерактив режим, ахборотлар базаси, ахборот ресурслари базаси

Аннатация: в статье рассматривается вопросы упорядотачение через налоговым инструментом эффективном использования имушество и земельных участок в Узбекистане,теоритической особенности организации современной порядке ведения учета, отчетности и отценки кадастрвой стоимости, а также примнение их прктике в налоговим контроле.

Abstract: The article discusses the ordering through the tax instrument of the efficient use of property and land in Uzbekistan, the theoretical features of organizing

a modern procedure for accounting, reporting and assessing cadastral value, as well as their application to the tax control.

Keywords: land market price, cadastral value, real estate, taxable value, authorized state body, interactive mode, information base, information base resources.

Мамлакатимиз Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги Фармонида кўчмасмулк ва ер участкаларини тўлиқ ҳисобга олиш ва қийматини объектив аниқлашнинг мавжуд эмаслиги, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлиги зарурий даражасини таъминлашга тўсқинлик қилаётганлиги қайд этилиб, юридик ва жисмоний шахслар кўчмас мулкларининг бозор қийматини аниқлаш механизмини жорий қилиш юзасидан комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш устувор вазифа қилиб белгиланди.Шунингдек, Президентимизнинг 2019 йил 10 июлдаги "Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида, Давлат солиқ қўмитасига,Тошкент шаҳри мисолида жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни мулкнинг бозор қийматига нисбатан солиқ ставкасиданкелиб чиққан ҳолда солиқ ҳисоблаш тартибини кўриб чиқиш ва натижаси бўйича Вазирлар Маҳкамасига асосланган таклифлар киритиш вазифаси белгиланди.

Давлат солиқ қўмитаси томонидан Россия Федерал солиқ хизмати билан ҳамкорликда 2019 йилисолиқ базасини кадастр қиймати асосида аниқлашга ўтишда иқтисодий самарани ҳисоблаш юзасиданмол-мулк солиғи бўйича Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида ҳамда ер солиғи бўйича Фарғона вилоятида ўрганишлар ўтказилиб ушбу ўрганишларда қуйидагилар натижалар қайд этилди. Юнусобод туманида жисмоний шахсларга тегишли 2000та ва юридик шахсларга тегишли 900 та нотурар объектлар ҳамда жисмоний шахсларга тегишли 93000та турар жой объектларига солиқларни ҳисобланиши таҳлил қилиниб, таҳлил натижаларига кўра,мол-мулкнинг кадастр қиймати бозор нархи асосида ҳисобланганда, бюджетга солиқ тушумларининг ўсиш потенциали юридик шахсларга тегишли нотурар объектлардан 4баробарга (38 млрд.сўмдан 161 млрд.сўмга), жисмоний шахсларга тегишли турар жой объектлардан 6баробарга (22 млрд.сўмдан 126 млрд.сўмга) ҳамда жисмоний шахсларга тегишли нотурар объектлардан 24баробарга (2 млрд.сўмдан 36 млрд.сўмга) ошиши ҳисоб-китоб қилинди.Шунингдек, Фарғона вилояти мисолида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ер солиғининг турли ставкаларини бирлаштириш ва солиқ базасини ерларнинг кадастр қийматидан келиб чиққан ҳолдаер солиғи кадастр қийматида ҳисоб-китоб қилинганда 3йилда ер солиғи миқдори 13 млрд.сўмни ташкил қилиб, ушбу ставканинг ҳар йили индексация қилиниши ҳисобига 21,6 млрд.сўмга ёки 8,6 млрд.сўмга ошиши қайдқилинди.Ушбу кўрсаткичлар мамлакатимизда мол-мулк ва ер солиғи юкининг нотўғри (адолатсиз) тақсимланганлигини, яни солиқ

базасини аниқлашда турли хил кўрсаткичлардан (баланс,шартли, кадастр) фойдаланилиши, ассосиз солиқ ставкалари ва имтиёзларининг жорий қилинганлиги, реал иқтисодиёт билан ўзаро алоқаларнинг йўқлиги, кўчмас мулк обектига бўлган ҳуқуқнинг, обектларни рўйхатга олишнинг, ҳисобга олиш васолиққа тортиш тушунчаларининг турлича белгиланганлигидан далолат беради.

Жумладан, Президентимизнинг 2019 йил 30 декабрдаги(ПҚ-4555-сон) қарорига кўра жисмоний шахсларга 2020 йилда ҳисобланган мол-мулк солиғи суммаси 2019йилдагидан 1,30баравардан ошмаслиги белгилаб қўйилганлиги сабабли, ушбу объектлар кадастр ҳужжатларида қанчабаҳоланишидан қатий назар ҳисобланган солиқ суммаси ўтган йилиҳисобланган солиқ сумманинг 1,30 яъни (30 фоиздан) баробардан ошган қисми бюджетга ундирилмайди балки кечиб юборилади;

кўчмас мулк обектларининотариал расмийлаштиришда яни олди-сотди шартномаларини рўйхатга олишда мулкнинг ҳақиқий суммаси кўрсатилганлигини назорат қилиш механизмининг мавжуд эмаслиги, яъни давлат божини мулкнинг майдонидан келиб чиқиб ҳисоблаш белгилан-ганлиги бюджетга қўшимча тўловларни ҳисоблашга имкон бермайди;

амалдаги қонунчиликда кўчмас мулкларни ижарага беришда ижара суммаларини паст даражада белгиланганлиги яъни ижарачилар томонидан ҳақиқатда ижара суммаси 4-7 баробар юқори суммада тўланаётган бўлсада, бироқ қонунчиликда чегаравий миқдор белгиланганлиги сабабли, ижара шартномасини ҳақиқий тўланаётган суммада қайта тузишдан ҳар иккала томон ҳам рад қилаётганлиги;

кадастр органлари ходимларининг ваколатларида кўчмас мулк объектининг кадастр қийматини аниқлашда ҳуқуқларининг чекланганлиги, яъни кадастр ходимлари жойига чиқиб объектни ҳақиқий қийматини ўрганишда, кўпчилик ҳолатларда объект эгалари томонидан уларни объектга киргизмаслик, ҳақиқий ҳолатини кўрсатмаслик ҳолатларига дуч келинади, қонунчиликда кадастр органлари ходимларгаобъектларни мажбурий ўрганиш вабаҳолаш ўтказиш ҳуқуқлари белгиланмаган.

Мол-мулк ва ер солиқлари бўйича қонунчиликдаги мазкур муаммоларни бартараф этиш, чет мамлакатларнинг илғор солиқ маъмуричилиги тажрибаларини ўрганиб чиққан ҳолда, уларни амалиётга тадбиқ этиш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

- мол-мулклар ва ер майдонларини ҳисобга олиш, ҳисобини юритиш ва унинг кадстр нархларини доимий назорат қилиш борасида дав-лат сиёсатини амалга ошириш ҳамда норматив-ҳуқуқий ишлаб чиқили-шини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат бошқарув органини белгилаш;
- мол-мулк ва ер майдонлари обектларининг ва бозор маълумотларини ахброротлар базасини шакллантириш
- мол-мулк ва ер майдонларининг кадастр нархларда баҳолаш методологиясини ишлаб чиқиш ҳамда кўчмас мулк объектлари ва ер

участкалари қийматини бозор нархларидан келиб чиққан ҳолда кадастр баҳолашни ўтказиш;

- солиқ мамурчилиги самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий ўзгаришларни амалга ошириш ва кўчмас мулкка кадастр қиймати асосида солиқларни ҳисоблашга босқичма-босқич ўтишни таъминлаш.

- жисмоний шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк объектларининг солиқ солинадиган қиймати ҳақидаги ахборотни интерактив режимда олиш имконини берадиган дастурий маҳсулотни ишлаб чиқиш ва уни давлат солиқ хизмати органларининг Ягона интеграциялаштирилган ахборот ресурслари базасига интеграциялаштириш.

Д.А.Ташмухамедова – ТМИ, “Бюджет ҳисоби ва ғазначилик иши” кафедраси катта ўқитувчиси

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ ШАРОИТИДА БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИНИ ЯГОНА ҒАЗНА ҲИСОБВАРАҒИДАН БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: рақамли иқтисодиётга ўтиш босқичларида давлат молиявий ресурсларини бошқариш механизми бўлган ғазначилик тизимида Ягона ғазна ҳисобварағидаги вақтинча бўш маблағларни жойлаштириш жараёнларини ягона тизимга ўтказиш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари ўрганилган.

Калит сўзлар: ягона ғазна ҳисобварағи, бюджет тизими, ғазначилик тизими, вақтинча бўш маблағлар, депозит, тижорат банклари, фоиз ставкалари.

Аннотация: в данной статье изучены вопросы приведения в единую систему процессов размещения временно свободных бюджетных средств Единого Казначейского счета, как механизм управления государственными финансовыми ресурсами в период перехода к цыфровой экономике.

Ключевые слова: Единый Казначейский счет, бюджетная система, система казначейства, временно свободные средства, депозит, коммерческие банки, процентные ставки.

Abstract: This article explores the issues of bringing into a unified system of processes for placing temporarily free budgetary funds of the Unified Treasury Account as a mechanism for managing state financial resources during the transition to a digital economy.

Keywords: Single Treasury Account, budget system, treasury system, temporarily available funds, deposit, commercial banks, interest rates

Рақамли иқтисодиёт бу иқтисодий, ижтимоий ва бошқа алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизимидир. Баъзида у интернет иқтисодиёти, янги иқтисодиёт ёки веб-иқтисодиёт деган терминлар билан ҳам ифодаланади. 1995 йилда америкалик дастурчи Николас Негропонте “рақамли иқтисодиёт” атамасини амалиётга киритди.

Ҳозир бу истилоҳни бутун дунёдаги сиёсатчилар, иқтисодчилар, журналистлар, тадбиркорлар – деярли барча қўлламоқда. Рақамли иқтисодиёт нолдан бошлаб яратилиши лозим бўлган қандайдир бошқача иқтисодиёт эмас. Энг муҳими, у коррупция ва яширин иқтисодиётнинг асосий кушандасидир. Маълумотларнинг кўплиги ва тизимлилиги ёлғон ва қинғир ишларга йўл бермайди,чунки тизимни алдашнинг иложи йўқ. Натижада бюджет маблағларини ювиш, маблағларини ўғирлаш, самарасиз ва мақсадсиз сарфлаш , ошириб ёки майдалаб кўрсатиш имкони қолмайди. Бу эса бюджет маблағларини оширади, солиқлар ўз вақтида ва тўғри тўланади, бюджет тақсимоти очиқ бўлади, ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағлар ўғриланмайди, бюджет ташкилотларига ажратилган маблағлар тўлиқ етиб боради.

Мамлакатимизда бюджет тизими бюджетлари маблағларини бошқариш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ягона ғазна ҳисобварағидан ва шахсий ғазна ҳисобрақамларидан ахборот тизими асосида бошқаради. Қабул қилинган молиявий мажбуриятларни бажариш учун Ягона ғазна ҳисобварағида маблағлар етишмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджети харажатларининг чекланган ҳажмини белгилайди ҳамда унинг асосида бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларга харажатларни тўлаш учун рухсатномалар беради.

Ягона ғазна ҳисобварағининг вақтинча бўш турган маблағлари мавжуд бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тижорат банкларида депозитларга жойлаштирилиши мумкин бўлган маблағларнинг ҳажмини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ягона ғазна ҳисобварағидаги вақтинча бўш маблағларни жойлаштириш жараёнларини ягона тизимга ўтказиш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарорига кўра Молия вазирлиги Ғазначилиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ягона ғазна ҳисобварағидаги вақтинча бўш маблағларни тижорат банклари депозитларига жойлаштириш бўйича ягона орган этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ягона ғазна ҳисобварағидаги вақтинча бўш маблағларни жойлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга асосан:

- илгари жойлаштирилган вақтинча бўш маблағлар депозит муддати тугагунига қадар тижорат банкларининг депозит хисобварақларида сақланади ва депозит шартномасида белгиланган муддатларда қайтарилади;
- вақтинча бўш маблағларни тижорат банклари депозитларига ўзлари мустақил ёки ўз хоҳишлари билан Ғазначилик бўлинмаларига буюртманомалар тақдим этиш йўли билан жойлаштиришлари мумкин.

Молия вазирлиги Ғазначилиги томонидан вақтинча бўш маблағларни тижорат банкларининг депозитларига жойлаштириш жараёнида инсон

омилини истисно этишни назарда тутувчи, вақтинча бўш маблағларни жойлаштириш бўйича таклифларни электрон саралаш учун мўлжалланган ва Марказий банк ҳамда барча тижорат банкларининг уланишини таъминловчи дастурий маҳсул ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари тижорат банклари депозитларига бир молия йили доирасида жойлаштирилади. Молия вазирлиги Ғазначилиги танлов бошланишидан кечи билан бир кун аввал танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар, маблағ ҳажми, минимал фоиз ставкаси, депозит муддати, танловнинг тугаш санаси, вақти ва танлов бўйича бошқа талабларни кўрсатган ҳолда эълон жойлаштиради. Танлов ахборот тизими томонидан ҳар бир эълон бўйича ўтказилади ҳамда депозит суммаси ва танлов шартларида кўрсатилган муддат бўйича энг юқори даромад фоизини таклиф этган тижорат банки танлов ғолиби ҳисобланади. Бунда танлов иштирокчилари томонидан бир хил фоиз ставкалари ва шартлар таклиф этилган ҳолларда биринчи бўлиб тегишли таклиф берган тижорат банки иштирокчилар орасида ғолиб бўлади. Молиявий ҳолати Молия вазирлиги Ғазначилиги томонидан қониқарсиз деб топилган тижорат банклари танловларда иштирок этишига йўл қўйилмайди.

Ягона ғазна ҳисобварағининг вақтинча бўш турган маблағларини жойлаштириш ва уларни тижорат банкларида депозитларга жойлаштиришдан олинган даромадлардан фойдаланишнинг муаммолари қуйидагилардир:

- ягона ғазна ҳисоб рақамидаги вақтинча бўш маблағларни бошқаришнинг аниқ механизми мавжуд эмас;
- тижорат банкларида депозитларга жойлаштирлиши мумкин бўлган маблағларнинг максимал ҳажмини, жойлаштириш муддатларини ва фоиз ставкаларини белгилаш тартиби мавжуд эмас;
- ягона ғазна ҳисоб рақамидаги вақтинча бўш маблағлар жойлаштирилган тижорат банклари молиявий ахволини ўрганиш ва рискларни баҳолаш механизмлари мавжуд эмас.

А.А.Тураев – СамИСИ ўқитувчиси
О.У. Омонов – СамИСИ талабаси

МАМЛАКАТИМИЗДА СОЛИҚЛАРНИНГ МОҲИЯТИ ВА БОШҚА КАТЕГОРИЯЛАР БИЛАН УЗВИЙ АЛОҚАДОРЛИГИ

Аннотация: ушбу мақолада мамлакатимиз солиқ тизимининг мухим жихатлари ва солиқ категориясининг иқтисодий мазмуни, мақсади хамда иқтисодий макро ва микромеханизмни яратишда ўзига хос жиҳатлари кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: солиқ, солиқ категорияси, кредит, суғурта, даромад, ставка, бюджет.

Аннотация: в данной статье освещаются важные аспекты налоговой системы страны, а также экономическое содержание, цель и специфика налоговой категории при создании макро и микроэкономики.

Ключевые слова: налог, категория налога, кредит, страховка, доход, ставка, бюджет.

Abstract: This article highlights the important aspects of the tax system of the country and the economic content, purpose and specificity of the tax category in creating macro and microeconomics.

Keywords. Tax, Tax category, credit, insurance, income, rate, budget., tax burden, individual, income, rate, concept, tax system.

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш Концепцияси тўғрисида”ги 29 июн 2018 йилдаги ПФ-5468-сонли фармонлари қабул қилинди[1]. Ушбу қабул қилинган концепциянинг энг муҳим томони шундан иборатки, Республикада солиқ юкини пасайтириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш вазифалари тўлақонли амалга оширилиши, солиқ тизимини соддалаштириш ва юридик ва жисмоний шахсларга солиқ тўловларини амалга оширилишларида тушунарли бўлишилиги, концепциясининг асосий мақсади бўлиб хисобланади.

Солиқ категорияси мазмуни, функциялари ва элементларини тўлиқ таҳлил қилмай туриб, солиқларнинг моҳиятига тўлиқ кириб бориш, солиқлар тўғрисида етарлича ва аниқ билимга эга бўлиш мумкин эмас. Шуни ҳам айтиш муҳимки, солиқлар бир бутун тузилма сифатида, элементлардан биринг, айниқса солиқсиз тўловлар ёки солиқ йиғимларининг моҳиятини ва шунингдек бюджетни ҳам билдирмайди.

Солиққа тортиш бу бирламчи ишлаб чиқариш муносабатларининг белгисидир. Бошқача айтганда, ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш муносабатларида нафақат соф ишлаб чиқариш манфаатлари, балки улар билан биргаликда давлат бюджети, яъни бюджет манфаатлари ҳам амалга оширилади. Реал иқтисодий ҳаётда ушбу манфаатлар бир-бири билан шунчалик қоришиб кетганки, уларни таққослаш ёки ажратиш нореал ва имконсиздир.

Самарасиз ташкил этилган солиқ, кредит, суғурта, нарх ва бошқа тизимлар билан энг яхши молия тизимига эришиб бўлмайди ёки аксинча. Биз пул, кредит, молия, нарх тўғрисида гапирганимизда, биз нафақат иқтисодиётнинг айрим соҳалари тўғрисида гапирамиз, балки умуман иқтисодиёт тўғрисида гапирамиз, чунки солиқларга эътибор қаратганда молия, кредит, нарх, пул ва бошқа категориялар ҳақида фикрларимиз кесишмаслиги мумкин эмас. Ишлаб чиқариш муносабатлари соҳасига солиқ категориясини киритган ҳолда биз айнан шундай тушунишдан келиб чиқишимиз лозим.

[1] Мирзиёев. Ш.М. 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепсияси тўғрисида”[1]ги ПФ-5468-сонли фармон// Халқ сўзи 2018 йил 30 июн

Солиқ категориясининг иқтисодий мақсади ўзига хос мақсадли фонд яратилишини таъминлайдиган иқтисодий макро ва микромеханизмни яратишдан иборатдир. Масалан, ҳатто такрор ишлаб чиқариш жараёнида ҳам ишлаб чиқарувчи ўзининг ишлаб чиқариш манфаатларини амалга ошириши билан, шунингдек, солиқлар орқали ўз манфаатларини ҳам амалга оширади.

Ўз меҳнат натижаларини бошқа ишлаб чиқарувчига ўтказган ҳолда, у ўзига кейинги мавжудликни кафолатлайди.

Жамият томонидан унинг меҳнат натижаларининг тан олиниши (яъни товар ишлаб чиқарувчилар маҳсулотининг харидорлар томонидан сотиб олиниши) иқтисодий қонунларнинг барча мураккаб механизмлари, биринчи навбатда эса қиймат қонуни, ишлаб чиқарувчига ишлаб чиқаришнинг салбий ҳолатларидан ҳимояловчи пул манбалари ва бошқа махсус фондларини шакллантиришга имкон беради. Харидорлар товар ишлаб чиқарувчининг товарларини сотиб олган ҳолда давлатга бюджетни ва пул манбаларининг бошқа махсус ва умумхўжалик фондлари шакллантирилишини кафолатлайди. Шуни тан олиш зарурки, бюджет харидорнинг ҳам, ишлаб чиқарувчининг ҳам иродаси ва онгига боғлиқ бўлмаган ҳода, яъни объектив равишда иқтисодий қонунлар ва қонунчилик асосида шакллантирилади. Жумладан бюджетнинг даромадлар қисмини шакллантиришнинг объектив зарурияти ушбу харажатларни қийматнинг ва демакки, товар нархининг бир қисмига айлантиради. Чунки, бюджет даромадини шакллантириш мақсадидаги солиқ тўловлари билан товарнинг нархи ўртасида тўғридан-тўғри алоқадорлик мавжуд.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқадики, солиқлар бюджет манфаатларини амалга ошириш тизими сифатида уни тўловчилар, жумладан товар ишлаб чиқарувчилар, уларнинг ишлаб чиқариш муносабатларининг мураккаб алоқадорлигида бўладилар. Ушбу ҳали тўлиқ ўрганилмаган механизмини мавҳумлаштирган ҳолда таъкидлашимиз мумкинки, солиқнинг моҳиятини фақатгина унинг бирламчи иқтисодий муносабатларидан келиб чиққан ҳолда тушуниш мумкин эмас, бироқ уларсиз тушуниш ҳам мумкин эмас.

Кенг маънода солиқнинг моҳиятини таҳлил қилишда унинг ўзига хос белгиларини ажратиш ҳам муҳим босқич ҳисобланади, чунки солиқнинг моҳияти тўғрисидаги масалада ушбу иқтисодий категориянинг хусусиятлари ифодаланган бўлиши зарур. Иқтисодий адабиётларда, солиқнинг моҳиятини характерловчи ва уни бошқалардан фарқловчи белгилар қаторига, асосан уларнинг мажбурийлик характери, яъни солиқнинг дефицитга ва инфляция оқибатларига боғлиқлиги, солиқнинг бюджет маблағларини ёпиқ қайта тақсимлаш муносабатлари билан, дефицитнинг маконда ва замонда жойлашуви, шунингдек унинг эквивалентлиги билан боғлиқлиги кабилар киритилади.

Солиқнинг биринчи белгисини ҳисобга олмаганда, қолган барча белгиларини бошқа қиймат категорияларида ҳам кўришимиз мумкин,

уларни солиқнинг ўзига хос хусусиятлари таркибига қўшиш унчалик шарт эмас. Чунки ушбу ҳолатда гап ўзига хос эмас, балки маълум бир иқтисодий категорияларга хос бўлган умумий белгилар ҳақида бормоқда.

Бироқ биринчи белгини таъкидлаган ҳолда, уни фақат мажбурийлик шароити билан чегаралаб бўлмайди, чунки амалиёт гувоҳлик берадики, солиқ нафақат экстроординар шароит, яъни дефицит билан боғлиқ, балки тўлиқ даражада ординар шароитлар, яъни одатдаги ишлаб чиқариш тақсимот муносабатлари билан ҳам боғлиқдир. Солиқ – бу ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида, яъни ишлаб чиқариш манфаатларини давлатга қатъий бўйсундиришга қодир бўлган шароитлар сифатидаги ва ушбу манфаатларни бирлаштириш заруриятини туғдирувчи шароитлар сифатидаги, бюджет ва солиқ тўловчиларнинг мавжудлигини ифодаловчи абадий категория сифатида тақсимот муносабатлари борлиги билан белгиланувчи муносабатлардир. Охир оқибатда бу унинг моҳиятини, демакки унинг асосини аниқлаб беради.

Қиймат категорияси ва солиқ муносабатлари сифатида солиқнинг моҳиятини таҳлил қилиш унинг ўзига хос хусусиятларини ёритиш билан кифояланмайди. Унинг муҳим элементи категориянинг ижтимоий-иқтисодий табиати ҳам бўлиши лозим. Бунда, фикримизча, солиқнинг ижтимоий-иқтисодий мазмунини, солиқ муносабатларини чегаралаш керак. Солиқнинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ҳосила бўлиб, у мазкур жамиятдаги ҳукмрон ишлаб чиқариш муносабатлари, аввало, ишлаб чиқариш манбаларига мулкчилик типи билан белгиланади. Бозор муносабатлари шароитида уларнинг янгича таркиби ишлаб чиқариш муносабатларининг ягона, бир бутун тизимга киритилиши билан изоҳланади.

Бироқ, солиқда унинг функционал белгилаш билан боғлиқ бўлган умумиқтисодий мазмунни ҳам кўра билиш лозим. Ишлаб чиқариш муносабатларининг у ёки бу типига бўйсунишидан қатъий назар, у ишлаб чиқарувчиларнинг алоҳида иқтисодий мафаатларининг ўзига хос амалга оширишни ифодалайди, яъни бюджетдан молиялаштириш йўли билан ишлаб чиқаришнинг меъёрий ишлашини таъминлайди.

Солиқ категорияси моҳиятини юқорида баён этилган тушунчаларга таянган ҳолда, биз солиқ муносабатлари намоён бўлишининг ҳар қандай шаклларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз керак. Солиқ муносабатларининг давлат, кооператив, акционерлик ва бошқа ҳар қандай кўринишлари жамиятда қўллаб-қувватланиши лозим. Буни солиқлар ва солиқ ставкаларининг янги турларининг киритилиши устидан давлатнинг устуворлик роли сифатидагина тушунмаслигимиз керак, бунда масала анча муҳим аҳамиятга эгадир, чунки бу ерда гап объектив иқтисодий манфаатлар ва уларнинг реал амалий ҳаётда намоён бўлиш шакллари тўғрисида боради. Солиқ муносабатларининг ривожланишидаги бундай тенденция, фикримизча, солиқ тизимини давлат томонидан тартибга солишнинг аҳамияти ва роли камайишини англатмаслиги лозим. Аксинча, бозор иқтисодиётининг маъмурий буйруқбозлик тизимидан озод бўлиши

билан, у кучайиши ва ўзининг барча имкониятлари ва афзалликларидан фойдаланиши мумкин. Бунга ишлаб чиқарувчиларнинг солиққа тортиладиган объектларининг (ишлар, хизматлар) самарали тартибга солинишида ифодаланувчи, солиқ тўловчилар ўртасидаги эркин рақобат, солиқ интизомига маданиятли хизмат кўрсатишини мустаҳкамланиши, солиқларнинг янги, ноординар турларининг тадбиқ этилиши, сотиладиган товарларни арзонлаштириш мақсадларида солиқ ставкаларининг камайтирилиши кабилар ёрдам беради, охир оқибатда эса, солиқларни тартибга солиш соҳасида етакчилик ва тартибга солувчилик роли, доимо давлат зиммасида қолиши зарур.

У.Х. Абдуганиев – Стажер исследователь Центр повышения квалификации юристов

ОСНОВЫ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ, РИСКИ СВЯЗАННЫЕ С НЕЙ И ПЕРСПЕКТИВЫ ЕЕ РАЗВИТИЯ В СФЕРЕ ФИНАНСОВЫХ УСЛУГ

Аннотация: в данной работе изучены основные принципы и теоретические основы цифровой экономики. Исследованы риски интегрирования цифровых технологий. Проанализированы роль цифровых технологий в финансовом секторе, а также роль финансовых услуг в процессе цифровизации.

Ключевые слова: цифровая экономика, цифровизация, риски, цифровые финансовые услуги, цифровая технология, Организация экономического сотрудничества и развития (ОЭСР)

Аннотация: ушбу тадқиқотда рақамли иқтисодиётнинг асосий тамойиллари ва назарий асослари, рақамли технологияларни интеграциялаш жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган хатарлар тадқиқ этилди. Бундан ташқари, рақамли технологияларнинг молиявий сектордаги ўрни, шунингдек, рақамлаштириш жараёнида молиявий хизматларнинг роли таҳлил қилинди.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, рақамлаштириш, хатарлар, рақамли молиявий хизматлар, рақамли технологиялар, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ)

Abstract: This paper explores the basic principles and theoretical foundations of the digital economy. The risks of integrating digital technologies are investigated. Analyzed the role of digital technologies in the financial sector, as well as the role of financial services in the digitalization process.

Keywords: Digital economy, digitalization, risks, digital financial services, digital technology, Organization for Economic Cooperation and Development (OECD)

Сегодня развитие технологий охватывает все сферы. В частности, внедрены на практике: цифровое правительство и цифровая экономика, сосредоточены на развитии конкурентоспособности и обеспечения национального безопасности для каждой страны. Цифровая экономика - это всемирная сеть экономической деятельности, коммерческих операций

и профессиональных взаимодействий, которые поддерживаются информационно-коммуникационными технологиями (ИКТ). Ее можно кратко охарактеризовать как экономику, основанную на цифровых технологиях. [1]. По различным оценкам, цифровая экономика несет в себе огромные изменения для более чем 50% разных отраслей. Это вызвано тем, что информационные технологии и платформы кардинально меняют бизнес-модели, повышая их эффективность за счет устранения посредников и оптимизации. Как выяснили специалисты Всемирного банка, увеличение числа пользователей высокоскоростного Интернета на 10% может повысить ежегодный прирост ВВП от 0,4 до 1,4% [2].

Организация экономического сотрудничества и развития (Международная сеть по финансовому образованию) считает, что цифровые финансовые услуги (ЦФУ) можно определить, как «финансовые операции с использованием цифровых технологий, включая электронные деньги, мобильные финансовые услуги, финансовые услуги онлайн, видеоинтерфейс и дистанционный банкинг, посредством банковских учреждений или без их участия. ЦФУ могут охватывать различные денежные операции, такие как внесение, снятие, отправка и получение денежных средств, а также иные финансовые продукты и услуги, включая оплату, кредитование, сбережения, пенсии и страхование. ЦФУ могут также включать нетранзакционные услуги, такие как просмотр личной финансовой информации через цифровые устройства». [6]

На рынке цифровых финансовых услуг присутствует большое количество различных участников. В докладе Международной сети Организация экономического сотрудничества и развития (ОЭСР) по финансовому образованию указано, что банки являются крупнейшими участниками рынка цифровых финансовых услуг, за которыми с небольшим отрывом идут телекоммуникационные компании. Другие участники, указанные в докладе, включают, среди прочего, поставщиков кредитов, государственные органы, страховые или пенсионные компании, почтовые отделения, банковских агентов, общества взаимопомощи, финансово-технологические компании, учреждения, занимающиеся операциями с электронным деньгами, инвестиционные банки и компании, осуществляющие операции фондовыми ценностями.

Цифровые финансовые услуги включают в себя широкий спектр финансовых услуг, доступных и предоставляемых по цифровым каналам, включая платежи, кредиты, сбережения, денежные переводы и страхование.

Цифровые технологии все больше интегрируются в экономику и оказывают значительное влияние на финансовую индустрию, внедряя новые продукты, услуги и поставщиков. Цифровизация влияет на отдельных лиц и предприятия во всем мире, поскольку мобильные денежные услуги теперь доступны в 72% развивающихся стран (GSMA, 2018) [5], и их распространение, вероятно, будет расти рука об руку с

растущим уровнем проникновения мобильных соединений (по оценкам, превышающим 100% в мире к 2020 году). Эти существенные изменения увеличивают потребность в эффективном финансовом образовании, защите финансовых потребителей и политике финансовой доступности, которая быстро адаптируется к этой изменяющейся среде. [4]

Параллельно применение цифровых технологий для управления личными финансами предоставляет новые инструменты для поддержки потребителей и предпринимателей в улучшении их финансовой жизни и благосостояния. В совокупности цифровые финансовые услуги и связанные с ними инструменты могут принести конкретные выгоды потребителям и предпринимателям:

- Расширение потенциального охвата и доступа к финансовым услугам: цифровизация финансов дает возможность обеспечить широкую финансовую доступность путем расширения применения и проникновения цифровых финансовых услуг, принося пользу ранее небанкованным слоям населения и предлагая цифровые альтернативы, чтобы стимулировать потребителей. Предприниматели выходят из нелегального сектора. Наряду с этим такие инструменты, как цифровые формы идентификации, облегчают потребителям выполнение необходимых требований идентификации, преодолевая дополнительный барьер для включения.
- Предложение более удобных, быстрых, безопасных и своевременных транзакций: это может иметь положительные последствия как для стран с развитой, так и для развивающейся экономикой, как для постоянных пользователей финансовых продуктов, так и для новичков в финансовом отношении. Последние, в частности, выигрывают от защищенной цифровой среды даже в отсутствие физических банковских отделений или агентов.
- Предоставление услуг, которые адаптированы к индивидуальным потребностям и облегчают их использование, тем самым создавая возможности для развития навыков финансовой грамотности, уверенности и опыта работы с финансами. Использование данных о потребителях и предпринимателях, возможно, в том числе больших данных, поставщиками финансовых услуг может дать представление о потребительских привычках в отношении расходов, упростить предложение специализированных продуктов и поддержать обнаружение мошенничества. При соответствующей структуре защиты потребителей и данных эти преимущества могут быть существенными для потребителей и предпринимателей во всем мире. Они также открывают возможности для интеграции групп населения с низкими доходами и в финансовом отношении в формальный финансовый сектор путем создания альтернативных индикаторов поведения, которые можно использовать для оценки их риска в качестве клиентов.
- Расширение возможностей для плодотворного взаимодействия между поставщиками финансовых услуг и потребителями через цифровые

интерфейсы. Такое взаимодействие может использовать поведенческие идеи, улучшая понимание потребителями и предпринимателями финансовых продуктов и финансовых решений.

❖ Расширение круга поставщиков. Цифровая революция идет рука об руку с новыми провайдерами, выходящими на рынок и предлагающими финансовые услуги физическим лицам напрямую через цифровые каналы. Эти компании FinTech, обычно ориентируясь на один продукт или услугу, могут влиять на уровень конкуренции на финансовом рынке, способствовать снижению затрат и предлагать улучшенный опыт отдельным лицам и предпринимателям. В то же время DFS также несет новые риски для потребителей как на развитых, так и на развивающихся рынках.

Эти риски, если их не устранить должным образом, могут представлять серьезную угрозу финансовому благополучию отдельных лиц и предпринимателей. Их можно классифицировать следующим образом:

Рыночный:

- может включать в себя неправильное использование незнакомых (или новых типов) продуктов неосведомленными потребителями;
- новые виды мошенничества, часто использующие в своих интересах неопределенность потребителей в цифровой среде;
- отсутствие безопасности, конфиденциальности и конфиденциальности данных;
- неуместно или чрезмерное использование цифрового профилирования для выявления потенциальных клиентов и исключения нежелательных групп;
- быстрый доступ к дорогостоящим / краткосрочным кредитам или по существу спекулятивным продуктам (например, начальным предложениям монет) и другим рыночным практикам, которые могут усилить поведенческие предубеждения.

Регулирование и надзор:

- может охватывать неодинаковые уровни защиты (неадекватные механизмы раскрытия информации и компенсации) и в разных странах (различные поставщики, трансграничные продажи, регулирующий арбитраж);
- рассмотрение вопросов защиты данных;
- отсутствие координации между органами власти, например, в отношении новых видов цифровых финансовых услуг.

Ориентация на потребителя:

- растущая цифровизация повседневной жизни и финансовых решений не обязательно сопровождается повышением уровня цифровой и финансовой грамотности (OECD, 2016b; OECD, 2017c), и это верно даже для более молодого населения (OECD, 2014; OECD 2017b).

Технологически обусловленные:

- все более широкое использование алгоритмов, которые могут повлиять на решения о кредите или страховании и могут привести к отказу в доступе к определенным услугам или несоответствующим сборам на основании неточные или неправильные корреляции, сделанные без человеческой интерпретации.

Эти риски могут оказать негативное влияние как на потребителей, так и на предпринимателей, и могут привести к ряду отрицательных результатов, включая, но не ограничиваясь:

- Отсутствие или неравномерное доверие к ЦФУ, финансовой системе и технологическим инновациям.
- Новые типы отчуждения для определенных групп населения (возможно, включая пожилых людей и людей с низкими доходами), которые могут быть не в состоянии использовать смартфоны и компьютеры получить доступ к ЦФУ или из-за растущего использования данных и цифрового профилирования для принятия кредитных и страховых решений. Может также произойти усиление самоисключения из-за низкого уровня финансовой и цифровой грамотности, а также недостаточного ознакомления с доступными продуктами и новыми поставщиками.



Рисунок 1. Население, не пользующееся банковскими услугами (% взрослых и женщин) (2018) [3]

На рисунке 1 представлена статистика небанкированности населения в различных странах, что отражает тенденции использования ЦФУ, поскольку ЦФУ неразрывно связано с банкированностью.

Степень интегрированности цифровых технологий выше всего в финансовом секторе, из чего следует, что развитость и распространенность финансовых услуг вызовет рост спроса на цифровые технологии. Таким

образом можно заключить, что основным двигателем цифровизации, является финансовый сектор.

Список литературы

1.Азизкулов Д. М. Цифровая экономика: понятие, особенности и перспективы на российском рынке / Д. М. Азизкулов // Вектор экономики. – 2018. – № 3 (21). – С. 62 ; То же [Электронный ресурс]: URL: https://elibrary.ru/item.asp?id=32751051 (23.01.2019);

2. Борис Паньшин, Цифровая экономика: особенности и тенденции развития / Наука и инновации. 2016, № 3 (157): То же [Электронный ресурс]: URL: https://cyberleninka.ru/article/n/tsifrovaya-ekonomika-osobennosti-i-tendentsii-razvitiya;

3. Всемирный банк, годовой отчет 2018 [Электронный ресурс]: URL: https://www.worldbank.org/eca ;

4. Международная организация защиты прав потребителей финансовых услуг FinCoNet (2019), [Электронный ресурс]: Online and mobile payments: An overview of supervisory practices to mitigate security risks (2018) URL: www.finconet.org/FinCoNet_SC3/5142562;

5. Мобильная экономика – GSMA Intelligence 2018, [Электронный ресурс] URL:https://gsmaintelligence.com/research/?file=16bf802029707e30a9850bcfb7b37877&download;

6. Организация экономического сотрудничества и развития (ОЭСР), 2015г., Перспективы цифровой экономики. [Электронный ресурс]: URL: https://oecdcentre.hse.ru/nletter4.6;

Sh.Abdiqobilov – SamISI Mk-317 guruh talabasi
M.Xamroyev – SamISI doktoranti
A.Turayev – SamISI o‘qituvchisi

ICHKI INVESTITSIYALARDA AHOLI ISHTIROKINI FAOLLASHTIRISH AHAMIYATI

Annotatsiya: maqolada mamlakatimiz aholisi turmush darjasini va faravonligi oshirish borasidagi olib borishda ichki investitisiyalarni ta’siri tahlil qilingan hamda aholi turmush darajasi va faravonligini yanada yaxshilash bo‘yicha ilmiy xulosa va tavsiyalar keltirilgan.

Kalit so‘zlar: ichki investitsiyalar, aholi turmush darajasi, aholi faravonligi, aholi daromadlari, bush mablag‘lar, mulk, tadbirkorlik, islohatlar.

Abstract: The article analyzes the impact of domestic investment on improving the standard of living and welfare of the country's population, as well as scientific findings and recommendations for further improvements in living standards and welfare.

Key words: domestic investments, living standards, welfare, income, property, entrepreneurship, and reforms.

Аннотация: В статье анализируется влияние внутренних инвестиций на повышение уровня жизни и благосостояния населения страны, а также

приводятся научные выводы и рекомендации относительно дальнейших улучшений уровня жизни и благосостояния.
Ключевые слова: внутренние инвестиции, уровень жизни, благосостояние, доход, ресурсы, собственность, предпринимательство, реформы

Hozirgi yillarda mamlakatimizda amalga oshirilayotgan jadal ijimoiy-iqtisodiy islohatlarning maqsadi aholining turmush darajasini oshirishga, uning daromadlarini oshirib, turmush kechirish sifatini takomillashtirishga qaratilmoqda. Bu borada mamlakatimizda amalga oshirilayotgan daromadlar siyosati daromad turlarini diversifikatsiyalash, tadbirkorlik faoliyati va mulkiy egalik huquqlaridan foydalanish jarayonlarini yanada erkinlashtirish orqali aholi daromadlari tarkibiy tuzilmasini optimallashtirishni rag‘batlantirmoqda. Ayniqsa, aholining qulida bush turgan mablag‘ va resurslarini investitsiya jarayonlariga yunaltirish orqali daromadlarini oshirish uchun real shart-sharoitlar yaratilmoqda.

Islohotlarning yuqorida qayd etilgan yunalishlari uzoq yillar davomida, ayniqsa, mamlakatimiz mustaqillikka erishgunga qadar hukm surgan ma’muriy-buyrukbozlik tizimining salbiy ta’siri natijasida vujudga kelgan muammolarni hal etish zarurati tufayli olib borilmokda. Axoli daromadi tarkibining etarli darajada samarali va optimal emasligi, olib borilayotgan daromad siyosati tarkibida moliyaviy bozorlarda ishtirok uchun daromadlarni rag‘batlantirish tadbirlarining deyarli yuqligi, ichki investitsiyalarda ahjoli ishtiroki faol emasligi kabi muammolar shular jumlasidandir.

Keyingi yillarda aholi daromadlari hajmining oshishi kuzatilayotgan bo‘lsada, bu o‘sishda investitsiyalardan olingan daromadlarning ulushi juda past. Aholining umumiy daromadlari xajmi sezilarli darajada oshishi asosan umumiy daromadlar tarkibida 59,6 foiz ulushga ega bulgan mehnat faoliyatidan olingan daromadlar va 32,2 foizni tashkil etuvchi transfertlardan olingan daromadlarning sezilarli o‘zgarishi hisobiga yuzaga kelgan[1].

Shuni aytishimiz lozimki, mamlakatimizda aholi bush mablag‘laridan foydalanish hamda ularni samarali jalb etish buyicha yaratilmagani, ayniqsa, qimmatli qog‘ozlar bozori,fond birjalari faolyati samarali tashkil etilmaganligi, investitsiya institutlarining yetarli darajada samarali tashkil etilmagani, bularning barchasi,iqtisodiyotimizga investitsiyalarni qo‘shimcha ichki manbalari cheklanishiga sabab bo‘lib kelmoqda deyishimiz mumkin. Mazkur holatlarga tanqidiy yondashgan holda, Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev Oliy Majlisga qilgan Murojaatnomasida "Iqtisodiyotni rivojlantirishda aholi qulida to‘plangan mablag‘larni investitsiya shaklida harakatga keltirish, odamlarda tadbirkorlik hissini kuchaytirish muhim vazifalarimizdan biridir[2]" deb ta’kidlab o‘tgandilar. Mazkur vazifalarni amalga oshirish mamlakatimizda amalga oshirilayotgan daromad siyosati orqali ichki investitsiyalarda aholi ishtirokini

[1] O’zbekistonda aholi o’rta hisobda qancha daromad oladi? -http://uza.uz/uz/society/o-zbekistonda-o-rta-hisobda-aholi-qancha-daromad-oladi-16-04-2018

[2] O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. - Xalq so’zi, 2018-yil 23- dekabr.

faollashtirish yo‘nalishlarini belgilab olishni taqozo etmoqda deyish mumkin.

Yurtimizda keyingi yillarda amalga oshirilayotgan jadal islohotlarning asosiy maqsadi ustuvor ravishda aholi turmush farovonligini oshirish, uni munosib hayot sharoitlari bilan ta’minlashga qaratilmoqda.

O‘zbekiston Respublikasida aholini umimiy daromadlar tarkibi

% da

N t/r	**Ko‘rsatkichlar nomi**	**2013**	**2014**	**2015 ***	**2016**	**2017**	**2018**
	Umumiy daromadlar - jami	**100,0**	**100,0**	**100,0**	**100,0**	**100,0**	**100,0**
	Shu jumladan:						
1.	**Birlamchi daromadlar**	**73,0**	**75,6**	**83,1**	**84,0**	**79,1**	**76,1**
	Shundan:						
A.	Ishlab chiqarishdan olingan daromadlar	70,3	73,2	80,8	80,9	75,8	73,0
B.	Mol-mulkdan olingan daromadlar	2,8	2,4	2,3	3,1	3,4	3,1
2.	**Transfertlardan daromadlar**	**27,0**	**24,4**	**16,9**	**16,0**	**20,9**	**23,9**

*) aniqlik kiritilgan ma’lumotlar

Shuni ham qayd etish joiz 2018-yilda aholi umumiy daromadlari 282762,5 mlrd. so‘mni tashkil etib, oldingi yilga nisbatan 28,1 %ga o‘sganligi ma’lumot o‘rmida aytishimiz lozim[1].

Jadval ma’lumotlariga ko‘ra, aholi umumiy daromadlari tarkibida birlamchi daromadlar asosiy qismini egallaydi. Unda ishlab chiqarishdan olingan daromadlar umumiy daromadlarining ulushi so‘nggi yillarda deyarli 70-80 foiz atrofini tashkil etmoqda. Bu esa, bir tomondan, mamlakatimizda tadbirkorlik va mehnat faoliyati erkinligining oshib borishi, boshqa tomondan esa, shuning natijasida uning an’anaviy turlari qatoriga yangi turlarining kirib kelishi orqali izohlash mumkin.

Shunday ekan, o‘z o‘rnida qayd etish zarurki, ayrim daromad turlarining salmog‘i hali hamon dunyo amaliyotida tarkib topgan o‘rtacha darajadan sezilarlicha ortda qolmoqda. vazifasi turganligidan dalolat beradi.

Mamlakatdagi ichki investitsiyalarda aholi ishtirokini faollashtirish daromad siyosatining asosiy yo‘nalishlaridan biriga aylanishi zarur. Fikkrimizcha, aholi mablag‘larini iqtisodiyotdagi turli investitsiya obyektlariga yunaltirish va shu orqali uning daromadlarini sezilarli darjada oshirishsak, uning natijasida tizimli ishlarni yo‘lga qo‘yish, xususan, mazkur jarayonlarning maqsadga muvofiq tarzda olib borishini ta’minlovchi ta’sirchan mexanizmlarni joriy etish maqsadga muvofiq hisoblanadi.

Shuni ham e’tiborga olish mumkin bo‘lgan jihatlardan biri aholi o‘z daromadlaridan investitsiya tavsifidagi yunalishlarda foydalanish hududlarning

[1] www.stat.uz –O’zbekiston Respublikasi Statistika Qo’mitasi rasmiy sayti.

iqtisodiy salohiyati va rivojlanganlik darajasiga bog‘liq bo‘libgina qolmasdan, bu borada notekislikni ko‘zatishimiz mumkin.

Keyingi yillarda olib borilayotgan ijtimoiy-iqtisodiy chora-tadbirlari ta’sirida aholi umumiy daromadlari tarkiban o‘zgarib, sifati jihatidan takomillashib borishini hisobga olib ichki investitsiyalarni rivojlantirishni yangi mexanizmlarini yaratish zarur deb hisoblaymiz.Bozor iqtisodiyoti sharoitida aholi daromadlari tarkibida tadbirkorlik va mol-mulkdan olingan daromadlar ulushini sezilarli ravishda oshirishda o‘rta qatlamini tarkib toptirish va rivojlantirishga yunaltirilgan vazifalarni hal etish orqali erishish mumkin. Zero, aholi daromadlari tarkibiy tuzilishining hozirgi holati mamlakatimizda aholi daromadlari siyosatida barqaror va muhim daromad manbai bilan birga uning mamlakat iqtisodiyotidagi ijobiy o‘zgarishlardan manfaatdorligini ta’minlashga yunaltirilgan jiddiy o‘zgarishlarni amalga oshirish mumkin .Aholi qo‘lidagi mablag‘larini iqtisodiyotdagi turli investitsiya obyektlariga yunaltirish orqali uning daromadlarini oshirish buyicha sezilarli natijaga erishish uchun mazkur jarayonlarning maksadga muvofik tarzda borishini ta’minlovchi yangi usullarni joriy etish maqsadga muvofiq.Aholi daromadlaridan investitsiya tavsifidagi yunalishlarda foydalanish hududlarning iqtisodiy salohiyati va rivojlanganlik darajasiga bog‘liqligini inobatga olib, mazkur rejalarni amalga oshirish uchun aholi mablag‘larining ichki investitsiya manbai sifatida yunaltirilishini ta’minlovchi hudud bilan bog‘lik chora-tadbirlarni kuchaytirish, mahalliy organlar hamda mutassadi idoralar tomonidan hududiy dasturlarni ishlab chiqish va izchil amalga oshirish zarur.

Aholi daromadlaridan foydalanmas ekanmiz bizning iqtisodiyotimiz sezilarli rivojlanmaydi. Aholini ishonchini oshirgan holda, katta kuchga ega bo‘lamiz. Shu o‘rinda, ularni rag‘batlantirishning ta’sirchan mexanizmlarini joriy etish pirovardida aholi turmush darajasi va sifatini oshirish mumkinligini zamoni o‘zi bizga ko‘rsatmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Shodmonov Sh.Sh., Mamaraximov B.E , “Iqtisodiyot nazaryasi” : Ma’ruzalar matni / ; - T.: “Iqtisod-Moliya” , 2016 y. 496 b.
2. Muxammedov M.M., Urunbaeva Y.P. “Aholi turmush darajasini shakllantirish omillari va oshirish istiqbollari. Risola. “Zarafshon”, 2010. 131 b.
3. Xudoyberdiyev U., Abdiqobilov Sh, “Investitsiya:mohiyati, turlari va samaradorligi” : Risola / ; - Samarqand.: “SamDChTI“ nashriyoti, 2019 y. 27 b.
4. Urunbaeva Y.P. “Xizmat ko‘rsatish sohasi va aholi turmush darajasi: o‘zaro bog‘liqligi va rivojlanish istiqbollari. Monografiya. Toshkent: “FAN”, 2013. 156
5. Urunbaeva Y. Aholi daromadlarini oshirish yo‘llari. - http://www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/43392-aholi-daromadlarini-oshirish-yullari - 28.07.2016, №6(102)-2016.
6. O‘zbekistonda aholi o‘rta hisobda qancha daromad oladi? - http://uza.uz/uz/society/o-zbekistonda-o-rta-hisobda-aholi-qancha-daromad-oladi-16-04-2018
7. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. - Xalq so‘zi, 2018-yil 23- dekabr.
8. www.stat.uz –O‘zbekiston Respublikasi Statistika Qo‘mitasi rasmiy sayti.

Р.И.Азимова – СамИСИ “Банк иши” кафедраси ассистенти

БАНК СОҲАСИДА АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация: мақолада “аутсорсинг” тушунчаси, тижорат банклари томонидан аутсорсинг хизматларидан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари, мавжуд муаммолар ҳамда ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: аутсорсинг, банклар, банк аутсорсинги, операциялар, тартибга солиш, функциялар, хатарлар.

Аннотация: в статье рассматриваются понятия “аутсорсинга” и аспекты использования аутсорсинга в банковской сфере, проблемы препятсвующие более широкому использованию аутсорсинга в банковской практике и даны мероприятия для совершенствования банковских форм аутсорсинга.

Ключевые слова: понития аутсорсинга, банки, банковский аутсорсинг, операции, регулирование, функции, риски.

Abstract: The article discusses the concepts of “outsourcing” and aspects of the use of outsourcing in the banking sector, problems that impede the wider use of outsourcing in banking practice, and measures are taken to improve banking forms of outsourcing.

Keywords: outsourking, banks, bank outsourking, operations, regulation, funktions, risks.

Бугунги кунда Ўзбекистонда барча соҳаларда мисли курилмаган ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Албатта бу ижобий ўзгаришлар банк соҳасини ҳам четлаб ўтгани эмас. Бунга мисол қилиб банк фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларининг янги таҳрирларда қабул қилинганини айтиб ўтиш мумкин. Булар “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”, “Банк ва банк фаолияти тўғрисида”, “Валютани тартибга солиш тўғрисида” ва “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонунлардир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, янги қонунларнинг қабул қилингани ўз вақтида амалга оширилган иш бўлди, чунки бунинг учун шарт-шароитлар етилган эди. Сўнгги уч йил ичида соҳани тубдан ислоҳ қилиш йўлида салмоқли ишлар қилинди ва мавжуд қонунлар замон талабларига етарлича тўлиқ жавоб бера олмай қолди. Чунки улар 1990-инчи ва 2000-инчи йилларда, яъни банк тизими энди шаклланаётган ва оёққа тураётган даврда қабул қилинган ва ҳозирги замон шиддатига ҳамда жорий ўзгаришларга жавоб бера олмай қолган эди.

2019 йил 11 октябрда Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати 23 пленар йиғилишида “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрирдагисини тасдиқланган. Унда бир қатор янгиликлар мавжуд бўлиб, банклар томонидан амалга ошириладиган опрециялар таркиби янги хизмат турлари билан тўлдирилди. Янги хизматларга мол-мулк ва активларни ишончли бошқариш, қайта ишланган қимматбаҳо металларни сотиш ва сотиб олиш, ҳосилавий молиявий воситалар билан операциялар, ҳамда банк марказий банкнинг рухсатномасини олгандан кейин хизматлар ва

операцияларининг айрим турларини Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ аутсорсингга топшириш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қуйилди. Хусусан, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрирининг 5 боби “Предунциал талаблар ва таваккалчиликни бошқариш” бўлиб, унинг 41-моддаси “Банк хизматлари ва операциялари аутсорсинги”га бағишланган. Унга кўра “Хизматлар ва операцияларнинг айрим турларини банк томонидан шартнома асосида ва узлуксиз асосда амалга ошириш учун учинчи тарафга топшириш банк хизматлари ва операцияларининг **аутсорсингидир**” дейилган.

Лицензия асосида амалга ошириладиган хизматлар ва операцияларнинг айрим турларини фақат тегишли лицензия эгасига аутсорсингга топширишга йўл қўйилади.

Банк хизматлари ва операцияларининг айрим турлари ўзига аутсорсингга топширилган шахснинг мазкур хизматлар ҳамда операцияларни кейинчалик бошқа шахсга аутсорсингга топшириши тақиқланади. Мазкур чеклов банк томонидан хизматлар ва операцияларнинг айрим турларини аутсорсингга топшириш тўғрисида шартномада акс эттирилиши керак.

Банк аутсорсингга топширилган хизматлар ва операцияларнинг айрим турлари билан боғлиқ тавваккалчиликларнинг бошқарилиши учун жавобгар бўлади.

Хизматлар ва операцияларнинг айрим турларини аутсорсингга топширишда банк Марказий банкнинг талабларига, шу жумладан ички сиёсатлар ва ҳисоботдорлик мажудлиги бўйича, шунингдек Марказий банкка аутсорсингга топширилган хизматлар ва операцияларнинг айрим турлари юзасидан ахборот тақдим этиш бўйича талабаларига жавоб бериши керак.[1]

Банклар амалиётида аутсорсинг хизматини қўлланилиши, банк муассасалари хизматларига бўлган эҳтиёжнинг ошишига, банклар томонидан мижозларга тақдим этилаётган замонавий хизматларни шакллантириш, хизматлар сифатини яхшилаш, таннархини ва мижозга ушбу хизматни шакллантириш учун зарур бўлган вақтни қисқартиришга боғлиқ.

Ривожланган мамлакатларда банкларнинг ташқи манбалардан фойдаланиш тенденцияси (аутсорсинг) кенг миқёсда бошланмоқда ва бу бизнес жараёнида иқтисодий муносабатлар иштирокчиларнинг кучли томонларидан максимал даражада самарали фойдаланиш ва томонларнинг ҳар бирининг ўз функцияларини энг муваффаққиятли, юқори сифатли ва янада арзонроқ қийматларда хизматларини ишлаб чиқариш ва бажариш қобилияти туфайли рақобатбардош устунликларга эришиши билан изоҳланади.

Шу билан бирга, ривожланган мамлакатларнинг хорижий банк муассасалари ташқи молиявий ташкилотларга банкнинг молиявий

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Банк ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 2019 йил 5 ноябрь № ЎРҚ-580.5-боб, 41-модда.

операциялари билан боғлиқ бўлган индивидуал бизнес жараёнлари ва стратегик бошқарув функцияларини топширишади.

Шу муносабат билан, халқаро даражадаги банк назорати органларининг ҳужжатларини ҳисобга олган ҳолда, миллий даражада банк аутсорсингини тартибга солишга ёндашувлар шаклланишининг хусусиятларини ўрганиш давлатимиз иқтисодиётининг замонавий рақобатбардош банк секторида кейинчалик амалий қўлланилиши учун зарурдир.

Аутсорсинг моҳиятини тушуниш учун биз унинг таърифини келтирамиз. Замонавий илмий адабиётларда "аутсорсинг" тушунчасининг бир қатор таърифлари мавжуд (аутсорсинг - инглиз тилидан таржима қилинган "ташқи компаниялар билан шартнома тузиш" деган маънони англатади).

Банк секторига нисбатан биз фақат иккита асосий тушунчани берамиз:

1. Европанинг Банкларни Назорат қилиш Қўмитаси (CEBS,Committee of European Banking Supervisors) [1] назорат мақсадида банк соҳасида ишлатиладиган аутсорсингнинг қуйидаги таърифини беради: “Аутсорсинг - бу учинчи томон томонидан тартибга солинадиган ташкилот томонидан (“аутсорсинг хизматларини этказиб берувчи”) доимий равишда функцияларни бажариш учун фойдаланиш.[2] Ҳозирги пайтда ёки келажакда тартибга солинадиган ташкилотнинг ўзи томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган хизматлар тушунилади. “Тартибга солувчи ташкилот" деганда лицензияланган банк ташкилоти тушунилади. Банклар назорати бўйича Базел қўмитаси томонидан “Молиявий хизматлар соҳасидаги аутсорсинг” ҳужжатида аутсорсингнинг ўхшаш таърифи берилган.[3]

2. Илмий таърифни иқтисод фанлари доктори, профессор Г.Н. Белоглазова: “Банк аутсорсинги (ёки банк секторида аутсорсинг) - бу хизмат кўрсатувчи провайдер сифатида ишлайдиган ва ушбу хизматни ёки бизнес-жараённи ўз доирасида бошқаришни амалга оширадиган ташқи ташкилотнинг ишлаши учун банк томонидан муайян функцияларни ёки бизнес жараёнларини тўлиқ ёки қисман бериш жараёни тушунилади”.

Банкларнинг аутсорсинг хизматларидан фойдаланиш борасида қарор қабул қилишининг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат: банк фаолияти учун банк харажатларини тежаш, мижозларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш, янги технологиялардан фойдаланган ҳолда банкнинг бизнес жараёнларини бошқаришдаги қийинчиликларни камайтириш.

---

[1] *01.01.2011 йилдан мазкур шаклланган EBA (European Banking Authority).*

[2] *Guidelines on outsourcing. Committee of European Banking Supervisors, 14 December 2006 [Electronic resource]. – Mode of access: https://www.eba.europa.eu/documents/10180/104404/GL02OutsourcingGuidelines.pdf.pdf. – Date of access: 06.05.2016.*

[3] *Basel Committee on Banking Supervision [Electronic resource]. – Mode of access: https://www.bis.org/bcbs /. – Date of access: 05.07.2016.*

Биз республикамиз банк амалиётида аутсорсингдан кенг фойдаланишга халақит берадиган асосий **муаммоларни** қуйидагилар деб ҳисоблаймиз:

1. Мукаммал қонунчилик базасининг мавжуд эмаслиги. Юқорида кўриб ўтилганидек, “аутсорсинг” тушунчасининг ҳуқуқий таърифи Ўзбекистон қонунчилигида энди пайдо бўлди, яъни “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрирининг 41-моддасида. Шу пайтгача “аутсорсинг” тушунчасини бирорта қонун ҳужжати ўз ичига олмас эди. Қонунчиликларда аутсорсингдан келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи умумий қоидалар тавсифи мавжуд эмас.

2. Республикамизда аутсорсинг хизматини кўрсатувчи ташкилотларнинг ишончлилиги ва иш ёки хизмат сифатининг кафолати йўқлиги. Ўзларини етарлича ишончли деб кўрсатган аутсорсинг хизматини тақдим қиладиган корхоналар асосан ахборот технологиялари аутсорсинги ва маркетинг соҳасида пайдо бўлишни бошладилар.

3. Банклар томонидан хизматлар ва операцияларнинг айрим турларини учинчи тарафга топширилишида хизматларнинг ўз вақтида бажариб бера олмаслик хавфининг баландлиги, чунки банк фаолиятида самарадорлик даражаси юқори. Хавфсиз аутсорсинг учун хизматларнинг ривожланган бозори бўлиши керак. Агар филиал банкда қисқартирилса ва унинг функциялари бозорда учинчи томон ташкилотига топширилса, унда банк ва компания ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликда ва ушбу аутсорсинг ташкилотининг вайрон бўлишида муаммолар пайдо бўлиши эҳтимоли катта. Хизмат кўрсатувчи провайдерни танлашда асосий қоида функцияни аутсорсинг билан боғлиқ барча хавфларни максимал даражада ҳисоблашдир. Чет эллик мутахассисни ёллашдан кейин сиз ҳар доим хавф-хатар мавжудлигини тушунишингиз керак, чунки тўлиқ ишлайдиган ходимга қараганда ташқи манбага таъсир қилиш имконияти камроқ.

4. Аутсорсинг компаниясига банклар томонидан тақдим этилган маълумотларнинг тарқалиш хавфи юқори. Учинчи томон мутахассисларини жалб қилган ҳолда, банк шартномада маълумотларнинг махфийлиги масалалари қандай тартибга солинишини кўрсатиши шарт. Шу билан бирга, ушбу соҳани бузганлик учун жавобгарлик қонуний тартибга солиниши керак.

Муаммоларни ечиш ва республикамиз банк соҳасида аутсорсинг хизматларини такомиллаштириш учун учта йўналишда бир қатор тадбирларни ўтказиш таклиф этилади.

1. Банк аутсорсинги соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш:

- «Банк хизматларида аутсорсинг» ва «аутсорсинг хизматлари» тушунчаларига қонуний таъриф бериш;
- банк соҳасида аутсорсингни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий хужжатни ишлаб чиқиш, учинчи томон билан ишлаш жараёнида

хавфсизлик ва махфийлик масалаларини инобатга олган ҳолда.

2. Банк аутсорсинги бозори шаффофлигини таъминлаш:

● аутсорсинг кўрсатиш сифатини даврий равишда баҳолаб, аутсорсинг соҳаларида банкларга хизмат кўрсатадиган аутсорсинг компанияларининг электрон маълумотлар базасини яратиш;

● тартибга солувчи томонидан банкларга ўз веб-сайтларида аутсорсинг фаолияти тўғрисида маълумотларнинг шаклланиши ва жойлаштирилиши учун талаблар белгиланиши;

3. Аутсорсинг ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйиш ва такомиллаштириш:

● аутсорсинг компанияларини мижозларнинг эҳтиёжларига йўналтириш, хизматлар нархини пасайтирган ҳолатда уларнинг сифатини ошириш ва хизматларни ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

● тузилган хизмат шартномаларига қатъий риоя қилиш;

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
2. Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири (05.11.2019 й. № ЎРҚ-580).
3. Стефаноч Л. Рынок банковского аутсорсинга: проблемы и информационная закрытость / Л. Стефаноч// Банкаўскі веснік, жнівень. – 2016. №8. – С. 9-15.
4. Guidelines on outsourcing. Committee of European Banking Supervisors, 14 December 2006 [Electronic resource]. – Mode of access: https://www.eba.europa.eu/documents/10180/104404/GL02OutsourcingGuidelines.pdf.pdf. – Date of access: 06.05.2016.
5. Basel Committee on Banking Supervision [Electronic resource]. – Mode of access: https://www.bis.org/bcbs /. – Date of access: 05.07.2016.

А.М. Каримова – СамИСИ ўқитувчиси,
С.О.Махмудова – СамИСИ талабаси

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ ҚУВВАТЛАШ

Аннотация: ҳозирги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик олдида турган энг асосий муаммолардан бири - бу молиявий ресурслар муаммоси бўлиб ҳисобланади. Мазкур мақолада тадбиркорликни ривожлантиришда республика банклари томонидан кўрсатилган молиявий ёрдамнинг ўрни, ҳамда соҳаларни янада ривожлантириш юзасидан таклифлар берилган.

Калит сўзлар: банк, кредит, иқтисодиёт, кичик бизнес, сервис, инвестиция, хусусий тадбиркорлик, молиявий хизмат, туризм

Аннотация: одной из основных проблем, стоящих сегодня перед малым бизнесом и частным предпринимательством, является проблема финансовых ресурсов. В данной статье представлены роль финансовой помощи, оказываемой банками в стране для развития предпринимательства, а также предложения по

дальнейшему развитию сектора.

Ключевые слова: банковское дело, кредит, экономика, малый бизнес, услуга, инвестиции, частное предпринимательство, финансовые услуги, туризм

Abstract: One of the main problems facing small business and private entrepreneurship today is the problem of financial resources. This article presents the role of financial assistance provided by banks in the country for the development of entrepreneurship, as well as proposals for the further development of the sector.

Keywords: banking, credit, economy, small business, service, investment, private entrepreneurship, financial services, tourism

Ҳозирги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик олдида турган энг асосий муаммолардан бири – бу молиявий ресурслар муаммосидир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий маблағлар билан таъминлаш, уларга имтиёзли фоиз ва муддатларда кредит маблағларини ажратиш тижорат банклари зиммасига юклатилади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кумак берувчи зарурий инфратузилма таркибидаги тижорат банклари фаолиятини такомиллаш-тириш, уларда тадбиркорликка кўмак берувчи ёрдамчи молиявий хизмат турларини тадбиқ қилиш, кредитлашнинг содда ва қулай усулини ташкил этиш бугунги кунда долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Банк бўш пул маблағларини тўплайдиган ва уларни ўз ишини ривожлантириш учун маблағга муҳтож бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида қайта тақсимлайдиган молиявий воситачи ролини бажаради.

Мамлакатимизда барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсишни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўрни беқиёсдир. Хусусан, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши муттасил ошиб бориб, 2016 йил якунлари бўйича 56,9 фоизни ташкил этди.

Бунда кўрсатилаётган молиявий хизматлар, жумладан, ажратилаётган кредитлар ҳажмининг жадал суръатларда ошиши ҳам муҳим омил бўлмоқда. 2016 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар миқдори 2015 йилга нисбатан 1,3 баробардан зиёдга ошиб, қарийб 15,9 трлн. сўмни, шундан микрокредитлар ҳажми 1,3 баробарга ортиб, 3,3 трлн. сўмдан ортиқни ташкил этди. (1-диаграмма).



Хусусан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун 367,2 млрд. сўм, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун 1 647,0 млрд. сўм, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 2 752,6 млрд. сўм, ноозиқ-овқат истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 2 993,0 млрд. сўм, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун 362,1 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Шу билан бирга, АТ «Микрокредитбанк» томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 437,6 млрд. сўм миқдорида ёки 2015 йилнинг мос даврига нисбатан 1,2 баробарга кўп микромолиявий хизматлар кўрсатилди.

Бундан ташқари, мазкур даврда “Ташқи иқтисодий фаолият миллий банк”и қошидаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси кўмагида қарийб 2,9 млрд. долларлик экспорт шартномалари имзоланиб, улар доирасида 470 та тадбиркорлик субъекти томонидан 1,4 млрд. долларлик экспорт амалга оширилди.

Жамғарма томонидан жами 3 356 та тадбиркорлик субъектига ўз товар ва хизматларини ташқи бозорларга чиқариш бўйича ҳуқуқий, молиявий ҳамда ташкилий хизматлар кўрсатилди.

Кичик бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш учун халқаро молия институтларининг имтиёзли кредит линиялари ҳисобидан 206,7 млн. АҚШ доллари миқдорида кредитлар ажратилди.

Республика ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига асосан тижорат банклари томонидан 2,0 трлн. сўм ёки 2015 йилга нисбатан 25 фоизга кўп миқдорда кредитлар ажратилди.

Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган ушбу кредитлар 2016 йилда иқтисодиётимизнинг турли соҳаларида 200 мингдан зиёд иш ўринлари ташкил этишда муҳим омил бўлди.

Иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари ҳажми 2016 йилда 25,1 фоизга ошиб, 53,4 трлн. сўмга етди. Кредитларнинг 80 фоизини инвестициявий мақсадларга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлар ташкил этди (2-диаграмма).

Қайд этиш лозимки, тижорат банклари томонидан ажратилган кредитларнинг 86,8 % ички манбалар ҳисобидан молиялаштирилмоқда. Бу эса тижорат банкларининг ҳамда умуман, мамлакатимиз банк тизимининг етарли даражада шаклланган ресурс базасига эга эканлигидан ва ҳар қандай ташқи омилларнинг салбий таъсирларидан ҳимояланганлигидан далолат беради.

Ўз навбатида, хорижий молия институтларидан жалб қилинаётган маблағлар, асосан инфратузилма объектларини қуриш ва реконструкция

2-диаграмма.**Тижорат банкларининг кредит куйилмалари динамикаси, млрд. сўм**[1]



қилиш дастурлари бўйича узоқ муддатли лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилмоқда.

1-жадвал. Тошкент вилояти бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредит йўналишлари тўғрисида маълумот (2016 йил январ ҳолати)[2]

Йўналишлар	Хўжалик юритувчи субъектлар сони	Берилган кредитлар (фоиз)	Нобюджет маблағлари кредити		Қарор асосида берилган кредит	
			Хўжалик юритувчи субъектлар сони	Берилган кредитлар (фоиз)	Хўжалик юритувчи субъектлар сони	Берилган кредитлар (фоиз)
Қорамол	838	60,2	78	37	760	68,1
Иссиқхона қуриш	10	1,3	10	4	0	0
Техника сотиб олиш	64	6,4	3	2	61	8
Асбоб-ускуна сотиб олиш	29	6,6	8	17,8	21	3
Уруғлик сотиб олиш	96	6,7	7	5,2	89	7,1
Ишлаб чиқариш	86	11	17	19	49	7,7
Қурилиш	27	2,4	1	1	26	2,8
Бошқалар	58	5,4	13	14	65	3,3
Жами	**1208**	**100**	**137**	**100**	**1071**	**100**

Юқоридаги маълумотларни таҳлил қилиб бу соҳаларни янада ривожлантириш юзасидан қуйидаги таклифларни ишлаб чиқдик:

– банк фаолияти самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тад-бирлар дастурини ишлаб чиқиш, унда давлат улуши бўлган банкларнинг

[1] Www cbu/uz
[2] Www cbu/uz маълумотлари асосида.

устав капиталини камида 500 млрд. сўмгача тубдан кўпайтириш, кўрсатиб ўтилган маблағларни ривожлантиришнинг тармоқ ва ҳудудий дастурлари доирасида иқтисодиёт тармоқларини кредитлашга йўналтириш;

– тижорат банклари томонидан хўжалик субъектларига берилган муаммоли кредитлар таркибини тўлиқ таҳлил қилиш ва уларни соғломлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

– тўлов терминаллари билан жиҳозланишини мажбурий бўлган шохобчалар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ банк пластик карточкаларидан тўловларни қабул қилиниши бўйича белгиланган талабларга сўзсиз риоя этилишини таъминлаш;

– молиявий хизматлар, истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарурий шарт-шароитларни таъминлаш;

– банк хизматлари кўрсатиш сифатини мунтазам равишда назорат қилиб бориш;

– мижозларнинг янги банк хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, амалиётлар ўтказиш жараёнидаги маълумотлар шаффофлигини ошириш ва банклар таваккалчиликларини камайтиришга қаратиш.

Банк тизимининг ривожланиши, глобаллашув жараёнларининг чуқурлашиши, кўплаб замонавий ва илғор ахборот технологияларига асосланган банк хизматлари турларининг жорий этилишини инобатга олиб, аҳолининг ундан қийинчиликсиз фойдаланиши борасидаги зарур малакаларини шакллантириб боришлари учун тушунтириш чора-тадбирлари амалга ошириб бориш:

– банк хизматлари турлари ва уларни тақдим этиш тартиби тўғрисида оммавий ахборот воситаларида кўп сонли мунтазам чиқишларни амалга ошириш;

– аҳолининг мақсадли гуруҳлари учун молиявий саводхонлик дастурларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш;

– тегишли интернет сайтларида амалга оширилаётган пул-кредит сиёсати, банк назорати ҳамда банкларнинг молиявий ҳолати ва фаолияти тўғрисида мижозлар олиши зарур бўлган барча масалалар юзасидан кенг кўламдаги маълумотларни жойлаштириб бориш тизимини такомиллаштириш.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб – қувватлаш борасида яратилаётган имтиёзлар, янгиликлар, қулайлилар пировардида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққиётига хизмат қилади, молиявий ва кадрлар ресурсларининг самарали тақсимланиши, янги иш ўринлари яратишга кўмаклашади, аҳолининг турмуш шароитини яхшилайди, мамлакатимиздаги иқтисодиётнинг ривожланишига олиб келади.

V ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ МУАММОЛАРИ”

А.Н.Самадов – ТДИУ доценти, и.ф.н.

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РАҚАМЛИ РЕКЛАМА ВА PRДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: мақолада хизматлар соҳасини ривожлантиришда рақамли реклама ва PRдан фойдаланишнинг аҳамияти, рақамли реклама ва PRдан фойдаланиш йўналишлари ёзилган.

Калит сўзлар: рақамли реклама ва PR, рақамли маркетинг, интернет маркетинг, рақамли маркетинг медиа, рақамли реклама дисплейлари.

Аннотация: в статье описывается значение цифровой рекламы и PR в развитии индустрии услуг, а также тенденции использования цифровой рекламы и PR.

Ключевые слова: цифровая реклама и PR, цифровой маркетинг, интернет-маркетинг, цифровые маркетинговые медиа, цифровые рекламные дисплеи.

Abstract: The article describes the importance of digital advertising and PR in the development of the services industry, and trends in the use of digital advertising and PR.

Keywords: digital advertising and PR, digital marketing, internet marketing, digital marketing media, digital advertising displays.

Мамлакатимиз иқтисодиётида чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилаётган бугунги кунда хизматлар соҳасини ривожлантириш, истеъмолчиларга замонавий хизматларни тақдим этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, хизматларни тақдим этишда истеъмолчилар учун қулай ва замонавий усуллардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда истеъмолчига қаратилган юқори эътибор, нарх самарадорлиги ва харидор ҳамда сотувчи орасидаги юқори интерактив тезлик каби сабабларга биноан рақамли маркетинг анъанавий маркетингдан устунлик қилмоқда. Истеъмолчи ва бизнес секторларининг эътибори анъанавий маркетинг медиа воситалари бўлмиш телевизор, радио, босма нашриётларга қараганда рақамли маркетинг медиа воситалари интернет, смартфонлар, симсиз алоқа воситалари ва тезкор қидирув қурилмаларига кўпроқ қаратилмоқда.

Самарали веб-тармоқларни яратишдан фойдаланган ҳолда истеъмолчиларни ўзига жалб қилиш ва уларнинг муайян брендга содиқлигини ошириш бугунги куннинг долзарб масалалари бўлиб қолмоқда. Биз бугун рақамли медиа дунёси феноминал маромда ўзгариб бораётганини

кўришимиз мумкин. Рақамли маркетинг бу рақамли ресурслар бўлмиш интернет, радио, телевизор, мобиль телефонлари, истеъмолчилар учун маҳсулотларнинг реклама қилиш ёки уларга бўлган мотивни шаклланти-риш мақсадида рақамли реклама дисплейларидан оқилона фойдаланиш-дир. Бошқача қилиб айтганда, рақамли маркетинг электроник медиа воситалари орқали маҳсулот ва брендларни тарғиб қилишдир. У анъанавий маркетингдан фарқ қилиб, ўз ичига рақамли маркетинг каналлари ва методларини қамраб олади. Булар орқали корхона ва ташкилотларга маркетинг ташвиқотларини таҳлил қилишга ва истеъмолчиларнинг айни вақтдаги хоҳиш-истакларини аниқлашда ёрдам беради.

Рақамли маркетинг дизайн, реклама ва PRни ўз ичига олган интернетнинг креатив ва техник аспектларини боғлайди. У янги истеъмолчиларни жалб этиш учун электрон почта орқали маълумотлар алмашинувига рухсат этибгина қолмасдан истеъмолчиларни маҳсулотларни тез сотиб олишга ҳам ундайди. Қолаверса, харидор ва сотувчи орасидаги муносабатларни мустаҳкамлайди ва истеъмолчиларни ўз маҳсулотларига содиқлигини оширишга чорлайди.

Ҳозирги кунда компаниялар самарали ва ҳайратомуз электрон рекламалар орқали оммавий аудитория билан осонгина боғланиб, уларнинг махсус маҳсулот ва хизматларга бўлган хоҳиш-истакларини, хулқ-атворларини ва ҳис-туйғуларини билиб олиш имкониятига эга.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, анъанавий коммуникация медиалари ҳисобланган сотув кучлари, телевизор ва электрон медиалари бўлмиш веб-тармоқлари ҳамда электрон почта орасида нарх бўйича сезиларли даражада фарқ бор. Рақамли каналларнинг нарх самарадорлиги ва интерактивлиги истеъмолчи ҳамда корхоналар орасида тўғридан-тўғри диалогни амалга ошириб, маркетологларни ўзларининг истеъмолчилари билан тез-тез алоқада бўлиб туришни таъминлаш билан бирга, кам сарф-харажат орқали интерактивлик ва персоналликни оширади.

Айни пайтда реклама хизматларни дистрибюция қилиш ва бозорда ўтказишнинг муҳим бўғинидир. Аксарият хизмат кўрсатувчилар ундан сотув хажмини ошириш мақсадида фойдаланишади. Ушбу мақсадлар учун сотувдан келиб тушган фойданинг ўртача 5-15% сарфланади.

Хизматлар бозорида рекламанинг қуйидаги турлари кўпроқ қўлланилади:

- босма реклама: брошюралар, ташрифномалар, буклетлар, прейс-лист, журнал, католог, календар, реклама варақалари, даври матбуот материаллари ва б.қ.;
- аудио-визаул реклама;
- ташқи реклама: неон, билборд, брандмауэр, ротафишалар, электрон таблолар ва б.қ.;
- интернет реклама (рақамли реклама дисплейлари).

PR (Public relations) хизмат кўрсатувчи ва турли хил алоқа қилувчи аудиториялар (жамоатчилик) ўртасида яхши муносабатларни ўрнатиш ва

сақлашга қаратилган ҳаракатларни хизмат кўрсатувчи учун манфаатли обрў-эътибор, ижобий имижни яратиш воситасида йўлга қўйиш. Бунинг учун ташвиқот, матбуот, кўргазмалар ва ярмаркаларда иштирок этиш, фирма услубини сақлаб туриш қўлланилади. Хизматлар бозорида PRни ташкил этишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- брифинглар, пресс-конференциялар ташкил қилиш;
- презентациялар ўтказиш;
- ҳар хил юбилей тадбирлари ўтказиш;
- айрим шахс ва ташкилотлар фойдасига ҳомийлик қилиш;
- хизмат кўрсатувчининг рекламага муносабати бўлмаган журнал ва бюллетенларни нашр этиш;
- тижоратга алоқаси бўлмаган мақолаларни матбуотга чиқариш, телефильмлар яратиш ва уларни намойиш қилиш ва б.

Хизматлар соҳасида истеъмолчиларни жалб қилишнинг қулай ва замонавий усули сифатида рақамли реклама ва PR кундан-кунга ҳаётимизга кериб бормоқда. Мамлакатимизда хизматлар соҳасида фаолият олиб бораётган субъектлар орасидан гипермаркет (“Мега Планет”), супермаркет (“Макро”), онлайн савдо дўконлари (torg.uz, olx.uz), онлайн чакана савдо тармоқлари (“Корзинка”), маиший хизмат тармоқлари (“Артел”, “Ройсон”), телекоммуникация тармоқлари (“Bellien”, “UCell”), туризм, банк соҳаларида кенг қўлланилмоқда.

Лекин айни вақтда мамлакатимизда рақамли реклама ва PRдан фойдаланишнинг барча имкониятлари жаҳон талаби даражасида ривожланиб бормоқда. Биргина “Uzreport” ахборот агентлиги маълумотларига назар ташлайдиган бўлсак, ҳозир Ўзбекистонда қарийб 12 миллиондан ошиқ аҳоли интернетдан фойдаланади. Бошқача қилиб айтганда, мамлакат аҳолисининг 35,5 фоизи интернет фойдаланувчиси ҳисобланади. Бу республикамизда реклама ва PR салмоғининг юксалишига сабаб бўлиб, буни korzinka.uz ва torg.uz онлайн тижорат тармоқлари орқали амалга ошириш мумкин. Сабаби, ушбу онлайн тижорат тармоқлари истеъмолчиларга маҳсулотларни бевосита онлайн харид қилиш имкониятини яратибгина колмасдан, ҳар қандай хизматларни онлайн тарзда амалга ошириб беради.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш корхоналари ўз фаолиятларини рақамли реклама ва PRдан қуйидаги йўналишларда: истеъмолчи сотувчи орасидаги алоқани рақамли реклама каналлари бўлмиш корпорацион веб-саҳифалар ёки ижтимоий маркетингни қўллаган ҳолда амалга ошириш; истеъмолчи сўровларига мобиль, электрон почта ва интернет маркетингдан фойдаланган ҳолда тез ва аниқ жавоб қайтариш; маҳсулотлар тўғрисида истеъмолчиларни батафсил маълумот билан таъминлаш орқали истеъмолчиларни ўз маҳсулотини сотиб олишга ундаш; истеъмолчиларга хизматларни ҳудудий ташкил этиш орқали ривожлантиришлари мумкин.

H. G‘.Rizanov – SamISI, MMN-119 guruh talabasi
A. H. Xoliqulov– SamISI dotsenti, i.f.n.

IQTISODIYOTNI ERKINLASHTIRISH SHAROITIDA KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIKNI BOSHQARISH

Annotatsiya. Ushbu maqolada, iqtisodiyotni erkinlashtirish sharoitida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni boshqarish tizimini yanada samarali ishlash yo;llari ko’rsatib berilgan.

Kalit so’zlar: kichik biznes, xususiy tadbirkorlik, boshqarish, rahbar, tadbirkor

Аннотация: Эта статья покажет вам, как эффективно управлять управлением малого бизнеса и частного предпринимательства в контексте экономической либерализации.

Ключевые слова: малый бизнес, частное предпринимательство, менеджмент, лидер, предприниматель.

Abstract:This article will show you how to effectively manage small business and private enterprise management in the context of economic liberalization.

Keywords: small business, private entrepreneurship, management, leader, entrepreneur.

Mamlakatimiz iqtisodiyotini taraqqiy ettirishda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik alohida ahamiyat kasb etadi va hozirgi sharoitda uning roli yanada ortib bormoqda. Shu sababdan ham kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni jadal rivojlantirish har qanday mamlakat iqtisodiyotining barqaror o‘sishini ta’minlovchi asosiy bo‘g‘in va amalga oshirilayotgan iqtisodiy islohotlarning o’stuvor yo‘nalishi hisoblanadi. Iqtisodiyotda ro‘y berayotgan turli ijobiy o‘zgarishlar ko‘p jihatdan kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning rivojlanishi bilan uzviy bog‘liqdir. Respublikamizda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni barqaror rivojlantirish va uni davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash mamlakat ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishining asosiy ustuvor yo‘nalishlaridan biri qilib belgilangan.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoev ta’kidlab o‘tganlaridek: "Tadbirkor nafaqat o‘zini va oilasini, balki xalqni ham, davlatni ham boqadi"[1]. Albatta tadbirkor qancha ko’p bo’lsa ish o’rinlari yaratiladi, bozorni milliy maxsulot bilan to’ldiradi,import hajmi kamayib, export hajmi kenggayadi. Hozirgi kunda respublikamizda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishga alohida e’tibor berilmoqda. Chunki, kichik biznes va tadbirkorlikni rivojlantirish masalasiga davlatimiz iqtisodiy siyosatining strategik vazifasi sifatida qaralmoqda. Xususan “ 2019 yilning yanvar-martida 30,4 mingtadan ortiq kichik korxona va mikrofirmalar (fermer va dehqon xo‘jaliklarisiz) tashkil qilindi, bu o‘tgan yilning shu davriga nisbatan 2,3 martaga ko‘p demakdir. 2017-2021 yillarda O’zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor

[1] Sputniknews (https://www.google.com/amp/s/oz.sputniknews-uz.com/amp/politics/20171208/7029784.html)

yo’nalishi bo’yicha Harakatlar strategiyasini amalga oshirish doirasida kichik biznes va xususiy tadbirkorlik yuritish tartibi sezilarli darajada soddalashtirish, infratuzilmani yaxshilash va moliyaviy manbalarni kengaytirish orqali tadbirkorlikning izchil o’sishi ta’minlanmoqda.

Mamlakatimiz aholisi, shu jumladan yoshlar, kam ta’minlangan va himoyaga muhtoj fuqarolarni tadbirkorlik faoliyatini moliyaviy qo’llab-quvvatlash bo’yicha bir qator dasturlar amalga oshirilmoqda. Birgina O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 7 iyundagi PQ-3777-sonli «Har bir oila - tadbirkor» dasturini amalga oshirish to‘g‘risida qarori har bir oilaning tadbirkorlik bilan shug‘ullanishi va barqaror daromad manbaiga ega bo‘lishi uchun sharoit yaratish maqsadida qabul qilingan.

Ushbu qaror ijrosini yanada jonlantirish va aholining turli qatlamiga har tomonlama yordam ko‘rsatish maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 7 mart kuni “Hududlarda aholini tadbirkorlikka keng jalb qilish va oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-4231-sonli yangi qarori qabul qilindi.

Lekin, shu bilan birga, bu borada ayrim muammolarga ham duch kelinmoqdaki, buning asosiy sababi kichik biznes va tadbirkorlik faoliyatii boshlayotgan shaxslarning ishni nimadan boshlamoq kerakligi, uni qanday tashkil etish zarurligi va boshqarish sirlari haqida to’la tasavvurga ega emasligidadir. Ishbilarmonlik muhitini yaratish, tadbirkorlik subektlari faoliyatini samarali tashkil etish va xorijiy investitsiyalarni keng jalb etish bugungi kunda tadbirkorlik sohasida olib borilayotgan islohotlarning asosiy zamini hisoblanadi. Taniqli olimlarning olib borgan tadqiqotlari shuni ko’rsatadiki, tadbirkorning o’z faoliyati sohasida olib boradigan ishlari ko’p qirralidir. Bu bozor siyosatining o’zgarishi bilan yoki korxonaning ichki va tashqi omillari ta’sirida aniqlanadi. Lekin tadbirkorning asosiy maqsadi manfaat (foyda) ko’rish bilan bir qatorda, bozorda samarali faoliyat yuritishni ta’minlaydigan ishlarni amalga oshirishdir. Buning uchun kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni boshqarish va unga ko’mak beruvchi zamonaviy menejment usullariga asoslangan mexanizmni yaratish va undan unumli foydalanishni ta’minlash zarurdir. Bozor sharoitida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni boshqarishda uning quyidagi xususiyatlarini e’tiborga olish kerak:

- bozordagi talab qandayligini va taklifni qanchlihini e’tiborga olib ish ko’radi;
- yuqori samaradorlikga erishish uchun, ishlab chiqarish harajatlarini optimal-lashtirish yo’llarini qidiradi;
- kichik biznes va xususiy tadbirkorlikda oladigan foyda yoki zarari oldindan bilib bo’lmaydi
- kichik biznes bilan shug‘ullanuvchi tadbirkor o’z moliyaviy resurslarini harakatga solib, bozorda qanday xavfga duch kelishi yoki yakuniy natija qanday bo’lishini aniq bilmaydi.

Ana shu xususiyatlardan kelib chiqadigan bo‘lsak, tadbirkor bozordagi talab va taklifni o‘rganish orqali korxonaning strategiyasini yaratadi va raqobat pazitsiyasini yo‘qotmaslik uchun unga uzgartirishlar kiritib boradi bu uz

navbatida tabirkordan boshqaruv bilimini talab qiladi.

Korxonani boshqarishning mohiyati bir kishining yoki kishilar guruhining (menejer) boshqa kishilarga (xodimlar) maqsadga yo‘naltirilgan harakatlarini o‘ygotish uchun ta’sir ko‘rsatishdan iborat. Bunda korxonadagi insonlarning bir biriga munosabati, kim qaror qabul qiladi, kim ijro etadi korxonadagi xodimlarning vazifalari va boshqa munosabatlar yig’indisidir

Korxonani boshqarish o‘z ichiga uch bosqichda olib boriladi :

1. “Kim kimni” boshqaradi? Korxonada rahbar va rahbarga bo’ysunuvchi xodimlarni aniqlashtirish muhimdir. Bu boshqarish masalalari ijrochilarini, xususan, menejerlar va boshqaruv organlarini harakterlaydi. Boshqa tomondan, shu tarzda kim boshqarishini, xususan, qarorlar bilan bog‘liq shaxslar va boshqa xodimlarni aniqlaydilar.

2. Boshqaruv “qanday” amalga oshiriladi va boshqaruvchilarga “qanday” ta’sir ko‘rsatadi Bu birinchidan, menejerlar va boshqaruv organlari faoliyati va shakllanishini harakterlaydi. Bu yerda boshqaruvning funksiyalari va shuningdek, menejerlar faoliyatining maxsus harakteristikalarini (boshqaruv uslublarini) ko‘rib chiqish mumkin. Boshqa tomondan, menenjerning boshqariluvchilarga ta’sir etish munosabatlari harakterlanadi. Menejment usullar alohida o‘rin tutadi, ular faqat amaliyotda qo‘llaniladi. Aynan usullar yordamida menejerlar va rahbarlar boshqariladigan ob’ektlarga ularni boshlang‘ich holatdan istalgan (ko‘ngildagi) holatga o‘zgartirish uchun ta’sir ko‘rsatadi. Usullar quyidagilarni ta’minlashi shart:

a) tashkilot oldiga quygan maqsadiga tez va samarali erishishini ta’milash ishart;

b) har bir xodimni faol ishga munosabatini shakillantirish;

v) ishlab chiqarish va boshqaruv faoliyatining aniq tashkil etilishi;

g) tashkilot xodimlarining vazifalarini uyg‘unlashgan holda tashkil etish.

Agar rahbar tanlagan usullar bu shartlarni bajara olmas ekan unda firma rivojlanish bosqichidan tuxtab qoladi. Bunday hollardan boshqaruv usullarini almashtirish kerak.

3. Boshqaruv “nimalar” bilan amalga oshiriladi? Bu tadbirkor o‘z vazifalarini amalga oshirishda ishlatadigan instrumentlari (boshqaruv instrumentlari)ga taluqli.Ana shu uch bosqichdagi savollarga to’g’ri yondoshilib, menejment usullarini to’g’ri tanlagan holda ishni tashkil qilinsa firmaning rivojlanishiga zamin yaratiladi.

Kichik korxonalar mahalliy sharoitlar, urf-odatlar, an’analarga tez moslashish qobiliyatini namoyon qiladilar. Bu sifatlar kichik biznesga mahalliy aholi uchun an’anaviy tovarlar ishlab chiqarish va xizmatlar ko‘rsatish sohasidagi faoliyatni rivojlantirishga imkon beradi.

Xulosa;

Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkunki kichik firmaning rahbari boshqa har qanday firmalarga qaraganda ko‘proq darajada xo‘jayinlik tuyg‘usini his qiladi, zero, bu yerda bir shaxsda mulk egasi, menejer, moliyachi, biznesmen birlashadi. Shuning uchun kichik biznesda eng avvalo ishni to’g’ri tashkil etish,

boshqaruv usullarni qo’lab xodimlarning aqliy va jismoniy qobiliyatidan foydalangan holda korxonaning barqaror rivojlanishini ta’minlash zarur.

Foydanilgan adabiyotlar;

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Tadbirkorlik faoliyatini rivoj-lantirishni qo‘llab-quvvatlash davlat jamg‘armasini tashkil qilish to‘g‘risida”gi qarori.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining i “Tadbirkorlik faoliyatining jadal rivojlanishini ta'minlashga, xususiy mulkni har tomonlama himoya qilishga va ishbilarmonlik muhitini sifat jihatidan yaxshilashga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi farmoni.
3. “Kichik biznesni boshqarish” Q.J.Mirzayev, B.Sh.Musayev. Samarqand -2018
4. Ziyonet.uz

Г.А. Солиева– доктор философии по эконом.наукам (PhD)
Р.М. Каримжанова– старший преподаватель Наманганский инженерно-технологический институт

РОЛЬ МАРКЕТИНГА В РАЗВИТИИ ТУРИЗМА УЗБЕКИСТАНА

Аннотация: В статье рассмотрена роль маркетинга в сфере туризма, а также раскрыты особенности маркетинговых услуг, турпродукта и даны научные рекомендации по использованию средств маркетинговых коммуникаций и концепции маркетинг-микс в этой сфере.

Аннотация: Мақолада туризм соҳасида маркетингнинг аҳамияти, ҳамда маркетинг хизматлари ва турмаҳсулотнинг хусусиятлари ёритиб берилган, ушбу соҳада маркетинг коммуникацияси воситалари ва маркетинг-микс концепциясидан фойдаланишнинг илмий тавсиялари берилган.

Annotation: The article discusses the role of marketing in the field of tourism, as well as reveals the features of marketing services, travel products and gives scientific advice on the use of marketing communications and the concept of marketing mix in this area.

Ключевые слова: туризм, турпродукт, маркетинг, маркетинговые коммуникации, маркетинг-микс, маркетинговые исследования

Калит сўзлар: туризм, турмаҳсулот, маркетинг, маркетинг коммуникациялари, маркетинг-микс, маркетинг тадқиқотлари

Key words: tourism, tourism product, marketing, marketing communications, marketing mix, marketing research

С каждым годом туристическая индустрия Узбекистана все более активно включается в мировой рынок. Развитие туризма как никакая другая отрасль экономики стимулирует создание рабочих мест и развитие малого бизнеса, перераспределяет ресурсы между странами, оказывает стимулирующее воздействие на такие секторы экономики, как транспорт, связь, сфера услуг, торговля, строительство, производство товаров

народного потребления и др. А принятие ряда нормативно-правовых документов по дальнейшему развитию этой сферы ещё раз показывает, что в нашей стране развитию туризма уделяется очень большое внимание.

Туризм в Узбекистане сегодня – это разнообразные виды турпродукта на самый взыскательный вкус: исторический и культурный туризм, этнический туризм, экологический туризм, оздоровительный туризм и MICE-индустрия (от анг. аббревиатуры MICE - meeting - встречи, incentive – инсентив-туры, conference - конференции, events - корпоративный отдых).

Конечно же, туризм в Узбекистане традиционно ассоциируется с городами-объектами Всемирного наследия ЮНЕСКО – Самаркандом, Бухарой и Хивой. Их история уходит вглубь веков, древние стены крепостных валов помнят фаланги Александра Македонского, орды Чингисхана и боевые порядки воинов Тамерлана. Это бесконечная современная восточная сказка.

Из года в год увеличивается спектр туристических услуг, предоставляемых местными туроператорами для привлечения большего количества путешественников. Важнейшим направлением деятельности фирм, работающих в туристической сфере, являются продвижение турпродукта на рынок, реклама и реализация подготовленного турпакета. В настоящее время средства массовой информации, специальные издания, рекламные проспекты буквально переполнены разнообразными туристскими предложениями, и путь турфирмы к успеху заключается в том, чтобы довести до потенциального клиента соответствующую информацию и вызвать его ответные действия. Эта задача выполнима, если руководство фирмы обладает знаниями в области маркетинга или в фирме существует отдел маркетинга и рекламы.

Американский специалист по маркетингу и менеджменту, профессор маркетинга Высшей школы менеджмента Келлог при Северо-Западном университете США (Kellogg School of Management) Филип Котлер даёт следующее определение маркетингу: «**Маркетинг — вид человеческой деятельности, направленный на удовлетворение нужд и потребностей посредством обмена».** [1] А также «…**маркетинг** (marketing) можно определить как процесс, посредством которого организации создают ценность для клиентов и формируют прочные отношения с ними с целью последующего получения ценности. В основе маркетинга лежит идея удовлетворения человеческих нужд. [2] «Маркетинг - это философия деятельности предпринимательства (бизнеса)...»[3], которое означает, что деятельность предпринимательства или бизнеса должна быть направлена только на потребителя.

[1] Ф.Котлер. Краткий курс. Издательский дом "ВИЛЬЯМС" МоскваСанкт-Петербург Киев 2007

[2] А. А. Романов, В. П. Басенко, Б. М. Жуков. Маркетинг.*Учебное пособие.* Москва. Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°»2012

[3] А.Солиев. Маркетинг.Бозоршунослик. Тошкент “ART-FLEX”нашриёти, 2008-416 б.

В туризме результат деятельности сводится к туристическому продукту. По сути, **туристический продукт** – это любая услуга, удовлетворяющая те или иные потребности туристов и подлежащая оплате с их стороны. К туристическим услугам относятся гостиничные, транспортные, экскурсионные, переводческие, бытовые, коммунальные, посреднические и др. В то же время «туристический продукт» можно рассматривать в узком и широком смысле. Туристический продукт в узком смысле – это услуги каждого конкретного сектора туристической индустрии (например, гостиничный продукт, турпродукт туроператора, транспортного предприятия и т. д.). В широком смысле туристечский продукт – это комплекс товаров и услуг, в совокупности образующий туристическую поездку (тур) или имеющий к ней непосредственное отношение. Основным туристическим продуктом является комплексное обслуживание, т. е. стандартный набор услуг, продаваемый туристам в одном «пакете».

Маркетинг в туризме представляет собой процесс организации деятельности турфирмы по разработке, формированию и продвижению новых видов туристских и экскурсионных услуг с целью получения прибыли на основе повышения качества туристского продукта и учитывая особенности потребностей туристов. Маркетинг в индустрии туризма предназначен для того, чтобы помочь в оценке услуг турфирмы, а также совершить клиентам верный выбор. Это демонстрирует то, что концепция маркетинг в туриндустрии охватывает деятельность турфирмы полностью, а не только сбытовую политику. Маркетинговый подход при развитии туризма уже длительное время с успехом применяется региональными органами власти и представителями туристической индустрии США, Германии, Великобритании и др. [1]

Чтобы понять насколько важна роль маркетинга в сфере туризма, необходимо обратить внимание на следующее:

1. Основной задачей маркетинга является не пассивное следование за спросом, а активное его формирование на основе прогноза его развития. Для этого конечно же надо проводить маркетинговые исследования. Цель маркетингового исследования — создать информационно-аналитическую базу для принятия управленческих решений, что позволяет быть ближе к потребителю, понимать и чувствовать его потребности и настроение.

2. При реализации туристического продукта особенно важно проводить достоверные информационные мероприятия по отношению к клиентам. Применение средств маркетинговых коммуникаций, таких как реклама, PR (public relations-), sales promotion (стимулирование сбыта), директ-маркетинг и брендинг может помочь при решении этой задачи.

3. В рамках комплекса реализации маркетинговых мероприятий для турагентств рациональным представляется применение концепции

[1] Т. М. Братенкова. Маркетинг в туристической индустрии. Тексты лекций для студентов специальности 1-89 02 02 «Туризм и природопользование». Минск 2014. БГТУ

маркетинг-микс. Модель маркетинг — микс (marketing mix model) или также называемый комплекс маркетинга является основным элементом любой бизнес стратегии. Модель проста и универсальна в использовании, и представляет собой некий чек-лист для результативного развития продукта компании на рынке. Традиционная 4P-концепция: product, price, place, promotion. Наибольшее распространение получила концепция 7P, которая помимо продукта, цены, места и продвижения включает также:

•People – Покупатели, партнеры, сотрудники и т.д.

•Process – Процесс взаимодействия между клиентом и компанией

•Physical evidence – Физические характеристики (атмосфера)

4. В системе управления маркетингом в туризме необходимо учитывать кроме материальных аспектов, психологическое и эмоциональное состояние потребителя, а также его индивидуальные особенности. Необходимо провести психографическое и поведенческое сегментирование потребителей. Здесь нужно учесть демографические и социальные факторы, такие как, возраст населения и др., исходя из этого обратить внимание на развитие семейного туризма, на туризм для людей пожилого возраста.

Таким образом, мы видим, что маркетинг в сфере туризма служит основой планирования каждого аспекта ее деятельности.

Из вышеизложенного можно сделать следующие выводы:

1. Цель туризма, как и маркетинга, является удовлетворение потребностей туристов путём повышения качества оказываемых услуг, что, в свою очередь, приведет к увеличению потока туристов в стране;

2. Использование средств маркетинговых коммуникаций, проведение маркетинговых исследований в сфере туризма поможет лучше наладить контакты с потребителями, обратить их внимание на предлагаемые услуги.

3.Реализация маркетинга в сфере туризма возможна благодаря применению концепции маркетинг-микс и ряда маркетинговых инструментов. Они дают возможность наиболее точно определить предпочтения потребителя и сформировать его лояльность.

Список использованной литературы:

1.Ф.Котлер. Краткий курс. Издательский дом "ВИЛЬЯМС" Москва. Санкт-Петербург. Киев 2007

2.Ф.Котлер. Основы маркетинга. Перевод на русский язык: В. Б. Бобров. — М., 1990.

3.А. А. Романов, В. П. Басенко, Б. М. Жуков. Маркетинг.Учебное пособие. Москва. Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°»2012

4.А.Солиев. Маркетинг.Бозоршунослик. Тошкент “ART-FLEX”нашриёти, 2008-416 б.

5. Т. М. Братенкова. Маркетинг в туристической индустрии: тексты лекций для студентов специальности 1-89 02 02 «Туризм и природопользование». Минск: БГТУ, 2014. – 127 с.

Ф.И.Умидова – ТДИУ илмий бўлим ходими

КОРХОНАЛАРДА ЗАМОНАВИЙ МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Аннотация: мақолада маркетингнинг корхоналар фаолиятидаги ўрни, Ўзбекистонда маркетинг фаолиятини ривожланиш хусусиятлари ёритилган.

Калит сўзлар: маркетинг, товар, сотиш каналлари, товарларни силжитиш, потенциал талаб, тижорат операциялари.

Аннотация: Роль маркетинга в деятельности предприятий, особенности маркетинговой деятельности в Узбекистане.

Ключевые слова: маркетинг, товар, каналы продаж, продвижение товара, потенциальный спрос, коммерческие операции.

Annotation: The role of marketing in the activities of enterprises, the peculiarities of marketing activities in Uzbekistan.

Keywords: marketing, product, sales channels, product promotion, potential demand, commercial operations.

Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда, иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин. Бу жараёнлар бевосита корхоналарда маркетинг фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш билан боғлиқдир.

Маркетинг у ёки бу корхонанинг фаол бозор фаолияти ёрдамида ривожланишини билдирадиган жуда динамик тушунчадир. Бундан ташқари у ишлаб чиқаришнинг бозор талабларига йўналтирилишини таъминлашга имкон берадиган тизим сифатида ҳам қаралади.

Маркетинг тамойилларига мувофиқ замонавий корхона хўжалик фаолиятининг барча томонлари бозор талабларини, истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда режалаштирилиши ва амалга оширилиши керак. Айтиш керакки, замонавий фирмаларнинг ишлаб чиқариш-сотиш фаолияти соҳасидаги катта ютуқлари, ишлаб чиқариладиган товарларнинг хилма-хиллиги ва сифати, уларнинг сотиш бозорларига кириб бориши, операциялар миқёсига кўра оптимал бўлган ишлаб чиқаришни яратиш буларнинг ҳаммаси маркетингни қўллаш натижасидир.

Маркетингнинг мазмуни қуйидаги асосий савдо-технологик, логистик, иқтисодий ва тижорат операцияларини ўз ичига олади:

1. Аниқ товар (маҳсулот)ни тегишли ўрам билан ишлаб чиқиш ва яратиш.

2. Товарларни тақсимот (сотиш) каналлари орқали бевосита харидорларга етказиб бериш (улгуржи савдо, чакана савдо ва ҳоказо).

3. Товар ишлаб чиқарувчига етарли даромадни таъминлайдиган ва харидор учун қулай бўлган нархни белгилаш.

4. Товар (маҳсулот)ни силжитиш, бунда товар ва фирма ҳақида ижобий фикрни яратадиган асосий элемент бўлиб реклама ҳисобланади.

5. Товарларни сотиш ва истеъмолчига хизмат кўрсатиш.

Товар ишлаб чиқарувчиларнинг маркетинг фаолияти тажрибаси қуйидаги ҳолатларни ифодалашга имкон беради:

– маркетинг фаолиятига ўтиш автоматик тарзда рўй бериши мумкин эмас - кўпчилик Ўзбекистон корхоналари жуда катта тайёргарлик ишларига муҳтож;

– маркетинг услублари асосида ишларни амалга оширишнинг ягона универсал схемаси мавжуд эмас. Маркетинг йўналиши ва моҳияти корхонанинг фаолияти хусусиятларига, унинг ички имкониятлари ва у фаолият кўрсатаётган ташқи шароитларга боғлиқ ҳолда белгиланади;

– товарнинг бозор муваффақиятини таъминлаш бўйича фақатгина уни сотиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар, одатда, чегараланган натижаларга олиб келади. Шунинг учун корхонанинг истиқболли товарларни яратиш бўйича ғояларни тўплашдан тортиб бозор имкониятларини йўқотган товарларни ўз вақтида ишлаб чиқаришдан олишгача бўлган бутун фаолияти маркетингга бўйсундирилган бўлиши керак.

– маркетинг юқори малакали ходимлар штатини талаб қилади. Фикрламайдиган ижро этувчилар ўрнига ижодий ёндашадиган, қўйилган вазифаларни ечишнинг энг самарали йўлларини излашга йўналтирилган тадбиркор кишилар керак;

– маркетинг товар ишлаб чиқарувчиларга бозорга мўлжалланган хатти-ҳаракатларнинг аниқ истиқболини беради, ушбу хатти-ҳаракатларга мақсадли ва мувофиқлаштирилган тўс беришга имкон яратади.

Маркетинг мақсадлари корхона мақсадларига эришиш қуроли бўлиб ҳисобланади. Умумлаштиришнинг пастроқ даражасида корхонанинг аниқроқ миқдорий ва сифатий мақсадлари ҳақида гапириш мумкин. Корхонанинг сифатий мақсадлари, одатда, фирманинг обрў-эътиборини оширишга йўналтирилган, унинг ижтимоий муҳимлигини кучайтиради. Улар қуйидагилардан иборатдир:

1. Машҳурликни ошириш.
2. Юқори имижга эришиш.
3. Бандликка, меҳнат бозорига ижобий таъсир кўрсатиш.
4. Таълим, спорт, маданий ва бошқа тадбирларни қуллаб-қувватлаш.

Миқдорий мақсадларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

5. Фойданинг ҳажми.
6. Сотилишлар ҳажми.
7. Бозор улушининг ошиши.
8. Барқарорликни таъминлаш.
9. Харажатларни камайтириш.
10. Меҳнат унумдорлиги.

Шундай қилиб, корхонанинг мақсади — у пировард натижада нимага эришмоқчи, вазифалари — қўйилган мақсадга эришиш учун нима қилиши керак. Амалда маркетинг қуйидаги асосий вазифаларни ҳал қилишга мўлжалланган:

1. Мавжуд ёки потенциал талабни аниқлаш йўли билан у ёки бу маҳсулот (товар, хизмат)ни ишлаб чиқариш заруриятини асослаш.

2. Харидорлар талабига жавоб берувчи маҳсулот моделларининг нусхаларини яратиш бўйича илмий тадқиқот (ИТ) ва тажрибавийконструкторлик ишлари (ТКИ)ини ташкил этиш.

3. Корхонанинг ишлаб чиқариш, сотиш ва молиявий фаолиятини тартиблаштириш ва режалаштириш.

4. Товарларни сотиш усулларини такомиллаштириш.

5. Ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасида фирманинг бош мақсадларига эришиш учун унинг бутун фаолиятини, шу жумладан, транспортировка, ўраш, сотиш, реклама, техник ва сервис хизмат кўрсатишнинг оператив бошқарилишини тартиблаштириш ва йўналтириш.

Ўзбекистон корхоналарида маркетингнинг ривожланиш амалиёти ҳали яхши йўлга қўйилмаган. Аммо аллақачон, маркетинг — бу бозор билан алоқа қилишда мутлақо янги функцияни бажариш, деган ишонч пайдо бўлмоқда. Бунда истеъмолчилар талабига корхонанинг бутун фаолияти йўналтирилади. Бозор муносабатлари ривожланган сари маркетинг корхонани бошқаришнинг умумий тизимига тобора кўпроқ кириб бормоқда. Бу вақтда деярли барча ишлаб чиқариш, сотиш, молия, маъмурий ва бошқа қарорларни қабул қилиш асосида бозордан келиб тушадиган ахборотлар ётади.

Ўзбекистон иқтисодиётида маркетингнинг ривожланиши қатор хусусиятларга эга. Биринчидан, бу анча мураккаб даврни бошдан кечираётган саноатда чуқур таркибий ўзгартиришлар, диверсификация ва рақамли иқтисодиётнинг шаклланишига тегишлидир. Бозор ривожланишининг юқори босқичига тезкор ўтиш, албатта, истеъмолчилар талабини янги шароитда қондириш учун корхона потенциалидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш имконини беради. Иккинчидан, маркетингдан фойдаланиш жараёнига истеъмолчининг хатти-ҳаракати муайян тарзда таъсир кўрсатади. Умумий ҳолда у ғарб намуналарига нисбатан ноанъанавийдир, шунинг учун истеъмолчилар хатти-ҳаракатларининг умумий қабул қилинган типологиясини тавсифлайдиган тенденциялар ва қонуниятларни чуқурроқ ўрганиш зарур. Учинчидан, иш муносабатларида анъанавий муайян марказлашувга интилиш одати маркетингнинг фойда олиш асоси сифатида муҳимлигини тушунмаслик бевосита истеъмолчининг ўзи билан ишлашни иккинчи даражага тушириб қўяди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, яқин келажакда корхонани бошқаришда фикрлаш тарзи ва бозорда фаолият юритиш тарзини шакллантирувчи маркетингнинг асосий классик ҳолатлари республикамиз корхоналари учун долзарб, фундаментал ва зарурий бўлиб қолади.

З.И.Мадиева – ТДИУ таянч докторанти

ИНТЕРНЕТ МАРКЕТИНГНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: мақолада интернет маркетингнинг ривожланиши, интернетни маркетинг фаолиятида қўлланилиши ва анъанавий маркетингдан фарқли жиҳатлари ёритилган.

Калит сўзлар: интернет маркетинг, анъанавий маркетинг, электрон тижорат, инновацион маркетинг, интернет тизим, электрон дўкон.

Аннотация: в статье описывается развитие интернет-маркетинга, использование Интернета в маркетинговой деятельности и различия между традиционным маркетингом.

Ключевые слова: интернет-маркетинг, традиционный маркетинг, электронная коммерция, инновационный маркетинг, интернет-система, интернет-магазин.

Annotation: The article describes the development of internet marketing, the use of the Internet in marketing activities, and the differences between traditional marketing.

Keywords: internet marketing, traditional marketing, e-commerce, innovative marketing, internet system, e-shop.

Интернет-маркетинг деганда интернет гипермедиа муҳитида маркетингни ташкил қилиш назарияси ва методологияси тушунилади. Бошқача айтганда, интернет маркетинг бу Интернет тармоғидаги компания қаторига кирадиган мижозлар ва сотув миқдорининг барқарор ўсишини таъминлайдиган бошқарув қарорлари ва функциялари комплексидир.

Интернет анъанавий маркетинг воситаларидан кескин фарқ қилувчи ўзига хос тавсифномаларга эга. Интернет муҳитининг асосий хусусиятларидан бири унинг гипермедиа табиати бўлиб, ахборот тақдим этиш ва ўзлаштиришда самарадорликнинг юқорилиги билан тавсифланади ҳамда корхоналар ва истеъмолчилар ўртасидаги алоқани кучайтиришда маркетинг имкониятларини сезиларли оширади.

Бундан ташқари, Интернет томонидан бажарилувчи рол фақат коммуникатив функциялар билан чекланиб қолмасдан, битим тузиш, ҳарид қилиш ва тўловни амалга ошириш имкониятини ҳам қамраб олади ва унга глобал электрон бозор жиҳатларини намоён этади.

Интернет-лойиҳани амалга оширишни бошлаш ҳақида қарор қабул қилишда шуни ҳисобга олиш керакки, Интернет тизими бу – инновацион маркетингнинг оддий бир янги воситасигина эмас, балки корхонада маркетинг мажмуини кенгайтириш воситаси ҳамдир. Энг янги ахборот технологияларининг улкан рол ўйнашига қарамай, электрон маркетинг анъанавий маркетинг ўрнини босмасдан, уни фақат тўлдириб туради, шу тариқа маркетинг фаолияти мажмуини кенгайтиради, яъни амалиётда интеграцияланган ёндашув қўлланилади. Шу сабабли компания

фаолиятининг муваффақияти анъанавий ва электрон инновацион маркетинг оқилона уйғунлашувига эришиш билан белгиланиши лозим[1].



1-чизма. Корхонанинг маркетинг тизимида Интернетдан фойдаланиш имкониятлари[2]

Интернет - маркетингнинг энг асосий инструменти (воситаси) сайт ҳисобланади. Корпоратив Веб-сайт – компаниянинг виртуал офиси, ҳамда бир қанча функцияларга эга Интернет тармоғидаги вакилидир:

- компания ва унинг товарлари ҳақида маълумотлар тақдим этиш;
- интернетда маҳсулот ва савдо маркасини ҳаракатлантириш;
- жорий маркетинг тадқиқотларини ўтказиш;
- истеъмолчилар билан муносабатга киришиш;
- мижозларга сервис хизмат кўрсатиш ва маълумотлар тақдим этиш;
- сайтдан электрон дўкон сифатида фойдаланиш;
- воситачиларни жалб этиш ва воситачилар билан ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш.

Интернет томонидан замонавий тижорат дунёсига олиб кирилган энг асосий ҳислатлардан бири асосий ролнинг ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига ўтиши ҳисобланади. Интернет компаниялар учун компютер

[1] Эргашхаджаева Ш.Ж. Инновацион маркетинг. Дарслик. – Т.: ТДИУ, Иқтисодиёт, 2014.-178 бет
[2] www.yourclients.ru/.../internet-marketing.html

экрани олдида ўтирган янги мижознинг эътиборини бирор сониялар ичида жалб қилиш имконини берди. Бироқ шу билан бир вақтда у худди шу фойдаланувчига сичқонча тугмасини бир неча марта босиб рақобатчиларга ўтиб кетишига ҳам имкон беради. Бундай вазиятда ҳаридорларнинг диққат-еътибори энг катта қимматга эга бўлади, мижозлар билан ўрнатилган алоқалар эса компаниянинг асосий капиталига айланади.

Интернет тижорат юритишнинг замон ва макон кўрсаткичларини кескин ўзгартириб юборади. У ҳеч қандай ҳудудий чекловларсиз тўғри коммуникация воситаси бўлиб, бунда ахборотга уланиш қиймати анъанавий воситаларнинг акси ўлароқ ундан узоқликда жойлашганликка боғлиқ эмас. Шундай қилиб, интернет электрон тижорат энг майда таъминотчиларга ҳам жаҳон миқёсида бизнес билан шуғулланишга имкон беради. Мос равишда, буюртмачилар ҳам талаб қилинаётган товар ва хизматлар таклиф этувчи потенсиал таъминотчиларни географик жойлашувидан қатъи назар глобал танлаш имконига эга бўладилар. Сотувчи ва ҳаридор ўртасидаги масофа товарни етказиб бериш босқичидагина транспорт ҳаражатлари нуқтаи назаридан рол ўйнайди, холос.

Электрон алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда компаниялар ҳар бир индивидуал буюртмачининг сўровлари ҳақида батафсил ахборот олиши, индивидуал талабларга мос келувчи маҳсулот ва хизматларни автоматик равишда тақдим этишга имкон топадилар. Бунга энг оддий мисол қилиб компаниянинг ҳар бир мижози ёки ҳамкори учун шахсий веб-сайт тақдим этишни кўрсатиш мумкин.

Электрон усулда етказиб бериш мумкин бўлган маҳсулот ва хизматлар алоҳида ўринга эга. Бунда етказиб бериш вақти максимал даражада қисқартирилади. Электрон усул кўнгилочарлик саноати рақамли маҳсулотларни (филмлар, видео, мусиқа, журнал ва газеталар), ахборот, ўқитиш воситалари етказиб беришда кенг қўлланади ҳамда дастурий таъминот ишлаб чиқиш ва етказиб бериш билан шуғулланувчи компаниялар томонидан самарали фойдаланилади.

Жаҳон ўргимчак тўрида интернет–маркетингни муваффақиятли ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

– корхоналарда интернет-маркетинг ривожланиши самарадорлигини ошириш учун анъанавий маркетинг билан интеграциясини таъминлаш лозим. Чунки, янги ахборот технологияларининг улкан роль ўйнашига қарамай, интернет-маркетинг анъанавий маркетинг ўрнини босмасдан, уни фақат тўлдириб туради.

– интернет-маркетингни ривожлантириш учун корхонанинг фақат сотув ва реклама фаолиятида фойдаланмасдан, маркетинг фаолиятининг барча жабҳаларида: маркетинг тадқиқотларида онлайн сўров-анкеталар ташкил этиш, янги товар яратиш жараёни, товарларга буюртмаларни шакллантириш, товар етказиб бериш, сақлаш, ортиш-тушириш, сотув каналларини бошқариш, тижорат воситачилари билан музокаралар олиб бориш кабиларни ҳам электрон тарзда амалга ошириш.

И.Х.Атамирзаев – НамДУ катта ўқитувчиси
Ж.К. Якубжанов – НамДУ 2-босқич талабаси

МОДЕРНИЗАЦИЯ ШАРОИТИДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ БОШҚАРУВ ЖАРАЁНЛАРИ

Аннотация: мазкур мақолада рақамли иқтисодиётни такомиллаштириш ва бошқарув жараёнларининг ўзига хос жиҳатлари ва амалша ошириш бўйича таклифлар берилган.

Калит сўзлар: Технология, рақамли иқтисодиёт, молия, консалтинг, диверсификация, бизнес.

Аннотация: В данной статье даны предложения по совершенствованию цифровой экономики и особенностей ее процессов управления.

Ключевые слова: технология, цифровая экономика, финансы, консалтинг, диверсификация, бизнес.

Abstract:This article presents suggestions for improving the digital economy and peculiarities of its management processes.

Keywords: Technology, digital economy, finance, consulting, diversification, business.

Ҳозирги даврда рақамли иқтисодиёт ва у билан боғлиқ бўлган бир қанча самарадор технологиялар ҳаётимизга шиддат билан кириб келмоқда. Ҳудди шунинг учун ҳам давлат ва жамият тараққиётини янада жадаллаштириш мақсадида, республикамиз раҳбарияти бир қатор муҳим фармон ва қарорларни қабул қилди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2018 йил 28 декабрдаги 2019 йил учун энг муҳим устивор вазифалар ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасида ҳам мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича фикр юритиб: “Иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгиланишини кўзда тутадиган “Рақамли иқтисодиёт миллий концепциясини ишлаб чиқишимиз керак. Шу асосда “Рақамли Ўзбекистон-2030” дастурини ҳаётга тадбиқ этишимиз зарур. Рақамли иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоизга ўстириш, коррупцияни кескин камайтириш имконини беради. Нуфузли ҳалқаро ташкилотлар ўтказган таҳлиллар ҳам буни тасдиқламоқда дея фикр билдирди.

Шу ўринда рақамли иқтисодиёт нима? Бу иборанинг қандай афзалликлари бор деган саволлар бўлиши табиий.

Рақамли иқтисодиёт – бу жамият неъматларини ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнларида электрон ҳамда ахборот-коммуникацион технологияларини кенг жорий этишни кўзда тутадиган инсоннинг хўжалик фаолиятини тадқиқ этувчи фандир.

Рақамли иқтисодиёт атамаси икки хил турли тушунчаларни ифодалаш учун ишлатилади.

Биринчидан, рақамли иқтисодиёт – бу ривожланишнинг замонавий босқичи ҳисобланиб, у ижодий меҳнат ва ахборот неъматларининг устувор

ўрни билан тавсифланади.

Иккинчидан рақамли иқтисодиёт – бу ўзига ҳос назария бўлиб, унинг ўрганиш объекти, ахборотлашган жамият ҳисобланади.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётнинг айрим элементлари аллақачон муваффақият билан ишламоқда. Ҳозирги кунда, ҳужжатлар ва коммуникатцияларнинг оммавий равишда рақамли воситаларга ўтказилишини ҳисобга олиб, электрон имзога рухсат бериш, давлат билан мулоқот қилиш ҳам электрон платформаларга ўтказилмоқда.

Иқтисодий жараёнларни рақамлаштириш нафақат бевосита ахборот-коммуникация тармоғини, балки мамлакат хўжалик фаолиятининг барча соҳаларини ҳам қамраб оладиган кенг қамровли тенденцияга айланиб бормоқда. Интернет-савдо, рақамли қишлоқ хўжалиги, «ақлли» электр-тармоқ тизимлари, ҳайдовчисиз транспорт, шахсийлаштирилган соғлиқни сақлаш тизимига ҳам рақамли иқтисодиёт инқилоби кучли таъсир қилмоқда.

Рақамли иқтисодиётда бошқарув жараёни ўзаро алоқаларни бошқаришнинг компъютерли тизими бўлиб, инсониятнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш борасида электрон маълумотлардан фаол фойдаланиш бўйича кенг кўламли ишларни олиб боради. Масалан, унда тизим фаолиятини башорат қилиш, режалаштириш, ташкил қилиш, ижро этиш, назорат қилиш ва мувофиқлаштириш кўзда тутилган. Яъни, мамлакатни ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ қилиш учун маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш асосида халқ хўжалиги мажмуини бошқаришнинг умумий интеграллашган тизими бўлиши лозим.

Кўпчилик олимларнинг фикрича, рақамлаштириш жараёни мамлакат иқтисодиётида борган сари кучайиб боради ва трансмиллий корпорацияларнинг мамлакат минтақавий ва миллий иқтисодиётдаги роли ортиб боради. Иқтисодиётнинг рақамли сегменти мамлакат иқтисодиёти ва жамиятда рўй берган сифат ўзгаришлари туфайли долзарб аҳамиятга эга бўлади. Янги рақамли технологиялар ва платформалар жисмоний шахслар ва корхоналар менежментига тобора катта кўламда ўзаро алоқаларда трансакция ҳаражатларини қисқартириш ҳамда давлат узилмалари ва хўжалик юритувчи объектлар билан яқин алоқаларни амалга оширишга имкон беради. Буларнинг натижасида тармоқ сервисларига асосланган рақамли ёки электрон иқтисодиёт шаклланади. Рақамлаштириш тушунчасининг ўзи буюмлар интернетидан тортиб электрон ҳукумат технологияларигача бўлган замонавий ахборот технологияларини «ёппасига» қўллаш асосида товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришни бошқариш ва ишлаб чиқаришнинг ўзини такомиллаштиришнинг янги босқичидан далолат беради. Иқтисодиётнинг рақамли сегментини кенгайтиришнинг асосий сабаби, трансакция секторининг ўсиши ҳисобланади. У ривожланган мамлакатларда миллий ЯИМнинг 70%дан ортиғини ташкил қилади. Бу сектор таркибига қуйидагилар киради:

- давлат бошқаруви, консалтинг ва ахборот ҳизматлари кўрсатиш;
- молия;
- улгуржи ва чакана савдо;
- коммунал, персонал ва ижтимоий ҳизматлар кўрсатиш.

Иқтисодиётда динамика ва диверсификация даражаси қанчалик юқори бўлса, мамлакат ичкарисида ва ташқарисида шунчалик катта ҳажмдаги ноёб маълумотлар айланади, мос равишда, миллий иқтисодиёт доирасида ҳам каттароқ ахборот трафиги вужудга келади. Шу сабабли, рақамли иқтисодиёт информатцион технлология хизматларининг кириб бориш даражаси юқори ва қатнашчилар сони кўп бўлган бозорларда энг самарали фаолият кўрсатади. Биринчи навбатда, бу сегментнинг улуши ЯИМ 10% ини ташкил қиладиган, бандлик 4% дан юқори бўлган ва бу кўрсаткичлар яққол ўсиш тенденциясига эга бўлган интернетга қарам тармоқлар (транспорт, савдо, логистика ва ҳ.к.) билан боғлиқ.

Амалда рақамли ўзгартиришнинг иккита йўналиши мавжуд.

Биринчи йўналиш бу – мавжуд бизнес-жараёнларда одамлар иштирокини минималлаштириш учун уларни автоматлаштириш ва роботлаштиришдир.

Иккинчи йўналиш – экспоненциал ташкилот яратиш мақсадида олинган бошқарув тизимини масштаблаштиришдир.

Экспоненциал ташкилот деганда, биз уларни масштаблаштириш туфайли улар худди шу соҳада ишлайдиган бошқа ташкилотлар билан таққослаганда камида ўн баравар юқори унумдорликка эга бўлишини тушунамиз. Сир эмаски, компанияларнинг минтақавий ва халқаро экспанцияси кўпинча бошқарув тизимини жаҳон даражасида нусхалаштириш қийинлиги билан тўхтатиб турилади. Тез ўсишнинг чегараланиши муаммолари кўпинча нусха кўпайтиришдаги қийинчиликлар туфайли юзага келади. Бунга мисол қилиб, минтақа кўлами, аудиториялар ҳажми ва ўқитувчилар сони билан чегараланган бизнес-мактабдан миллий ёки халқаро миқёсдаги бизнес яратишга имкон берадиган таълим жараёнини ўзгартириш жараёнини келтириб ўтиш мумкин. Таълим жараёнини рақамли кўринишга келтириш, ҳаражатларни минималлаштириш, ўқув курсларини эса ўқитувчи гапирадиган тилни тушунадиган чекланмаган аудитория учун очиқ қилишга имкон беради. Экспоненциал ташкилот яратишнинг асосий шартларидан бири, ҳизматларни бир хиллаштириш имконияти ҳисобланади, агар ҳизмат бир хиллаштирилган бўлса, ушбу ҳизматларни тақдим этишни бошқариш тизими ҳам бир ҳиллаштирилиши ва келгусида тўлиқ автоматлаштирилиши мумкин. Компанияни мақсадли бозорда вирусли маркетинг ва «сарафан» радиоси усуллари орқали илгари суриш мумкин бўлиб, бу нарх бўйича демпинг ва ҳизматлар буюртма қилиш учун рақамли интерфейс ҳисобига минимал ҳаражатлар билан бизнеснинг «портлаб» ўсишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбарнинг кундалик қоидаси бўлиши лозим. 2017 йил Тошкент.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш стратегияси тўғрисида" Фармони. 02.07.07., №ПП 4947.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сонли "Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарори.
4. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 августдаги "Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш ва жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" Қарори.
5. Гулямов С.С., Абдуллаев А.М. Иктисодиётда замонавий ахборот тизимлари ва технологиялари. Т.: Импресс Медиа, 2018 йил Тошкент.

S.K.Boyjigitov – SamISI, Marketing kafedrasi assistenti
Sh.O‘.O‘ralova – SamISI, MR-319 guruh talabasi
L.N.Xalikova – SamISI, Iqtisodiyot nazariyasi kafedrasi dotsenti

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA INNOVATSION MARKETINGNI RIVOJLANTIRISH

Annotatsiya: maqolada bugungi kunda ijtimoiy hayotimizda zarur bo‘lgan innovatsion texnologiyalarni hayotga tadbiq etish, Innovatsion marketing tarmog‘ining rivojlanishi uchun zarur shart-sharoitlarni joriy etish ko‘zda tutilgan.

Kalit so‘zlar: raqamli iqtisodiyot, marketing, innovatsiya, xizmat ko‘rsatish, elektron to‘lovlar, innovatsion marketing, biznes, tovar, internet –reklama.

Аннотация: В статье представлено внедрение инновационных технологий, необходимых в нашей социальной жизни, а также созданы необходимые условия для развития маркетинговой сети инновации.

Ключевые слова: цифровая экономика, маркетинг, инновации, предоставление услуг, электронные платежи, инновационный маркетинг, бизнес, бренд, интернет-реклама,

Abstract: The article provides the introduction of innovative technologies that are necessary in our social life, and the introduction of the necessary conditions for the development of the Innovatsions marketing network.

Keywords: digital economy, marketing, innovation, service delivery, electronic payments, innovative marketing, business, brand, internet advertising.

Barchamizga ma’lumki, mamlakatning raqobatbardoshligini oshirish, iqtisodiy salohiyatini yuksaltirish, innovatsiyalarni keng joriy etish va resurslardan oqilona foydalanish har bir mamlakatning ustuvor vazifasi hisoblanadi.

Bugungi kunda jamiyat rivojida raqamli iqtisodiyot muhim rol o‘ynaydi.

Ya’ni bunda an’anaviy resurslar emas balki ilm, ma’rifat bilan sug‘orilgan, ilm sig‘imi yuqori bo‘lgan axborot oqimlari va ularning innovatsiyalardagi ko‘rinishi barqaror iqtisodiy o‘sishning omili hisoblanadi. Innovatsion strategiyalar mamlakatning globallashuv sharoitida rivojlanish qobiliyatini ta’minlaydi. Biznes va fuqarolar tartibida ishlash qobiliyatini amaliyotda qo‘llashga yordam beradi. Aholini foydali axborot bilan ta’minlashga qaratilgan omil yetakchi o‘rinni egallaydi.

Raqamli iqtisodiyot - bu xo‘jalik faoliyatini yuritish bo‘lib, bunda ishlab chiqarish va xizmat ko‘rsatishdagi asosiy omil raqamlar ko‘rinishidagi ma’lumotlar bo‘lib, katta hajmdagi axborotlar qayta ishlash va shu qayta ishlash natijasini analiz qilish yordamida har xil turdagi ishlab chiqarish, xizmat ko‘rsatish, texnologiyalar, qurilmalar, saqlash, mahsulotlarni yetkazib berishda oldingi tizimdan samaraliroq yechimlar tadbiq qilishdir. Boshqacha qilib aytganda, raqamli iqtisodiyot bu onlayn xizmatlar ko‘rsatish, elektron to‘lovlarni amalga oshirish, internet savdo, kraudfanding va boshqa turdagi sohalarni raqamli kompyuter texnologiyalarini rivojlanishi bilan bog‘langan faoliyatdir.
Asosan raqamli iqtisodiyotni rivojlanishining asosiy elementi sifatida elektron tijorat, internet banking, elektron to‘lovlar, internet reklama va shu bilan birga, internet o‘yinlari ko‘riladi.

Qisqacha qilib aytganda, “Raqamli iqtisodiyot” - bozor iqtisodiyoti sharoitida murakkab iqtisodiy tizimlarni modellashtirish va turli-tuman iqtisod-moliya-kredit sohalarida yamgi usullarini qo‘llashni va hayotga tatbiq qilishni o‘rgatadi. “Raqamli iqtisodiyot”ning asosiy masalalari murakkab iqtisodiy tizimlarni raqamli usulda boshqarishni joriy qiladi.

Raqamli iqtisodiyotning afzalliklari:

Axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining rivojlanishi, zamonaviy texnologiyalarning hayotimizga tadbiq etilishi har bir inson hayotida ko‘plab ijobiy imkoniyatlar berishi mumkin. Raqamli texnologiyalar rivojlanishi ortidan inson, unga kerakli mahsulotlarni arzon sotib olish bilan ko‘plab pul mablag‘larini tejashi mumkin. Masalan biron bir kitobning elektron ko‘rinishda sotib olish ancha arzonga tushishi mumkin. Yoki bo‘lmasa oddiy iste’molchi o‘zi ham tadbirkor bo‘lishi, uyidan chiqmagan holda onlayn savdo-sotiq bilan shug‘ullanishi mumkin.

Raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi boshqa afzalliklari quyidagicha bo‘lishi mumkin:

1) Ishlab chiqarishda mehnat samaradorligini oshishi;
2) Kompaniyalarning raqobatbardoshligini o‘sishi;
3) Ishlab chiqarishdagi xarajatlarning kamayishi;
4) Yangi ish o‘rinlari yaratilishi;
5) Yangi zamonaviy kasblar paydo bo‘lishi;
6) Kambaga’allikni yengish va ijtimoiy tengsizlikning yo‘qolishi.

Raqamli iqtisodiyotning oddiy iqtisodiyotdan farqi nimada?

Masalan, xaridorga poyafzal kerak. Uni bozorga tushib o‘zi bevosita tanlasa va naqd pulga sotib olsa, bu an’anaviy iqtisod. Telegramdagi va boshqa

savdo boti orqali o‘ziga ma’qul tovarni tanlab, tovar egasiga pulni elektron to‘lov tizimi orqali to‘lash va tovarni yetkazib berish ximzati orqali olish - raqamli iqtisodiyot deyiladi. Aslida hammamiz allaqachon raqamli iqtisodiyot ichidamiz, uning qulayliklaridan foydalanamiz. Masalan, oyliklarimiz plastik kartalarga tushadi, elektron to‘lov orqali kommunal xizmatlar, telefon, internet va boshqa mahsulot va xizmatlarga to‘lov qilamiiz, elektron tarzda soliq deklaratasiyasi topshiramiz, kartadan- kartaga pul uzatamiz,uyga taom buyurtma qilamiz va hokazo.Raqamli iqtisodiyot bizga nima beradi?
Raqamli iqtisodiyotning o‘z valyutasi, pul saqlaydigan karmoni,hisoblash usullari kabi terminlari mavjud .

Bugungi kunda foydalanuvchilar oziq-ovqat mahsulotlariga buyurtma berish uchun Telegram botlaridan faol foydalanmoqdalar. Shuningdek, turli internet do‘konlar, elektron to‘lov tizimlari ham faol rivojlanib
Bormoqda. Bu ham elektron iqtisodiyodga misol bo‘la oladi. Raqamli iqtisodiyotni marketing bilan bog‘laymiz.

Bozor iqtisodiyoti sharoitida marketing juda muhim vazifalarni egallaydi. Hozirgi kunda rivojlangan davlatlar marketing ayniqsa raqamli marketingni birinchi darajali faol rivojlantiruvchi tarmoq deb hisoblashadi. Xo‘sh, marketing o‘zi nima?

Marketing-xaridorlarning aniq guruhlari ehtiyojlarini qondirish, bozor muammolarini yechishga har tomonlama yondashish, ehtiyojalrni ayirboshlash yordamida qondirishga qaratilgan faoliyat turi.

Marketing- bozorda vujudga keladigan iqtisodiy munosabatlarni faollashtirish uslublarini, tovarlarni ishlab chiqarish hamda sotish muammolarini yaxlit, tizimli yechish uslublarini, bozorda vujudga keladigan o‘zgarishlarga tezda moslashish, iste’molchilarga tabaqali yondashish, raqobatbardosh yangi tovarlarni vujudga keltirish va ularni ishlab chiqarishni tashkil etish, konyunkturani o‘rganish va bashorat qilish hamda ta’sirchan reklamani rivojlantirish masalalarini o‘rganishni o‘z oldiga maqsad qilib qo‘ygandir. Hozirgi davrda korxonalarimizda marketing tushunchasiga boshqaruv funktsi-yasi sifatida qaralib, marketing vositalarining cheklangan majmuini qo‘llashadi. Bunda ular marketingning birinchi jihatini, ya‘ni uning innovatsion korxona boshqaruv tizimini va uning srategiyasini bozorning istiqboldagi rivojlanishi nuqtai nazaridan baholashga imkon beruvchi asosiy jihatini nazardan chetda qoldirmoqda. Marketingni bu kabi cheklangan va tor tushunishning asosiy sababi innovatsion korxonalarimizda menejment darajasining xorijiy kompaniyalarga nisbatan orqa ekanligi, korxonaning bozordagi mavqeyini shakllantiruvchi biznesning ideologiyasi mavjud emasligi hisoblanadi.

Bozor iqtisodiyoti sharoitida ishlab chiqarish va xizmat ko‘rsatish sohalarining samarali rivojlanishini ta’minlovchi innovatsion faoliyatni boshqarishga alohida e’tibor qaratilishi lozim. Innovatsion faoliyat bozor munosabatlari sharoitida tadbirkorlikning ilg‘or shakli bo‘lib hisoblanadi. Raqobatbardosh iqtisodiyotni shakllantirmasdan turib, raqobatbardosh mamlakatni barpo etish, tarmoqni, tovarni yaratish bir muncha mushkuldir**.**

Innovatsion marketing bu ishlab chiqarish jarayonida innovatsiyalar yaratish imkoniyati, samarali reklama yaratish, marketologlar malakasining yuqoriligi, bozordagi o‘zgaruvchan holatga tezda javob qaytarish imkonini, talabni shakllantirish dasturini to‘g‘ri ishlab chiqarish kabi imkoniyatlarni beradi.

Yuqorida keltirilganlardan shunday xulosa kelib chiqadiki, innovatsion marketingni rivojlantirish davlatning ijtimoiy hayotini bir muncha yaxshilashga muhim poydevor hisoblanadi. Hozirgi kunda innovatsion korxonalar oldida ishlab chiqarish texnologik bazasini yangilash, ishlab chiqariladigan mahsulot sifatini oshirish, sotuv bozorlarini kengaytirish, shuningdek, eksport salohiyatini oshirish kabi dolzarb vazifalar turibdi. Ushbu vazifalarni samarali hal etish faol innovatsion siyosat yuritish va innovatsion korxonada marketing faoliyatini rivojlantirishni talab etadi. Marketing bu bozorni tadqiq etish, bozor konyukturasi ma‘lumotlari asosida mahsulot va xizmatlar ishlab chiqarishni boshqarish va tartibga solish borasidagi faoliyatdir. Agar innovator innovatsiyalar marketingini korxonada menejmentning asosiy tashkil etuvchisi sifatida talqin etsa, tegishli bozor segmentlarini prognozlash, innovatsiyalarning iste‘mol xususiyatlari narxlarini rejalashtirish, reklama xarajatlarini hisoblash asosida, innovatsiyalarning iste‘molchi tomonidan qabul qilinmaslik xavfini ancha pasaytirishga erishadi.

Innovatsion marketingni mamlakatda barqaror rivojlanishini ta’minlash uchun avvalo xizmat ko‘rsatish bilan bog‘liq muammolarga yechim topish lozim. Innovatsion marketing sohasida xaridorlarni oson usul ya’ni tovarning sifati bilan jalb qilish, xaridorlarni keng axborotlar bilan ta’minlash muhim vazifalardan biri hisoblanadi.

Iste’molchilarning xohish istaklarini birinchi o‘rinnga qo‘yish, qo‘llab-quvvatlash lozim. Buning uchun avvalo, xizmat ko‘rsatish sifatini oshirish salohiyatli kadrlarni tayyorlash, oliy ta’lim muassasalarida xizmat ko‘rsatish sohasida sifatli ta’lim jarayonlarini amalga oshirish, texnikaviy hisob-kitob tartibini joriy etish shular jumlasidandir. Bugungi kunda bunday muammolarga yechim topish hamda keng ommaga targ‘ib qilish zarur va yetarli hisoblanadi. Qolaversa internet tarmoqlarida Tovar haqida barcha statistic ma’lumotlarning yetarli darajada bo‘lishi.

Xaridorbop narxning ustuvorligini ta’minlash, yetkazib berish, ayirboshlash xizmatlarini ommalashtirish orqali juda keng tarmoqli innovatsion marketingni Raqamli iqtisodiyot sharoitida qo‘llash foyda va nur ustiga a’lo nur hisoblanadi. Masalan, tadbirkor tomonidan yangi mahsulot yaratildi va bu Tovar haqidagi barcha ma’lumotlar to‘liqlik holicha xaridorlar ommasiga taqdim etiladi. Yaratilgan mahsulot xaridorning didiga, ta’biga yoqsa narx navosi kelishilgan tartibda belgilangan bo‘lsa, to‘lov o‘sha zahoti internet orqali zamonaviy texnologiyalar asosida amalga oshiriladi. Bunda ikki tomon ham manfaatdor shaxs hisoblanadi. Buning uchun albatta jamiyatimizda yetarli darajada shart-sharoitlarni yaratishimiz lozim. Innovatsion korxona mavjud bo‘lib agar unda marketing amal qilmasa, bozorga tavakkal va qo‘rquv asosida

kirib boradi, iste’molchi esa innvestitsiyalarni kutib o‘tiradi. Bunda iste’molchi yangi yaratilgan mahsulot haqida hech qanday yangilik olaolmaydi, talab ham minimal darajada bo‘lib qoladi.

Xulosa kelib chiqadiki, innovatsion marketingni qo‘llash nafaqat tovar yaratish balki keng hajmda iste’molchilarni jalb qilish va har bir korxona o‘ziga mijoz to‘plashi orqali yanada taraqqiy etadi.

А.И.Галиева – студентка 3-курса ГИИКУз. г. Ташкент

МЕНЕДЖМЕНТ И МАРКЕТИНГ СФЕРЫ УСЛУГ В УСЛОВИЯХ ИННОВАЦИОННОЙ И ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИК В УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация: Статья посвящена вопросам важнейших сегментов экономик современного времени - цифровой и инновационной - для дальнейшего практического усовершенствования сферы услуг. Статья характеризует инновационную составляющую как одну из актуальнейших, современных условий структурирования какого то ни было (вышеназванного) сектора экономики, которая, определённо, первостепенно опираетсяна высокую конкурентоспособность, которая, в свою очередь, не возможна без инновации.

Ключевые слова: сфера услуг, социальный эффект, потребность, цифровая экономика, Интернет, инновационная экономика, инфраструктура, конкурентоспособность.

Annotatsiya: ushbu maqolada xizmat ko‘rsatish sohasini yanada amaliy rivojlantirish uchun zamonaviy iqtisodiyotning eng muhim segmentlari – raqamli va innovatsion masalalarga bag‘ishlangan. Maqola innovatsion tarkibiy qismi isodiyotning harqanday sektorni tuzishning eng muhim, zamonaviy shart-sharoitlaridan biri sifatida tavsiflanadi, bu, shubhasiz, birinchi navbatda yuqori raqobat bardoshlikka asoslangan, bu esa o‘z navbatida innovatsiyasiz mumkin emas.

Kalit so‘zlar: xizmat ko‘rsatish sohasi, ijtimoiy ta’sir, ehtiyoj, raqamli iqtisodiyot, Internet, innovatsion iqtisodiyot, infratuzilma, raqobatdoshlik.

Abstract. The article is devoted to the issues of the most important segments of the modern economies - digital and innovative - for further practical improvement of the service sector. The article characterizes the innovative component as one of the most relevant, modern conditions for the structuring of any (above) sector of the economy, which, of course, is primarily based on high competitiveness, which, in turn, is not possible without innovation.

Keywords:service sector, social effect, need, digital economy, Internet, innovative economy, infrastructure, competitiveness.

Технологии, идущие в ногу со временем, дающие возможность управлять инновационными процессами, могут дать возможность ощутить весомый вклад эффективного, да и, конечно же, стабильного развития какого там ни было предприятия сферы сервисных услуг.

Сфера услуг, которая, прежде всего, относится к области социальной, играет огромную роль в развитии и модернизации экономики страны. За последние годы в стране был проделан огромный масштаб работы в спектрах этой сферы.

При таком раскладе важно чётко понимать, сущность социального эффекта, а именно шкалу, на которую поднимается культурный и материальный уровень жизни нашего населения, - а это: абсолютное удовлетворение потребностей людей, улучшение условий существования, комфортные условия на труд. Вообще, социальный эффект уподобляют с моделью Р. Солоу, что прогресс человечества (а здесь подразумевается технический) увеличивает факторную производительность и равновесные темпы экономического роста.

Необходимо изучить конкретно цифровой сегмент экономики. Эта тема является актуальной в силу случившихся качественных изменений в экономике и обществе.

Эволюция цифровой экономики конкретно в нашей стране исходит из понятия цифровых технологий инфраструктуры в соответствии с простыми определениями, сосредоточены конкретно на Интернете.

Исследования показали, что в 104 странах насчитывается около 80% молодежного населения находящегося в online-режиме. Молодые люди в возрасте 15-24 лет составляют большую часть. Этот показатель в развитых странах составляет 94%, в развивающихся странах - 67% и только 30% в странах менее развитых. Подрастающее поколение составляет практически четверть от количества людей пользующихся сетью Интернета во всем мире, около 40% от общего населения нашей республики составляет молодежь в возрасте до 18 лет, около 70% людей в возрасте от 15 до 65 лет [1].

Необходимо проанализировать - как эти цифры сталкиваются с менеджментом в цифровой экономике.

Конечно, цифровая экономика соприкасается с вопросом управления, а здесь, новые технологии и платформы позволяют менеджерам предприятий и физическим лицам сокращать трансакционные издержки взаимодействия во все больших масштабах и осуществлять более тесный контакт с хозяйствующими объектами и государственными структурами. В результате формируется экономика, основанная на сетевых сервисах, а именно - цифровая, или электронная[2].

Экономика инноваций, основанная на использовании знаний обязана включать в себе следующие признаки [3]:

• Открытый, полный и функционирующий доступ какого-либо субъекта в инновациях, инновационной деятельности и инновационных переменах (выстраивание методики открытых инноваций);

• Присутствие мобильной инфраструктуры, сопутствующей созданию национальных информационных ресурсов в эквиваленте, необходимом для прогрессирования инновационного развития;

• Присутствие мобильной инновационной инфраструктуры, которая реагирует быстро и может подстраиваться оперативно, гибко реагировать на необходимые в определённое время инновации;
• Наличие четко налаженной гибкой системы опережающей подготовки и переподготовки кадров.

По общим данным, инновация – являясь итогом инновационной деятельности, получаетустойчивую позицию нового или усовершенствованного продукта (в нашем случае услуги), реализуемого на рынке нового или более усовершенствованного технологического прогресса, успешно адаптирующегося на практике.

На данном этапе развития нам необходимо развитие целостного ссылочно-коммуникационного пласта исследователей изучаемого сегмента экономик, не только исследователей, но и экспериментаторов. Также потребуется внушающее количество экспертов из сферы менеджмента и маркетинга для решения актуальных вопросов и разрешения наболевших проблем изменения данных подсистем в очень нестабильной ситуации национального разума, контрагентской манеры поведения, когда цифровые технологии распространяются массово, а также массовость реализуют: системы электронного обмена данными, digital-коммуникации, ну и другие информационные средства связи.

Для создания ресурсного потенциала возможностей для социально экономического развития и моделирования цифровой экономики на территории независимого Узбекистана следует организовать цифровую стратегию общественности, которая, первым делом, будет основываться на человеческом потенциале, а далее на: инвестициях в ИТ-ресурсах, цифровых инфраструктурах, а также разработках программных приложений, где ключевыми звеньями станутчастный сектор и государство.

Список использованных источников и литературы:

1. Население Узбекистана // countrymeters URL: https://countrymeters.info/ru/Uzbekistan (дата обращения: 04.02.2020).
2. Ягупа Е.Г. Формирование и использование нематериального капитала региона (на примере Сибирского Федерального округа): Монография / Под науч. ред. проф., д-ра экон. наук Р.Н. Федосовой. - М.: ИНФРА-М, 2013. - 238 с. - (Научная мысль).

VI ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МУАММОЛАРИ”

О.Ж.Суюнов – СамИСИ жисмоний маданият кафедраси доценти
Ҳ.Норқораев – СамИСИ жисмоний маданият кафедраси доценти

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШДА ЎҚИТУВЧИНИНГ УСЛУБИЙ ИШЛАРИНИ АҲАМИЯТИ

Аннотация: Мақолада ўқитувчиларнинг иш амалиётини методик мазмуни кўриб чиқилган. Ўқитувчилар ва педагоглар учун таълим жараёнида ва уни модернизациялашда методик тавсияларни ўз ўрнида қўллашнинг зарурлиги кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: Таълим жараёни, педагогик фаолият, услубий иш, ўқув жараёни, педагогик технологиялар.

Аннотация: В статье рассмотрена методические содержание преподавателей и значение работы. Приведены рекомендации и предложения о важности использование методической работы преподавателей и учителей, а также модернизации в процессе обучения.

Ключевые слова: Образовательный процесс, педагогическая деятельность, методическая работа, учебный процесс, педагогические технологии.

Abstract: The article considers the methodological content of the work of teachers. The recommendations and suggestions about the importance of the use of methodical work of teachers and educators, as well as the modernization of the learning process.

Key words: Educational process, pedagogical activity, methodical work, learning process, pedagogical technologies.

Таълим жараёнини замонавийлаштириш жаҳон талабларига мос ўқувчиларни тарбиялаш, уларга таълим бериш ва таълим олувчини ўз ортларидан эргаштира олиш учун бугунги ўқитувчига қандай тартибда ёрдам бериш мумкин? Уларга муносиб илмий, услубий ва маънавий муҳит яратилишининг йўллари қай тарзда белгиланади? Фақат ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари ёрдамида муайян муаммоларни ечиш мумкинми? Ўқитувчи, ўқувчиларга ижодкорлик муҳитини яратиш оркали ўз устида мустақил ишлай олиши, изланиши, мавжуд муаммоларни еча олишини қандай ташкиллаштирса бўлади? каби саволлар ўз ечимини кутмоқда.

Педагогик фаолият чексиз, мураккаб, сермеҳнатдир. Ўқитувчи меҳнатида ўзгармаган элементлар мавжуд эмас, доимо билим соҳаси ривожланади, яъни ўқитувчи ўқитадиган унинг асоси бўлган ўқувчилар контингенти ўзгаради, педагогик фани тўлиб боради. Буларнинг барчаси

муҳим бўлган мазмунни, мақсадга мос келадиган ўқитишнинг шакл, усул ва ўқитиш воситаларини, ўқув жараёнида ўқувчилар билан ҳамкорликнинг самарали йўлларини доимий равишда излаб топишни талаб этади.

Ўқитувчининг касбий педагогик маҳоратини такомиллаштиришнинг қисми, унинг илмий-услубий иши ҳисобланиб, у қуйидагиларни назарда тутади, яъни тўпланган тажрибаларни таҳлил қилиш, тизимлаштириш ва умумлаштиришдир. Услубий иш - ўқитувчини мажбуриятларидан бири ҳисобланиб, махсус фанлардан ўқитиш методиксини ишлаб чикиш ва такомиллаштиришга йўналтирилган бўлади. Унинг натижаси бўлиб ўқув машгулотларида фан бўйича топшириқлар ва вазифалар мажмуи, дидактик материаллар, ўқув-кўргазмали қуролларни яратишдан иборат бўлади.

Услубий иш- бу илм-фан ва илғор педагогик тажрибаларнинг ютуқларига ва ҳар бир ўқитувчини касбий маҳоратини ҳар томонлама оширишга йўналтирилишга асосланувчи амалий тадбирларнинг махсус мажмуидир [3].

Услубий ишлар кенг миқёсдаги муаммоларни қамраб олади, булар:

-мутахассисларни касбий фаолияти тахлили; асосий меҳнат ишлари ва касбий малакаларини аниклаш (мутахассис фаолиятини моделини ишлаб чикиш);

-ўқув жараёнида мутахассисни касбий фаолиятини моделлаштириш (мутахассисни касбий тайёргарлик моделини ишлаб чиқиш);

-зарур кўникмаларни эгаллаш учун топшириқлар мажмуини ишлаб чиқиш, ўқитиш мазмунида унинг ўрнини аниқлаш;

-ўқув дастурларига ўзгартиришлар киритиш;

-ўқитиш мазмунида (аниқ соҳа мутахассислигида) илм-фан, ишлаб чиқариш сохаларидаги ривожланиш башоратларини акс эттириш;

-ўқувчиларни фикрлаш фаоллигини ривожлантиришни таъминловчи, таълимнинг шакл ва усулларини (муаммоли таълимнинг шакл ва усуллари) такомиллаштириш;

-ўқувчиларни фикрлаш фаоллигини ва мустакиллигини ривожлантиришни таъминловчи, таълимнинг шакл ва усулларини (ўқувчиларнинг мустакил ишларини шакл ва усулларини) такомиллаштириш;

-таълимни индивидуаллаштириш (индивидуал топшириқлар ва ишлар, жамоавий шаклдаги ишларда топшириқларни индивидуаллаштириш, индивидуал ўқув дастурлари бўйичаўқитиш);

-дидактик материалларни (дастурлаштирилган таълим учун ўқитувчи дастурлар, топшириқлар мажмуи, машқлар, ишбилармон ўйинлар, таҳлил учун ишлаб чиқарувчилик вазиятлар баёни) ишлаб чиқиш.

Тажрибали ўқитувчи ўзининг ишини ва ҳамкасбини ишини таҳлил қилиши ва умумлаштириши мумкин. У мустақил равишда ўзининг ижодий имкониятларини қўллаб, таълимнинг янги усулларини ишлаб чиқиши мумкин.

Шунингдек, ўқув муассасаларида услубий ишларни ташкил этиш ва

бошқаришда ошкораликка эътиборни қаратиш зарур бўлиб, бунда ҳар бир ўқитувчи меҳнатининг натижаларини ўз вақтида ҳолисона кўрсатиш, рағбатлантириш, танқид қилишни меъёрида амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Одатда услубий ишлар маълум аниқ режага биноан бажарилади. Бу ҳолат айрим ишларни бир неча марта такрорланишини бартараф этиб, ўқитувчилар ўртасида ишларни макбул тақсимланишини таъминлайди [2].

Ўқув муассасаларида услубий ишларнинг умумий режаси илмий - педагогик кенгаш, услубий кенгаш, семинар-амалиётлар, очиқ дарслар, педагогик ўқишлар, илгор педагогик тажриба мактаблари каби ўз ифодасини топади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда ўқитувчи ўқув жараёнида тарбиячи сифатида умумий ва касбий маданияти юзасидан эгаллаши лозим бўлган асосий талабларга жавоб бериши керак, яъни:

- маънавий-ахлокий маданиятни эгаллаш, миллий ғурур ва маънавий ғояларга эгалик ва уларни кундалик ҳаёт билан мувофиқлаштириш, бўш вақтдан унумли фойдаланишнинг ижтимоий аҳамиятга молик йўлларини амалга оширишга интилиш;
- қадриятларимизни эгаллаши, қадимий маданиятимизни билишга интилиши;
- иқтисодиёт ва бозор муносабатлари маданиятини эгаллаши,замонавий иқтисодиёт ва тадбиркорлик фаолиятлари юзасидан билим ва кўникмаларга эга бўлиши;
- сиёсий маданиятни эгаллаши, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя килишни таъминлайдиган давлат тузилмалари ва касаба уюшмалари функцияларини билиш, сиёсий партиялар, ҳаракатлар, ёшлар ташкилоти дастур ва ҳаракатлари бўйича баҳоланадиган фикрларга эга бўлиши;
- экологик маданиятни эгаллаши, таълим тизимида қабул килинаётган кадрларга экологик жавобгарликни англаш, табиатни муҳофаза қилиш соҳасида табиий бойликлардан унумли фодаланишда муаммо ва билимларга қизиқишини ривожлантириш ҳамда экологик муаммолар юзасидан хулосалар чикаришни англаш.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Raximov B.X., Mavlyanov A., Choriyev V. va boshqalar. Pedagogik texnologiyalar sxemalarda. O‘quv qo‘llanma. – T.: Fan va texnologiyalar., 2012
2. Абдуқуддусов О.А., Рашидов Х,. Касб-ҳунар педагогикаси. Тошкент.УМКХТТКМО ва УЦТ. 2009. 238 б.
3. Магзумов П.Т., Ан С. Педагогическое творчество как основа инноваций в педагогике // Ж. Kasb-hunar talimi.-T.: 2001.-№ 6.-Б. 30-31.

A.M.Shonazarov – SamISI katta o‘qiuvchisi

ZAMONAVIYLIK, SIFATLI KADRLAR TAYYORLASH, INNOVATSION YONDOSHUVLAR VA ULARNING PSIXOLOGIK TOMONLARI

Annotatsiya: mazkur maqolada kadrlar tayyorlash tizimini yanada takomillashtirish va zamon talablari darajasiga ko‘tarish, innovatsion yondoshuvlarni amaliyotga samarali tadbiq etish nazarda tutilgan.

Kalit so‘zlar: Ta’lim, sifat, xodim, zamonaviylik, innovatsiya, kasb.

Аннотация: на этой статье освещены эффективное внедрение инновационной подходов в практике, совершенствование и повышения уровня современное требований в системе подготовка кадров.

Ключевые слова: Образование, качества, кадр, современность, инновация, профессия.

Abstract: In this article described efficiency realize innovations approachesto practic, perfectume and increasy level modernize in the system of prepire specialists.

Keywords: Education, quality, specialist, modern, innovation, profession.

Mamlakatimiz o‘z mustaqillgiga erishgandan so‘ng ko‘plab ijtimoiy va siyosiy sohalarda murakkab rivojlanish bosqichlari bosib o‘tildi. Oqilona siyosat yuritilganligi tufayli mavjud muammolar va turli qiyinchiliklarni bartaraf etish imkoniyatiga ega bo‘lindi. Bugungi kunga kelib mamlakatimizda iqtisodiy, ijtimoiy va shu kabi ko‘plab sohalarda hayratlanarli darjada keng qamrovli islohatlar amalga oshirilmoqda.

Kadrlar salohiyati, barcha turdagi tarmoq va sohalarning ravnaq topishi va mamlakatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi uchun muhim ahamiyatga ega. Shu sababdan ham mamlakatimizda tayyorlanayotgan mutaxassislarning kasbiy shakllanishini va ularning sifatli hamda mahoratli kadrlar sifatida kamolotini ta’minlash davlat va jamiyat oldidagi eng asosiy hal etilishi zarur bo‘lgan muammolardan sanaladi. Ushbu hal etilishi lozim bo‘lgan muammolardan kelib chiqib mavzuning dolzarbligi, maqsadi va vazifalari belgilab olindi.

Murakkab va bosqichma-bosqich isloh qilinayotgan, jamiyat va davlat kelajagi uchun zarur bo‘lgan zamonaviy ta’lim tizimi, zamonaviy kadrlarni tayyorlash va ta’lim jarayoniga innovatsion loyihalardan keng qamrovli foydalanish, bugungi kungacha insoniyat hayotida hal etuvchi ahamiyat kasb etib kelgan va kelgusida ham yurtimiz ravnaqi uchun keng qamrovli ahamiyat kasb etuvchi soha sifatida insoniyat hayoti uchun xizmat qiladi. Bu esa bugungi kunda mavzuni naqadar dolzarbligini anglatadi.

Respublikamizning barcha tarmoq va qatlamlariga yangiliklar kirita oladigan bilimli, layoqatli, tashabbuskor ijtimoiy munosabatlarga kirisha oladigan kasbiy bilim, ko‘nikma va malakalarga ega bo‘lgan mutaxassis-kadrlarni sifat jihatidan zamonga mos ravishda, zamonaviy talablar asosida tayyorlash tadqiqot mavzusining asosiy maqsadi qilib belgilab olindi.

Belgilab olingan maqsad asosida tadqiqot oldida turgan asosiy hal etilishi

lozim bo‘lgan vazifalar belgilab olindi. Shu jumladan:

- kadrlar tayyorlash negizida amalga oshirilayotgan izchil islohatlarni samaradorligini oshirish;
- kadrlar tayyorlash tizimiga doir ijtimoiy munosabatlarni o‘rganish va aniq xulosalarga kelish;
- sifatli kadrlar tayyorlash natijasida yurt ravnaqi, xalqning moddiy turmush farovonligini oshirish;
- aqliy salohiyat, kabiy bilim, innovatsion natijalarga erisha oladigan zamonaviy kadrlar zaxirasini yaratish.

Bu kabi keltirib o‘tilgan islohatlar negizida yosh avlodni kelajagi, kuchli raqobatga bardosh beruvchi sifatli kadrlarni tayyorlash, shuningdek xalqning moddiy farovonligiga xizmat qiluvchi, davlat va jamiyat manfaatlariga mos keluvchi, jahon hamjamiyati oldida yuksaklik raqobatga bardosh bera oladigan, o‘quv jarayoniga yangi innovatsion texnologiyalarni zamonaviy uslub hamda vositalar yordamida tadbiq etishning yangidan-yangi shakl va formalarini joriy etish, professor-o‘qituvchilarni kasbiy-kreativ kompetentligini muntazam oshirib borish, bo‘lg‘usi kadrlarda aktyorlik mahoratini shakllantirish kabi ko‘plab ijobiy natijalarga erishish nazarda tutilgan. Bu kabi jiddiy islohatlarni jadal sur’atlarda amalga oshirishda Prezident Shavkat Mirziyoyevning oqilona siyosatining natijasi ekanligi hechkimga sir emas. Bunga misol tariqasida O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy majlisga qilgan murojaatnomasida ham ko‘rishimiz mumkin.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning Oliy majlisga murojaatnomasida bu xususda amalga oshirilishi zarur bo‘lgan vazifalarni begilab berdilar. Jumladan: Aziz yurtdoshlar!

Xalqimiz shuni yaxshi bilishi kerakki: **oldimizda uzoq va mashaqqatli yo‘l turibdi. Barchamiz jipslashib, tinimsiz o‘qib-o‘rgansak, ishimizni mukammal va unimli bajarsak, zamonaviy bilimlarni egallab, o‘zimizni ayamasdan oldinga intilsak, albatta, hayotimiz va jamiyatimiz o‘zgaradi.**

Biz O‘zbekistonni rivojlangan mamlakatga aylantirishni maqsad qilib qo‘ygan ekanmiz, bunga faqat jadal islohatlar, ilm-ma’rifat va innovatsiya bilan erisha olamiz. Buning uchun, avvalambor, tashabbuskor islohatchi bo‘lib maydonga chiqadigan, strategik fikr yuritadigan, bilimli va malakali yangi avlod kadrlarni tarbiyalashimiz zarur. Shuning uchun ham bog‘chadan boshlab oliy o‘quv yurtigacha – ta’limning barcha bo‘g‘inlarini isloh qilishni boshladik. Nafaqat yoshlar, balki bugun jamiyatimiz a’zolarining bilimi, saviyasini oshirish uchun avvalo ilm-ma’rifat, yuksak ma’naviyat kerak. Ilm yo‘q joyda qoloqlik, jaholat va albatta, to‘g‘ri yo‘ldan adashish bo‘ladi.

Sharq donishmandlari aytganidek, **“Eng katta boylik – bu aqil-zakovat va ilm, eng katta meros – bu yaxshi tarbiya, eng katta qashshoqlik – bu bilimsizlik!” Shu sababli hammamiz uchun zamonaviy bilimlarni o‘zlashtirish, chinakam ma’rifat va yuksak madaniyat egasi bo‘lish uzluksiz hayotiy ehtiyojga aylanishi kerak.**

Taraqqiyotga erishish uchun raqamli bilimlar va zamonaviy axborot

texnologiyalarini egallashimiz zarur va shart. Bu bizga yuksalishning eng qisqa yo‘ldan borish imkoniyatlarini beradi. Zero, bugun dunyoda barcha sohalarga axborot texnologiyalari chuqur kirib bormoqda.

Yurtimiz **“Axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish indeksi”** bo‘yicha 2019 yilda 8 pog‘onaga ko‘tarilgan bo‘lsa-da, hali juda ham orqadamiz. Aksariyat vazirlik va idoralar, korxonalar raqamli texnologiyalardan mutloqo yiroq, desak, bu ham haqiqat.

Shu o‘rinda Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning Oliy majlisga murojaatnomasida yurtimizni zamonaviy bosqichga ko‘tarish maqsadida 2020 yilni–mamlakatimizda **“Ilm-ma’rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish”** yili deb e’lon qilindi. Davlatimiz rahbarining taklifi tadbir ishtirokchilari tomonidan qizg‘in qo‘llab-quvatlandi. [1]

Darhaqiqat mamlakatimizda amalga oshirilgan islohatlar qatorida amalga oshirilishi kerak bo‘lgan ijodiy hamda amaliy ishlar xususida ham mamakatimizda faoliyat yuritayotgan barcha tarmoq va sohalarning rahbarlariga ko‘plab hal etilishi zarur bo‘lgan vazifalar belgilab berildi.

Yuqoridagilardan kelib chiqib, quydagi tavsiyalar ishlab chiqildi:

- bo‘lg‘usi mutaxassis-kadrlarni individual-tipologik, yosh davrlari xususiyatlari, texnik qobiliyatlari, intellektual salohiyati va imkoniyatlarini hisobga olgan holda qobiliyatlariga asoslanib ta’lim- tarbiya berish;
- kadrlarni kasbiy bilim, ko‘nikma va malakalarni aholining turmush tarzi bilan bog‘lash va innovatsion loyihalar asosida ta’limga uyg‘unlashtirish;
- zamonaviy kadrlar tayyorlash maqsadiga erishishda asosan ta’limiy, tarbiyaviy va rivojlantiruvchi metodlaridan samarali foydalanish;
- salohiyatli va sifatli kadrlar tayyorlash jarayoniga yang ilg‘or innovatsion loyihalar va texnologiyalarni joriy etish.

Xulosa o‘rnida ta’kidlash kerakki, yurtimizdagi barcha sohalarni raqamlashtirish, ishlab chiqarish sohasini yanada takomillashtirish va samaradorligini oshirish, yosh avlodni ta’lim-tarbiyasi va kadrlar masalasidagi chora-tadbirlarni “Yo‘l xaritasini” ishlab chiqish, yaratilgan ishbilarmonlik va sog‘lom raqobat muhitidan oqilona foydalanish, tadbirkorlik, sohalarini tubdan isloh qilish, aholi uchun yangi ish o‘rinlarini yaratish kabi ko‘plab sohalarni keng qamrovli riojlantirish uchun barchamiz mas’uliyat bilan yondoshib, birlashib harakat qilsakkina yurtimiz yanada gullab-yashnaydi va ravnaq topadi.

[1].O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy majlisga murojatnomasi 2020 yil, 25-yanvar, №19 (7521) 4-bet.

О.Ж.Суюнов – СамИСИ жисмоний маданият кафедраси доценти

ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТДА ТАЪЛИМНИНГ ФАОЛ ЎҚИТИШ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Аннотация: мақолада инновацион фаолиятни бошқаришда ходимларни ўқитишнинг шакли ва усуллари , шунингдек таълим муссасаларининг фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари таклиф этилган.

Калит сўзлар: инновация, интеллектуал капитал, кадрлар, мехнат бозори, мониторинг, персонал лизинги.

Аннотация: в данной статье предложены формы и методы обучения специалистов в сфере управления инновационной деятельностью и показатели оценки деятельности образовательных учреждений направленных на инновационное развитие экономики страны.

Ключевые слова: инновация, интеллектуалный капитал, кадры, трудовой рынок, мониторинг, персональный лизинг.

Abstract In this article the forms and methods of training of specialists in the field of innovation management and performance evaluation of educational institutions aimed at innovative development of the economy.

Keywords: know ledge, situation, situational analysis, profession, problematic situation, education, training, hecristic teaching, modular training, learning education

Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги "Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 436-сонли қарори [1] ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойихалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбик этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 916-сонли карори [2] мамлакатимизнинг инновацион иқтисодиётга ўтишига асос бўлиб хизмат килмокда.

Хозирги шароитда хар қандай тармоққа мансуб замонавий ташкилотлар инновациялардан тизимли фойдаланмаган ҳолда фаолият юрита олмайди. Бироқ, инновацияларнинг амалга оширилиши бир қатор қийинчиликларга боглик:

Биринчидан, замонавий хўжалик юритувчи субъектлар ҳамма вақт ҳам инновацион стратегия ва турли инновацияларнинг мазмуни ва моҳияти ҳақида объектив тасаввурга эга эмас.

Иккинчидан, иқтисодиётнинг аксарият тармоқлари (таълим, тиббиёт, қишлок хўжалиги, озик-овқат ва қайта ишловчи саноат) консерватизм билан фарқ қилади ва уларда банд бўлган ходимлар ичида инновацияларга бўлган мотивацияланган эҳтиёжнинг мавжуд эмаслиги кузатилади.

Учинчидан, инновацияларни амалга ошириш учун юзага келган ижтимоий-иқтисодий шароитда зарур бўлган инновацион

такомиллаштиришни амалга оширишга қодир бўлган малакали кадрлар зарур [3].

Инновацион менежерларни ўкитишда фойдаланиладиган шаклларни шартли равишда учта гуруҳга ажратиш мумкин: анъанавий; инновацион; мустақил ўкиб ўрганиш.

Инновацион фаол ўкитиш шакллари **бир қатор афзалликларга эга:**

- янги материални осонроқ қабул қилиш;
- тажрибани кенгрок қўллаш;
- тингловчилар томонидан ўқиш жараёнида муаммоларни ҳал этишга нисбатан янги ёндашувнинг ишлаб чикилиши;
- самарали ва самарасиз хатти-ҳаракат моделини аниқ кўриш имконияти.

Давра суҳбати - эълон килинган мавзу бўйича асосий далиллар мухокама килинишини ўз ичига олувчи ва иштирокчиларнинг энг юксак фаоллигини назарда тутувчи касбий жамоавий учрашув. Бунда мухокама килиш учун, одатда, ўта долзарб муаммо танлаб олинади. Давра сухбати мақсадлари куйидагилардан иборат:

- муҳокама қилинаётган мавзу бўйича маълумот тўплаш ва тартибга келтириш;
- мавзуни ечишга нисбатан мукобил ёндашувларни излаш;
- оптимал ечимни танлаш;
- ривожланиш стратегиясини ишлаб чикиш;
- давра сухбати иштирокчиларининг бир-бирига ўргатиши.

Давра сухбати самарали бўлиши учун кам сонли (15-20 нафар) билимдон ва ижодий тафаккур юритувчи мутахассислар билан чекланиш максадга мувофик хисобланади. Давра сухбатларини муваффакиятли ўтказишда баҳс- мунозаранинг боришини йўналтирувчи, белгиланган мавзудан четга чикишга имконини бермайдиган бошловчи катта роль ўйнайди. Шунингдек, бошловчи баҳс-мунозарага якун ясайди.

Тренинг - назарий билимлар ва амалий кўникмаларни ўзлаштириш, зарур қобилиятларни шакллантириш, муайян мисолларни тахлил килиш ва гурухий бахс-мунозараларни ўтказиш оркали одатдаги кийинчиликларни бартараф этиш усулларини ишлаб чикишга йўналтирилган фаол ўкитиш шакли. Тренинглар тахсил олувчилар билимдонлигининг умумий даражасини ривожлантириш максадини кўзлайди.

Бу усулда асосий эътибор таҳсил олувчиларда жамоавий иш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилади. Тренингларни ташкил этишда дастлабки боскич, ёрдамчи ва таркатма материали (жадваллар, диаграммалар, фотосуратлар, расмлар, маълумотномалар ва х.к.)ни тайёрлаш боскичи катта ахамиятга эга.

Тренингларнинг қуйидаги турлари тез учраб туради:

- иш юзасидан мулоқот тренинги;
- етакчилик тренинги;
- музокаралар олиб бориш тренинги;

- шахслараро муносабатлар ва коммуникацияларни ривожлантириш бўйича тренинглар;

- психологик тренинглар.

Амалий ўйин - иштирокчиларга реал вазиятга тақлид қилинган ҳолда сунъий тарзда яратилган шароитда ечимларнинг энг макбул вариантларини биргаликда топиш имконини берувчи жамоавий амалий машғулот. Ўйин муайян муассасадаги вазият асосида ташкил этилиши ёки муассаса фаолиятининг бир ёхуд икки йуналиши доиралари билан чегараланиши мумкин. Амалий ўйин- бу ўйиннинг боришини ва унинг мазмунини белгилаб берувчи муайян вазиятнинг мавжудлигини назарда тутади. Персонални ўқитишда амалий ўйинлардан фойдаланиш вазифаларни ечишда махоратни шакллантиришга, жамоада биргаликда ишлаш кобилиятини ривожлантиришга, муайян реал вазифалар юзасидан бошкарув карорларини мустакил равишда кабул килишга ёрдам беради.

Ролли ўйинлар - ролларнинг таксимланиши, ахборотнинг қайта ишланиши ва материалнинг таклиф этилган сценарийга мувофиқ тайёрланишини назарда тутувчи ўқитиш шакли. У раҳбарлик лавозимларига номзодларни ўкитишда тобора оммалашиб бормокда, чунки ролли ўйинлар шахслараро мулокот кўникмаларини ҳосил килишда яхши самара беради. Ролли ўйин вактида реал иш вазиятлари хосил килинади, бундан кузланган максад - олдинга қўйилган вазифани хал этиш хисобланади. Ролларни ўйнаш иштирокчиларга роли ўйналаётган ходим хатти-харакатининг мотивларини яхширок тушуниш имконини беради ва оддий хатоларни кўриш, таклиф этилган вазиятда хатти-харакатнинг тўғри танлашга ёрдам беради.

Иштирокчилар жўшқинлигини ошириш максадида ўйинга оппонент, танкидчи, баъзан эса иғвогар роллари киритилади. Ролли ўйинда иштирок этмайдиган тингловчилар ижрочиларга маслахатлар, маъкуллаш ёки маъкулламаслик ифодаси билан халакит бермаган ҳолда кузатувчилар ролида иштирок этишади. Ўйин нихоясига етгач, у мухокама килинади. Иштирокчилар ўйин якунларига, ўз ҳатти-ҳаракатларига, бошка иштирокчиларнинг хатти- харакатларига ўзлари баҳо беришлари, ўйин вактида дуч келинган муаммолар ва кийинчиликларни кайд этишлари лозим.

Secondment - персонални маълум вактга зарур кўникмаларни эгаллаш учун бошка тузилмага «хизмат сафарига юбориш». Бунда secondment стажировка ёки хизмат сафарлари билан хеч қандай умумийликка эга эмас. Унинг мохияти шундан иборатки, ходим шу компаниянинг бошка таркибий бўлинмасига ёки бошқа компанияга вақтинчалик юборилади. Secondment киска муддатли (100 соатга якин иш вақти) хам, узокрок муддатли (бир йилгача) хам бўлиши мумкин. Secondmentни қўллашнинг барча тарафлар, яъни ходим, бажарувчи ва кабул килувчи томон учун ижобий натижалари мавжуд .

Инновацион фаолиятни бошқариш бўйича мутахассис тайёрлашни

тингловчиларни ишлаб чиқаришдан ажралмаган холда амалга ошириш, уларни илғор амалиётга асосланган ўқув кўлланмалари, шу жумладан тестлар хамда таълимнинг хар бир муайян шакли учун мослаштирилган муайян вазиятлар таҳлили келтирилган электрон кўринишдаги ўқув кўлланмалари билан таъминлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади [3,4].

Хулоса қилиб айтганда, жаҳонда муносиб ўринга эга бўлиш учун мамлакатимиз олдига яқин вакт ичида ўз ишланмаларига таянган ҳолда ривожланишнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган. Ушбу вазифани ҳал этиш учун замонавий кадрлар - бозор шароитида ишлаш учун сифатли таълим олган, жахонда кескинлашиб бораётган ракобатбардош инновацион менежерлар, маслахатчилар, экспертлар зарур. Ушбу мутахассисларнинг муваффакиятли ишлаши Ўзбекистоннинг юқори суръатларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг гаровидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги "Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиклаштириш ва бошкаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида"ги 436-сонли қарори. // www.lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойихалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбик этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўгрисида"ги 916-сонли қарори. // www.lex.uz.
3. Борисов Б.С. Сироткина Н.В. Обучение инновациям. // ИнВестРегион.- 2007.- №1.- С. 26-27.
4. Основы деятельности тьюторов системе дистанционного образования: специализированный учебный курс/ С.А. Щенников, А.Г.Теслинов, А.Г.Чернявская и др. - 2-е изд., испр. - М.: Дрофа, 2006. - 591с.

Ж.Б. Ахтамов– СамИСИ катта ўқитувчиси

ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИНИНГ ЎРНИ

Аннотация: ушбу мақолада хозирги кунда ёшлар тарбиясида халқ педогогикасининг ўрни ва бу йўналишдаги муаммолар тўлиқ ёритилган. Ёшларнинг миллий қадриятларимизни ўрганаган ҳолда ушбу қадриятларни янада бойитиш лозимлиги, ёшларни жисмоний ва рухий баркамол этиб тарбияланишининг мухим жихатлари келтирилган.

Калит сўзлар: халқ педагогикаси, рухий тарбия,ахлоқий тарбия, миллий қадрият.

Аннотация: в данной статье раскрыто значение использования наставлений и нравоучений наших предков, морально-нравственных ценностей в воспитании молодежи. Освещаются народно педагогические методы воспитания детей и ухода за ними. Подчеркивается также то, что молодое подрастающее поколение должно изучать традиции, переданные нашими предками, следовать

им и всячески обогащать наше культурное наследие. Раскрыта роль физического и умственного воспитания в подготовке к различным жизненным испытаниям нашего подрастающего поколения.

Ключевые слова: народно педагогические методы, морально-нравственные ценности, традиции, культурное наследие.

Abstract: The following article is dealt with the moral admonition and exhortation of ancestors, the spiritual and moral values in Grinding up the new generation. The national pedagogical methods of educating children are illuminated. The rising generation should learn, follow the traditions and enrich the cultural inheritance inherited by our ancestors. The role of physical and mental education in training different life trail of rising generation is also revealed.

Keyword: moral admonition, spiritual and moral values, national pedagogical methods, cultural traditions.

Ўсиб келаётган инсоннинг кўз ўнгида мунтазам очилиб бораётган дунёни билиш, уни ўзлаштиришга бўлган қудратли эхтиёж хар бир ёшда ҳар хил бўлади. Чунки оилавий шароит ва таълим-тарбия муассасалари ҳар хил бўлганлиги сабабли, ёшларнинг тафаккур дунёси ҳам бир хил эмас. Болалар ёшлигида қандай тарбияланган бўлса, келажакда шу асосда фаолият олиб боради. Бу фикрлар халқимиз орасидаги «Ёшликда олган билим, тошга уйилган нақш кабидир» деган нақлга тўғри келади. Шунинг учун халқимиз таълим ва тарбияни қўшиб олиб борганлар ва инсоннинг маънавий дунёси унинг амалий фаолиятида асосий кўрсаткич мезони бўлишини таъкидлаб келганлар. Бу ҳақда аждодлар мероси, маданий, маънавий ёдгорлиги бўлган «Авесто»даги «эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал» бирлигида ҳам ўз ифодасини топган.

Ёшлар тарбиясида аждодлар, ўгити, панд-насиҳатлар, ахлоқий қадриятлардан фойдаланиш, уларнинг ақлан зийраклигини шакллантиради. Ахир ота-боболаримизнинг гўзаллик юзда эмас, ақлда деган ҳикматли сўзлари бежиз айтилмаган. Ёшларимизнинг миллий қадриятлар асосида тарбияланиши эса уларнинг ақл фаросати юксак, ахлоқий тарбияси мукаммал, инсоний фазилатлари эстетик маданият билан йуғрилган ҳолатда етишувини таъминлаб беради. Зеро, гўзалликнинг япроғи - ахлоқ, илдизи - ички дунё, меваси - инсоний фазилатдир.

Кекса авлод вакиллари ҳаёт тажрибалари асосида тўпланган, шаклланган доно фикрларини қуйи авлодларга оғзаки ҳикоя, эртак, ривоят, топишмоқ, мақол, панд-насиҳат, маталлар шаклида сингдиришга ҳикматлари билан халқ қалбига кириб боришга интилганлар. Ёшларни ривоят, мақол, панд-насиҳатлар орқали ота-оналарнинг, катталарнинг маслаҳатларига диққат-эътибор билан қулок солишга ривоят ва эртак қаҳрамонларидан намуна олишга ундаганлар. Шулар асосида ёшларни тарбиялаш эса, уларни яхшиликка, мехнат қилишга ва ҳақгўйликка ундайди.

Халқ педагогикасининг бу қирраларида инсон хаётининг хамма томонлари кўрсатилган, уларда ота-оналарнинг болаларни тарбиялаш, парвариш қилиш борасидаги йўл-йўриқ ва усуллари ҳам ўз ифодасини топган.

Шунинг учун ҳозирда халқ педагогикасига бўлган эътибор кучайиб бормоқда.

Ёшларнинг маънавий ахлоқий камол топишига таъсир этувчи анъаналар катта тарбиявий аҳамиятга эга. Масалан:

Наврўз байрами - бир кунда ўтиб кетадиган байрам эмас, балки бир неча кун давом этади. Унда хамма жойлар тозаланади, сумалак учун буғдой ундирилади. Хафагарчиликлар унутилади, гинахонликка бархам берилади. Наврўз кунлари ҳеч кимнинг оғзидан ёмон гап, ҳақорат чиқмаслиги шарт ҳисобланиб, уруш-жанжал ман қилинади. Шу сабабли Наврўз кунлари ҳамма жойда интизом озодалик ҳукм суради.

Хайит - бу куни хамма бир-бирларига таом чиқаришади, ташриф буюришади, кексаларга совға-салом олиб боришади, камбағал, етим-есирлар, бева-бечораларни йўқлаш ҳар бир кишининг бурчи ҳисобланади. Мархумлар сиймоси эсланиб, қариндош-уруғлари билан руҳан йўқлаш орқали руҳини шод этишади. Гиналар унутилиб, урушганлар ярашадилар.

Маросимлар, урф-одатларнинг амалий ифодаси. Улар маълум қоида, тартиб, меъёрлар асосида ўтказилади. Унга ҳамма амал қиладилар унинг тартиб-қоидаларидан четга чиқиш жамоатчилик тамонидан қораланади. Масалан, мотам маросимини олайлик. Бу дам кайғули ва изтироблидир. Бу пайтда одам ҳаётнинг барча икир-чикирларини унутади, марҳумни хотирлайди, ҳаёт мамотни таққослайди, яшашнинг моҳиятини ўйлайди, шундай қилиб ўзининг инсоний бурчини ўтайди. Бу маросимда йўқлов, марсия, йиғи, бўзлов каби аза қўшиқдари жўр бўлади. Бу маросим ҳар қандай ғоя, панд-насихатлардан, афсона ва ривоятлардан кўра киши қалбига чуқур, кучли ва мустаҳкам таъсир этади ва мустаҳкам сақланади. Ёшларни тарбиялаш бобида бу каби воситалар муҳим аҳамиятга эга. Миллий анъаналар ҳаёт сабоғи, кучли тарбия воситаси хисобланади.

Қадимда халқимиз ёшларга монанд таъсир кўрсатиш йўли, воситаси яратилган. Керак бўлганда рағбатлантирилган, лозим бўлса жазоланган. Масалан, сувга туфлаш «гуноҳ» бўлади, «ёмон бўлади» деб тушунтирилган. Қадимда ҳовузларнинг, ариқларнинг суви ҳафталаб, ойлаб тоза турган. Киши уни «ҳаром» қилишга ботина олмаган. Болаларга бу «ёмон бўлади» ибораси орқали етказилган. Қозонга мушук ёки ит, сутга сичкон тегса ўша идишлар «ҳаром» ҳисобланиб тоза сувда яхшилаб ювилган. Кечқурун қозон ювуқсиз қолса «ҳаром» бўлган. Кечаси уй супурилмаган, супурги ётқизиб қўйилган. Икки қўлини оркага тираб чалқанча ётиш, бармоқларини занжир қилиш, оёқларини чалиштириб, кўпчилик олдида узатиб ўтириш одобсизлик ҳисобланган. «Ёмон бўлади» ибораси орқали катталарга ҳурмат, кичикларга ғамхўрлик тарбияланган. Етим болаларга, бошига мусибат тушган оилаларга озор етказилмаган. Бундай ахлоқий фазилатлар бола ақлини танимасдан, гапиришни билмасдан олдин ота-она турмуш тарзида ифодаланган. Кейинчалик эса «ёмон бўлади» ибораси орқали давом эттирилган. Маҳалладаги ҳар бир боланинг юриш туриши, тарбияси учун ҳамма баравар масъулият ҳис

қилган. Ота-оналарсиз қолган болаларни боқишни бутун маҳалла ўз зиммасига олган. Бу савоб иш деб қаралган. Боқувчиси йўқлар ҳам маҳалла эътиборидан четда қолмаган. Қазоси етганда бутун маҳалла кўмган.

Халқ тажрибасида фарзандни жисмонан бақувват, ақлан баркамол қилиб тарбиялаш билан бирга уларни ҳаётга турмушнинг оғир-енгил синовларига тайёрлаб боришга ҳам катта эътибор беришган. Бунда таълим-тарбиянинг ўгит-насихат, намуна бўлиш, мехнатда чиниқтириш шаклларидан унумли фойдаланилган. Ёшларни тарбия қилишда халқ тажрибаси усули хозирда ҳам кенг қўлланилмоқда ва ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Ёшликда берилган ҳар бир яхши тарбия, келажакда уларнинг комил инсонлигини таъминлайди.

Адабиётлар

1. Махмудхўжаева М. Донолар илм хақида. Касб-хунар таълими журнали, 2007. - №5, 10-6.
2. Зуннунов А. Оилада бола шахсини ривожлантирщи. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2006, 65-66-6.
3. Алимардонова О., Назаров К,. Ҳаёт ва турмуш одоби. - Тошкент: «Шарқ», 1996, 102-6.
4. Мунавваров А.Қ. Оила педагогикаси. - Тошкент: «Ўқитувчи», 1994, 17-6.

F.B. Rustamova – BuxDU “Iqtisodiyot va turizm fakulteti” I –bosqich talabasi
G.S.Narzullayeva – BuxDU, “Turizm va mehmonxona xo‘jalligi” kafedrasi o‘qituvchisi.

INAVATSION VA RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA XIZMAT KO‘RSATISH SOHASIDA MALAKALI KADRLAR TAYYORLASH MUAMMOLARI

Annotatsiya: ushbu maqolada inavatsion va raqamli Iqtisodiyot sharoitida xizmat ko‘rsatish sohasida malakali kadrlar tayyorlash muammolari to‘g‘risida qisqacha ma'lumotlar va shu muammolarga yechim bo‘ladigan nazariy tadqiqotlar asosida takliflar va soha bo‘yicha jahon tajribasi tahliliy tarzda ochib berilgan.

Kalit so‘zlar: Raqamli iqtisodiyot, inavatsiya, kadr, axborot, ta’lim tizimi.

Аннотация: в этой статье представлен краткий обзор проблем подготовки квалифицированных кадров в сфере услуг в инновационной и цифровой экономике, а также аналитически на основе предложений мирового класса и отраслевых аналитических решений.

Ключевые слова: Цифровая экономика, изобретение, кадровое обеспечение, информация, система образования.

Abstract: This article provides a brief overview of the problems of training qualified personnel in the service sector in the innovative and digital economy, as well as analytically based on world-class proposals and industry-specific analytical solutions.

Keywords: Digital economy, invention, staffing, information, education system.

axborot vakillariga va albatta raqamli iqtisodiyotga bo‘lgan e’tibor yanada kuchayib, uni har jabhadan jadal rivojlantirish va takomillashtirish maqsadida yanada ko‘proq chora-tadbirlar va yangi strategiyalar ishlab chiqarishga, qolaversa uni amalda ijro etishga qaratilgan harakatlar dasturlari ishlab chiqilishi lozim sanaladi. Albatta bu kabi harakatlar iqtisodiyot tarmoqlariga ham, asosan xizmat ko‘rsatish sohasiga ijobiy ravishda o‘z ta’sirini ko‘rsatadi. Jumladan raqamli va innavatsion iqtisodiyotga o‘tishga bo‘lgan ehtiyoj tobora oshib borishi ehtimoldan yiroq emas[3].

Biroq hozirda ushbu sohadagi muammo sifatida ko‘proq kadrlar tilga olinayotganligi bejizga emas. Barchamiz bilamizki an’anaviy iqtisodiyotda korxona daromadining katta qismi kadrlarga yo‘naltirilgan bo‘ladi (maosh, rag‘batlantirish va boshqalar,). Raqamli iqtisodiyotda esa kadrlarga bo‘lgan ehtiyoj yuqori emas, balki aksincha ushbu sohada xizmat ko‘rsatuvchi kam miqdordagi kadrlar yuqori malakali, aqliy salohiyatga ega, ushbu yo‘nalish bo‘yicha kerakli nazariy ma’lumotlarni chuqur egallagan bo‘lishi asosiy shart etib tayinlangan. Aytib o‘tish joizki bizda bu kabi kadrlarni tayyorlovchi institutlar va tajribali mutahasislar hali kam va bori ham yuqori standartlatga hali to‘la-to‘kis javob bermaydi.

Ushbu muammolarning samarali yechimini toppish asosiy maqsad hisoblanadi. Bunga muvofiq bildiriladigan takliflar va ko‘rilayotgan choralar o‘zining istiqboldagi natijasini samarali va ijobiy namoyon etsa biz o‘z maqsadimizga qisman bo‘lsada erishgan bo‘lamiz. Tadqiqot olib borishda boshlang‘ich tahlil va unga munosib takliflar quyidagilarni tashkil qiladi:

- Prezidentimizning “ Iqtidorli yoshlarni aniqlash va yuqori malakali kadrlar tayyorlashning uzluksiz tizimini tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi № PQ-4306 (03.05.2019) sonli qaroriga[1] muvofiq mamlakatimizda istiqbolli yoshlarni qo‘llab-quvvatlash, ularning iqtidorini ro‘yobga chiqarish, ilmiy-tadqiqot va innovatsion faoliyatini samarali yo‘lga qo‘yish uchun qo‘shimcha shart-sharoitlar yaratish borasida izchil chora-tadbirlar amalga oshirilishi ham bir yechim bo‘lishi mumkin.

- Shu bilan birga, ulg‘ayib kelayotgan yosh avlodning ilm egallashga bo‘lgan ishtiyoji va intellektual salohiyatini oshirish, shuningdek xalqaro maydonda mamlakatimizning nufuzini yanada yuksaltirish uchun iqtidorli yoshlarni aniqlash va yuqori malakali kadrlar tayyorlashning uzluksiz tizimini takomillashtirish zarurati mavjudligini hisobga olgan holda yuqori standartlarga javob beradigan professional xorijiy expertlarni jalb qilish va ular tomonidan o‘qituvchilarga seminar-trening darslarini joriy etish hududlarda malakali targ‘ibotchilar sifatini oshirishga yordam beradi.

- Yoshlarni amalga oshirilayotgan islohotlarning faol ishtirokchisiga aylantirish, ilm-fanni o‘zlashtirishga bo‘lgan rag‘batini oshirish, izlanuvchanlik va yaratuvchanlik faoliyatiga keng jalb qilish jahon tajribasini o‘z aqliy salohiyati bilan o‘zlashtirishi uchun kerakli sharoitlar yaratish va investitsiya ajratish va rag‘batlantirish orqali ham yuqorida aytib o‘tilgan muammolarga bir yechim bo‘lishi mumkin.

Yuqorida takidlab o‘tilganidek ushbu chora-tadbirlar va amalda ko‘rsatilishi ehtimolda tutilgan harakatlar iqtisodiyot tarmoqlariga, asosan xizmat ko‘rsatish sohasiga alohida ta’sir ko‘rsatadi. Albatta innavatsion va raqamli iqtisodiyot sharoitidagi xizmat ko‘rsatish sohasida uchrab turishi mumkin bo‘lgan muammolar nazardan yiroq emas. Bunga sabab esa raqamli iqtisodiyotning ommaviy axborot vositalari, blokcheyin tizimi, aniqroq qilib aytganda internet tizimi va texnika-texnologiya bilan bevosita va uzviy bog‘langanligi va bu sohada malakali hamda salohiyatli kadrarning yetishmovchiligidir. Garchi hozirgi davrda ommaviy axborot vositalari (Instagram, Telegram, Facebook va boshqalar) inson hayotining ajralmas bir qismiga aylangan bo‘lsada davlat hududida internet tezligi pastligi va kadrlar tayyorlashda yuzaga kelayotgan ayrim muammolar soha rivojining pasayishiga jiddiy ta’sir ko‘rsatmasdan qolmasligi hammamizga ma’lum.

Ushbu sohadagi bir-necha yillik tajribaga asoslanib aytadigan bo‘lsak,raqamli iqtisodiyotning asosiy bilimlariga ega bo‘lgan universitet bitiruvchilarining soni ko‘proq bo‘lishi kerak. Biroq bitiruvchilarning IT mutaxassislaridan, ushbu texnologiyalardan ishonchli foydalanadiganlar soni ko‘proq. Raqamli iqtisodiyotda talab qilinadigan yangi yo‘nalishlarni o‘rganish uchun odamlarda motivatsiya bo‘lishi muhimdir. Bunga ish beruvchilar jalb qilinishi kerak. Agar ularning xodimlari o‘zlari ishlab chiqsa va qo‘shimcha bilimlarga ega bo‘lsalar, o‘zlari uchun foydalidir. Yirik kompaniyalar, shu jumladan davlat ishtirokidagi kompaniyalar, o‘quv xizmatlari, kurslar tashkil etishlari mumkin .[2]

Mavzuga tegishli tadqiqotlar olib borish jarayonida jahon tajribasiga ham tayanmaslikning iloji yo‘q va bunga asosan Rossiya federatsiyasining raqamli iqtisodiyot va raqamli iqtisodiyot sharoitida kadrlar tayyorlashda tutib kelayotgan ayrim strategik yondashuvlar quyidagicha o‘rganib chiqildi.

-Raqamli iqtisodiyotning asosiy vakolatlarini o‘zlashtirishda fuqarolarni, shu jumladan hozirgi soha vakillarini rag‘batlantirish va ularga yordam berish

-Kompaniyalar va korxonalar ish o‘rinlarini yaratishga va o‘z xodimlarini va boshqa fuqarolarni raqamli iqtisodiyotning asosiy vakolatlarini egallashga imkoniyat yaratishi uchun aniq loyihalar tuzish

-Yuqori malakali xorijiy fuqarolarni davlatning raqamli iqtisodiyotini rivojlantirishda ishtirok etishga undash

-Raqamli iqtisodiyotning asosiy vakolatlariga qo‘yiladigan talablarni shakllantirish va ta'lim tizimiga joriy etish

-Ta'lim tizimi yangi raqamli muhitda insonning har tomonlama rivojlanishini ta'minlaydi va iste'dodlarni kashf etadi

-Oliy ta'limi tizimi fuqarolarni raqamli iqtisodiyot sharoitlariga tayyorlash va moslashtirish hamda raqamli iqtisodiyot uchun malakali mutaxassislarni tayyorlash maqsadida ishlaydi.

-Uzluksiz ta'lim tizimi raqamli iqtisodiyot uchun malakali mutaxassislarni tayyorlash uchun ishlaydi

-Raqamli iqtisodiyotda biznes, ta'lim va umuman jamiyatning samarali

o‘zaro ta'sirini ta'minlaydigan raqamli iqtisodiyotning asosiy vakolatlari va vakolatlari modellari kontseptsiyasini ishlab chiqish va sinab ko‘rish

-Raqamli iqtisodiyot sharoitida ta'lim tizimi va mehnat bozori doirasida kadrlar malakasini mustaqil sertifikatlash (baholash) mexanizmini ishlab chiqish

-Fuqarolarning vakolatlari va ularning rivojlanish yo‘llarining shaxsiy profillaridan foydalanish formatini yaratish, shuningdek, test jarayonida jismoniy va yuridik shaxslar uchun ushbu ma'lumotlardan foydalanish qoidalarini aniqlash

-Vakolatli profil va shaxsiy rivojlanish yo‘llaridan zarur va yetarli darajada foydalanishni ta'minlash

-Raqamli iqtisodiyotning qiyinchiliklari xodimlarning malakaviy talablari va malakasini baholash tizimlarida hisobga olinishini ta'minlash[4]

Yuqorida ko‘rsatilgan stradegiyalarni qo‘llash keyingi xulosaga olib keladi: Raqamli iqtisodiyot sohasidagi talabalar uchun boshlang‘ich biznesni boshlang‘ich bosqichda moliyalashtirish va yetuk kadrlarni tarbiyalash uchun universitetlar, ularning bitiruvchilari, sherik kompaniyalar ishtirokida kamida venchur kapital fondini yaratish kerak.Mamlakatda talabalarga turli yutuqlar uchun mukofot olish va startaplarni ishga tushirish, venchur fondlaridan invest-titsiyalar olish, jadallashtirish dasturlarini amalga oshirish va tadbirkorlikning boshqa turlarini amalga oshirishga imkon beradigan raqamli bonuslar tizimi yaratilishi kerak. Maktab o‘quvchilari, talabalar, yosh olimlar va mutaxassislar-ga yashash joyidan qat'i nazar, bilim, ko‘nikma va tajribaga ega bo‘lish,raqamli iqtisodiyot tizimini tashkil etish va rivojlantirish uchun zarur bo‘lgan resurslardan foydalanish imkoniyatini yaratadigan keng qamrovli o‘quv va tezlashtirish muhiti yaratilishi kerak.Texnologiyalar va tadbirkorlik sohasida hamjamiyatlar va ekspert tarmoqlariga kirish. Bundan tashqari, ushbu muhitni yaratish va rivojlantirishga maktablar, universitetlar va kollejlarning birlashma-lari, individual faol o‘quv muassasalari, biznes birlashmalari va alohida kompa-niyalar, hududlar va alohida faol hududiy tuzilmalar jalb qilinishi kutilmoqda.[5]

Foydalnilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “ Iqtidorli yoshlarni aniqlash va yuqori malakali kadrlar tayyorlashning uzluksiz tizimini tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi № PQ-4306 (03.05.2019) sonli qarori
2. Dmitriy Anatolevich Medvedev - rossiyalik davlat va siyosat arbobi. 2020 yil 16 yanvardan boshlab Rossiya Federatsiyasi Xavfsizlik Kengashi raisining o‘rinbosari.
3. A.V. Babkin, D.D Burkaltseva, D.G. Vorobey, Yu.N. Kosten, Formation of dgital economy in Russia:essence, features, technical normalization,development problems, St. Petersburg State Polytechnica University Journal. Economics, 10 (3) (2017) 9-25. DOI:10.18721/JE.10301
4. 2019: МЭР и РВК создают венчурный фонд для проекта <Кадры для цифровой экономики>, digital.ac.gov.ru
5. Федеральный проект “Кадры и для цифровой экономики”:подготовка кадров,центрткомпенций и образования. digital.ac.gov.ru
1. www. translate.google.com
2. www. digital.ac.gov.ru
3. www.Lex.uz

Ў.Р.Зубайдуллаев – СамИСИ жисмоний маданият кафедраси ўқитувчиси

ТАЛАБАЛАР КРЕАТИВЛИК ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация: Мақолада талабалар креативлик қобилиятларини ривожлантиришнинг айрим муоммалари ёритилган.

Калит сўзлар: креатив қобилият, таълим, ривожлантириш, фан, креатив фикрлаш, креатив ҳаракат, креатив маҳсулот, ижод.

Аннотация: В статье изложены проблемы развитие креативных способностей студентов

Ключевые слова: креативные способности, обучение, развитие, наука, креативное мышление, креативные дейсвие, креативная продукция, творчество.

Abstract: In article described some problems of development the creative liabilities the students.

Keywords: creative lialility, education, development, sciens, creative meaning, creative act, creative product.

Фан ва технологияларнинг сўнгги ютуқлари ишлаб чиқариш билан бирга, таълим соҳасига ҳам сезиларли ўзгаришлар, янгиликлар ва ўқитишнинг замонавий воситаларини олиб кириш икмонини берди. Бу ютуқларнинг таълим соҳасига кириб келиши унинг анъанавий вазифаларига нисбатан ҳам сезиларли ўзгартиришлар киритиш заруратини қўйди. Шу аснода таълимдаги ислоҳотлар моҳиятини тушуниш ва англаб етиш учун зарурий педагогик шарт-шароит ва ижодий муҳитни яратиш муаммоси юзага келди.

Шунга кўра, бугунги кунда педагогика фани тараққиётининг замонавий йўналишлари - мавжуд анъанавий таълим парадигмасининг объектив асослари ва уларнинг ривожини таъминловчи қонуниятларни модернизациялашдан иборат этиб белгаланди. Ушбу ўринда, таълим олувчиларнинг янги билимларни ўзлаштириш, ижодкорлик ҳамда фикрлаш мезонларига таянувчи парадигмани яратиш зарурияти намоён бўлиб, у таълим мазмуни, методлари, ташкилий шакллари, кадрлар таъминоти каби жиҳатларни кенг кўламда акс эттирувчи таълим муаммоларини алоҳида долзарб масала сифатида олдинги ўринга олиб чиқишни кўрсатмоқда. Бу эса таълим жараёнида “ўқитувчи ва таълим олувчи” муносабатларини инсонпарварлаштириш, эркинлаштириш ва шахсга йўналтириш орқали ўқув жараёнини мустақил ташкил этиб, бошқарувчи, ҳар бир таълим олувчи шахсининг ижодий ва интелектуал ривожланишини таъминловчи замонавий ўқитувчи шахсига бўлган талабларни вужудга келтирди.

Дарҳақиқат, таълим-тарбия жараёнида ўқитувчининг педагогик таъсири етакчи омиллардан бири эканлигини эътиборга олинадиган бўлса, янгича касбий қиёфадаги, ижодкор ўқитувчи шахсига бўлган ижтимоий талаб ҳар қачонгидан ҳам долзарблашади.

Маълумки, инсониятнинг тарихий тараққиёти босқичида шахс камолоти, ижодкорлиги, шунингдек, ўқитувчининг касбий тайёргарлиги, ижодий қобилиятлари масаласи ўзига хос ёндошувлар доирасида талқин этилади.

Хусусан, ўқитувчилик касбининг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги фикрлар Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино,Умар Хайём таълимотларида яққол кўзга ташланади.

Тасаввуф тариқати намоёндаларидан бўлган Баҳоуддин Нақшбанд толиб баркамол бўлиши учун аввало устоз иймонли бўлиши зарур, дейди. Хожа Баҳоуддин ўқитувчи, яъни, устознинг ҳаракатини қуйидагича тасвирлайди: Шамга ўхшагин, токи ҳаммага равшанлик бағишла, ўзинг эса қоронғуда бўл, яъни унинг фикрича устоз ўзининг илми, салоҳияти билан ўзгалар йўлини, келажагини шамдек ёритмоғи, ўзи эса доимо изланишда, ибодатда бўлмоғи лозимлигини уқтиради[1].

Шарқ мутафаккирлари ўзларининг таълим-тарбияга оид қарашларида инсон камолоти муаммосини бахт-саодатга эришиш учун шароит яратиш ғояси билан боғлаб талқин этганлар. Жумладан, Форобий, Беруний, Алишер Навоий, Ибн Сино, Ҳусайн Воиз Кошифий асарларида олий ахлоқ, маърифат, маънавий эркинликка, бахт-саодатга эришиш йўли ўқитувчининг меҳнати билан боғлиқ ҳолда тасаввур этилади.

Шарқда “Муаллими соний” (“Иккинчи муаллим”) номи билан машҳур Абу Наср Форобий таълим-тарбияга биринчи марта таъриф берган олим ҳисобланади. Улуғ мутафаккир таълимда барча фанларнинг назарий асослари ўрганилса, тарбияда маънавий-ахлоқий қоидалар, одоб меъёрлари ўқувчиларга сингдирилади, касб-ҳунарга оид кўникмалар ҳосил қилинади, деган ғояни илгари суради. Бу муҳим вазифа тажрибали тарбиячилар томонидан таълим-тарбиянинг турли методлари ёрдамида амалга оширилади, деб уқтиради. Аллома педагогнинг фаолияти ҳақида тўхталиб шундай ёзади: Ўқитувчининг вазифаси доно давлат раҳбари вазифасига ўхшаб кетади. Шу сабабли ўқитувчи кўрган ва эшитганларининг барчасини яхшилаб эсда сақлаб қолиши, билмоғи, ақл фаросатга, чиройли нутққа эга бўлмоғи ва ўқувчиларнинг айтмоқчи бўлган фикрларини тўла ва аниқ ифодалай олишни билмоғи зарур, ўқитувчи фақат фан билан шуғулланиб қолмай, балки ўз билимларини ўқувчиларига ҳам бериши, бунда машаққатли меҳнатдан чарчаш нималигини билмаслиги лозим. Ўқитувчи ичишдан ўзини тийиши, ҳақиқатгўй бўлиб ёлғонни ва ёлғон айтганни ёмон кўриши, ғурурли бўлиши ва ўз ор-номусини қадрлаши, ўзининг ўқувчиларига нисбатан адолатли бўлиши, кўзлаган мақсадига эришишда қатъийлик кўрсата билиши лозим[2]. Абу Наср Форобий таълим-тарбия жараёнида тарбияланувчи ёки таълим олувчи шахсига якка ҳолда ёндашишни, унинг табиий, руҳий ва жисмоний хислатларини эътиборга

[1] Зуннунов А. Педагогика тарихи. – Т.: Шарқ НМК, 2004. – 335 б.
[2] Педагогика назарияси ва тарихи. Педагогика назарияси. 1-қисм /М.Х.Тўхтахўжаева ва бошқ. – Т.: “Iqtisod-moliya”, 2007. – 379 б.

олиш зарурлигини таъкидлайди. Шунингдек, у илм олиш масаласига инсон моҳиятини тушунтириб беришнинг таркибий қисми сифатида қараб, илм олиш, касб-ҳунар эгаллаш ҳар бир фозил жамият ва фозил шаҳар аҳолисининг зарурий хислатидир, дея уқтиради.

Англиялик тадқиқотчи Депати Патти (Drapeau Patti) талабаларда креативлик сифатларини шакллантириш қуйидаги йўллар орқали амалга оширилишини таъкидлайди:

- креатив фикрлаш кўникмасини шакллантириш, яъни талабалардаги фикрлаш равонлиги, мослашувчанлик, ўзига хослик, яратувчанлик каби кўникмаларни шакллантириш;

- амалий креатив ҳаракат кўникмаларини ривожлантириш, яъни талабалардаги креативликнинг шаклланишига тўсқинлик қилувчи контрсуггестив, тезаурус ва интеракцион омилларни бартараф этиш орқали улардаги интерфаоллик ва мулоқотчанликни ривожлантириш;

- креатив фаолият жараёнларни ташкил этиш - мазкур йўл талабаларни ностандарт вазиятлар билан тўқнаштириш, муаммони ечиш ва инновацион ғояларни илгари суриш асосида ижодий фикрлашга имкон беради.

- креатив маҳсулот (ишланма)лардан фойдаланиш - талабаларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган илғор тажрибалар, ихтиролар, технологияларни излаб топиш ва амалиётга татбиқ этиш[1].

Педагогик-психологик тадқиқотларда креативлик тушунчаси ижод, ижодкорлик тушунчасининг таркибий қисми сифатида ёритилади.

Ижод – инсоннинг моддий ва маънавий неъматларни яратишга йўналтирилган фаолиятидир.Унда инсон тафаккури, хотираси, тасаввури, диққати, иродаси фаол иштирок этади, бутун билими, тажрибаси, истеъдоди намоён бўлади.

Ижод дастлаб инсон тасаввурида туғилади, кейин ижодга таалуқли масалалар юзасидан изланишлар олиб борилади, бошқалар бажарган ишлар танқидийнуқтаи назардан ўрганилади, таҳлил этилади, кузатишлар, тажрибалар ўтказилади. Шундан сўнг тажриба натижаларига асосланиб мантиқий хулосалар чиқарилади, фаразлар илгари сурилади ва буларнинг барчаси тажрибада синаб кўрилади, мавҳум қарашлар ойдинлаштирилади, янгиланади ва тўлдирилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Эгамбердиева Н. Ижтимоий педагогика. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси. – Т.: 2009. – Б.229
2. Қодиров К. Лаёқатни аниқлашнинг социометрик методиаси // Халқ таълими. – Тошкент, 2007. - №5. – Б. 36-44.
3. Ўзбек педагогикаси тарихи / А.Зуннунов таҳрири остида. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – 214 б.

[1] Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem soving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014.

Ж.Б. Ахтамов– СамИСИ катта ўқитувчиси

ЯККАКУРАШ ЭЛЕМЕНТЛАРИ БЎЛГАН ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРНИ ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА ҚЎЛЛАШ

Аннотация: ушбу мақолада яккакураш элементлари бўлган харкатли ўйинларни ўқув жараёнида қўлланилиши концепцияси илмий асосланган ҳолда кўрсатиб берилган. Ўқувчиларнинг жисмоний шаклланиши учун ушбу харакатли ўйинларнинг фундаментал база сифатида роль ўйнаши келтирилган.

Калит сўзлар: қўлланилиши концепцияси ,база,ҳаракатли ўйинлар, критерия, фундаментал.

Аннотация: в работе показана и обоснована целесообразность использования концепции обучения в виде подвижных игр на основе экспериментальных данных, теоретических обобщений и методологических положений. Реализация подвижных игр в процессе физического воспитания школьников по выявленным критериям и аспектам обеспечит повышение уровня фундаментальной подготовки и качества процесса обучения и воспитания.

Ключые слова: использования концепции, база, подвижные игры, фундаментал, критерия.

Abstract: The suitability of the usage of the concept of education in the form of mobile games on the bases of experimental facts, theoretical generalizations and methodological standings is given and justified in the work. The realization of mobile games in the process of physical education of schoolchildren in identifying criteria and aspects provides the increase the level of fundamental preparation and the quality of the education and training process.

Keyword: mobile games, fundamental preparation, concept of education, criteria, methodological.

Мактаб ёшида жисмоний тарбия ҳаётда зарур бўлган харакатли билим ва кўникмаларни ўргатиш ва ҳаракатли фаолиятнинг хилма-хил шароитларда уни кўллаш асосларини эгаллаш учун катта аҳамиятга эга. Шу нарса аниқланганки, бу ёшда ҳаракатли фаолиятни ўрганиш қобилияти янги ҳаракатларни тез ва тўлиқ эгаллаш, етарлича эгалланмаган ҳаракатларни қайта ўрганиш, ҳамма харакатли сифатларни ҳар томонлама ривожлантириш учун яхши даврга эга бўлади. Мактаб ёшида эгалланган ҳаракатли билим ва кўникмаларнинг бой жамгармаси хамда жисмоний интеллектуал, ирода ва бошқа сифатлар касбий-меҳнат ва бошқа махсус харакатли фаолиятни тез ва тўлиқ эгаллаш, кейинчалик катта ёшда жисмоний шаклланиш учун база бўлади.

Болаларни жисмоний ривожлантириш ва тарбиясида асосий рол ўйинга - болалар фаолиятининг муҳим турига тегишли. У бола шахсини, унинг хулқий ирода сифатларини тарбиялаш ҳамда жисмоний сифатларни ривожлантириш ва ҳаракатни шакллантириш учун самарали восита ҳисобланади. Ўйин қоидаларини такрорлаш маълум бир ҳаракатларни

ривожлантириш учун яхши тренинг асосини яратади. Ҳаракатли ўйинлар ақлий фаолиятнинг мураккаб жараёнларини, логик фикрлаш, тасаввур, хотирани шакллантиришга ёрдам беради. Тетикланишни эмоционал бўёқ билан таъминлаган ҳолда, ҳаракатли уйинлар организмни мустаҳкамлашга, унинг бардошини оширишга, ҳаракатни шакллантиришга, хулқий сифатлар, иродани, ташкилотчиликни тарбиялашга ҳам ёрдам беради.

Ҳаракатли ўйинлар шахсни тўлиқ ривожлантиришга ёрдам берувчи шароитлардан иборат: англаш ва эмоционал туйғулар, ички ва ташқи ҳаракатлар, болалар фаоллигининг жамоавий ва индивидуал (якка) бирлиги. Ўйинларни ўтказишга ҳамма бу бирликлар амалга ошиши зарур, яъни ҳар бир ўйин болага янги эмоционал туйғулар, билимлар олиб келсин, мулоқот тажрибасини кенгайтирсин, биргаликдаги ва якка ҳаракат фаоллигини ривожлантирсин.

Ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ва жисмоний ривожланиши динамикасини ўрганиш муҳим ҳисобланади. Бу эса жисмоний тарбия жараёнини таълим мазмунини узгартириш воситасида самарали бошқариш учун асосини яратади .

Ҳозирги вақтгача қуйи синф ўкувчиларининг жисмоний тайёргарлигини дарс вақтида ҳаракатли ўйинларни қўллаш воситалари билан ошириш усуллари етарлича тулиқ ишлаб чиқилмаган, лекин охирги йилларда бу йўналишларда маълум сонли ишлар пайдо булди.

Шу билан боғлиқ ҳолда ушбу муаммони ечиш ўқув жараёнини шакллантиришда анча актуал хисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади шундан иборатки, қуйи синф ўқувчилари билан махсуслаштирилган ҳаракатли уйинларни қўллаш самарадорлигини ва болаларнинг жисмоний сифатларининг ривожланишига, уларнинг таъсирини аниқлаш.

Тадкикотнинг воситалари куйидагилардан иборат:

1. Қуйи синф ўқувчиларининг ўқув жараёнида якка кураш элементлари булган ҳаракатли уйинларни ва махсуслаштирилган ҳаракатли уйинларни қўллаш афзалликлари ва заруриятини аниқлаш.
2. Умумтаълим мактабларининг жисмоний маданият дарсларида яккакураш элементлари бўлган махсуслаштирилган ҳаракатли уйинларни қўллаш методикасини ишлаб чиқиш.

Ҳаракатли ўйинларни ўтказиш методикаси. Хар қандай ўйин, хатто ҳаракатли сифатида бажариладигани хам, ўз таркибида зарурий мусобақа элементига эга бўлади. Шунинг учун хам ҳар қандай уйинда одамнинг ҳаракатли фаолияти белгилар қаторида спорт фаолиятига яқин (оммавий спорт боскичида). Ўкувчиларнинг ўқув жараёнига махсуслаштирилган ҳаракатли ўйинларни киритиш қуйи синф ўқувчиларининг ўқув машғулотларида тасдиқланган дастур доирасида амалга оширилди.

Ўйинни ўтказиш уч босқичда омалга оширилди: ўйинга тайёрланиш, ўйиннинг ўзи, уйинни мухокама қилиш ва ғолибларни тақдирлаш.

Ўйинга тайёрлаш - бу босқич ўқувчиларда ўйинда тўлиқ иштирок этиш

учун етарли бўлган зарурий ҳаракатларни шакллантириш учун йўналтирилган. Бу керакли ўйин ҳаракатларини шаклланишини таъминловчи тайёргарлик машқларидир. Ўйиннинг бориши ва ўйинчиларнинг ҳаракатини кузатиш. Ўйин вақтида болаларнинг ўйинини эгаллаш ва ўзини тутиши маълум даражада уни туғри бошқаришга боғлиқ .

Ўйинни ташкилий равишда ва ўз вақтида бошлаш зарур. Ўйин белги бўйича бошланди. Болаларни ўйинқоидаларига онгли равишда амал қилишга ўргатиш. Уйинжараёнида ўйнаётганларнинг ижодий фикрини ривожлантиришга аҳамият бериш зарур. Бошқарувчи болаларни ўйин билан қизиқтириши, уларни жалб қилиш лозим. Тартибга, ўйинчилар зиммасидаги қоида ва мажбуриятларни хаққоний бажаришига эришиш лозим. Ўйин жараёнида ўйинчиларнинг кайфияти хам назарга олинади .

Ўйиннинг давомийлиги ўйин характерига, машғулотлар шароитларига ва шуғулланувчилар таркибига боғлиқ. Бошқарувчи ўйинни болалар чарчаб қолмасидан якунлаши, уларнинг харакатлари тулиқ хис-хаяжонли булган вақтда, уйинга қизиқиш уйғотиши керак.

Ўйин натижаларининг аниқланиши катта тарбиявий аҳамиятга эга. Ўйин тугагач бошқарувчи унинг натижаларини эълон қилиши керак. Ўйин натижаларини, болаларнинг ўз ҳаракатларини туғри баҳолашга ўргатиш учун хаққоний, хеч кимни назардан четда колдирмасдан эълон қилиш керак.

Ўйин натижалари эълон қилинаётганда, қатнашчиларнинг техник ва тактик ҳаракатларида йўл қўйилган хатоларини кўрсатган холда тахлил қилиниши зарур.

Адабиётлар

1. Жуков М.Н. Подвижные игры. - Москва: «ACADEMIA», 2002. - 160 с.
2. Керимов Ф.А., Юсупов Н. Подвижные игры для кураша. - Ташкент: Абу Али ибн Сино номидаги нашриёт, 2003. - 72 с.
3. Коротков И.М. Подвижные игры в школе. - Москва: «Просвещение», 1976. - 192 с.
4. Кузин В.В.,Полиевский С.А. 500 игр и эстафет. Москва: ФиС,2000.-с.304

A.M.Shonazarov – SamISI katta o‘qiuvchisi

ZAMONAVIY RAHBAR KADRLARINI TAYYORLASHDA TA’LIM XIZMATLARINING AHAMIYATI VA PSIXOLOGIK ASOSLARI

Annotatsiya: Mazkur maqolada zamonaviy ta’lim tizimi rahbarlarining boshqaruv jarayonida innovatsion yondoshuvlardan foydalanish uslublari,vositalari va mazmuni haqida fikr yoritilgan.

Kalit so‘zlar: Boshqaruv, masala, innovatsiya, kasb, kompetentlik.

Аннотация: на этой статье освещены методы использование инновационной подходов в процессе управления руководителя в современной системе образование.

Ключевые слова: управления, проблема, инновация, профессия, компетентность.

Abstract: In this article described methods using innovation approaches in the processes rule of leader in modernize system of education .
Key words: Management, problem, innovation, profession, competency.

O‘zbekistonda rahbar kadrlar salohiyatini oshirishga doir olib borilayotgan davlat siyosati ayni paytda zamonaviy va innovatsion yondoshuvlarni talab etadi. Bu esa o‘z navbatida ta’lim sohasida kadrlar siyosatini ro‘yobga chiqarishda davlat dasturida belgilangan talablar, ta’lim standartlariga asoslangan bo‘lib, bu jarayon o‘ziga xos nazariy va amaliy bilim, ko‘nikma hamda malakalarni talab etadi.

Shaxs ijtimoiy munosabatlar tizimining moslashuvchisi va bevosita a’zosi sifatida faoliyat yuritadi. Shu bilan bir qatorda inson o‘z vaqtida taraqqiyotning yaratuvchisi, ishtirokchisi va iste’molchisi hamdir. Yosh avlodning asosiy iste’mol darajasi O‘zbekiston Respublikasining «Ta’lim to‘g‘risida»gi Qonun va «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» asosida ta’lim xizmatlaridan samarali foydalanish bilan belgilanadi. Mazkur qonunlar mazmun-mohiyat jihatidan asoslari bo‘yicha nazariy va amaliy bilimlar berishga oid masalalarni o‘z ichiga qamrab olingan bo‘lib, ularning inson shaxsi kamolotida tutgan o‘rnini, kadrlar tayyorlash tizimidagi ahamiyati asosli ravishda keng qamrovli yoritib berilishiga e’tibor qaratilgan. Bunda, kadrlar tayyorlashning uslubiy, psixologik, pedagogik asoslari, tushunchalari va shaxsning eng muhim xususiyatlarini ochib berish ko‘zda tutiladi.

Mamlakatimizda so‘ngi yillar davomida iqtisodiy, ijtimoiy, siyosiy, ma’naviyat va ma’rifat, ilm-fan, ta’lim-tarbiya, ishlab chiqarish, innovatsion texnologiyalar, sport, sog‘liqni saqlash, qishloq xo‘jaligi, fermerlar faoliyatini kengaytirish, barcha qatlamdagi tarmoq va sohalarni rivojlantirish, hamda iqtisodiy barqaror muhitni yaratish maqsadida raqobatbardosh sifatli kadrlarni tayyorlash, shahar va qishloqlarni yangitdan zamonaviy va ko‘rkam qiyofaga keltirish, aholini yashashi uchun namunali uy-joylar va ko‘p qavatli uylar qurilib foydalanishga topshirildi. Bularning barchasi davlat dasturi va mamlakatning rivojlantirish strategiyasida belgilab olingan yo‘nalishlarni bosqichma-bosqich amalga oshirilayotgan keng qamrovli islohatar natijasi bo‘lib, bunda asosan xalqimizning moddiy farovonligini oshirish, turmush tarzini yanada yaxshilash maqsadda amalga oshirilayotgan oqilona siyosat desak mubolag‘a bo‘lmaydi.

Ushbu keltirilgan mulohazalardan kelib chiqqan holda ta’kidlash lozimki, yurtimizning barcha sohalarida barqaror rivojlanish davri boshlandi. Bu kabi islohatlarni amalga oshirishdan asosiy kutilayotgan maqsad davlat va jamiyat manfaatlarni mutanosib ravishda yanada ravnaq toptirish, keng qamrovli demakratik boshqaruv tizimini yaratish, yosh avlodni ta’limiy, tarbiyaviy va rivojlantiruvchi maqsadlar asosida shaxsini tarkib toptirish, milliylikka xos va mos, xalqchil siyosat yuritish, hamda dunyo hamjamiyati oldida Mustaqil O‘zbekistonimizni obrusini yanada ko‘tirishga qaratilgan.

Yuqoridagilardan kelib chiqib aytish joizki, bu borada O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy majlisga qilgan

murojaatnomasiga nazar tashlaymiz. Jumladan:

Aziz yurtdoshlar!

Jonajon O‘zbekistonimiz yangi o‘n yillikka qadam qo‘ymoqda. Erishilgan natijalarimiz tarixga aylanib, oldimizda yangi-yangi o‘zgarishlarni amalga oshirish bo‘yicha ulkan vazifalar va imkoniyatlar paydo bo‘lmoqda. Shu bois bugun Sizlar bilan birgalikda mamlakatimizni 2020 yil va kelasi 5 yilda rivojlantirish bo‘yicha ustuvor yo‘nalish va vaziflarni belgilab olish lozim.

Biz yangi O‘zbekistonni xalqimiz bilan birgalikda barpo etamiz, ulug‘vor maqsadni o‘z oldimizga qo‘yganmiz. Bu borada **“Jamiyat – islohatlar tashabbuskori”** degan yangi g‘oya kundalik faoliyatimizga tobora chuqur kirib bormoqda.

Hurmatli qo‘shma majlis ishtirokchilari!

Xalqimizning fidokorona mehnati bilan 2019 yil – Faol investitsiyalar va ijtimoiy rivojlanish yilida salmoqli natijalarga erishdik. Barcha sohalardagi kabi ijobiy natijalar qatorida investitsiyalar hajmi ham sezilarli darajada oshdi.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning tashabbusi bilan O‘zbekistonni rivojlangan mamlakatga aylantirishdek oliy maqsadga erishish uchun barcha sohadagi islohatlar ilm-ma’rifat va innovatsiyon yondashuvlar asosida amalga oshirilmoqda. Murojaatnomada ilm-fanni rivojlantirish, bilimli va malakali yangi avlod kadrlarini tayyorlash orqali mamlakatni yuksaltirish strategik maqsadimiz bo‘lib qolishi ta’kitlab o‘tildi.

Shu maqsadda Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning taklifiga muvofiq, 2020 yil – mamlakatimizda **“Ilm-ma’rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish”** yili deb e’lon qilindi. Davlatimiz rahbarining ushbu taklifi tadbir ishtirokchilari tomonidan qizg‘in qo‘llab-quvatlandi.[1]

Prezidentimiz tomonidan kelgusida mamlakatimizda amalga oshirilishi zarur bo‘lgan barcha tarmoq va sohalarni ijtimoiy, iqtisodiy rivojlantirishga doir **“Yo‘l xaritasi”** ishlab chiqildi. Oxirgi yilarda barcha sohalar kabi barkamol shaxs va malakali mutaxassis-kadrlarni tayyorlash hamda ularni jahon andozalariga mos ravishda tegishli yo‘nalishlar kesimida innovatsion yaratuachanlikka va texnologik jarayonlarga ijodiy yondosha oladigan sifatli rahbar kadrlarni tayyorlash tizimiga alohida e’tibor qaratilmoqda. Bu esa o‘z navbatida tadqiqotning dolzarb ekanligini belgilab beradi.

Afsuski, zamonaviy ta’lim sohasini isloh qilish, boshqaruv va kadrlar tayyorlash sohalarida, innovatsion loyihalarni amaliyotga tadbiq etishga oid shu kabi muammolar bugungi kunda aksaryat hollarda hal etilmasdan qolmoqda. Bu borada tegishli maqsad va mavjud muammolarni hal etishga qaratilgan asosiy vazifalar belgilab olingan.

Zamonaviy rahbar kadrlarni tayyorlashdan ko‘zlangan asosiy maqsad o‘z ishini puxta biladigan, innovatsion g‘oyalar va kasbiy kompetentlikka ega, yuksask madaniyat, kasbiy bilish ko‘nikmalari va malakalariga ega, har qanday

[1]. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy majlisga murojatnomasi 2020 yil, 25-yanvar, №19 (7521) 2-3 betlar.

sharoitda samarali faoliyat yurita oladigan, insoniy yuksak qobiliyatlarga ega, kreativ va innovatsion salohiyatga hamda kuchli milliy ongga ega yetuk mutaxassis-rahbar kadrlarni tayyorlashdan iborat.

Olib borilgan ilmiy tadqiqotlar shuni ko‘rsatmoqdaki, teskor va shiddat bilan taraqqiy etayotgan zamon talablaridan va jahon tajribasidan kelib chiqqan holda, har tomonlama boshqaruvga mos keluvchi, raqobatga bardoshli, yuqori kompetentlikka ega mutaxassis-rahbar kadrlarni tayyorlash jarayoni ayni paytda hal etilishi zarur bo‘lgan vazifalarning sarasi sifatida qaralmoqda.

Ilmiy izlanishlar natijalariga ko‘ra tegishli taklif va tavsiyalar ishlab chiqildi. Ular:

✓ boshqaruvchanlik sifatlarini yaratish, davlat va jamiyat manfaatlariga mos keladigan rahbar kadrlarni tayyorlash;

✓ faoliyatli yondashuvlilik, boshqaruv jarayonida innovatsion ta’lim texnologiyalarini qo‘llay bilish;

✓ kasbiy-kreativ kompetentlikka ega rahbar-kadrlarni tayyorlash;

✓ natijaviylik, tizimlilik, tejamkorlik, ishblarmonlik muhitini o‘zida aks ettiruvchi ischil tizimini yaratish;

✓ boshqaruv jarayoniga sifat jihatdan iqtisodiy samara beruvchi innovatsiyalarni kirita oladigan rahbarlarni tayyorlash tizimini yaratish.

Shu o‘rinda xulosa qiladigan bo‘lsak, ta’lim-tarbiya va innovatsion loyihalar–inson faolligini belgilaydigan muhim bir tarmoqqa aylanmoqda. Bu esa o‘z navbatida yurt ravnaqi uchun asosiy va ustuvor yo‘nalishlardan biri sifatida qarab kelinmoqda.

Ў.Р.Зубайдуллаев – СамИСИ жисмоний маданият кафедраси ўқитувчиси

ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШНИНГ КАСБИЙ-ИЖТИМОИЙ ЗАРУРАТИ

Аннотация: мақолада интерфаол таълим жараёнларини ташкиллаштиришнинг касбий-ижтимоий зарурати масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: креатив қобилият, таълим, ижтимоийлашув, касбий билим, шахсга йўналтирилган таълим, метод, технология, фаол ўқитиш.

Аннотация: В статье рассматривается необходимость рещений профессионально – общественных задач в процессе организации интерактивного обучение.

Ключевые слова: креативные способности, обучение, общественность, профессиональные знание, личностно – ориентированное обучение, метод, технология, активное обучение.

Abstract: In article described issues of organization professional sociyati neessity in the interactivity educanation prosies.

Keywords: creative liability, education, sociality, professional knowledge, person direct education, method, technology, activity treaning.

Таълим тизимини модернизациялаш ва уни шахс имкониятларига тўлиқ мослаштиришга кўмаклашувчи замонавий таълим тизимининг асосий вазифаларидан бири таълим олувчиларда ташаббускорлик, мустақиллик, креативлик сифатларини қарор топтириш ва ривожлантиришдан иборат этиб белгиланган. Шу нуқтаи назардан ёндошадиган бўлсак, мутахассислар тайёрлаш тизимини модернизациялаш, педагогик фаолият самарадорлигини таъминлашнинг асосий шартларидан бири - уларда касбий фаолиятга нисбатан креатив ёндошувини ривожлантиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқида бугунги кунда ёшлар билан ишлаш, жамиятда уларнинг шахсий, касбий ва ижтимоий фаолликларини ошириш масаласи хусусида тўхталиб, бу борада “...ёшлар аудиторияси билан иш олиб боришда интерактив усуллар қўлланмаётганини қайд этиш лозим”лигига алоҳида эътибор бериб ўтди.

Талабаларда креатив қобилиятларни ривожлантиришнинг зарурлиги ўзаро фаол муносабатлар таъсирида ривожланадиган кўникмаларни шакллантириш имконини беради. Бу эса олий таълим муассасаларидаги таълим муҳити, ўқитиш шарт-шароитлари ва методларининг интерфаол характер касб этишини таъминлашни талаб қилади.

Бугунги кунда ўқитувчининг шахсияти ва фаолиятига бўлган талаблар билан олий таълим муассасалари битирувчиларининг тайёргарлик даражалари орасида сезиларли зиддиятлар кузатилмоқда. Шу билан бир қаторда ўқитувчилар тайёрлашнинг мавжуд тизими билан бўлажак ўқитувчи фаолиятининг касбий-ижодий тавсифи орасида ҳам номутаносибликлар кузатилмоқда. Бунинг натижасида ўқитувчилар билан таълим олувчилар орасида тўсиқлар ва бўшлиқ вужудга келди, ўқитувчининг таълим жараёнидаги якка ҳукмронлиги қарор топди. Шу билан бир қаторда, улар аксарият ҳолларда асосан ўқув дастурлари ва дарсликларга боғланиб қолдилар, уларнинг креатив фаолиятларини ривожлантиришга етарлича эътибор қаратилмади. Бу эса, ўз навбатида, ўқитувчилик касбининг ижтимоий мавқеи ва обрўсига путур етказди. Чунки бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш тизими жамият эҳтиёжлари ва унинг ўткир муаммоларидан узоқлашган эди. Шу нуқтаи-назардан, эркин ва шахсга йўналтирилган интерфаол таълим муҳитини шакллантириш, бугунги кунда педагогик тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида баҳоланмоқда.

Сўнгги йилларда педагогик-психологик тадқиқотларнинг асосий йўналиши сифатида таълимни инсонпарварлаштириш, шахсга йўналтирилган таълим, ўқитишни индивидуаллаштириш, таълим шаклларини оптималлаштириш, таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш, бу жараёндаги ўқитувчининг касбий тайёргарлигини такомиллаштириш масаласига алоҳида урғу берилмоқда.

Жумладан, шахсга йўналтирилган таълим концепцияси доирасида

тадқиқотлар олиб борган Ж.Ғ.Йўлдошев, Е.В.Бондаревская, шахсга йўналтирилган маҳсулдор таълим концепциясини илмий-назарий жиҳатдан асослаган А.В.Хуторскийлар ўз тадқиқотларида шахсга йўналтирилган таълим жараёнида ўқитувчининг асосий вазифалари сифатида ташкилотчилик, мулоқотчанлик, ташҳислаш, йўналтириш, фаолият маҳсулини баҳолаш, педагогик рефлексия, ижтимоийлашув, педагогик жараёнларни шахс имкониятлари доирасида лойиҳалаштириш кабиларни келтиради.

Мавжуд концепцияларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, шахсга йўналтирилган таълим жараёнида ўқитувчининг педагогик вазифалари таълим олувчиларга шахсий-ҳиссий таъсир кўрсатиш имкониятларини ифодалаб, ижтимоий маданий муҳитнинг ўзгариши шароитида таълим жараёни барча субъектларининг шаклланишига таъсир кўрсатади.

Маълумки, шахсга йўналтирилган таълим жараёни репродуктив характердаги анъанавий ўқитиш тизимига муқобил тарзда вужудга келди. Унинг ўзига хос жиҳати - таълим олувчиларнинг мустақил, ижодий фаолиятларини ривожлантиришга йўналтирилганлигидадир.

Шахсга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этишга қаратилган педагогик фаолият қуйидагилар билан бевосита боликдир:

- таълим олувчиларни шахсга йўналтирилган таълим жараёнига махсус тайёрлаш;
- маҳсулдор таълим муҳитини ташкил этиш;
- муайян ўқув предметлари бўйича маҳсулдор ўқув материаллари ва дидактик топшириқлартизимини танлаш ва лойиҳалаштириш кабилар.

Шахсга йўналтирилган таълим назарияси ўзида компетентлиликка асосланган ёндашув ҳамда лойиҳачиликка йўналтирилган муаммоли таълим парадигмаларини мужассамлаштиради. Шахсга йўналтирилган таълим назариясидаги мазкур ёндашувлар ва технологиялар таълим олувчиларда креатив тафаккурнинг турли шаклларини ривожлантиришга йўналтирилганлиги билан характерланади.

Шахсга йўналтирилган таълим технологиялари таркибида интерфаол ўқитиш методлари ва технологиялари алоҳида аҳамият касб этади.

Интерфаол таълим – бўлажак мутахассислардаги касбий билим, кўникма ва малакаларни ривожлантиришнинг энг самарали шаклларидан саналиб, унда талабаларда креатив қобилиятларни ривожлантиришнинг муҳим омили бўлган шахс мустақиллиги таъминланади ва ривожлантирилади.

Тадқиқотчилар Л.Н.Вавилова ва Т.С.Баниналар интерфаол таълимнинг самарали жиҳатларини қуйидагича баҳолайдилар:

1. Интерфаол таълим талабалардаги билиш жараёнларини фаоллаштириш, ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни аниқ вазиятларда қўллай олиш, ўз имкониятларини рўёбга чиқариш, ижодий изланиш имконини беради.

2. Интерфаол таълим методлари ва технологиялари – таълим олувчилардаги мотивацияни, ностандарт вазиятларда тўғри қарор қабул қила олиш кўникмаларини, тадқиқотчилик фаоллиги, креатив фикрлаш кўникмасини ривожлантиради.

3. Интерфаол таълим муҳити таълим олувчиларда муаммоларни кўра билиш, таҳлили қилиш, фаол ҳаётий позицяни шакллантириш, толерантлик, ўзгалар фикрига ҳурмат, жамоадаги ҳамкорлик, ҳаётий қадриятларини ривожлантиришга қулай шарт-шароитларни яратади.

Таълим назарияси ва шахс билиш фаоллигини ривожлантириш билан боғлиқ тадқиқотлар таҳлил этилганида, бугунги кунда педагогикада ўқитишнинг бир қатор моделлари мавжудлигини кўриш мумкин бўлади. Жумладан:

1. Пассив ўқитиш модели – бу модел доирасида таълим олувчилар ўқув жараёни объекти сифатида намоён бўладилар. Бунда талабалар тинглайдилар ва кўрадилар.

2. Фаол ўқитиш модели - ушбу жараёнда талабалар ўқитиш жараёни объекти сифатида фаолият кўрсатадилар. Улар мустақил ишлаш, ижодий топшириқларни бажариш ишлари билан кенг кўламда шуғулланадилар.

3. Интерфаол ўқитиш модели – мазкур ўқитиш жараёни таълим олувчиларнинг мунтазам, фаол муносабатлари ва биргаликдаги ҳаракатлари асосида амалга ошади. Ушбу жараёнда талаба ва профессор-ўқитувчи ўқув жараёнининг тенг ҳуқуқли субъекти ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбек педагогикаси антологияси. 2 жилдлик. 1-жилд / Тузувчилар: К.Ҳошимов, С.Очил. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 460 б.

2. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. –Т.: Университет, 1998. – 184 б.

3. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари. – Т.: Фан, 2013. – 247 б.

К.А.Гулмуродов – ТДИУ магистранти
С.У.Норова – ТошДЎТАУ 3-курс талабаси

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ

Аннотация: ушбу мақолада Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиш шароитида, хизмат кўрсатиш соҳасида малакали кадрларни шакллагнтириш, уларга соҳа бўйича чуқур билим ва кўникмалар бериш, малакали кадрлар муаммолари ва бошқа муаммоларни ҳал этиш масалалари кўрилган.

Калит сўзлар: Тадбиркорлик фаолияти, бозор конъюнктураси, меҳнат унумдорлиги, инновацион тадбиркорлик, креатив салоҳият.

Аннотация. В данной статье рассматриваются вопросы формирования квалифицированных кадров в сфере сервиса, придания им глубоких знаний и

навыков в данной области, решения проблем квалифицированных кадров и других проблем в условиях развития экономики Узбекистана.

Ключевые слова. Предпринимательская активность, конъюнктура рынка, производительность труда, инновационное предпринимательство, творческий потенциал.

Abstract: In this article, discus of formation of qualified personnel in the field of service, giving them in-depth knowledge and skills in the field, solution of problems of qualified personnel and other problems are considered in the conditions of development of the economy of Uzbekistan..

Keywords. Entrepreneurial activity, market conjuncture, labor productivity, innovative entrepreneurship, creative potential.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида Ўзбекистоннинг инновацион фаолияти давлат томонидан самарали ва изчил амалга оширилаётган макроиқтисодий ва фаол инвестиция сиёсати, ривожланган хориж тажрибаси ҳамда инвестицион муҳитни янада жозибадорлигини ошириш механизмларига боғлиқ бўлиб, кенг кўламда ўрганилиши зарур долзарб илмий ва амалий муаммолардан бири ҳисобланади. Саноат вакиллари, тадбиркорлар, тадқиқотчи ва олимлар мазкур муаммонинг ечимига миллий хусусиятларни эътиборга олган ҳолда ривожланган хориж тажрибасини қўллаш ва улар билан ўзаро ҳамкорлик тизимини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш орқали эришилади, деган фикрда. Чунки жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва рақобат муҳитини кучайиб бориши, жаҳон бозорида маҳсулотлар ҳаётийлик даврини кескин қисқаришига, бозор конъюнктураси ва истеъмолчилар эҳтиёжларини тез ўзгаришига олиб келди. Натижада ҳар бир хўжалик юритувчи субъектдан рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини ишлаб чиқишни ҳаётий заруриятга айлантирмоқда. Бу эса, мамлакатнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш ва уни самарали бошқаришни талаб этмоқда.

Шу билан бирга, иқтисодиётнинг ривожи учун инвестицияларнинг хизмат кўратиш соҳасига ҳам йўналтирилганлиги, бу соҳада малакали кадрларни талаб этмасдан қолмайди.

Хизмат кўрсатиш соҳасини келтирувчи манба сифатида қарамасдан, балки, унинг жамият учун қуйидаги афзалликларни ҳам алоҳида таъкидлаш лозим:

Биринчидан: Хизмат кўрсатиш соҳасидагилар истеъмолчилар учун танлов имкониятларини оширади;

Иккинчидан, кичик корхоналарда катта компанияларга нисбатан меҳнат унумдорлигини ошириш анча осонроқ;

Учинчидан, Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес асосий роль ўйнаб, инновацион фаолият билан чамбарчас боғлиқдир. Кичик бизнес бозорга осон кириб бориб, ўз ишлаб чиқараётган маҳсулотларини тез-тез турларини ўзгартириши, истеъмолчиларнинг ўзгарувчан талабларига кўра товарлар ишлаб чиқариш билан бозор ҳолатини ўзгаришига тез жавоб

қайтариш қобилиятига эга. Бундан ташқари, кичик бизнеснинг молиявий пойдевори нисбатан кам, бошланғич сармоялар билан шахсий ишни бошлаш ҳамда қисқа муддатда ишлаб чиқаришни ташкил этиш имконияти мавжуд. Айниқса, кичик бизнес орқали маҳаллий аҳоли учун анъанавий товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги фаолиятини ривожлантириш борасида бозорни эгаллаш имкониятига эришиш мумкин.

Хизмат кўрсатиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашда, олий таълим муассасаларининг ўқитиш жараёнларини мукаммаллаштириш лозим. Биринчи навбатда инновацион фаолият ҳақида билимларни бериш талаб этилади. Олий ўқув юртларининг инновацион фаолиятини илмий жиҳатдан ўрганиш давомида турли хил муаммолар ушбу соҳада ишлатиладиган асосий тушунчаларни талқин этиш давомидаёк кўзга ташланди. Бунинг асосий сабаби шуки, биз учун биринчидан, “инновацион фаолият” ва айниқса “олий ўқув юртларининг инновацион фаолияти” деган тушунчаларнинг ўзи нисбатан олганда янгиликдир. Илмий адабиётларда “инновацион фаолият” тушунчаси мазмунан илм-фан соҳасида яратилган янги ғоя асосида ишлаб чиқарилган мутлақо янги, ёхуд такомиллаштирилган илмий ишланмалар ҳисобланади.

Ҳозирги кунда таълим соҳаси ўқув юртларида иш юритиш бевосита ва билвосита иқтисодий либерализация ва глобализация омиллари таъсири остида трансмиллий даражага чиқмоқда. Ушбу тенденциялар таълим соҳасида ўқув жараёнини ўзгартирмаслиги, уни принципиал янги маррага ва тараққиёт уфқига олиб чиқмаслиги мумкин эмас.

Ҳар қандай замонавий олий ўқув юрти муайян уч компонент – омиллар, воситалар ва технологиялар бўлишини талаб қилади. Фақат шу уч компонент бўлгандагина ўқув жараёнини бошлаш ҳамда бозорда аниқ талаб бўлган мутахассисларни ва таълим хизматларини ташкил қилиш мумкин.

Ўқув жараёни таъминоти учун уч компонент бир қатор талабларга жавоб бериши керак:

– ўқув соатларининг керакли ҳажми, яъни нафақат ўқув жараёнини ташкил қилиш, балки келгусида ўқув ҳажмини ошириш имконини берувчи унинг миқдорий ифодаси;

– хизмат кўрсатиш омиллари, воситалари ва технологияларининг тегишли сифати, яъни ўқув жараёнида фойдаланиш учун оптимал ҳолати;

– вақт ва жой бирлиги

– ўқув жараёнида фойдаланиш имконини берувчи барча компонентларнинг бир вақтнинг ўзида чегараланган жойда бўлиши. Таълим хизмати омиллари, воситалари ва технологияларидан фойдаланиш учун масъул ва улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга шахс ёки шахслар гуруҳининг (ваколатли шахслар) бўлиши талаб этилади.

Илмий муассаса ҳамда олий ўқув юртларида инновацион фаолиятнинг мезон ва кўрсаткичлари, инновацион тадбиркорлик олий ўқув юртини ривожлантириш омили эканлиги исботланиб, олий таълим тизими

инновацион фаолиятнинг субъекти ва мамлакат илмий-техник салоҳиятининг манбаи эканлиги очиб берилди. Бу эса хизмат кўрсатиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлаш учун ҳам хизмат қилади.

Юқоридаги кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш ва бажаришни давом эттириш хизмат кўрсатиш соҳасидаги таркибий ўзгаришларга мос кадрларни ва уларнинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади. Гарчи кадрлар тайёрлашнинг миллий тизими ёшларнинг меҳнат бозорига кириб келишларини нисбатан кечиктирсада, лекин уларнинг сифатли ва жаҳон стандартларига жавоб берадиган ҳолатда чиқишини таъминлайди. Зеро, ижтимоий-иқтисодий ва ҳаётий муносабатларда сифат омили устувор аҳамиятига эгадир. Хизмат кўрсатиш соҳасидамалакали кадрлар тайёрлаш миллий модели мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устивор соҳадир. Шу билан бирга, у ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрларнинг илдам тайёрланиши учун зарур шарт-шароитлар яратади.

Бугунги кунда дунёда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг инновацион омили сифатида инновацион тадбиркорликнинг турфа ташкилий шакллари кенг ривожланмоқда. Замонавий ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг тезлаштирилиши аҳамиятли даражада инновацион жараённинг самарадорлиги билан боғлиқ. Ўз навбатида инновацион жараённинг самарадорлиги инновацион бизнес ташкилий тузилмасининг мустаҳкамлиги, инновацион тадбиркорлик билан аниқланади. Инновацион тадбиркорликнинг афзаллиги инновацион ғояларни қидиришга интилишни, янги лойиҳаларни амалга оширишга интилишни ҳамда қайта ишлаш адекватив ташкилий механизмларни талаб қилади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлаш билан бирга, уларга креативликни ошириш муҳим мезон бўлиб қолади. Чунки ҳодимлар ўз малакасини амалиётга жорий эта олмаса, инновацияларни қўллай олмаса, бу соҳа ривожланиши оқсаб қолаверади.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун кадрлар муаммосини хал этишда асосий йўналишларини этиб қуйидагиларни кўрсатишимиз мумкин:

- Олий таълим муассасаларида хизмат кўрсатиш соҳаси бўлажак кадрларини керакли билимлар билан фанларни чуқуррор ўтилишини таъминлаш;
- Талабаларда инновацион ёндашувни кучайтириш уларни креатив фикрлашга ундаш;
- Олий таълимни бевосида ишлаб чиқариш билан боғлаш;
- Талабаларни соҳада олиб борган ишлари, илмий изланишлари учун рағбатлантириш;
- Талабаларнинг амалиёт дастурини кўпайтириш хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожи учун туртки бўлар эди.

VII ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА УМУМИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ МУАММОЛАР”

M.B.Kalonov – Doctor of Economics (DSc)

PROBLEMS IN IMPROVING THE STRUCTURE OF PERIODIC EXPENSES

Abstract: This article explores the cost structure, including the cost of time, and provides specific suggestions and recommendations on its systematization.

Keywords. Cost, period costs.

Аннотация: Ушбу мақолада харажатлар, жумладан давр харажатларининг таркиби ўрганилган ҳамда уни тизимлаштириш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: Харажат, давр харажатлари.

Аннотация: В этой статье рассматривается структура затрат, в том числе затрат времени, и приводятся конкретные предложения и рекомендации по ее систематизации.

Ключевые слова: Стоимость, период затрат.

Introduction: When calculating costs in scientific sources and textbooks, the main focus is on the cost of production (work, services). It emphasizes the calculation of the cost of fixed production, auxiliary production and production, their composition and cost. In this article, we are talking about time costs and its value in calculating the composition, profitability and other performance of the enterprise. That is, we present our study of the costs of the period and its structure and the methodology of accounting for the costs of the enterprises at the moment.

Contingent means are those that are not directly related to the production process, and include such costs as management, sales, and other general economic purposes.

According to the regulations[1], period expenses include:

Cost of sales;

Administrative costs;

Other operating costs.

Sales costs include rail, air, automobile, marine, river and freight transportation (including transportation costs and vehicle charges), market research (marketing, advertising), sales other expenses.

Administrative expenses, social insurance, maintenance, hire and rental minibuses, service and maintenance of the business entity and its subdivisions,

maintenance and maintenance of technical facilities , Pay for long-distance and international calls, rent of buildings and premises for administrative

and management needs, be administrative Maintenance and repair of fixed assets, as well as depreciation costs, higher organizations and associations of legal entities: Ministries, departments, associations, concerns and other expenses, compulsory and voluntary insurance of employees and property not related to the production process Expenses for management, business trips, repayment of expenses, repayment of premises and payment for utilities expenditures, inventory used for administrative purposes, and expenses for writing off the value of household items.

Other operating expenses include personnel training and retraining, the cost of eliminating defects in design and construction, installation and consulting services, payment for auditing services, payment for auditing services, storage of own service facilities and farms. damages, health and leisure activities that are not directly related to staff involvement in the production process the costs of doing business (services for urban and suburban areas, agricultural assistance and other activities) not related to the production of goods, compensation and incentive payments, payments and costs not included in the calculation of wages , fines, penalties, labor costs and staffing costs for a newly-launched enterprise, payment for outdated equipment, costs of maintaining and maintaining production facilities and facilities and other costs during the suspension process.

From the foregoing we can see that the costs of the period are not related to production, but are not included in the cost of production, although the product is in the process of production or sale. Therefore, the costs of the period are deducted from the gross profit in forming the final financial result for the reporting period, not included in the cost. Here, in practice, there are some troubling questions. Our studies have shown that calculating the cost of a major activity by subtracting period costs from gross profit would impede the determination of the net benefit of the underlying activity.

Conclusions and Suggestions. Therefore, in our opinion, the costs of the period, including sales, administrative, tax and other related costs, should be divided into 2 groups.

The first group should include the period costs associated with the core activities, including sales costs, administrative expenses and other period expenses related to the underlying activities.

The second group should include period costs not related to the underlying activities, including sales costs, administrative expenses and other non-core operating costs.

For example, the cost of training in an industry that is not related to the core business of the enterprise is borne out by time costs. However, in our opinion, such costs should be deducted in calculating the cost of operating activities.

This requires, first, the need to deduce the fair value of the underlying business, and secondly, the accuracy of the data used by internal external users.

When calculating the cost of the underlying business, it is advisable to deduct the cost of the product from the sale proceeds and deduct the costs associated with the underlying business. Then the fair value of the underlying activity is formed (Figure 1).



Figure 1. The procedure[2] for determining the profit of the main activity

In practice, the cost structure of a period is also not sufficiently clarified and is accounted for within a single period. For example, an enterprise carries out several activities and operations. Administrative costs are also made for several activities and operations, respectively. However, the total period cost is deducted when determining the underlying benefit. Similarly, property, land and water use taxes and some other taxes and fees are charged in the period expenses. However, in calculating the income of the main activity, it is deducted from gross income without taking into account how much of these taxes are related to the main activity.

А.Э.Тангиров – Самарқанд ветеринария медицинаси институти доценти, и.ф.н.
М.Маджидова – Самарқанд ветеринария медицинаси институти талабаси

ЧЎЛ-ЯЙЛОВ ЧОРВАЧИЛИГИДА КЛАСТЕР ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация: мазкур мақола Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашга, аҳолининг турли қатламлари бандлигини таъминлашга ва уларнинг даромадларини оширишга йўналтирилган. Ишда, қишлоқ хўжалигининг ноёб тармоқларидан бири бўлган тармоқ-чўл-яйлов чорвачилигида маҳсулот етиштиришдан бошлаб уни қайта ишлашгача бўлган

тизим ўрганилган. Бундан ташқари, қуйи мажмуани янада ривожлантирувчи фан ва таёлим соҳаси олимлари, ишлаб чиқаришдаги мутахассислар ва иқтисодчиларнинг ҳаётий тажрибаси ва билимларини мужассамлаштирувчи кластер бошқарув технологиясини ишлаб чиқаришга жорий этиш зарурияти асосланган.

Калит сўзлар: чўл-яйлов чорвачилиги, кластер, қайта ишлаш, харажатлар, фойда.

Аннотация: Данная статья направлена на обеспечение социально-экономического развития Республики Узбекистан, обеспечение занятости различных слоев населения и повышение их доходов. В работе изучена система пустынного и пастбищного скота, которая является одним из уникальных сельскохозяйственных секторов, от выращивания продукта до его переработки. Кроме того, существует потребность во внедрении технологий управления кластерами, которые сочетают жизненный опыт и знания ученых и специалистов в области науки и образования, специалистов отрасли и экономистов с дальнейшим развитием инфраструктуры.

Ключевые слова: пустынно-пастбищное животноводство, кластер, переработка, затраты, прыбиль.

Abstract: This article is aimed at ensuring socio-economic development of the Republic of Uzbekistan, providing employment of various divisions of the population and increasing their incomes. The work has studied the system of desert and pasture cattle which one of the unique agricultural sectors, from the cultivation of the produce to its processing. In addition, there is a need for the introduction of cluster management technologies that combine life experience and knowledge of science and education scientists, industry specialists and economists with further infrastructure development.

Keywords: desert-pasture livestock, clustering, processing, costs, benefits.

Республикамизнинг ер ресурсининг 21,0 млн. гектардан кўпроғини яйловлар ташкил қилиб, улардан унумли фойдаланиш кўп жиҳатдан чўл-яйлов чорвчилигини ривожлантиришга боғлиқ. Аммо, қоракўл қўйларининг озуқага бўлган талаби яйлов ҳисобидан камида 85 фоиз таъминланиши ўрнига атиги 50-55 фоизга қондирилиши бир бош қўйга ўртача 21-22 минг сўм ортиқча харажат қилинишга, ишлаб чиқариш фондларининг 60-65 фоизга эскирганлиги, она қўйларнинг атги 30 фоизигина сунъий уруғлантирилаётганлиги тармоқнинг барқарор ривожланишга имконият бермаяпти.

Чўл-яйлов чорвачилиги қуйи мажмуасида бозор механизмидан самарали фойдаланишга тўсқинлик қилувчи бир қатор омиллар мавжуд. Хусусан, тадқиқотларнинг кўрсатишича, хизмат кўрсатиш корхоналари суст ривожланмоқда, хўжаликларнинг сервис хизматларига бўлган талаблари етарли даражада қондирилмаяпти. Ушбу соҳаларда ҳанузгача соғлом рақобат муҳити шаклланмаган, хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг замонавий муқобил ва нодавлат шаклларини ташкил этиш ва зарур инвестицияларни жалб қилиш талаб даражасида эмас. Ширкатлар фермер хўжаликларига айлантирилиши, кўп тармоқли ишлаб чиқаришга ўтилиши каби сабаблар нафақат агросервис

хизматларига бўлган талабнинг кескин ортишига, балки ушбу тизимда диверсификациялаш жараёнини такомиллаштириш заруратига олиб келмоқда. Зотан, ҳозирги шароитда маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни сифатли ва арзон агросервис хизматларига бўлган талабини ўз вақтида қондириш жиддий муаммолардан бири бўлиб қолмоқдаки, бу эса ўз навбатида бозор механизмини жорий этишга ҳамда соҳанинг барқарор ривожланишига ва рақоботбардошлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бир зооветеринария пункти чорва молларнинг жойлашган ҳудуд майдонинг катта-кичиклигига қараб 8,0-12,0 минг бош шартли қўйлар ўринига 48,4 минг бош ёки 4-6 баробар кўп шартли қўйларга хизмат кўрсатмоқда. Қашқадарё вилоят зооветеринария хизматлари кўрсатишга 33,0 млн. сўмлик буюртма олган ва 27,0 млн. сўмга ёки 81,7 % га бажарган холос. Республикада бир бош шартли қўйга кўрсатилган зооветеринария сервис хизмати 15,0 минг сўм ўрнига атги 80,0 сўмни ташкил қилган. Бундан ташқари Мамлакат аҳолисининг ярмидан кўпи қишлоқ жойларда истиқомат қилишига қарамай, бу ерда хизмат кўрсатиш ҳажми охирги йилда 25-27 фоиздан ошмади. Қоракўлчилик тармоғи жойлашган ҳудудларда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларига нисбатан таъминот даражаси 10-15 марта паст.

Шунингдек, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий қисмни қайта ишлаш қувватлари етишмаётганлиги, қўй сути, мол териси ва жун каби маҳсулотлардан деярли фойдаланилмаётганли ва маҳсулотларнинг чуқур қайта ишланмасдан катта қисми хомашё сифатида сотилаётганлиги чўл-яйлов чорвачилиги қуйи мажмуаси рақобатбардошлигини кескин пасайишга сабаб бўлмоқда. Масалан, Навоий вилоятида гўштни қайта ишлаш 18-20 фоиздан, жунни 21-21, мол терилари 30 фоиздан ошмаяпти. Қоракўл тери қайта ишлаш ошлаш, жунни эса ювиш билан якунланмоқда холос. Улардан тайёр буюмлар ишлаб чиқариш деярли йўлга қўйилмаган. Натижада, жуннинг товарлик даражаси 66,9 фоизни, қоракўл тери 34,7 ва мол териларики 9,9 фоизни ташкил қилган холос ва ишлаб чиқилган 2783,7 ц жун, 3649 дона қоракўл тери ва 15775 дона мол терилари ўз харидорларини топмаган.

Демак чўл-яйлов чорвачилиги хўжаликлари барқарор ривожланишини чегаралаб қўйаётган омиллардан яна бири етиштириган маҳсулотларни сотиш муаммосидир. Ички бозорда ҳам ташқи бозорда ҳам хом ашё эмас балик чуқур қайта ишланган маҳсулотларга кучли талаб мавжудлигини олиб борилган тадқиқотлар кўрсатдики. Бухора, Тўрткўл, Нурота шаҳарларида ва айрим хўжаликларда фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар чўл-яйлов чорвачилиги маҳсулотларидан турли хилдаги буюмлар тайёрлаб ички ва ташқи бозорларда сотишдан 4-5 баробар кўпроқ даромад олишмоқда. Қўшни Қозоқистон Республикасида ҳам жунни қайта ишлаш корхонаси ишга туширилганига қадар харидор топилгандагина 1 килограмм дағал жун 5 тенгеда сотилган. Ҳозирда эса 1 кг. дағал жунни сотиш нархи 18 тенегача кўтарилган.

Тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, қоракўл теридан тайёр маҳсулот тайёрлаш учун сарфланган харажатларнинг 62,4 фоизи уни ишлаб чиқариш, 37,6 фоизи қайта ишлашга сарфланган. Аммо, қоракўл терини қайта ишлашга 37,6 фоиз харажат қилган ҳолда тайёр маҳсулот ишлаб чиқувчи 86,7 фоиз фойдани ўзлаштирмоқда, маҳсулотни ишлаб чиқарувчи эса атги 13,3 фоиз фойдага эгалик қилмоқда. Гўштни қайта ишлаш учун уни ишлаб чиқувчи 73,2 фоиз харажат сарфлаган ҳолда фойданинг фақатгина 11,2 фоизини, қайта ишловчи эса 26,8 фоиз харажат сарфлаб фойданинг 88,8 фоизни олган. Жуни қайта ишловчи олинган фойданинг 86,9 фоизини ўзлаштирган ҳолда 13,3 фоиз ишлаб чиқариш харажатларини сарфлаган холос. Демак, қайта ишловчи корхоналар мустақил хўжалик юритувчи суъект сифатида, энг муҳим монопол мавқедан фойдаланиб, маҳсулот ишлаб чиқарувчи хўжаликларнинг 70-75 фоиз даромадларини асосиз ўзлаштириб олишмоқда.

Такидланганлар билан биргаликда чўл-яйлов чорвачилиги қуйи мажмуаси учун махсус малакали кадрлар тайёрлаш тизими шаклланмаганли, илмий тадқиқот ва наслчилик ишларининг қонқарсизлиги, маркетинг(сотиш) хизмати ташкил этилмаганли каби йирик муаммоларни ўзаро ташкилий-иқтисодий боғлиқ хусусан ишлаб чиқиш ва бозор хизматларини кўрсатувчи, маҳсулот ишлаб чиқарувчи, хом ашёни қайта ишловчи, тайёр маҳсулотларни сотувчи, илмий ва юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш бўйича хизмат кўрсатувчи муасассалар, корхоналар, хўжаликлар фаолиятларини бир технологик тизимга бирлаштирувчи кластер бошқарув технологиясини жорий этиш орқали ечиш мумкин.

Мавжуд муаммоларнинг оқилана ечимни топиш жамоавий уйғунлаувни талаб этмоқда. Барқарор тараққиётни таъминлашни таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциялашувисиз, инновацион жараёнларсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Чунки, инновация билимлар тугал концентрациялашган интеграциялашув туфайли пайдо бўлган ғоядан бошланувчи илмий-тадқиқот, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг фаол ҳамкорлиги маҳсули, янгиланишларга асосланган тўкин ва фаровон ҳаёт, ижтимоий ва иқтисодий юксалишни таъминловчи омилдир.

